ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

СОЦИОЛОГИЯ

Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан бакалаврлар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти.
Тошкент — 2002

Социология. Ўқув қўлланма. Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. "ЎАЖБНТ" маркази, 2002. - 292 бет.

Муаллифлар: **М.Б.Бекмуродов** - Кириш, Хулоса, Биринчи боб, 2-§ (ҳаммуаллиф О.Ота-Мирзаев), Иккинчи боб, 1-§, 2-§, Учинчи боб, 4-§ (ҳаммуаллиф Х.Носирхўжаева), 5-§, Тўртинчи боб, 1-§, 2-§ (ҳаммуаллиф К.Алиева), 3-§ (ҳаммуаллиф А.Юнусов), Бешинчи боб, 5-§ (ҳаммуаллиф С.Хўжаев), 7-§. Олтинчи боб, 1-§ (ҳаммуаллиф О.Ота-Мирзаев);

О.Б.Ота-Мирзаев - Биринчи боб, 1-§ (ҳаммуаллиф М. Х.Ғаниева), 2-§ (ҳаммуаллиф М.Б.Бекмуродов), Бешинчи боб, 6-§ (ҳаммуаллиф К.Калонов), Олтинчи боб (ҳаммуаллифлар Бекмуродов М.Б. 1-§, 2-§, Убайдуллаева Р.А. 6-§, Қаюмов Ў.К. 3-§, 4-§, 5-§) 2, 3-илова;

Р.А.Убайдуллаева – Олтинчи боб, 6-§ (ҳаммуаллиф О.Б. Ота-Мирзаев), 2-илова (ҳаммуаллиф О.Б. Ота-Мирзаев);

Н.С.Аликориев - Бешинчи боб, 2-§ (ҳаммуаллиф И.Аъзамхўжаев), 4-§ (ҳаммуаллифлар К.Абдураҳмонов, Б.Алиқориева);

А.Бегматов - Учинчи боб, 3-§, Олтинчи боб, 2-§;

Ў.К.Қаюмов - Олтинчи боб, 3-§, 4-§, 5-§ (ҳаммуаллиф О.Б.Ота-Мирзаев), 4-илова;

М.Х.Ғаниева - Иккинчи боб, 3-§ (ҳаммуаллиф М.Бекмуродов), Бешинчи боб, 3-§ (ҳаммуаллиф М.Раҳимова);

М.Қирғизбоев - Бешинчи боб, 1-§;

Х.Аҳмедова - Учинчи боб, 2-§ (ҳаммуаллиф Н.Латипова);

Б.Фарфиев – Учинчи боб, 1-§;

А.Холбеков – 1-илова. Жаҳон социологлари тўғрисида маълумотлар.

Масъул муҳаррирлар: **ЎзФА академиги** ***Р.А.Убайдуллаева,*** **профессор** ***В.Каримова***

Тақризчи: Сиёсатшунослик фанлари номзоди, доцент ***Ф.Толипов***

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2002 й.

Мазкур китобнинг оригинал-макети "ЎАЖБНТ" Марказининг мулки бўлиб, Марказнинг розилигисиз уни ҳар қандай йўл билан қайта нашр этиш тақиқланади.

Р.А.Убайдуллаева, М.Б.Бекмуродов, О.Б.Ота-Мирзаев ва бошқ. Социология. Т., «ЎАЖБНТ» Маркази, 2002. 292 б.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда социология фани шаклланди ва баравж такомиллашмоқда. Қўлингиздаги ўқув қўлланма давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий жараёнлар ва жамоаларнинг шаклланиши, тадрижий ўзгариши тенденцияларини илмий тадқиқ этиш йўллари, бу борада фаолият юритаётган дунёдаги мавжуд социологик мактаблар, улуғ мутафаккирларимизнинг социологик қарашлари ҳамда шу масалаларнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги билимларни ўзида ифодалаган.

Ўқув қўлланма мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар, ўрта махсус ўқув муассасалари ўқувчилари ҳамда социология фани билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КИРИШ

Социология мустақил фан сифатида Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан юзага келди. Ўнлаб олий ўқув юртларида социология факультетлари ва кафедралари ташкил этилди, барча таълим йўналишлари ўқув режаларида социология фани зарурий ўқув предмети сифатида жорий этилди. Социология мутахассислари, фан номзодлари ва докторлари тайёрлана бошланди. Ўзбекистонда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганишга мўлжалланган марказ кенг кўламда иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт масалаларини ўрганувчи ўнлаб социологик марказлар фаолият юритмоқда. Истиқлол йилларида жамиятнинг умумий ривожи мамлакатимизда жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, ижтимоий жараёнлар ва жамоалар моҳияти, хусусиятлари, уларнинг фаолият йўналишларига бўлган эътибор кучайди.

Социология фани бугунги кунда муҳим ва тезкор ривожланиш босқичида турибди. Мазкур фаннинг турли муаммолари файласуфлар, тарихчилар, педагоглар, иқтисодчилар ва кенг жамоатчилик томонидан атрофлича ўрганила бошланди. Бундай қизиқиш мустақилликни мустаҳкамлашнинг ҳозирги босқичида турли ижтимоий-сиёсий масалаларни янгича баҳолаш юзасидан социология фани имкониятларига бўлган ижтимоий эҳтиёжларнинг кескин ортиши билан изоҳланади.

Республикамизнинг мустақилликка эришуви, миллий истиқлол йўлидан изчил бораётганлигимиз, ривожланиш тенденциясида Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос беш устувор қоидага асосланиб ҳаракат қилинаётганлиги, хусусан:

— иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан ҳоли бўлиши;

— ҳозирги вазиятда давлат жамиятнинг бош ислоҳотчиси ролини ўйнаши;

— қонун ҳамма жойда ҳамма нарсадан устун туриши;

— мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли миллатлар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ҳисобга олиб, инсонпарварлик билан йўғрилган кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш лозимлиги;

— бозор иқтисодиётига собит қадамлик билан босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш тамойилига изчил риоя этиш

орқали ўта бориш[1], бугунги кунда жамиятимиз турли жабҳаларини атрофлича ўрганиб бориш ижтимоий воқеликдаги фикр ривожи ва уни мақсадли бошқариш масалаларини кун тартибига муҳим масала қилиб қўяди. Ижтимоий-иқтисодий воқеликни чуқур идрок этиш, истиқболни режалаштиришнинг илғор йўналишларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалалари даражасига чиқарилмоқда. Зеро, «Ўзбекистоннинг халқи тез ўсаяпти. Келажакни ўйлаш керак, бир йил олдинни эмас, 10-20 йил олдинни ўйлашимиз керак»[2].

Мақсаднинг бундай лўнда ва қатъий қўйилиши социологик тадқиқот усулларини ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳаларида кенг қўллаш ҳамда жамият ижтимоий жараёнлари қонуниятларини социологик жиҳатдан тадқиқ этиш лозимлигини таъкидлайди.

Ҳаёт бир жойда турғун бўлмаганидек, социология фани ҳам ривожланишдан тўхтаб қолгани йўқ, албатта. Социология фанини умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ўрганиш пировард эмпирик-амалий мақсадга эришиш, яъни тоталитар тартиботлар тизимини инкор этиш ва халқчиллик, адолат ҳамда кенг жамоатчилик фикр-ўйи, интилиш-мақсадлари асосида ижтимоий фаолият юритиш имконини беради. Мустақилликка эришганимиздан кейин давлат тузуми, ички ва ташқи сиёсат, ижтимоий-иқтисодий фаолият анъанавий давлат юритиш қоидаларига мувофиқлаштирилмоқда. Мамлакатимиз Президенти ва давлат аппарати таркибига маслаҳатчилар, консультантлар ва референтлар лавозимларининг жорий этилиши, оқсоқоллар кенгаши ролининг кескин оширилиши, жойларда ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятларининг йўлга қўйилиши маҳалла, қишлоқ кенгашлари тузилгани фикримизнинг далилидир. Жамиятимиз ижтимоий-ҳаётида бир вақтнинг ўзида кўплаб партиялар, уюшмалар, миллий, маданий марказларнинг фаолият юритаётганлиги, плюрализмнинг реал ижтимоий куч касб этганлиги, референдумлар ўтказилаётганлиги, қолаверса, давлат бошлиғи президентнинг альтернатив-муқобил асосда умумхалқ томонидан сайланиши мустақилликка эришган Ўзбекистонда социологиянинг амалий эмпирик базаси нақадар кенгайиб, ривож топаётганлигига тўла асос бўла олади.

---

[1] Каримов И. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг Т., «Ўзбекистон», 1993, 64-бет

[2] Каримов И. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1993, 55-бет.

Социология фани жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билангина чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Шу жиҳатдан социология ижтимоий фанлар орасида ўзининг аниқ ва конкретлиги, зиммасидаги масалаларга берадиган илмий жавоблари атрофлича асосланган, қайта-қайта текширилганлиги билан ҳам қимматлидир. Бу фан фақат ҳозирги ижтимоий ҳолатлар аҳволига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, ижтимоий ҳолатларнинг истиқболий ўзгариши даражаси хусусида башорат қилади. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усулларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Ушбу қўлланмада социология соҳалари ва унинг конкрет тадқиқотлар усулларини кенг қизиқувчилар, айниқса, талабалар томонидан ўрганиш жараёнларини қулайлаштиришга ҳаракат қилдик.

Шу билан бирга мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асослаб берган миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдиришда аҳолининг «ижтимоий хусусиятларини, миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий қарашларини пухта ҳисобга олган ҳолда иш тутиш ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни» теран англаган ҳолда ёндашдик[1].

Социология фанини ўрганишга киришган ҳар бир киши бу фаннинг ўзига хос сўзлари, атамалари, ривожланиш йўналишлари, бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида тасаввурга эга бўлиши керак. Мазкур фанни ўрганувчи киши бу фан нима учун керак деган саволга ҳам жавоб бера олиши керак, чунки ҳар қандай фаннинг ҳаётчанлиги, унинг инсонга нечоғли зарурлиги, ижтимоий фойдалилиги билан ўлчанади. Социология фанини мукаммал ўрганган киши ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий жамоалар моҳиятини, уларда юз бераётган зоҳирий ва бўтиний ўзгаришларни, шунингдек, ижтимоий тараққиёт қонунлари моҳиятини чуқурроқ тушунади, илмий амалиётга назарий-методологик жиҳатдан қуролланган ҳолда кириша олади, кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш ва уни мустақилликни мустаҳкамлаш ва истиқлол йўлига тўла сафарбар этиш амалиёти сирларидан воқиф бўлади. Социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва амалиёти мазмунини ўрганиш жиддий илмий ишга тайёргарлик ҳам демакдир.

---

[1]Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000, 63-бет.

1-БОБ. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Социология фанининг предмети ва объекти

Социология жамият ҳақидаги фандир. Социология жамиятнинг ички таркибини, унинг амал қилиш тартиботлари ва ривожланиш қонунларини ўрганади.

Мамлакатимизда социология фанининг тараққий топишида миллий истиқлол ғоясининг моҳият ва мазмуни муҳим дастур вазифасини ўтайди. Миллий истиқлол ғояси социология фанининг ривожланишида мамлакатимиз конституцияси миллий ва умуминсоний қадриятлари, демократик тамойилларига таяниши, халқимизнинг юксак маънавияти, ўлмас мероси, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини тақозо этади.

Шунингдек, миллий истиқлол ғояси социология фанининг умуминсоний ва миллий тамойиллар доирасида тили ва динидан қатъи назар ҳар бир фуқаро қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғуларини қарор топтириш йўналишида илмий изланишлар олиб боришни муқаддас вазифалар сифатида кун тартибига қуйди[1].

Шундай қилиб, социология жамиятни мураккаб ижтимоий организм сифатида ўрганади. Социология жамиятнинг мавжуд таркибий тузилмалари моҳияти, уларнинг ҳаракат тенденциялари ва тараққиёт қонуниятларини ижтимоий ташкил этилган тизимда тадқиқ этади. Шунингдек, социология асосий эътиборни жамиятни ҳар хил ижтимоий ва ҳудудий тузум босқичларида вужудга келадиган кенг маънодаги инсонлараро муносабатлари ва жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратувчи фандир.

Социология фани жамиятнинг турли соҳалари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа тармоқларида тадқиқотлар ўтказади.

Ўзбекистон шароитига мослаб, замонавий социологияда биз қуйидаги ўрганиш объектларини ажратамиз:

I. *Ижтимоий боскич:* 1.Жамият, 2.Ижтимоий қатлам, 3.Ижтимоий гуруҳ, 4.Маҳалла, 5.Оила, 6.Шахс.

---

[1] Қаранг: Миллий истиқлол ғояси, 43-бет.

II. *Миллий босқич:* 1.Миллат, 2.Элат, 3.Этник гуруҳ, 4.Авлод, 5.Миллий оила, 6.Индивид.

III. *Тармоқлар босқичи:* 1.Иқтисодиёт, 2.Сиёсат, 3.Маданият, 4.Фан, 5.Таълим, 6.Маънавият ва маърифат, 7.Экология ва бошқалар.

IV. *Ҳудудий босқич:* 1.Минтақа, 2.Мамлакат, 3.Вилоят, 4.Шаҳар, 5.Туман, 6.Қишлоқ, 7.Маҳалла.

Мамлакатимизда социологиянинг роли ортиб бормоқда, бу фанга умумий қизиқиш кучаймоқда. Буни тушуниш мумкин, чунки Ўзбекистонда ҳозир янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий иқлим шаклланди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзгаришлар кузатилмоқда, ижтимоий таркибда ўзгаришлар қайд қилинмоқда, янги ижтимоий институтлар ва муносабатлар пайдо бўлмоқда. Ватанимизда социология учун ҳеч қандай тўсиқсиз ривожланиш ва мустақил ижтимоий фан сифатида ўзини англаш имконияти туғилди. Жамиятимизда кузатилаётган ижтимоий ўзгаришлар ва жараёнлар социология фанининг диққат марказида турибди.

Социологик ёндашувнинг энг муҳим жиҳати жамият ҳаётида инсон шахсининг ўрнини англашдан иборатдир. Шахсга бўлган социологик нуқтаи назарнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу фан унга ижтимоий воқеликни ўзгартирувчи фаол мавжудот сифатида қарайди. Ижтимоий институтлар кўп жиҳатдан инсон ахлоқини ифодалайди, аммо айни шу вақтнинг ўзида улар инсон фаолиятининг ифодаси ва индивидларнинг ўзаро ижтимоий таъсири ҳосиласидир.

Мамлакатимизда социологиянинг кейинги ривожланиши ва такомиллаштирилиши жамиятни чуқур ўрганиш ва англаш, жамият олдида турган ўтиш даврининг мураккаб муаммоларини анча самаралироқ ечишга имкон беради.

Инсонни барча даврларда нафақат уни ўраб турган табиатнинг жумбоқлари ва ҳодисалари, балки одамлар ҳаёти билан боғланган муаммолар ҳам қизиқтириб келган. Нима учун одамлар якка яшашни истамайдилар? Улар орасида чегара ўтказилишига нималар мажбур қилади? Нима учун баъзилар кўп неъматлардан фойдаланади, баъзиларда эса бундай имкониятлар йўқ?

Шу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб қидириш ўтмишдаги донишмандлар ва олимларни улар яшаб турган жамиятни ўрганишга ва ҳаётнинг ўзи қўйган саволларга жавоб

излашга ундаган. Дастлабки билимларни олимлар ва донолар фикрларида топиш мумкин. Лекин ўша даврдаги тадқиқотларда жамиятни таҳлил қилиш, гуруҳдаги инсон хулқини ўрганиш масалалари изчил ва тизимий тарзда олиб борилмас эди. Инсонлар орасидаги муносабатларнинг мушкуллашуви, мураккаб ташкилотларнинг пайдо бўлиши жамият олдида турган муаммоларни амалий ҳал қилиш эҳтиёжини кучайтирди.

«Социология» атамаси француз тилида «жамиятни ва ижтимоий муносабатларни илмий ўрганиш» маъносини англатади[1]. Аммо, бу таъриф ушбу фан нимани ўрганиши тўғрисида фақат умумий тасаввур беради. Европада салкам бир ярим асрлик ривожланиши давомида социология турли илмий мактаб ва йўналишлар тарафдорлари орасида кучли тўқнашувлардан иборат қийин йўлни босиб ўтди. Лекин бу турлича ёндошувларнинг мақсади битта — инсонни, уни ўраб турган ижтимоий борлиқни, унинг ижтимоий фикрлаш маданиятини чуқурроқ тушунишдан иборат. Келиб чиқиши рус бўлган, америкада ижод қилган таниқли П.Сорокин таъбири бўйича, бу фанни «ўзига мос муҳитда яшовчи одамларнинг хулқини ўрганувчи» фан дея таърифлаш мумкин.

Социологиянинг объекти ва предмети нимадан иборат? Даставвал социология нафақат ижтимоий, балки табиий фанлар билимларини мужассам қилувчи умумий фан деб тушунилар эди. Бу ёндашув XIX аср Ғарбий Европа социологларининг ишларида етакчи эди. Уларнинг фикрлари бўйича социология учун асос бўлувчи фан ижтимоий ҳаёт негизларини аниқлаб берувчи ва инсон табиатининг ўзгармас хоссалари тўғрисида билим берувчи биология фани ҳисобланади. Ўша давр олимларининг нуқтаи назари бўйича, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранглиги — одамларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва сиёсий фарқланишидан юзага келади.

Кейинчалик француз социологи Э. Дюркгейм «ижтимоий соҳалар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган фактлардан иборат, — деб таъкидлаган эди. Бундай ўзига хослик сезиш, фикрлаш ҳамда фаолият усулларида намоён бўлиб, индивид ихтиёрига ҳамиша ҳам бўйсинавермайди»[2].

Машҳур немис олими Макс Вебер онгни ижтимоий ҳаракатлар омили ва маҳсули деб таърифлаган. У илмий

---

[1] *Смелзер Нейл.* Социология. М.,Феникс, 1994, 659-бет.
[2] *Дюркгейм Э.* Социология методи. М.,Канон, 1995, 31-бет

изланишларни маданият ҳақидаги (уларга социологияни ҳам киритган эди) ва табиат ҳақидаги фанларга ажратган. М.Вебернинг фикрича, инсоннинг онгли мавжудот эканлигини на тарихчи, на социолог ва на иқтисодчи инкор эта олади. Ижтимоий фанлар объектининг табиат ҳодисаларидан фарқи мавжуд. М.Вебер фикрича[1], субъектив мазмунга эга бўлган индивид ёки индивидлар феъл-атвори таркиб топган ҳаракат социологиянинг предметини ташкил этади. «Социология... шундай фанки, — деб ёзган эди М.Вебер, — у ҳар қандай ижтимоий ҳаракатнинг моҳиятини англашга интилади ва шу йўналишда унинг белгиловчи омилларини тушунтириб беради...»[2].

Социология объекти ва предметини замонавий тушунишнинг икки хил йўналиши мавжуд. Биринчиси — жамият бу табиий биологик асосга тенглаштирилмайдиган алоҳида турдаги ижтимоий-маданий борлиқдир. Инсон шундай мавжудотки, унинг яшаш тарзи, ижтимоий шароитлари, мавжуд ахлоқ ва маданият даражаси билан чамбарчас боғлангандир.

Иккинчиси — табиий дунёни ўрганишда ўзининг самарадорлигини исботлаган билиш йўллари ва усулларидан фойдаланиш зарурлигидан иборат. Бу ерда табиий фанларда қўлланиладиган усуллардан онгсиз фойдаланиш эмас, балки олинган натижаларни албатта тажриба асосида текшириш, аниқлик ва жиддийликка интилиш, табиий фанлардаги умумий мантиқни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Шуларни назарда тутиб, социологиянинг объекти ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий муносабатлар ва ҳаракатлар тизимидан иборат деб таърифлаш мумкин.

Машҳур америкалик социолог Т.Парсонс таъкидлаган эдики, социология бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, «бутун жамиятга, ижтимоий тизимларнинг бирлашувига тааллуқли бўлган тизим ва жараёнларни ўрганади»[3]. Зеро, социологни иқтисодиётдаги фойда маромлари қизиқтирмайди, балки уни бутун жамиятда пул қандай рол ўйнайди, ёки ижтимоий жараёнларни бошқаришда

---

[1] *Вебер.М.* Исследования по методологии науки. М., 1980, 43-бет.

[2] Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона. М., 1972, С.364.

[3] Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона. М., 1972, С.364.

пулнинг ўрни қанчалик аҳамиятга эга эканлиги қизиқтиради Социология шахсни жамиятда бажараётган фаолияти, ўзлаштирилган мақомларини ижтимоий тизим жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганади.

Социологиянинг предмети инсон ҳаёт тарзининг конкрет жиҳатлари, одамларнинг феъл-атвори жамиятдаги ўрни ва интилишларидан, турли ҳаётий вазиятлардаги такрорий ҳаракатларидан иборат[1]. Ваҳоланки, оилада, кўчада, транспортда, дўконда, ишхонада, ўқув аудиториясида, хуллас барча вазиятларда инсон хулқининг такрорланувчан кўринишларини кузатишимиз мумкин. Масалан, одам дўконга кирганда, сотувчидан қандай муомала кутишини билади. Худди шундай аудиторияга кирган ўқитувчи ҳам талабалардан қандай муомала кутишини олдиндан билади. Айнан шу ҳолатда талабалар ҳам ўқитувчидан касб маҳоратини ишга солган ҳолда маъруза ўқиш, амалий машғулотлар ўтказиш ва талабаларнинг билимини объектив баҳолашини кутади. Айтиш мумкинки, ўқитувчи билан талабалар орасида ўзаро боғлиқлик бор ва бу боғликликлар улар таҳсил олаётган ўқув даргоҳининг ижтимоий мавқеи ҳамда жамият олдидаги вазифаларидан келиб чиқади. **Ижтимоий мавқе** шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди. Одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бажарадиган вазифаларининг мазмунини уларнинг мазкур ташкилотларда эгаллаб турган ижтимоий мавқелари аниқлаб беради. Ўз навбатида, одамларнинг конкрет ҳаракатлари жамланмаси социологияда «ижтимоий рол» атамаси билан ифодаланади. **Ижтимоий рол** ижтимоий мавқе (статус) нинг амал қилишини ифодалайди. Зеро, жамиятдаги инсон хулқи, ижтимоий ташкилотлар қабул қилган **ижтимоий нормалар** орқали бошқарилади. Булар нафақат жамиятда қабул қилинган қонунлар, анъаналар, балки, махсус норматив топшириқлар, айтайлик, у ёки бу жамоада қайд қилинган низомларда, буйруқларда ифодаланган бўлиши мумкин.

Кўрсатилган учала атама — мавқе, рол ва норма социологиянинг асосий тушунчаларидан ҳисобланади, улар ёрдамида ҳар қандай шахс ёки ижтимоий ташкилотларнинг хусусиятларига чизги бериш мумкин.

---

[1] Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под. ред. Т. Парсона-М., 1972, с.364.

Жамиятдаги ижтимоий ташкилотлар ва инсонларнинг хулқ-атворлари механизмларини тушунтириш учун ўша жамиятнинг ижтимоий тизимини таҳлил қилиш лозим. Аммо, замонавий социология жамиятдаги ижтимоий тизимни тадқиқ этиш билан чегараланиб қолмайди, унинг тараққиёти ва ўзгаришларини ҳам башорат қилади. Ўтказилган социологик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, биринчидан, жамият ҳаётининг муҳим соҳалари — иқтисодиёт (меҳнат шароитлари), экология ва демографияга оид ҳолатлар жиддий эътибор билан ўрганилмоқда. Иккинчидан, социологик тадқиқотлар жамиятда демократияни ривожлантириш, ҳокимият масалалари, аҳолининг бошқарув ишларида иштироки билан боғлиқ бўлган сиёсий жараёнлар ва ҳаракатларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга имкон яратади. Учинчидан, социология жамият маънавий ҳаётини фаол ўрганади. Бунда унинг тадқиқот предмети бўлиб маърифий, маданий, илмий, адабий, ижодий, диний ва бошқа соҳаларнинг муаммолари хизмат қилади.

Демак, социология ижтимоий ҳаётнинг бир соҳаси билан чегараланиб қолмай, у инсон мансуб бўлган барча гуруҳлар, қатламлар, жамоалар, муассасалар ҳамда одамларнинг кундалик-маиший ҳаётлари масалалари билан ҳам қизиқади. Бошқача қилиб айтганда, социологиянинг **бош мақсади** — бу инсон ва унга алоқадор ижтимоий ташкилотларнинг хатти-ҳаракатларини оқилона тарзда тушунтиришдир. Бунинг натижасида жамиятда юзага келаётган муаммолар ўзига хос ечимини топади.

Социология жамиятни умумий мавҳумлик эмас, балки конкрет воқелик деб таъриф этади. Бунда у ўзига хос атама ва тушунчалардан фойдаланади. Масалан, агарда файласуф объектив воқелик ҳақида мавҳумроқ гапирса, социолог бу воқеликни тўлдириб, эмпирик натижаларга таянган ҳолда изоҳлайди. Агар маданият тушунчаси файласуф учун инсон руҳининг маҳсули бўлса, социолог учун — у хулқ-атворнинг реал натижаси, ҳаракатларнинг мувофиқлаштирувчи тизимидир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадлари сифатида кишиларимизнинг шахсий фаоллиги, ижтимоий масъуллиги масаласига алоҳида тўхталади[1]. Зеро, ҳар қандай англанган ҳаракат юксак масъулият, чуқур

---

[1] *Қаранг:* Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000, 7-бет.

тафаккур маҳсулидир. Шу боисдан, социолог конкрет инсонга яқин туришга ҳаракат қилади ва кундалик ҳаётни конкрет ўрганишга интилади. Социолог бирор-бир ҳодисани ўрганаётганида унга таъсир кўрсатаётган аниқ механизмга асосий эътиборни қаратади. Масалан, меҳнат фаолияти мотивациясини кўриб чиқаётган социолог меҳнат жараёнида моддий рағбатлар қандай аҳамият касб этишини амалий жиҳатдан очиб беради. Шу нуқтаи назардан социолог нафақат миқдорий, статистик маълумотларга, балки уларнинг сифатий таснифига ҳам таянади.

2-§. Социология фанининг соҳавий тизими ва ижтимоий фанлар таркибидаги ўрни

Социология мустақил ижтимоий фан сифатида ўз методологияси ва назариясига эгадир. Социология фани умуминсоний ва миллий қадриятлар мутаносиблигига таянувчи методология асосида иш юритади.

Социологик тадқиқотлар методологияси мазмунини бир жиҳатдан халқимизнинг тарихий, маънавий қадриятлари саналмиш Қуръони Карим, Ҳадиси Муборак, шарқнинг улуғ алломалари Форобий, Ибн Сино, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий, Ат-Термизий, Имом Ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа улуғ мутафаккирлар асарларида илгари сурилган фикрлар ташкил этса, иккинчи жиҳатдан, назарий илдизларини антик давр ва прогрессив Ғарб фалсафасининг буюк намояндалари асарларида илгари сурилган тадрижий тараққиёт қонуниятларини ифодаловчи умуминсоний назариялар ташкил этади. Айни чоғда мазкур фан методологиясининг муҳим йўналиши сифатида инқилобий диалектикадан тадрижий тараққиёт йўлига таяниб иш юритаётган замонамизнинг улуғ давлат арбобларига қарашли фикрлар асос бўлиб хизмат қилади.

Социологиядаги тараққиётнинг эволюцион тадрижий усули олам тузилишининг ҳамда уни англашнинг илмий асосланган йўли сифатида билишга ёрдам беради. Айни чоғда ижтимоий фанларга хос бўлган эҳтиёж ва тасодиф, умумийлик ва хусусийлик, миқдор ва сифат, ўзгарувчанлик ва барқарорлик каби умумфалсафий категорияларга ҳам мустаҳкам таяниб иш тутади.

Социология фани оламни англаш жараёнини чуқурроқ узлаштириш мақсадида тарих, фалсафа, психология, педагогика, этнография, санъатшунослик ва жамиятшунослик фанлари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Зеро, ҳар қандай амалиётга мурожаат, ҳар бир илмий таҳлил натижавий мўлжални назарда тутмоғи, объектив воқелик хусусидаги билимларимизни кенгайтирмоғи, ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоғи, тараққиёт истиқболларини аниқроқ белгилашга ёрдам бермоғи лозимдир.

Социология фанининг тобора тараққий этиши илмнинг дифференциаллашуви, кўплаб алоҳида ва махсус социологик назарияларнинг таркиб топишига ҳам олиб келади. Масалан,

сиёсат социологияси, иқтисод социологияси, санъат социологияси ва бошқалар шулар жумласидандир. Аммо бундай «парчаланиш» умумий таҳлил аҳамиятини сусайтирмайди, балки мавҳум мушоҳада чегараларини янада кенгайтириш имконини беради.

Социология фани такомили **умумий ва ижтимоий психология фанлари** билан ҳам яқин ҳамкорликда бўлишни тақозо этади Зеро, у ёки бу жамоадаги меҳнат унумдорлигини ўрганишни мақсад қилиб социологик тадқиқот ўтказилаётганда мазкур жамоа таркибидаги индивидларнинг хатти-ҳаракатлари мотивларини аниқлаш, уларнинг темпераментлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий хулоса қилишда, одамлар билан жамоада муомала қилишни ташкил этиш ва ижтимоий хулқни бошқаришда, албатта, ижтимоий психология қонуниятларини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Социология фанининг **ҳуқуқшунослик ва иқтисод** илми қонуниятларини четлаб, илмий фаолият юритиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. XIX асрда фаолият юритган социология илми асосчиларининг деярли барчаси ижтимоий фанларни чуқур ўзлаштириш ва қатор фалсафий-гуманитар асарлар яратиш асосида янги туғилажак социология фани сарҳадларини белгилаб берганлар.

Социология фани айниқса **статистика** фани билан яқин алоқада ривожланади. Ҳар бир социолог муайян мавзуда социологик тадқиқот ўтказишни мақсад қилиб қўяр экан, у албатта, шу соҳадаги предметнинг конкрет ҳолати ва аҳволини, реал воқелик манзарасини статистика манбаларидангина топа олади. Кенг кўламдаги конкрет социологик тадқиқотларнинг статистик идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилиши ижобий самаралар бериши шубҳасиздир.

Сўнгги йилларда социология фанида конкрет социологик тадқиқотлар амалий натижаларининг ҳаётга фаолроқ ва кўпроқ тадбиқ этила бориши унинг ахлоқ, эстетика, медицина ва педагогика, режалаштириш назарияси ва бошқарув сингари фанлар билан алоқасини янада мустаҳкамламоқда.

Социология фани атиги бир аср муқаддам фалсафадан ажралиб, мустақил фан сифатида тараққий этаётган бўлса-да, уларнинг алоқаси узвийдир. Фалсафа социологиянинг назарий-методологик асосини ташкил этади. Бу икки фан алоқаси хусусида улуғ аллома Абу Наср ал-Форобийнинг ижтимоий фанларга, хусусан, социология фанига оид қуйидаги фикрлари

эътиборга лойиқдир: «Ҳар бир фалсафий илмни ўрганишга азм қилган киши қуйидаги талабларни тўла бажармоғи лозимдир:

биринчиси — фалсафадаги мавжуд мактаблар номларини ва мазмунини билиб олиш;

иккинчиси — ўқилган ҳар китобнинг мақсадини тушуниб етмоқ;

учинчиси — фалсафий ўрганишга асос бўлувчи илмларни ўзлаштирмоқ;

тўртинчиси — фалсафани ўрганишдан мақсад нима эканлигини билмоқ;

бешинчиси — фалсафа сирларини ўрганиш борасида танланган йўлни аниқ билиб олмоқ;

олтинчиси — Аристотелнинг ҳар китобидан унинг ўзига хослигини аниқлай олмоқ;

еттинчиси — китобдаги ноаниқликларни бартараф этишни Аристотел асарлари орқали билиб олмоқ;

саккизинчиси — фалсафий билимларга эга бўлган кишининг жамиятда тутиши лозим бўлган ўрни ва ҳолатини билмоқ;

тўққизинчиси — Аристотель китобларини ўрганишга жазм қилган киши учун зарур асбоб ва жисмларга эга бўлмоқ[1].

Ҳар қандай етук олим, у қайси соҳа юзасидан назарий билимлар олаётганлигидан қатъи назар, қуйидаги уч талабга тўла риоя қилмоғи лозим:

а) ўз фанининг барча қоидалари ва услубларини тўлиқ ўзлаштирган бўлмоғи;

б) ўзи танлаган билимлари соҳасида мазкур қоидалар, услубларни қўллаш натижасида юзага келадиган хулосалар ва ҳамма фикрларни тўла изоҳлаб бериши ҳамда тушунтириш даражасидаги зарурий билимларга эга бўлмоғи;

в) мусиқий санъат бобида муаллифларнинг хатоларини тушунмоқ ва кўрсатиб бермоқ, уларнинг тўғри ёки нотўғри нуқтаи назарларини фарқлай олмоқ ҳамда меҳнатни тўла аниқлаб бормоғи лозим[2].

Юқоридаги икки фикрдан маълумки, Форобий ҳар қандай илмнинг ва илм соҳибининг муайян қобиқ орасида чекланиб қолмаслиги лозимлигини, балки кенг кўламли мушоҳада қила билувчи, муайян фанга яқин бўлган илмлар ва назариялар таниш бўлишининг аҳамиятини таъкидлаган.

---

[1] *Хайруллаев М.М.* Абу Наср ал-Фараби, М., Наука, 1982, 108-бет.

[2] *Хайруллаев М.М.* Абу Наср ал-Фараби, М., Наука, 1982, 135-бет.

Социология фани таркибий тузилиши жиҳатидан учта катта қисмга ажратиб ўрганилади:

1. Умумсоциологик назарияларни бевосита тадқиқ этишга мўлжалланган йўналиш.

2. Махсус (хусусий) социологик назариялар асосига қурулувчи тадқиқот йўналиши.

3. Бевосита эмпирик социологик тадқиқотлар.

Социология фани жамият истиқболи хусусида ижтимоий утопияга асосланган назарияга суянмасдан, балки жамият тараққиётининг бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини атрофлича ўрганиш асосида яқин келажакда бу тараққиёт таркиби ва мазмунидаги тадрижий ўзгаришлар манзарасини илмий асослаб беради.

Социология фанининг махсус назарияларга асосланувчи йўналишлари асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий онг шаклларини ўрганувчи (дунёқараш, илм-фан, санъат, маданият, ахлоқ, ҳуқуқ, психология, дин) социология.

2. Ижтимоий фаолият шаклларини ўргунувчи (меҳнат, турмуш тарзи, ҳордиқ, ижтимоий-сиёсий фаолиятлар) социология.

3. Аҳоли ва халқлар (демография, этнография, миграция, лингвистика ва ҳ.к.) социологияси.

4. Ижтимоий тараққиёт (жамият ва жамоа назарда тутилмоқда), ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий тузилишлар социологияси.

5. Ижтимоий институтлар (оила, етимхоналар, қариялар уйлари ва ҳ.к.) социологияси.

6. Ижтимоий гуруҳлар (қуролли кучлар, ёшлар, пенсионерлар, аёллар ва ҳ.к.) социологияси.

7. Оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение), жамоатчилик фикри социологияси.

8. Сиёсат социологияси (давлат, халқаро муносабатлар, миллий ҳаракатлар ва ҳ.к.).

9. Жой ва муҳит социологияси (регионлар, шаҳарлар, қишлоқлар, экология ва ҳ.к.).

10. Шахсни шакллантириш социологияси (таълим, тарбия, спорт ва ҳ.к.)

11. Касблар социологияси (инженерлик, агрономлик, медицина ва ҳ.к.).

Nizomiy nomidagi TDPU
KUTUBXONASI
У-5796

12. Қизиқишлар социологияси (клублар, маданият уйлари ва бошқа жойлардаги ҳаваскорлик тўгараклари, филателистлар, букинистлар ва ҳ.к.).

Социология фани соҳавий тасниф этилганда турли йўналишлар моҳиятига эга бўлган илмий тармоқларга бўлинади (1-тарх).

Биринчи босқичдаги илмий тармоқлар қаторига умумназарий, умумметодологик ва социологик фанларни киритиш мумкин. Улар жумласига академик, математик, тарихий, амалий ва минтақавий социология соҳалари киради.

Иккинчи босқичдаги замонавий социологик илмий тармоқлар қаторида шахс социологияси, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, демографик, экологик ҳамда институционал соҳаларни кўрсатиш мумкин.

Учинчи босқичдаги социологик илмий тармоқлар турли хил соҳавий ҳамда илмий социологик йўналишларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар: таълим, маданият, фан, дин, санъат ва бошқа социологик йўналишлар.

Тўртинчи босқичдаги социологик илмий тармоқлар қаторига регионал ва жамоавий хусусиятга эга бўлган йўналишларни киритиш мумкин. Улар қуйидагилар: ёшлар, оила, шаҳар ва қишлоқ социологияси.

Ҳозирги замон социологик тармоқлар тизимида **жамоатчилик фикри социологияси** муҳим ўрин тутади ва катта аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик фикри социологияси ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар ва умумназарий, методологик ва хусусий социологик мактаблар билан бевосита боғлиқликда иш тутади.

Шундай қилиб, мураккаб умумий ва хусусий социологик фанлардан иборат бўлган замонавий социология тизими кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар билан кенг алоқаларни тақозо этади. Бу алоқалар ҳам умумметодологик босқичда, ҳам махсус хусусий фанлар ва илмий йўналишлар бўйича олиб борилади, бу эса унинг замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаб беради (2-тарх).

Социология ижтимоий-гуманитар фанлари иерархиясида энг юқори босқични эгаллайди. Фалсафа ва тарих билан биргаликда, у ижтимоий фанлар тизимининг умумметодологик негизини шакллантиради.

1- тарх. СОЦИОЛОГИК ФАНЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЗИМИ

Социология "Миллий истиқлол мафкурасининг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик асосларини, урф-одатлар, анъаналар ва интеллектуал қадриятлар мафкурасини шакллантириш ва бойитишдаги ўрни ва таъсирига бағишланган тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш"[1] мақсадларига хизмат қилади.

2-тарҳ. СОЦИОЛОГИЯ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 63-бет

Асосий тушунчалар

БАШОРАТ (прогноз) — маълум бир далилларга асосланган ҳолда бирор-бир жараён ривожланиши йўналишларини олдиндан илмий тарзда кўра билиш.

ЖАМИЯТ — инсонларнинг барча ўзаро ҳаракатлари услублари ва бир-биридан ҳар томонлама боғлиқлиги ифодаланадиган бирлашмаларнинг йиғиндиси.

ЖАМОА — умумий доимий яшаш жойига эга бўлган, кундалик ҳаётларида бир-бирига боғлиқ бўлган ва умумий иқтисодий ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун фаолият кўрсатувчи инсонлар мажмуаси.

«СОЦИАЛ» (атама) — жамият ҳаётининг турли томонларини белгилаш учун хизмат қилувчи тушунча. «Социал» атамаси кўпинча бир неча маънода ишлатилади: 1) бутун жамиятга нисбатан; 2) жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатлари билан бир қаторда унинг бир жиҳатини ифодалаш маъносида; 3) кишилар ҳаётий фаолиятининг биргаликда ва субъектив моҳиятидан ва уларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқувчи сифат. Биз ушбу атамани айнан шу учинчи маънода қўлладик.

СОЦИОЛОГИЯ (лот. **societas** — жамият ва юнон. **logos** — таълимот) — яхлит тизим сифатидаги жамият ва алоҳида ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан.

СТАТИСТИКА — ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг миқдорий жиҳатларини махсус ўрганувчи фан.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — ижтимоий онгнинг ўзига хос динамик намоён бўлиши. Жамоатчилик фикрида ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий мавжудликнинг сезиларли қизиқиш уйғотувчи муаммоларига нисбатан фикр-мулоҳазалари вербал ва новербал шаклда, ошкора ва яширин муносабати ифода этади. Жамоатчилик фикри, шунингдек, аҳолининг кўпчилик қисми риоя этувчи тасаввурлар, фикр-мулоҳазалар ва хулосалар мажмуаси бўлиб, у барча ижтимоий бирликларда — оила ёки маҳаллада, кичик қишлоқда ёки катта шаҳарда ва умуман жамиятда ҳам мавжуддир ҳамда инсонларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларига, фаолиятига кучли таъсир кўрсатиши билан ифодаланади.

ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ — индивидлар мажмуи. Ижтимоий гуруҳга мансуб индивидлар ушбу гуруҳга мансуб ҳар бир аъзонинг бошқаларига нисбатан мўлжали асосида ўзаро ҳаракат қилади.

ИЖТИМОИЙ МАҚОМ (СТАТУС) (лот. statis — ҳолат) — индивиднинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ҳолати, аҳволи. Ижтимоий мақом — индивид, гуруҳ ва ижтимоий институтнинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги маълум меъёрлар мажмуаси билан мустаҳкамланиб қўйилган нисбий ҳолати ҳамдир.

ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁН — индивид, ижтимоий институтлар, гуруҳларнинг ижтимоий ҳолати ёки турмуш тарзининг ўзгариши йўналишини ифодаловчи барқарор ҳаракатлар, ўзгаришлар, хатти-ҳаракатлари ҳолатларининг мажмуаси.

ИЖТИМОИЙ ВАЗИФА (ФУНКЦИЯ) — 1) у ёки бу ижтимоий субъектнинг (индивид, оила, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий институт) бажарадиган ижтимоий юкламалари; 2) жамиятнинг маълум бир ижтимоий мавқе эгаллаган шахсларга нисбатан қўядиган талаблар мажмуи.

Такрорлаш учун саволлар

1. Социология атамаси таърифи, объекти ва предмети.
2. Социология фанининг асосий йўналишлари.
3. Социологиянинг фанлараро шаклланиш босқичлари.
4. Социология фанининг умумий таснифи.
5. Ижтимоий фанлар тизимида социологиянинг ўрни.

2-БОБ. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ

1-§. Антик дунё социологияси

Антик дунё социологияси жаҳон социология мактабининг назарий-маънавий пойдевори ва унга доимий илҳом бағишловчи бебаҳо обидаси ҳисобланади.

Антик дунё ҳаётига инсонни инсон томонидан сотиш ва сотиб олиш тартиботларининг кириб келиши билан табиатни ўзлаштириш, табиат билан ҳамкорлик қилиш ва у билан уйғунлашиш ўрнига инсонни эксплуатация қилиш даври бошланди. Бу эса антик давр учун хос бўлган инсоннинг маънавий ҳурлиги даврининг таназзулга юз тутишига сабаб бўлди.

Антик давр социологияси ўзи юзага келган давр ижтимоий тузуми ва тартиботлари, давлат ва жамият қурилиши, ана шу тизимлардаги шахсларнинг ўрни ва роли, сиёсий ва маънавий ҳаёт жараёнларининг ёрқин ва реал ифодаловчиси сифатида ғоятда сабоқлидир.

Антик давр социологиясининг илк намуналари Кичик Осиёнинг ғарбий соҳиллари — Иония ўлкаси шаҳарларида яшовчи греклар томонидан дунёга келтирилди.

Антик дунё социологиясини юзага келиши ҳамда тараққиёт тенденциялари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Энг қадимги грек социология мактаби. Бу гуруҳга милоддан аввалги олдинги XII асрда яшаб ижод этган Гомердан бошлаб милоддан аввалги олдинги VI асргача амал қилган Милет (кичик Осиёдаги энг йирик шаҳар) мактаби вакиллари (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен) ҳамда Грециянинг турли шаҳарларида яшаб фаолият юритган Ксенофан Пифагорнинг социологик қарашларини киритиш мумкин.

Энг қадимги грек социологияси мустақил ижтимоий-назарий тадқиқот предмети сифатида эмас, балки аниқ табиий фанлар, яъни математика ва табиатшунослик берган илк тадқиқот натижалари билан ижтимоий фанлар, хусусан, мифология ва санъат борасида эришилган дастлабки тафаккур маҳсулларининг уйғунлашуви оқибатида юзага келган.

Милет философларининг тўнғич вакили **Фалес**нинг фикрича, жамият ва табиатнинг асосини дастлабки таркибий модда ҳисобланган сув омили ташкил этади. Унинг таъкидлашича, табиатдаги жаъми ўзгаришлар сув ва суюқликлар туфайли рўй беради. Сув туфайли таркиб топган ҳамма нарсада жон мавжуддир. Табиатдаги жамики нарсалар эса сув иштирокида юзага келганлиги сабабли уларнинг ҳаммасида жон бор Фалес фикрининг исботи учун янтарь тошини мисол қилиб келтиради. Фалеснинг ҳамма нарсада жон борлиги ғояси табиат ва жамиятга инсоний ёндошувнинг илк куртаклари шаклланишига туртки бўлди.

Милет мактабининг яна бир йирик намояндаси **Анаксимен** оламнинг асосини ташкил этувчи дастлабки модда сифатида ҳавони илоҳийлаштиради, ҳавонинг табиатда йиғилиши ва сиқилиши натижасида сув, тупроқ, тош ва оловдан иборат зарурий қисмлар юзага келади. Ҳаво Анаксимен назарида дунёни ўраб турган нафас бўлиб, бу нарса табиатдаги жамики нарсаларга ўз таъсирини ўтказиб туради. Ҳаво инсоннинг амал қилиш макони ҳисобланади ва ҳавосиз қолган пайтда ҳар қандай жисм таркибий ва мазмуний ўзгаришга юз тутади.

Қадимги грек социологлари орасида Самос шаҳрида туғилиб фаолият юритган **Пифагор** алоҳида ўрин тутади. Пифагор яшаган даврда турли-туман примитив, архаик, диний-мутаассиблик ўрнига нисбатан умумийроқ моҳият касб этувчи худоларга сиғиниш таомилга кира бошлайди. Пифагор нуқтаи назарига кўра, олам абадий бўлиб, инсондаги руҳ маълум муддатдан сўнг бошқа нарсаларга кўчади. Пифагор ана шу таълимот асосида оламдаги ҳамма нарсанинг жисман ва руҳан қариндош эканлигини исботлашга уринган. Пифагорнинг табиат ва жамиятдаги «жон»нинг кўчиб юриши ғояси ҳамда атроф-муҳитдаги жамики нарсаларнинг бирлиги ва қариндошлиги дунёни ўзаро муроса мувозанатида сақлашга даъват этувчи социологик қарашлар сифатида инсоният тарихида муайян роль ўйнайди.

2. Грек демократияси равнақи даври социологияси. Бу босқич жамиятшунослари сафига Гераклит, Парменид, Зенон, Эмпедокл, Анаксагор, Протагор, Горгий ва бошқаларни киритиш мумкин.

Атоқли грек мутафаккири **Гераклит** фикрига кўра, ҳамма нарсалар табиатда фақат бир нарсадан яралган ва шу бирламчи

нарсага албатта қайтади. Бу бирламчи асос эса «олов»дир. Зеро, олов табиатдаги энг фаол ўзгарувчан ҳодисадир.

Гераклит табиат ва жамиятдаги қарама-қаршиликлар шунчаки ўзаро рақобат ҳолида бир-бирига айланиб туради. Улар моҳиятан ягона асос (олов) дан иборат бўлганлиги сабабли, бу модда ва ҳодисалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўзгарувчандир ва доимий хусусиятга эга эмас. Гераклит илк дафъа донишмандлик ва ақлни илм ва билимдан фарқлай билди «Кўп билимлилик кишини ақлли, донишманд қилавермайди. Агар кўп билим олиш кишини оқил қилганида Гесиод ва Пифагор ҳам ақлли, донишманд бўлишар эди»[1], — деб ёзади у.

Гераклитнинг ижтимоий қарашлари **Парменид** ва унинг шогирди **Зенон** томонидан танқид остига олиниб, улар дунё ўзгарувчан эмас, аксинча, ўзгармас моҳиятга эга эканлигини асослашга уриндилар.

Грек маданиятининг йирик намояндаси **Эмпедокл** илм ва маърифатнинг ижтимоий фойдалилик функциясини асослаб берди. У илм қилиш бу бефойда моҳиятлар хусусида баҳс юритиш эмас, балки уни инсон онгига хизмат қилдиришдан иборат, деб билди.

Эмпедокл фикрига кўра, жамият ҳодисаларини ўзаро бирлаштирувчи ва ажратиб юборувчи икки куч бошқариб туради. Кишиларни ўзаро бирлаштирувчи, уларни энг инсоний фаолиятга бошловчи куч — муҳаббат (Эмпедокл бу кучни айни вақтда меҳр, ҳурмат, гармония ва ҳатто Афродита ҳам деб атаган) бўлиб, одамларни ажратиб юборувчи куч бу — нафрат, ҳасад, жоҳилликдир.

Эмпедоклдан фарқ қилиб, **Анаксагор** инсоннинг илм-маърифатга интилишидан кўзланган бош мақсад — атроф-муҳитни ўраб турган борлиқ ҳамда космос моҳиятини англашдан иборат, деб билди. У «илм илм учун» деган ақида асосида иш тутди.

3. *Антик дунё оламининг «олтин даври».* Бу даврдаги социологик қарашларни илгари сурган мутафаккирлар қаторига инсониятнинг буюк даҳолари Сократ, Левкипп, Демокрит, Платон, Аристотель ва бошқаларни киритиш мумкин.

Сократ *(Суқрот)* нинг социологик қарашларида табиат ва жамият жараёнларида шунчалик иштирок этиш эмас, балки

---

[1] *Г.Ф.Асмус.* Античная философия. М., Высшая школа, 1999, стр.22.

унда қандай қилиб яхши яшаш, камолотга эришиш учун санъат сирларини билиш зарурлиги ғояси етакчидир. Билим муайян турдаги предметлар ва ҳодисаларнинг умумийлик хусусиятларини аниқлашдан иборатдир. Билим предмет ҳақидаги тушунча бўлиб, билиш тушунчани аниқлашдан бошланади.

Сократнинг нуқтаи назарига кўра, инсон фаолияти унинг яхшилик, савоб, орият, инсоф ҳақидаги тушунчалари мазмунидан иборат бўлиб, бу тушунчаларни шахс қандай тушуниши катта аҳамиятга эга. Шундай экан, инсон фаолиятини яхшилаш учун унинг феъл-атворини ва тарбия тўғрисидаги қарашлари, тушунчаларини тартибга солиш зарурдир.

Сократнинг буюк шогирди **Платон** ижтимоий тараққиёт ва инсон мавқеи хусусида бебаҳо фикрлар баён этган. Платон ўзининг «Филеб» деб номланган асарида инсоннинг эзгуликдан иборат фаолияти қуйидаги талабларни бажариш асосида рўй бериши айтилади: 1) илоҳий ғоя моҳиятини англаш; 2) илоҳий ғоя талабларини ҳаётга сингдириш; 3) тафаккур ва билимларга эга бўлиш; 4) илм ва санъатнинг бирор турини эгаллаш, тўғри фикр қилиш масаласига эга бўлиш; 5) тоза, ҳалол ҳиссиёт воситаларидан, масалан, мусиқа товуши, тасвирий санъатдан завқ-роҳат ола билиш. Платоннинг уқтиришига кўра, тўғри фикр қилиш малакасига эга бўлиш деганда бирор-бир ҳаётий воқеа таҳлили чоғида масаланинг аввал яхшилик томонида рўй берганлигини тушунтиришга интилиш, агар бундай тушунишга имкон бўлмаса, мазкур ҳодисанинг юз берганлиги моҳиятини англашга интилиш, демакдир.

Платон эзгуликни англаш — худони англаш, эзгулик табиатига эга бўлиш эса худо моҳиятига тегишли бўлиш, унинг узвий бир қисмига айланиш, деб ўргатади.

Платон инсоннинг ижтимоий ўрнини белгилашда ҳар бир киши даставвал ўз давлатининг фуқароси бўлиши лозим, деб таъкидлайди.

Платон мураккаб ижтимоий-сиёсий муҳитда яшаганлиги сабабли идеал давлат қурилиши орзусида яшаган. Унинг эзгулик асосига қурилган идеал давлат тузуми қуйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим: 1) донишмандлик; 2) жасорат; 3) ҳар ишда оқилона меъёрни сақлай билиш; 4) адолат.

Давлат тизимини уч хил страта — ижтимоий табақа — ҳукмдорлар, ҳарбийлар ва ишлаб чиқаришда банд бўлган

меҳнаткашлар донишманд бошқарувчи гуруҳ раҳбарлигида гармоник тузум ташкил этади.

Платон Академиясининг етук толиби, жаҳон ижтимоий тафаккур оламига ҳисса қўшган мутафаккир **Аристотель** ҳисобланади. У ўз давридаги мавжуд стратификацион, яъни ижтимоий табақалашув тартибларини қўллаб-қувватлайди. Аристотель комил инсон, комил фуқаро, адолатли давлат хусусидаги қарашларини илмий асослашга интилди. Комил инсон тарбияси шахснинг ўз давлатига бўлган юксак ватанпарварлигини, ўз ижтимоий-сиёсий тузумига садоқатни шакллантиришдан бошланади. Комил фуқаро тарбияси эса ҳар томонлама мукаммал давлат тартиботини юзага келтиришдан бошланади.

Демак, комиллик тизимидаги «давлат — фуқаро — инсон» тартиботи Аристотелнинг давлат ва жамиятни мукаммаллашдан иборат социологик концепциясини ташкил этади. У жамият аъзоларининг маънавий-мафкуравий тарбияси масаласида умумдавлат нуқтаи назарида турди. Жамиятнинг тарбиявий вазифаси хусусий шахслар ёки алоҳида гуруҳлар қўлига топшириб қўйилмаслиги лозим. Аристотель давлат ва жамиятнинг идеал мақсадлари муштарак, умумий бўлганлиги сабабли ҳам мазмуний асоси бир хил бўлган тарбиявий тизим ишга тушмоғи зарур, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий жараён, Аристотель таъбирига кўра, имкониятлардан натижаларга ўтишга бўлган интилишдир. Одамлар ижтимоий жараёнда қанча кўп иштирок этсалар, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий асослари шунчалик мустаҳкамланиб боради.

Кишиларнинг ижтимоий жараёнларда якдил ва оммавий иштироки адолат, инсоф, садоқат сингари тушунчаларга эга бўлган умумий қарашларни таркиб топтиради. Давлат тузуми ҳамда жамиятнинг барқарорлигини сақлаш учун кишиларга мавжуд ижтимоий тузумга нисбатан туғилиши мумкин бўлган сиёсий-ахлоқий ва иқтисодий-маънавий хавфлар хусусида маълумотлар бериб бориш ҳамда уларда хавотирлик кайфиятини шакллантириб бормоқ зарур. Шундагина улар давлат ва жамият мустаҳкамлиги устида қайғура бошлайдилар.

Давлат бошқарувида иштирок этишга иштиёқманд ва амалдорлик даъвосида бўлганлар қуйидаги сифатларга эга бўлишлари лозим: «Мавжуд давлат тузумини чин дилдан

севмоғи, катта куч ва энергияга эга бўлмоғи, одамларга хайрихоҳ ва адолатли бўлмоғи, асосий фаолият мезони деб одамлар манфаатини давлат манфаатлари билан уйғун ҳолда ҳал этиш малакасига эга бўлмоғи лозим»[1].

Ҳар қандай мамлакатдаги ижтимоий тартибсизликлар, инқирозлар ва давлат тўнтаришлари ижтимоий тенгликнинг бузилишидан келиб чиқади. Аммо тенглик тушунчаси ўз мазмунига кўра ҳам, миқдор жиҳатдан ҳам мавқе-мартабага кўра фарқланади. Мавқега кўра тенглик жамиятдаги ўнта обрўли шахс мавқеи 100-200 та оддий фуқаронинг мавқеига мос бўлиши мумкин. Шу боисдан мавқени ҳисобга олиб ижтимоий тенгликни амалга ошириш жамиятда барқарор муҳитни сақлаш имконини беради. Миқдорий тенгликни таъминлаш учун эса, давлат бошқарувини амалга оширишда у ёки бу ҳудуд вакилларидан тенг миқдордаги амалдорларни вазифаларга тайинлашни тўғри йўлга қўйиш зарурдир.

Демократик асослардаги давлатларда ҳокимиятни эгаллаш учун қилинадиган тўнтаришлар одатда демагоглар томонидан амалга оширилади. Аристотель жамиятнинг ижтимоий стратификацияси тизимида барқарорлик, турғунлик мезонига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Ҳар бир шахс нафақат мавжуд давлат тузумига, балки ўз ижтимоий табақасига ҳам содиқликни сақлаган ҳолда камолотга интилиши лозим. Кишиларнинг бир соҳадан бошқа соҳаларга, бир ижтимоий мавқе доирасидан бошқасига ўтиши давлат тартиботларига умумий ишончни пасайтиради.

Аристотель давлат тузумини олтига бўлиб, улардан учтаси (монархия, аристократ ва полития) тўғри ва учтаси (тирания, олигархия ва демократия) нотўғри давлат тузумлари, деб ҳисоблайди.

Аристотелнинг тирания, олигархия ва демократия асосидаги давлат тузумларини нотўғри деб таснифлашига асосий сабаб, бундай давлат тузумларида ҳокимият тепасига золим шахслар (тирания), бойликка ҳирс қўйган номуносиб шахслар (олигархия) ва демократия тузумида гарчи кўпчилик озчилик устидан ҳукмрон бўлса-да, баъзан ижтимоий-генетик келиб чиқиши бетайин бўлган айрим фуқаролар ҳам келиб қолиши мумкин, деб хавотирланади.

Хуллас, Аристотель антик дунё социологияси тарихининг энг мазмундор даври бўлмиш грек социология мактабига мантиқий

---

[1] Аристотель сочинение. Т.4, С.53.

якун ясаган. Аристотель асослаб берган таълимот ҳам мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов илгари сурган миллий истиқлол ғояси концепциясида таъкидлаб ўтилгани каби «ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди»[1]. Унинг социологик қарашлари дастлаб қадимги Римнинг социология мактаби намояндалари (Цицерон, Лукреций, Вергилий, Гораций, Овидий) га ҳаётбахш илҳом бағишлади, сўнгра эса ўрта асрлар шарқининг буюк мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушдлар дунёқарашларига ўз таъсирини кўрсатди.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 16-бет.

2-§. Шарқ мутафаккирларининг социологик қарашлари

Шарқ халқларининг ҳаётга бўлган социологик қарашлари моҳият эътиборига кўра, ғарб социологларининг ижтимоий ёндошувларидан фарқ қилади. Қадимги шарқ кишиси учун ўзликни англаш, маънавий комилликка эришиш, озодлик тушунчаси моддий борликдан воз кечиш, ташқи дунё ташвишларини инкор этиш, ўзликда сокинлик топишга интилиш ҳаракатларидан иборатдир.

Шарқ кишиси учун индивидуализм ҳамиша ҳалокат, жамоада уйғунлашув эса сокинлик ва бехавотирлик омили бўлиб келган. Жамоавий хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи шарқда жуда қадимги даврлардаёқ давлатчилик тизимларини таркиб топтирди. Шунингдек, шарқда иқтисодий мураккабликлар, об-ҳаво, сув муаммоларининг кескинлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фақат суғориш воситасида етиштирилиши, уларни сақлаш масалалари муайян марказлашган идора тизимларини таркиб топтириш ҳамда бошқариш заруратини кун тартибига чиқарган. Бу эса милоддан аввалги III минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб Миср, Ҳиндистон, Месопатомия, Хитойда давлатчиликнинг мустаҳкам анъаналари юзага келишига сабаб бўлди. Шарқ давлатчилиги негизида ижтимоий бирлик мутлоқлаштирилар, жамиятда жамоавий яхлитлик амал қилар, алоҳида шахсларнинг ўзлигини жамоа ихтиёридан ташқарида индивидуал намоён этиши маъқулланмас эди. Шахслараро сиёсий, иқтисодий, ахлоқий қарашлар бирлиги, мутлақ якдиллик шарқ бирдамлиги ва ҳаётийлигининг маънавий асосини ифода этар эди. Шарқ давлатларида худо давлат бошқарувчиси образида талқин этиб келинарди. Масалан, Хитойда императорни илоҳий осмон фарзанди сифатида, Мисрда фиръавн худо-илоҳ тарзида, Шумерда эса подшоҳ худонинг айнан ўзи, деб талқин этиб келинган. Фиръавн ва подшоҳлар ҳукми нафақат жамиятга, балки табиатга ҳам таъсир эта олувчи куч сифатида тушунилган. Шу боисдан ҳам экин экиш чоғида биринчи омоч юргизиш, ҳосилнинг биринчи маҳсулини олиш, бирор бино қурилишида илк тош ёки ғиштнинг рамзий барака, қувват берувчи илоҳий куч сифатида подшоҳ томонидан қўйилиши, фарзандларга исм қўйишда подшоҳга мурожаат этиш одатларининг илдизлари

ҳукмдорларни худо билан айнан бир хил воқелик, деб англашдан туғилгандир.

Инсоният тарихида илк дафъа худо даражасида эмас, алоҳида, етук шахслар сифатида Гомер, Мусо, Конфуций, Зардўшт, Будда сингари шахслар тарих саҳнасига чиқдилар:

Зардўштийлик динининг асоси бўлган «Авесто» милоддан аввалги VII асрда яратилган бўлиб, Авесто сўзи «Упаста», яъни қонун-қоидалар, меъёрий асослар маъносини англатади. «Авесто»ни Зардўшт Спитамалик Пуришасп ўғли яратган ва ҳозир биз яшаётган ҳудудда якка худоликка асос солган. У Ахура Маздани табиатни яратувчиси ва бошқарувчиси сифатида талқин этади. Ахура Мазда «олий даҳоли ҳукмдор» деган маънони англатиб, одамларни ёвуз кучларга, ижтимоий-ахлоқий иллатларга қарши курашишга чорлаган. У жамият кучларини фаолликка ундовчи куч сифатида ижтимоий-маънавий тараққиётда дадил қўйилган қадам бўлди. Зеро, иймон-эътиқодли инсон ҳамиша эзгулик учун курашчан бўлиши лозим.

Авесто асарида ифодаланган монотеистик диний-фалсафий категориялар ва тушунчалар, дунёни рамзий талқин этиш усуллари кейинги даврларда инсоният ҳаётига кириб келган ва такомиллашган конфессияларда мустаҳкам ўрин олиб келган. Ундаги етти иқлим, етти қават осмон, охир замон, пулсирот, фаришта, шайтон, дев, савоб, гуноҳ дунёдаги икки қарама-қарши курашувчи кучлар. Эзгулик ва жаҳолат, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат тушунчалари ҳам шулар жумласидандир.

Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, ижтимоий жараёнларни конфликтологик ёндошув орқали ҳал этишга уринишлар **митраизм** оқими шаклида Ғарбий Европа ва бутун Рим империясидан тортиб аҳамонийлар, кушонийлар ва сосонийларнинг буюк империялари амал қилган даврларда ҳам ўз таъсирини ўтказиб келди.

Милоднинг III ва IV асрларига келиб, митраизмнинг қарама-қарши ғояларидан толиққан инсоният сабр-тоқат, ҳамкорлик, меҳр-муҳаббат ғояларини асос қилиб олган христианлик, кейинчалик эса ислом динларига эътиқод қила бошлади. Дарҳақиқат, инсоният табиатан курашга, доимий можароларга эмас, сабр-тоқатга, итоат ва ҳамкорликка, тинчликка мойилдир.

Шарқ социологияси мактабида Хитой мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари алоҳида ўрин тутади. Милоддан аввалги Цинь ва Хан даврларида Хитойда кучли марказлашган империялар таркиб топди. Бу давр учун характерли ҳол шундан иборатки, империягача бўлган даврда амал қилган «ихтилофдаги ҳукмдорлар» тарқоқ мафкураларининг Хитойни буюк давлат даражасида юксалишига хизмат қилувчи янги миллий ғоя билан бирлашуви, яъни осмон образининг илоҳий рамз сифатида қабул қилиниши бўлди. Бинобарин, диний мутаассиблик ва космология ғоялари Хитой ҳукмдорларини азалдан осмоний ҳукмдор мавқеига юксалиш орзулари йўлида хизмат қилиб келар эди. Хитой ва бутун Шарқ мамлакатларига хос бўлган рамзлар илоҳийлигига ишониш эса космология ғоясининг қабул қилинишига туртки бўлди. Бу расмий мафкуранинг моҳияти табиат ва жамият жараёнларига осмон феъл-атворидан келиб чиққан ҳолда ёндошиш ва баҳо беришга интилишдан иборатдир. Осмоний табиат даставвал осмон фарзанди императорга хос бўлиб, у жамиятда кечувчи зиддиятлар, муаммоларга ортиқча аралашмайди. Баъзида эса ижтимоий зиддиятлар ҳаддан ошган кезларда бамисоли осмоний ўт — момақалдироқ, ёҳуд довул сингари ана шу ихтилофий ҳолларга кескин зарба бериб туради.

Космологик ғоялар аста-секин осмоний империянинг ҳар бир жабҳасида маълум бир рамзий белгилар тарзида ифодаланиб, расмий мулоқотлар, маросимлар ҳамда байрамларда ҳам намоён бўла бошлади. Осмоний ҳукмдорнинг рамзий тамғасида уч горизонтал чизиқ, яъни осмон, ер ва инсондан иборат моҳиятларни ифодаловчи чизиқларни, яъни ҳукмдор изнини ифодаловчи бир вертикал чизиқ кесиб ўтишини акс эттириб турарди.

Хитойда Конфуций ахлоқига биноан инсон дунё тартиботи тизимида фавқулодда ўрин тутиши, умумий дунё тақдири учун масъуллик ҳиссининг чексизлиги тарғиб этилса, космология ғоясида сиёсат ва космик ритм ўртасида муроса ўрнатилиши асосланди. Хитой сиёсати эса «инсон ўзига нима» деб эмас, «инсон давлат учун нима» деган саволга жавоб излар эди. Инсон жамиятда фақат ўз қобилиятига таяниб, қачон ундан фойдаланишлари муддатини кутиб яшашга маҳкум этилган эди. Шу боисдан ҳам Хитойда давлат жаъмики жараёнларни бошқарувчи куч сифатида жамиятда ҳар бир индивиднинг ижтимоий мавқеини ҳам белгилаб борувчи омил вазифасини ўтар эди.

Конфуций осмоний ғоя назариясини социологик тадқиқ этган ҳолда маърифий бўёқлар билан янада ривожлантирди. Унинг нуқтаи назарига кўра, жамиятни мустаҳкам муносабатлар тизимига эга бўлган оилага ўхшатиш мумкин. У одамлар ўртасидаги муносабатлар тизимини беш кўринишга ажратади. Улар қуйидагилар: 1) ота ва фарзанд; 2) эр ва хотин; 3) ака-укалар; 4) турли оилалар ва ниҳоят, 5) ҳукмдор ва фуқароларарo муносабатлар. Инсон, Конфуций фикрига кўра, нима хаёлига келса шуни қилишга эмас, балки жамият томонидан белгилаб қўйилган, ижтимоий табақа моҳиятидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажаришга масъулдир.

Конфуций жамиятни бошқарув масаласида шундай деган эди: «Агар мени ҳукмдорлардан бирортаси жамиятни бошқарув ишига жалб этгудек бўлса, 12 ойда ишда ижобий ўзгаришлар ясаган ва уч йил мобайнида бошқарув ишини тубдан такомиллаштирган бўлур эдим»[1].

Афсуски, Хитой ҳукмдорларидан ҳеч бири унинг хизматидан фойдаланишни лозим топмаган. Конфуций нуқтаи назарига кўра, ҳар бир шахс ўзига белгиланган ижтимоий мавқе доирасида сидқидилдан фаолият юритиши, яъни ота ота ўрнида, фарзанд фарзанд сифатида, ҳукмдор эса ҳукмдордек иш қилиши лозим.

Конфуций кишиларни жамиятда эгаллаб турган ўринларини, ижтимоий мавқеларини ўзгартиришларига қарши турган. У инсонларнинг ўз ижтимоий мавқеларини ўзгартириш йўлидан эмас, балки шу мавқе мазмунини теран билимлар билан бойитишга чақиради. Билимлар кишига нафақат маълумотли бўлиш учун, балки тўғри иш тутиш, оқил хатти-ҳаракатлар қилиш учун ҳам керакдир[2].

Конфуций шарқ мутафаккирларига хос хусусиятларни намоён этиб, жамиятда кишилар турли ижтимоий табақаларда яшашларини маъқуллаган ҳолда бу табақалар ўртасида доимий муроса, келишув бўлишини, зиддиятларга асло йўл қўймаслик зарурлигини уқтиради. Конфуций ҳам ижтимоий тараққиёт давлатларарo ва табақаларарo консенсус-якдиллик, ҳамфикрлилик амалга ошгандагина юз беришига қатъий ишонади.

Қадимги Шарқ фалсафаси, унинг теологик асослари қадимги Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи халқларнинг ижтимо-

---

[1] История социологических учений.Древний Восток.М., 1950, с.230.

[2] История социологических учений. Древний Восток, 228-бет.

Қадимги Шарқ фалсафаси, унинг теологик асослари қадимги Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи халқларнинг ижтимоий жараёнларга муносабатлари ва фикрлаш тарзига бевосита ўз таъсирини кўрсатган. Хусусан, ўзбек халқи ва унинг бой маънавиятининг шаклланишига ислом динининг кириб келиши ва унинг халқ томонидан қабул қилиниши ўзига хос ҳодиса бўлди, деб ҳисоблаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи ислом динига ўз миллий хусусиятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари билан кириб келди. Бу эса қабул қилинган ислом теологияси назариясига тегишли аниқликлар ва тадрижий ўзгартиришлар киритилишини тақозо эта бошлади.

Мовароуннаҳр жамоатчилик фикри тарихини ўрганишда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ўрни беқиёсдир. Суннийлик асосидаги ислом динида катта йўналишни ташкил этувчи Мотуридия мактабининг асосчиси **Абу Мансур ал-Мотуридий** асарларига нафақат диншунослик, балки жамият, жамоа, ижтимоий жараёнлар ва хусусан шахс ҳақидаги таълимот сифатида ёндошиш, уларни Мовароуннаҳр халқлари ҳаёт тарзи, менталитетига мувофиқ келувчи, уларни ғоявий, эътиқодий якдилликка ундовчи яхлит илмий социологик концепция сифатида баҳолаш ва ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ульрих Рудольф шахснинг ислом эътиқоди доирасидаги фаолияти, эркин фикрлаш ҳуқуқи ва имкониятларини атрофлича асослаган Ал-Мотуридий қарашларини оқилона меъёр, инсон шаъни, мавқеига мувофиқ келувчи назария деб баҳолаганда буюк ҳамюртимизнинг характерли қирраларини очиб берди. Дарҳақиқат, инсон шахси ва мавқеи масаласи, уни турли ижтимоий-сиёсий, керак бўлса, диний тазйиқлардан ҳимоя қилувчи Ал-Мотуридийнинг *муросавий мувозанат концепциясини,* исломни англаш жараёнларидаги ижобий жиҳатлар йиғиндисигина эмас, балки Мовароуннаҳрдаги реал ижтимоий-сиёсий муҳит, халқ турмуш тарзи, менталитети, бой маданий-тарихий тажрибаси билан бойитилган инсоний ёндашувлар синтези, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Ал-Мотуридий жамоа ва жамиятнинг воқелик моҳиятини рамзларда талқин этишга диққатни қаратади. Инсоннинг интеллектуал камолоти, шартлилик, рамзларга кўчиш даражасига, ўзликни нечоғли мавҳумлаштиришга боғлиқлигини, бу эса ўз навбатида моҳиятни шунчалар тўғри англаш имкониятини беришини асослаб беради.

Ал-Мотуридий *жабарийлар*нинг инсонни ҳамма амаллари олдиндан унинг тақдирида ёзиб қўйилган, шу боисдан у ўзи қилаётган ишларга масъул эмас, деган нуқтаи назарини ҳам, *қадарийлар*нинг Оллоҳ инсон фаолиятлари ва амалларининг ҳимоячиси эмас, деган нуқтаи назарини ҳам асосли танқид қилиб, инсон яхши ва ёмон амалларини ўз эркига кўра танлаши ва бу йўлда Оллоҳнинг мададини олиши назариясини илгари суради. Шу асосларда Ал-Мотуридий Мовароуннаҳр жамоатчилик фикрининг маънавий асослари кучли инсоний мазмун билан бойитилишига катта ҳисса қўшади.

Ал-Мотуридий инсондаги ихтиёр, танлаш имконияти жамоага қарши йўналтирилмаслиги, шахс давлат олдида масъул бўлгани каби, давлат ҳам шахс олдида масъул бўлишини назарий асослайди. Шунингдек, Ал-Мотуридий шахснинг танлаш ва ирода эркинлиги жамоавий ирода олдида устувор куч эмаслиги, жамоавий ирода шахсдан юқори туришини асослайди. Эътиқод қилувчи ўз ихтиёри билан жамоага қарши турмаслиги лозим. Чунки, умумийликда хусусийликка кўра ҳақлик ҳиссаси кўпроқдир. Мазкур даъват Мотуридий қарашларининг Мовароуннаҳр халқлари менталитетига ислом эътиқодини мувофиқлаштириш, исломни янада инсон манфаатларига яқинлаштириш рағбатидан юзага келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса сифатида Ал-Мотуридий Мовароуннаҳр ижтимоий фикрига кўрсатган таъсирини қуйидаги йўналишларда қайд этиш мумкин:

а) Ал-Мотуридий Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри шаклланишининг ўзига хослигини инобатга олиб, умумий фикрга кишиларни онгли тарзда, ихтиёрий равишда бирлашишга даъват этган. Бундай фикр бирлиги исломий эътиқодда ҳам, ҳаётий-ахлоқий соҳаларда ҳам, мафкуравий сиёсатда ҳам инсонларнинг якдилликка эришишларида намоён бўлади;

б) Ал-Мотуридий Мовароуннаҳр учун хос бўлган моҳиятни аксарият рамзларда талқин этиш хусусиятига, бу борада, чуқур илдиз отган ижтимоий майлга диққатни жалб этади. Инсоннинг интеллектуал камолоти шартлиликлар, рамзларга кўчиш даражасига, ўзликни нечоғли мажозийлашувига боғлиқлигига, бу эса ўз навбатида моҳиятни шунчалар теран англаш имконини беришини асослаб беради;

в) Ал-Мотуридий Мовароуннаҳрдаги ижтимоий муҳит барқарорлиги, жамиятдаги маънавий тўлақонлиликни

таъминлаш, мавжуд турмуш тарзи, анъаналар, халқ маросим ва урф-одатлари, миллий менталитет, этник, руҳий-интеллектуал ўзига хосликларга таянган ҳолда амалга ошувига ишонади. Зеро, Абу Ҳанафия мазҳабининг моҳияти ҳам ислом таълимотининг реал воқелик базисида амал этиши, шу базис негизида янги эътиқод, ижтимоий онг йўналишининг шаклланиши ва такомил топишини асослайди;

г) Абу Мансур ал-Мотуридий амалга ошадиган барча саъй-ҳаракатлар, қолаверса, ана шу саъй-ҳаракатларнинг маънавий-руҳий ифодаси сифатида намоён бўлувчи ҳамда қайта фаолиятлар юзага келишига асос бўлувчи жамиятнинг умумий ижтимоий фикри икки томонлама тарзда руй беришини асослаб беради. Яъни, бир томондан, ҳар бир алоҳида шахс тақдирининг азалий ҳукм асосида рўёбга чиқиши ҳамда амал этиши эътироф этилган ҳолда ҳар қандай ҳолатда ҳам шахснинг эркин танлаш имконияти сақланиб қолишини атрофлича асослайди. Бу нуқтаи назар, яъни ижтимоий воқеликка эркин ёдашув ва ихтиёрийлик назариясини жамият доирасида зўрлик, зўравонлик ҳодисалари билан ўзаро мувофиқлаша олмаслик ғоясини Абу Райҳон Беруний давом эттирган эди. Унинг «одамларнинг кучсизлиги ҳам ўзидан заиф бўлган бировларга эгалик ва раислик қилишдан ҳоли эмас» (*Беруний А.Р.* Танланган асарлар, 1-том, 51-53-бетлар) деган нуқтаи назари Абу Мансур ал-Мотуридийнинг инсон озодлиги, Оллоҳ олдида ўз тақдирини яратишда эркинлиги ғоясининг узвий ва мантиқий давомидир;

д) Абу Мансур ал-Мотуридий Қуръони Каримдаги дин исбот талаб далилларга эмас, балки эътиқод ва ишончга асосланиши лозимлигини ҳар томонлама тавсифлаб, жамиятдаги ижтимоий фикр барқарорлиги ҳам тазйиқ ва куч воситасида эмас, балки ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик негизида амал қилиши ғоясини илгари суради. Улуғ мутафаккир ўзи яшаган даврдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятлар, диний зиддиятлар, эътиқодий қарама-қаршиликлар муҳитида оқилона ўрта меъёр. Муросавий мувозанат концепциясини ишлаб чиққанлиги ва ана шу тўлақонли назарий таълимот воситасида Абу Ҳанифа томонидан асосланган суннийлик мазҳабининг Мовароуннаҳрда кенг ёйилишига ҳисса қўшди.

Мовароуннаҳрда табиат ва жамиятни социологик англаш ва ўрганиш улуғ мутафаккир **Ал-Форобий** томонидан жиддий кенгайтирилди. У Абу Мансур ал-Мотуридий томонидан илмий-

теологик жиҳатдан асосланган инсон эрки назариясини янада ривожлантирди. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида инсондаги инсонлик моҳияти ўзликни англашдан бошланиши, фозил шахс воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини идрок эта билишини, моҳиятга интилиш ҳақни таниш эканлигини, инсонга берилган руҳ ақлни ривожлантиришга, унга қувват бағишлашга масъул илоҳий куч эканлигини, ақл эса инсон томонидан нарсаларни моҳиятан танлаб фарқлашга кўмак беришини асослаб беради.

Форобий оламни англашда *ворисийлик* омилини жуда катта кучга эга эканлигини алоҳида қайд этади. Унинг фикрига кўра, инсон барча ҳақиқатларни ўзининг қисқа умри давомида англашга, табиат ва жамиятнинг барча сиру-асрорларини тушуниб, идрок эта олишга қодир эмас. Шу боисдан у ўзидан олдинги аждодлари томонидан билдирилган фикр-хулосаларни борича шубҳаланмай ўзлаштириш зарурлиги, илм-маърифат бобида етук донишмандлар фикрларига эргашиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Форобий жамиятнинг бообрў шахслари, олимлари, оқил кишилари ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир, деб ҳисоблайди. Форобий ўша пайтдаёқ ижтимоий фикрнинг аҳамияти катта эканлигини чуқур англаб, замонавий социологияда кўп қўлланувчи экспертлар, яъни ўз даврининг етук донишмандлари фикрларига таяниб иш тутиш зарурлигига урғу беради. «Донишмандларга ишониб, уларга эргашувчи одамлар ўша нарсаларни донишмандлар билгандай билиб оладилар. Зеро, донишмандларнинг билимлари, энг эҳши билимлардур»[1].

Биринчи минг йилликнинг сўнгида (973 йил, 4 сентябрь) таваллуд топган улуғ бобокалонимиз **Абу Райҳон Беруний** ҳам социология назариясини ривожлантириш ишига улкан ҳисса қўшди. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб номланган қомусий китобини тўла маънода инсоният тарихининг ўтган 5 минг йиллиги воқеалари таҳлили ва синтезига бағишланган мумтоз этносоциологик асар, деб баҳолаш мумкин. Мазкур китобда улуғ мутафаккир асар ёзилиши жараёнида олиб борган социологик тадқиқотлари, қўллаган усуллари хусусида сўз юритиб шундай ёзган: «Мазкур асарни ёзиш асносида ўзимга ишонч ҳосил қилдимки, ақлий нарсалардан далил келтириш, кузатилган нарсаларга қиёс

---

[1] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 167-бет.

(эътиқодларга) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эргашиш, уларнинг тушунчаларини ҳамиша асос тутиш билан белгиланади. Сўнгра уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади» [1].

Абу Райҳон Беруний дунёнинг социологик манзараси эволюцион жараён натижасида таркиб топганлигини алоҳида қайд этади. «Тузилиш ва бузилиш натижасида унсур бўлаклари бир-бирига қўшилиб, дунё обод бўлган ва олам тартибга тушган»[2].

Айни чоғда Беруний оламни ижтимоий тараққиётга олиб келувчи куч зиддият ва қарама-қаршиликлар эмас, балки турли ижтимоий даражалардаги муроса ва консенсус эканлигини уқтиради, «Қарама-қаршилиги равшан аён бўлган нарсага қандай ишониб бўлади»[3], деб улуғ мутафаккир қарама-қаршиликлардан холи бўлган жараёнларда ўзгариш эҳтиёжи кучайишига ишора қилади.

Беруний социологиядаги муҳим соҳа ижтимоий табақалашув ҳақида ҳам фикр юритиб, шундай дейди: «Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун (зарур) бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан ҳалиги иборалар кўпайиб, ёдда сақланиши ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган»[4].

Улуғ мутафаккир **Абу Али Ибн Синонинг** социологик қарашлари ўзининг илмий теранлиги, воқеликка ҳушёр баҳо бериш хусусияти билан ажралиб туради. Ибн Сино оламнинг барқарор амал қилиши жамият ва табиатнинг синергетик, яъни ўз-ўзини идора қилиш, мустақил бошқариш хусусиятининг ишга тушиши ва ҳаракатланиши билан изоҳланади, деб изоҳлайди. Консерватив теология назариясида мавжуд бўлган ҳамма нарсаларнинг юз беришида тақдири азалнинг роли, илоҳий ҳукмнинг мутлоқлашуви ғоясига қарши чиқиб, Ибн Сино дунё камолоти учун жамият аъзоларининг эркин фаолиятига ҳам катта эҳтиёж борлигини асослаб беради.

---

[1] Абу Райҳон Беруний.Танланган асарлар, 1-том.Т., 1968, 406-бет.
[2] Абу Райҳон Беруний.Танланган асарлар, 1-том, 51-бет.
[3] Ўша ерда, 44-бет.
[4] Абу Райҳон Беруний.Танланган асарлар, 1-том, 231-бет.

Ибн Сино Оллоҳнинг ақлдан ташқари фаолиятларга ҳам қобиллиги ғоясига қарши чиқиб, Оллоҳ фаолияти ақлдан ташқари бўлиши мумкин эмаслиги, яратилган нарсаларнинг барчаси инсоний ақл томонидан идрок эта олиниши кераклигини ҳам асослаб беради.

Ибн Сино дунёнинг абадийлиги ҳар бир юз берувчи нарсанинг албатта бир кун келиб яратилиши мумкинлиги билан изоҳланишини, дунёда ғайритабиий нарсаларнинг йўқлигини таъкидлайди. Бу фикр бўлажак социологларни жамият ҳодисаларини ўрганишда фақат исбот этилиши мумкин бўлган ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий гуруҳлар муаммоларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқлиги ғояси билан ҳам қуроллантиради.

XI асрда яратилган, туркий халқлар учун муқаддас обида ҳисобланувчи китоб **Юсуф Хос Ҳожиб**нинг «Қутадғу билиг» — «Саодатга йўлловчи билим» деб аталган асари ҳам социологик қарашларга бойдир. Бу китоб ахлоқ-одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштириб, ўзида жам қилган буюк қомусий асардир.

Юсуф Хос Ҳожиб жамият ва табиат борасидаги барча баҳсларни таълим атрофида олиб борар экан, ўз даври, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум, маънавий-моддий ҳаёт жараёнлари хусусида муфассал маълумотлар беради. У ўша даврнинг турли ижтимоий табақалари, тоифалари ва гуруҳлари, уларнинг турмуш тарзи, расм-русумлари, қонун-қоидалари, ҳунар ва касбу-корлари, жамиятда тутган мавқелари, давлат тузумининг қандай асосларда қурилганлиги, ҳар бир табақанинг дунёқараши хусусида атрофлича социологик асосланган маълумотларни ўртага ташлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятнинг том маънодаги камолоти фақат таълим воситасида амалга ошади, деб ҳисоблайди Дунёдаги барча бойликлар муваққатдир, ўткинчидир, сарфланса тугаб битади, фақат билим бойлигигина қанча сарф этилса, шунча кўпаяверади, деб ўргатади улуғ мутафаккир.

Социологиянинг донишмандлик талаби юқори бўлган фан эканлиги учун ҳам улуғ аждодларимизнинг жамиятни бевосита ўрганишга доир вазмин умумлашмаларга, хулосавий мушоҳадаларга бой асарлари уларни маънавий-ақлий камолотга эришган йилларида, сермазмун умрларнинг сўнгги даврларида

мушоҳадаларга бой асарлари уларни маънавий-ақлий камолотга эришган йилларида, сермазмун умрларнинг сўнгги даврларида яратилгандир. Масалан, Амир Темурнинг «Тузуклари», Ибн Халдуннинг «Муқаддима», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари шулар жумласидандир.

Шарқ социология мактабида ёрқин из қолдирган улуғ мутафаккирлардан бири Абу Зайд Абдураҳмон Ибн Халдун ҳисобланади. Унинг илмий салоҳиятини шакллантирган нарса, алломанинг бир давлатдан бошқа давлатга, султонликдан амирликка саёҳати ва кўчиб юриши, ҳар хил халқлар билан мулоқотлари натижасида тўпланган катта ҳаётий ва амалий тажрибасидан иборатдир.

Ибн Халдуннинг жамият ва ижтимоий тараққиёт ҳақидаги таълимотининг шаклланишидаги ғоявий-назарий асослар қуйидагилардан иборат:

юнон файласуфлари асарларининг таржималари ва улардаги ижтимоий-фалсафий фикрлар;

ўрта аср араб-мусулмон фалсафасининг илғор фикрлари, хусусан, буюк мутафаккирлар Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқаларнинг ижтимоий-фалсафий таълимотлари, мутазилийларнинг ғоялари.

Ибн Халдун «Муқаддима» асарида тарих фани ва ижтимоий ривожланишнинг асосий моҳияти ва масалаларини белгилашга интилди. «Билгинки, — деб ёзади Ибн Халдун, — тарихнинг моҳияти — бу инсон жамияти тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, бу дунёнинг «ижтимоийлиги» ҳисобланади. «Ижтимоийликнинг» табиатига таъсир этувчи кучлар ёввойилик ва инсонийлик, бир қисм инсонларнинг бошқалари ғалабаси, подшоликлар ва давлатларнинг келиб чиқиши ва уларнинг ўрни кабилардир. Кишилар ўз меҳнатлари билан нимани ишлаб чиқсалар, ҳаётий воситаларга эга бўлишга интилсалар, фан, ҳунармандчилик ва қолган ҳамма нарсалар «ижтимоийликнинг» табиатидан келиб чиқади.

Ибн Халдун ўзининг «Муқаддима» асарида асосий мавзуни «ижтимоийликка» бағишлайди ва бу масалада Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг фикрларини ривожлантиради. Ибн Халдун «ижтимоийликнинг» давлат билан узвий алоқада эканлигини таъкидлайди. Давлатни «ижтимоийликсиз» тасаввур қилиб бўлмаганидек, «ижтимоийликни» ҳам давлатсиз тасаввур

этиш мумкин эмас, яъни унинг таъкидлашича, «давлат» ва мулк «ижтимоийлик» учун монанд бўлганидек, «шакл материал учун монанддир».

Ибн Халдун «ижтимоийлик» тўғрисидаги масалани давом эттириб, ўтмиш файласуфлари, хусусан, Форобийнинг айтган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, «инсон табиати бўйича ижтимоий ҳодисадир (сўзма-сўз — шаҳарликлардир)», деб таъкидлайди.

Бироқ, унингча, жамият шаҳар сўзига мос тушмайди. Ибн Халдун «Муқаддима»да шундай ёзади: «Кишиларни бирлаштириш зарур, бусиз уларнинг мавжудлиги тўлиқ бўлмайди ва шунинг учун Оллоҳ дунёда одамларни яратди ва уларнинг ўз ворислари бўлишини хоҳлади, ижтимоийликнинг мана шу моҳияти биз танлаган фаннинг мавзусидир.

Ибн Халдуннинг таъкидлашича, ёлғиз бир инсон ҳаёт воситаларини яратиш ҳолатига ва қобилиятига эга эмас ва бундай ҳолатга кишилар бир-бирига ёрдам бериш орқали нафақат бевосита ишлаётганларни, балки бошқа кишилар катта қисмининг эҳтиёжини ҳам қондиришлари мумкин.

Тараққиётнинг муҳим омили, Ибн Халдуннинг ёзишича, меҳнат бўлиб, меҳнат — ижтимоий ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Шаҳарда яшовчиларнинг меҳнати ишлаб чиқаришнинг олий шаклидир. Бундан ташқари, фақат шаҳарда яшовчиларнинг меҳнати қўшимча маҳсулотни яратади ва кишиларни қашшоқликдан сақлайди. Ижтимоий ҳаётнинг олий босқичи фақатгина қуйи босқич ривожланишининг натижаси ҳисобланиб, жамият ана шундай ҳолдагина олдинга қараб ривожланиш йўлидан боради.

Ибн Халдуннинг таъкидлашича, «давлат ўзининг иқтисодий ҳаётини сақлашда, биринчидан, солиқларнинг янги турларини ишлаб чиқади. Иккинчидан эса, давлат бозорга бевосита аралаша бошлайди. У савдо устидан бевосита ва билвосита назорат ўрнатади.

Давлат — бу жамиятнинг юзи, у кишиларнинг моддий ишлаб чиқариш фаолиятисиз мавжуд бўла олмайди. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш керакки, Ибн Халдун сулолавий давлатнинг ривожланиш босқичларини тасвирлаб, уни инсон ҳаёти даврлари билан солиштиради — болалик, ўспиринлик, қарилик ва ўлим. Ибн Халдун тасаввури бўйича, «Давлатнинг тарихий шакллари ва сулолаларнинг ҳаёти инсонлар уч авлодининг ҳаётидан ортиқ

бўлмайди, яъни 100-120 йил атрофида бўлади. Шу вақт оралиғида давлат қуйидаги беш даврни босиб ўтади:

а) бошқалар устидан ғолиб чиқиш ва олдинги сулолаларни енгишдан иборат ҳукмдорлик даври;

б) ўз одамларини йўқотиш, якка ҳокимликни ўрнатиш. Бу бўйсуниш ва куч даврдир;

в) ўз ҳукмдорлигининг меваларини териш, ҳордиқлар ва тинч ҳаётлар даври;

г) таъминот ва хотиржамлик даври. Бу даврда ҳукмдор ўзидан олдинги ҳукмдор эришган нарсалар билан қаноатланади.

Бу қаноатланувчилик янгидан ўрнатилган давлатнинг астасекин қаришига олиб келади, у фаолликка бўлган қобилиятини йўқотади;

д) камомат ва исрофгарчилик даври. Бу даврда ҳукмдор ўзининг аждодлари йиққан ҳамма нарсаларни йўқотади. Бу босқичда сулоланинг қариши рўй беради, чўзилган касалга дучор бўлади ва ундан қутула олмайди. Бу — ўлим фазасидир.

Ибн Халдун ҳокимиятнинг сиёсий шаклларига таъриф беришда ўрта асрлардаги қабилавий тузилишга эга бўлган араб-мусулмон идора усулининг таҳлилидан келиб чиқади. Ибн Халдун «ҳокимият инсон учун табиий эҳтиёж эмас, балки жамиятнинг заруриятидир», деб ҳисоблайди.

Яна у шундай деб ёзади: «Агар одамларга уларнинг табиати ва моҳиятига кўра иш тутиш имконияти қўйиб берилса, улар худбин ва ёвуз бўлади. Агар бирортаси ўз туғишганининг мулкига кўз олайтирса, у ёмонлик сари интилган бўлади. Буни фақат ҳукмдор тўхтатиши мумкин».

Ибн Халдун юнон файласуфларидан фарқли ўлароқ, ҳокимият турларини мусулмон давлатларида тарқалган халифалик, амирлик, султонлик каби шаклларга ажратади.

Ибн Халдуннинг таъкидлашича, давлатчилик ижтимоий ҳодиса сифатида «шариат қарашларига мос равишда ҳамманинг диний ва дунёвий манфаатларини ҳимоя қилади».

Хуллас, бизнинг назаримизда, Ибн Халдуннинг давлатни бошқариш шакллари, жамият ва унинг ҳаёти айниқса, ижтимоий фикрлар ва тараққиёт ҳақидаги қарашлари ўз даври, кейинги ижтимоий фикрлар жараёнининг ривожида ва ҳатто ҳозирги давр учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта асрнинг улуғ мутафаккири Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул — қулуб» асарида эса муаллиф ўз давридаги деярли

барча ижтимоий гуруҳ ва табақаларга тавсиф беради ва уларнинг қайси бири яхши ёки ёмон, қайси бири инсонийликка, халққа, мамлакатга фойдали ёки зарарли эканлиги баён этади.

Алишер Навоий жамиятнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ижтимоий бўлинганлиги умуман олганда ижобий ходиса эканлиги, бу таснифланиш доирасининг қанчалик кенглиги мамлакат фаровонлик даражасининг ифодаси эканлиги хусусида эътиборга сазовор социологик қарашни асослаб беради. Улуғ мутафаккир жамиятдаги юздан ортиқроқ ижтимоий табақа хусусиятларини аниқлаб, уларнинг мамлакат ижтимоий тизимидаги ўрни ва фаолият имкониятларини равшан ифодалаб беради. Мазкур социологик таснифлашдан мақсад, уларнинг ижтимоий фойдалилик даражаларини ошириш эканлиги асарнинг мазмунини ташкил этади. Зеро, жамиятдаги таснифнинг қандай эканлигини билиш уларнинг мазмунини яхшилашга йўл очади. «Шу жиҳатдан, — деб ёзади Алишер Навоий, — ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёронларни бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи уларда ҳар тоифани хислати ҳақида билимлар ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлғай»[1].

Хуллас шарқ, социология мактаби ранг-баранг таълимотлар гўлдастасидан иборат бўлиб, бугунги кунда ҳаётимизда тобора мустаҳкам ўрин олаётган миллий истиқлол ғояси учун фалсафий, диний ва дунёвий пойдеворлар вазифасини ўтади. Миллий истиқлол ғояси учун ҳам мазкур таълимотлар назарий асос сифатида хизмат қилади[2].

---

[1] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 3-бет.

[2] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 16-бет.

3-§. Ғарбий Европа социология мактаби

Социология тарихи жамият тўғрисидаги тушунчалар ва ғояларнинг тадрижий шаклланганлиги эволюциясини кўрсатиб борувчи фандир.

Социологиянинг фан сифатида вужудга келишига доир тадрижий босқичларни ўрганиш бизни социологик тафаккур қилиш маданиятига, уни жамият фойдасига ишлата билишликка ўргатади. Айниқса, бу ҳозирги вақтда, Ўзбекистон мустақиллиги шароитида, миллий истиқлол мафкурасини фуқаролар онгига сингдириш жараёнида муҳимдир. Социология тарихи аждодларимизнинг руҳий қадриятлар тўғрисидаги, инсон ва инсонни ўраб турган ижтимоий мавжудлик тўғрисидаги тафаккур тарзлари қандай бўлганлигини равшан кўрсатиб беради.

Қадим замонлардан буён жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши тўғрисидаги билимлар Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари умумфалсафий ғояларининг асосий бўлими сифатида қаралган. Жамият ривожи, сиёсат, ахлоқ, фан, дин ва санъат муаммолари тўғрисидаги илмий қарашлар Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнон файласуфлари, Ўрта Осиё ва Европа мутафаккирлари томонидан айтиб ўтилган.

XVIII аср охири — XX аср бошларида Европадаги социологик дунёқараш характери ва мазмуни мазкур жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар билан изоҳланади. Жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида янги шаклли тузилмалар пайдо бўлди. Эски билимлар ўрнини янги назариялар эгаллаб, фалсафий билимларда янгича ёндошувлар кучая бошлади. Характерли томони шундаки, социология янги позитив фалсафа тамойилларини асослаб берувчи фан сифатида майдонга чиқди. Жамият тузилиши тўғрисидаги мавжуд фалсафий-схоластик ғоялар танқидга учраб, унинг ўрнига табиий фанлар методларига мос келувчи ижтимоий тадқиқотлар таклиф этила бошланди.

Позитивизм ва позитив социология асосчиси **О. Конт** (1798 — 1857) томонидан ёзилган ишлар орасида 6 жилдлик «Позитив фалсафа курси» ва 4 жилдлик «Позитив сиёсат тизими» муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий физика ёки социология, Конт фикрича, ижтимоий статистика (жамиятда турғун бўлган тузилмалар) ва ижтимоий динамика (ижтимоий ўзгарувчанлик жараёни) дан иборат.

Контнинг тушунтиришича, фалсафа ва социологияни позитив деб аташнинг сабаби шундаки, улар фан маълумотларига эмас, балки илмий кузатувларга асосланади. Позитивизмда энг асосий талаб кераксиз тушунчалардан воз кечиш ҳамда табиий-илмий қарашларни исботловчи «позитив» (ижобий) ижтимоий назарияни яратишдир.

XIX аср Франциясидаги мавжуд сиёсий тушунмовчиликлар, иқтисодий инқирозлар, ижтимоий табақалашув жамият тараққиётини инқилобий эмас, балки маънавий ўзгаришлар асосида амалга оширишни қатъийлаштирди.

Конт тарихни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг онгидир, деб ҳисоблайди. Унинг нуқтаи назарларига қараганда, теологик руҳ ахлоқий ва сиёсий ғояларни доимо ҳурмат қилиш учун зарурдир, яъни ахлоқ ва сиёсат тўғрисидаги саволлар диний онг, диний қадриятлар асосида ечилган[1].

Фан тараққиётининг метафизик босқичида жамиятдаги асосий бошқарув мавқеларини файласуфлар эгаллаб келганлар. Бу босқич 1300 йилдан 1800 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фаннинг эмпирик кузатув маълумотларига таянмаган ҳолда нарса ва мавжудотларнинг моҳиятини мавҳум тавсифлаши билан характерланади.

Позитив босқич 1800 йилдан бошланади. Бу босқич илм-фан ва олимларнинг ижтимоий билим ва бошқарув назарияларининг устувор мавқени касб этувчи босқичдир.

Француз олиминнинг хизмати шундаки, у социология фани дастурлари ва методларини илмий изланишлар воситаси сифатида аниқлай олди. Контнинг фикрига кўра, социологиянинг предмети — бу ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятидир. Жамият тўғрисидаги фанлар табиий фанлар методологиясига таяниши керак: олимлар кузатув, қиёслаш, тарихий, генетик методларни қўллай билиши лозим. Ушбу методлар ичида тарихий ва қиёсий методлар кенг тарқалган. Кузатув ва эксперемент методлари эса XX асрга келиб қўлланила бошланди.

Контнинг жамият тараққиётини мувофиқлаштириш ва уни барқарорлаштириш муаммоларига бағишланган фикрлари катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, жамиятдаги ўзаро мослик сиёсий, иқтисодий, маънавий, биологик қонуниятларга боғлиқ бўлиб, турли ижтимоий тизимлар бирлиги ва улар ўртасидаги мувофиқлик ҳисобига эришилади. Фан эса жамиятнинг ҳамма

---

[1] Социология. М . Изд.Объединение ЮНИТИ, 1998, с 31.

соҳалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг зарурий меъёрларини белгилаб беради.

Контнинг таъкидлашича, жамиятдаги ижтимоий мувофиқлик — бу шахслар ва ижтимоий қатламлар манфаатларининг бир-бирига мослигидир. Контнинг жамиятни яхлит организм сифатида тушуниши, меҳнатнинг ижтимоий адолат асосида тақсимланиши, ижтимоий барқарорлик шартлари ва омиллари, турли гуруҳ ва қатламлар манфаатларини мослаштиришда давлат ва шахсларнинг ўрни тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам муҳимдир[1].

Контнинг қарашлари инглиз олими **Герберт Спенсер** (1820 — 1903) асарларида ўз ривожини топди.

Спенсернинг 1862 — 1896 йилларда чоп этилган «Асосий манбалар» (1862), «Биологиянинг яратилиши» (1864 — 1867), «Психологиянинг яратилиши» (1870 — 1872), «Социологиянинг яратилиши» (1876 — 1896), «Социология тадқиқот предмети сифатида», «Этиканинг яратилиши» (1870 — 1873) китоблари социология тарихида муҳим ўрин тутади.

Спенсер Конт изидан бориб, социология фанига ўзгариб гурувчанлик ва «бир маромдаги» эволюционизм ғоясини киритди. Эволюция — бу оддий нарса ва кучларнинг оддий кўпайиши ёки камайишига олиб келувчи, ҳақиқий рақамли, сакраш ва танаффуслар кетма-кетлигидан маҳрум бўлган жараёндир. Спенсер, исталган тизимнинг амал қилиш тарзи, ижтимоий организмнинг меъёрий ҳолати мувозанатидан иборатдир, деб таъкидлайди.

Спенсернинг фикрига кўра, исталган объектнинг эволюцияси алоқасизликдан алоқадорликка, бир тоифаликдан ҳар хил тоифаликкача, ноаниқликдан аниқликкача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мувозанатнинг бузилиши асосида янги эволюцион жараёнга ўтувчи инқироз бошланади. Ҳамма воқеа ва ҳодисалар мана шу инқироз ва тараққиёт цикли орқали юз беради[2].

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Спенсер синфий кураш ва революцияни мувозанатдан оғиш ёки ижтимоий организмнинг касаллиги, деб эълон қилди.

Спенсер фикри бўйича, социологиянинг вазифаси — бу алоҳида шахсларнинг хоҳиш ва интилишлари, уларнинг

---

[1] *Комаров М.С.* Введение в социологию М., Наука.1994, с.36.

[2] История социологии М., Выш.шк., 1998, с 48

индивидуал жиҳатлари ва субъектив фикр-ўйларига қарамасдан амалга ошувчи эволюцион жараёнларнинг умумий қонуниятларини очиб берувчи, ижтимоий мавжудликлар, ижтимоий омилларни ўрганишдан иборатдир.

Спенсер социологиянинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этган ҳолда ижтимоий билимнинг объектив мураккабликларини алоҳида қайд этади. Социологик далилларни кўплаб маълумотларни ўзаро қиёслаш йўли билан ўрганиш мумкин. Спенсер учун ижтимоий далиллар — бу эволюцион жараёнлар намоён қиладиган мавжудликлардир[1].

Спенсер XIX аср социологларининг ичида биринчи бўлиб, ижтимоий тизим, ижтимоий институт, ижтимоий назорат терминларини киритди. Ижтимоий институтлар инсоннинг жамоавий ҳаракатга кириша оладиган ижтимоий мавжудотга айланишини таъминлайди.

Спенсер ижтимоий тараққиёт таъсири остида ижтимоий институтларни бир неча турга бўлди:

— оила эволюцияси босқичларини ишлаб чиқувчи, оилавий муносабатлар ўзгаришини тадқиқ этувчи институтлар;

— урф-одат, анъана, ахлоқ орқали инсонларнинг кундалик ҳаракатини бошқаришга йўналтирилган институтлар;

— жамият ҳамжиҳатлиги ва эътиқодий бирлигига таъсир этувчи диний институтлар;

— меҳнат тақсимланиши асосида келиб чиқувчи касб-ҳунар институтлари.

Спенсер жамият эволюциясининг икки қутби деб, жамият тузилишининг ҳарбий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ типларини тан олган, чунки эволюция биринчисидан иккинчисига ўтиш йўналишида кечмоқда.

Ғарб социологларидан биринчи бўлиб Г.Спенсернинг ижтимоий жараён ва борлиқ ҳақидаги ғояларини ўрганишга польшалик социолог ва юрист **Людвиг Гумплович** киришган эди. У социология тамойилини тушунтириш омили сифатида Спенсер томонидан асосланган биологик тушунчаларга қарши чиқди. Унинг таъкидлашича, социологияда биологик тушунчалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, улар фақатгина қиёслаш учунгина хизмат қилиши мумкин, ижтимоий воқелик хусусида эса билим бера олмайди.

---

[1] Ўша жойда, 50-бет.

Гумплович социология объекти сифатида ижтимоий гуруҳларни олиб, воқеликни ўрганишга бағишланган тадқиқот предмети сифатида, абадий ва ўзгармас қонунларга бўйсунувчи ижтимоий гуруҳлар ҳаракати тизимини қабул қилишни таклиф этади.

Австриялик психолог ва социолог Зигмунд Фрейд фанда психологик назарияни ишлаб чиқиш билан ижтимоий жараёнларни англашнинг илгари инсоният тажрибасида бўлмаган йўлини асослаб берди. Унинг таъкидлашича, инсон руҳиятининг онг билан бошқарилмайдиган қисмида инстиктив даъватлар (хоҳиш-истаклар) ҳамда хотирадан чиқарилган фикр-ғоялар мужассамланган бўлиб, бу қисм билан идора этилувчи онг ўртасида онг олди майдони (бу майдончада идрок, тафаккур, хотира, англанган ўзлик) жойлашгандир.

Онг олди майдончаси онг билан бошқарилмайдиган соҳадаги турли хил даъватлар, хоҳиш-истакларни онгнинг идрок этилувчи қисмига ўтказишга монелик қилиб туради ва ўзига хос цензор вазифасини ўтаб боради. Фрейднинг нуқтаи назарига кўра, англанмаган истаклар ҳамда агрессив даъватлар билан шахснинг маданий даражаси ўртасида доимий қарама-қаршилик юз бериб туради. Маданият, унинг фикрича, англанмаган онг истакларидан воз кечиш асосида юзага келади.

Фрейд ижтимоий жараёнлар ва жамоалар моҳиятини очишда ҳам либидо (хоҳиш, истак, роҳатбахш нарсаларга мойиллик) тўғрисидаги таълимотни ёқлаб чиқди. У ижтимоий гуруҳлардаги лидерларнинг ўрнини тадқиқ этиб, одамлар муайян раҳбарлар атрофида ҳиссий майллар, эмоционал истак-хоҳишлар негизида уюшадилар, деб ҳисоблайди.

Фрейд дин ва диний эътиқодларни жамоада кузатиладиган невроздан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди. Чунки инсон онги ўзидан олдинги аждодлар бошидан ўтказган тарихий воқеаларни рамзлар орқали ифодалаб беради. Неврозларга хос берилувчанлик ва таъсирланувчанлик асосида одамларнинг турли диний расм-русмларга амал қилишлари, уларнинг моҳиятини чуқур англаб етмасликлари Фрейд томонидан динни «коллектив невроз» деб аташга асос бўлган.

Умуман олганда, Фрейд назарияси инсонни ўз-ўзини онгли идора қилиш, ҳар бир ишда меъёрга қатъий риоя қилиш, ақл ва инстинкт баҳсида тўғри йўл танлашга ундашга ўргатиши билан ўзининг ижтимоий қимматини йўқотмаган.

XIX аср социологик назариялари ривожи социологиянинг ҳамма тан олган универсал ижтимоий фанга айланишига шароит яратиб берди. Бу имкониятларнинг яратилиши В.Парето, Ф.Тённис, Э.Дюркгейм, М.Вебер, П.Сорокин ва бошқа социологлар ижоди билан боғлиқ.

XX аср бошларидаги Италиянинг энг кўзга кўринган назариётчиси **Вильфредо Парето** (1848 — 1923) эди. Унинг асосий иши ҳисобланмиш «Умумий социология тартиби» кейинчалик ғарб социологиясининг классик ижоди намунаси, деб тан олинган.

Парето ҳақиқийлик, ишончлилик ва илмий-эмпирик асосланганликни таъминлай оладиган социологик билимлар тузилиши жараёнларини ишлаб чиқишга интилган. Умуман, ижтимоий фанларнинг барчаси позитивизм ғояларига таянади, деб ҳисобловчи омил социологияни ҳуқуқ, иқтисод, дин тарихи ва бошқа ижтимоий фанларнинг синтези сифатида баҳолайди.

Парето томонидан ишлаб чиқилган позитив ёндошув концепцияси ўзининг моҳиятига кўра методологик хусусиятга эга бўлиб, битта мақсадга, яъни ижтимоий-назарий тадқиқотларни мафкуравий моҳиятдан озод қилишга қаратилган эди.

Паретонинг социологик тизимида элиталар назарияси муҳим ўрин тутади. Жамиятнинг социологик тузилишини у иккита катта гуруҳга бўлади: ўқимишли одамлардан иборат *элита* ҳамда ҳиссиётлар ва иккиланишлар билан яшовчи, бошқариладиган *омма* — қуйи қатлам.

Парето фикрича, сиёсий жараён элитанинг ҳокимият тепасига келиши билан шартланган бўлиб, улардан биттаси жамиятни бошқарувчилик имкониятларини йўқотса, унинг ўрнини бошқаси эгаллайди. Элитанинг ўрин алмашиш тартиботи исталган жамиятнинг универсал қонуниятларидан ҳисобланади. Сиёсий элиталарнинг яшаш қобилияти кичик қатламларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий имкониятларига, ижтимоий бошқариш ҳуқуқини берувчи сиёсий тузумга, жамиятнинг нечоғли очиқлигига боғлиқдир. Бошқарувчи синф жамиятнинг вертикал мойиллигига таяниб, ўзини жамиятдаги бузилишлар — деградациядан сақлаган ҳолда инқилобларнинг олдини олади ва доимий равишда янгиланиб боради[1].

XIX аср охирида социологиядаги позитив оқимлар ижтимоий ҳаётни тушунтиришда қийинчиликларга учрай бошлади. Жамиятда ижтимоий борлиқни билишда табиийлик —

---

[1] *Комаров М.С.* Введение в социологию, с.46.

натурализм тамойиллари ва табиий-илмий методларни қўллашни ман қилишга интилишлар кучайиб кетди.

Позитив социологияга қарама-қарши ўлароқ, антипозитивистик йўналишдаги социология кўпроқ Германияда кенг тарқалди. Социологиянинг расмий мактаби намояндаларига В.Дильтей, Г.Зиммель, Ф.Тённис киради.

Кўзга кўринган немис файласуфи, психолог ва социолог В. Дильтей (1833 — 1911) фикрига кўра, табиий фанлар табиий жараёнларнинг бориши ҳамда унинг инсон ҳолатига қандай таъсир қилишини кузатиб боради, ижтимоий-гуманитар фанлар эса инсоннинг эркин фаолияти, жамоавий ишларини ўрганади.

У асосий эътиборни руҳ тўғрисидаги фан назарий муаммоларини ишлаб чиқишга қаратди. Бу йўналишда Дильтей илмий фаолиятининг натижаларидан бири «тушунувчи психология» ва «тушунувчи социология» нинг яратилишидир. Унинг таъкидлашича, «тушуниш» социологиясининг асосий вазифаси, одамларнинг ўтган давр одамлари ҳаётини ҳис қилиш ва шу орқали ҳаётлари мобайнида ҳали амалга оширилмаган фаолиятлар қирраларини топишдан иборат.

Дильтейнинг фалсафий ва социологик ижоди маҳсули бўлган ижтимоий мавжудликлар, жараёнларни билиш, уларни тушуниш имкониятлари, вазифалари ва мақсадлари тўғрисидаги қарашлари кейинги давр социологлари учун тадқиқот манбаи сифатида хизмат қилди.

Немис социология жамиятининг биринчи президенти Фрединант Тённисни социологиянинг формал-аналитик мактаби асосчиларидан бири дейиш мумкин.

Тённиснинг назарий социологияси асосини қарама-қарши моҳиятга эга иккита ечимли тушунча — «жамоа» ва «жамият» ташкил қилади. Тённис фикрича, тарихий жараён қарама-қарши қарашлардаги одамларнинг жамоа ва жамиятдаги биргаликдаги ҳаётидан иборатдир.

Бу иккита қарама-қарши ижтимоий алоқаларнинг асосий манбаи сифатида *инсон эрки* майдонга чиқади. «Жамоа»га инсонлар ўзларининг табиий эрклари асосида, «жамият»га эса рационал эрк асосида бирлашадилар. «Жамоа»даги инсонлараро муносабатлар табиийлиги, осойишталиги ва маромийлиги билан ажралиб туради. «Жамоа» нинг бу жиҳатлари оилавий-қариндошчилик муносабатларида, қўшничилик ва дўстлик муносабатларида урф-одат, анъана ва дин орқали амалга ошади.

«Жамият» туридаги муносабатлар турли кўринишдаги шартномалар, савдо муносабатлари ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Жамиятдаги алоқалар фақатгина одамлар орасидаги муносабат эмас, балки турли гуруҳлар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар ҳамдир.

Социология тарихида **Георг Зиммель** (1858 — 1918) ғояларининг М.Вебер ва Э.Дюркгейм ғоялари каби XX аср социологияси ривожида ўзига хос ўрни бор.

Зиммель ўзининг фалсафий ва социологик ижодини ижтимоий муносабатлар типологиясини, аналитик ва формал социологияни ривожлантирувчи анъаналар таҳлилига бағишлаган.

Агар Зиммель томонидан асосланган ижтимоий ҳаёт шаклларини классификация қиладиган бўлсак, унда уларни қуйидагиларга ажратиш мумкин; 1) ижтимоий жараён; 2) ижтимоий тур; 3) ривожланиш модели.

Зиммель шаҳарлар демографияси, дин ва эътиқодлар, билиш ва бошқаларни социологик таҳлил қилиш учун кўпгина қимматли ғояларни илгари сурди. Зиммельнинг ғоялари замонавий социологиядаги маданий-танқидий анъаналарнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Француз социологи **Э. Дюркгейм** (1858 — 1917) ҳам Контга ўхшаб социология табиий фан методлари асосида иш тутиши керак, деб ҳисоблайди. Э.Дюркгеймнинг фикрича, инсоннинг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворини унинг онгидан ташқарида бўлган ижтимоий фактлар шакллантириб боради. У ижтимоий фактлар таркибига жамоавий қарашлар, ахлоқий ҳаётнинг ҳар хил мавжудликлари, анъаналар, урф-одатлар, расм-русумларини киритган. Дюркгеймнинг фикрича, «ижтимоий ҳақиқатга объектив ёндошишни таъминлаб берувчи асосий қоида ижтимоий фактларга нарса сифатида қаралишидир»[1].

Дюркгейм қарашлари асосини «социологизм» ғояси ташкил этади. Француз социологи одамлараро ишончнинг муҳимлигини таъкидлаб, кишилар ягона умумий ғоя атрофида бирлашишлари лозимлигини эътироф этади.

Э.Дюркгеймнинг «Ижтимоий меҳнатнинг тақсимланиши тўғрисида» деб номланган асосий иши бевосита «ҳамжиҳатлик» муаммосини ўрганишга бағишланган. У социологиянинг асосий вазифаси ижтимоий интеграцияни таъминловчи ижтимоий

---

[1] *Дюркхейли Э.О.* Разделении общ-го труда; Метод соц.М.,1991.с.421.

алоқа ва механизмлар табиатини аниқлашдир, деб билади. Дюркгейм жамият эволюциясини ўрганиб, ижтимоий алоқаларнинг икки асосий турини ажратади: «механик ҳамжиҳатлик» ва «органик ҳамжиҳатлик». Биринчи турида архаик жамият алоҳида индивидларни ўзига бутунлай бўйсундирмоқчи бўлади. Бунда ижтимоий ҳамжиҳатлик инсон ахлоқини қаттиқ назорат қилувчи диний ишонч, урф-одат, анъаналар орқали ижтимоий онгга сингдирилади. Органик ҳамжиҳатлик бўлган замонавий ижтимоий алоқаларда умуман бошқа нарса кузатилади. Бу ерда ижтимоий бирлашув индивидларнинг иқтисодий ўзаро алоқалари ва меҳнат тақсимоти орқали таъминланади. Дюркгейм нуқтаи назарича, XIX аср капитализмига хос зиддиятлар меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши ва турли ижтимоий салбий оқибатлар бартараф этилган тақдирда ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Америка социологиясининг асосчиларидан бири П.А.Сорокин (1889 — 1968). У АҚШ социологиясида ҳукмрон бўлган эмпирик йўналишга қарама-қарши ўлароқ, жамиятга яхлит ёндошув, яъни "интеграл" социология тўғрисидаги таълимотга асос солди. Ижтимоий борлиқни Сорокин индивиддан юқори турувчи социомаданий мавжудлик тарзида тушунади. Бундай социомаданий мавжудлик моддий мавжудликка тўғри келмайди ва белгилар тизими билан берилгандир. Чексиз турли-туманлик хусусиятига эга бўлган социомаданий реаллик ҳис-туйғулар ҳақиқатини, оқилона идрокни ва олий даражали оқилона сезгиларни (интуицияларни) қамраб олади. Билишнинг ушбу барча услубларидан социомаданий феноменларни тизимли ўрганишда фойдаланиш зарур. Лекин Сорокин билишнинг олий услуби деб юқори даражадаги қобилиятли шахснинг сезгисини (интуициясини) ҳисоблаган, унинг ёрдамида гўё барча буюк кашфиётлар қилинган. Сорокин социомаданий феноменлар тизимининг кўпгина даражаларини ажратиб кўрсатган. Энг юқорисини социомаданий тизимлар ташкил қилади, уларнинг ҳаракат соҳаси кўпгина жамиятларга мансуб (супертизимлар). Сорокин уларнинг қуйидагиларини кўрсатган: 1) "Ҳиссий" супертизим (бунда борлиқ бевосита ҳис-туйғулар билан қабул қилинади); 2) "Ақлий" (реаллик интуиция ёрдамида билинади); 3) "Идеалистик" (ҳар иккаласининг қўшилмаси). Юқоридагиларга ҳақиқатнинг уч шакли мос келади — ҳиссий, руҳий

(интуитив) ва оқилона (рационал). Тарихнинг турли даврларида супертизимлар ўз ривожининг турли босқичида бўладилар. Шу вақтнинг ўзида тарихнинг истаган даврида доимийликка интилувчи қуйи даражадаги бешта асосий маданий тизим биргаликда мавжуд бўлади: тил, ахлоқ, санъат, фан, дин. П. Сорокин башарият маданиятининг тарихий ривожланиш концепциясини яратар экан унинг фалсафий асоси сифатида илмий билишнинг интуитив услубига асосланган тарихни ўрганишга даъват этади. Унинг хизматларидан бири шуки, ғарб социологларини ижтимоий ўзгаришлар муаммоси қизиқтирмаган бир вақтда ўзига хос социомаданий динамика назариясини таклиф этди. У воқеликни қонуний ўзгариш жараёни деб қаради. Бу жараён социомаданий тизим ичида диалектик хусусиятга эга. Ҳукмрон дунёқараш ва у белгилаб берувчи воқеликни қабул қилувчи асосий қоидалар аста-секин ўз имкониятларини сарфлайди ва бошқа икки муқобил дунёқарашдан бири билан алмашинади. Шунга мос равишда супертизимларнинг ялпи (тотал) хиллари алмашинади. Сорокин диалектика ёрдамида социомаданий ўзгаришларнинг ритмик даврийлигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Супертизимнинг бир ҳукмрон дунёқарашдан бошқасига ўтиш жараёни ижтимоий институтлар ва меъёрий намуналарнинг кескин ўзгариши билан бирга кечади. Шундай намуналардан уч хилини (оилавий, шартномали ва мажбурий) Сорокин бирдамлик — антогонизм континиумига жойлаштирган эди. Интегратив асоснинг бузилиши ва муқобил маданий этоснинг (маънавий асоснинг) юксалиши ижтимоий ва маданий инқирозлар, урушлар ва бошқа одатларнинг узоқ даврлари билан бирга кечади. Сорокин наздида биринчи жаҳон уруши ва Октябрь инқилоби — ғарб жамиятининг социомаданий тизимида юз берган улкан тўнтаришлар натижасидир. Бу эса кейинги ижтимоий ва маданий силкинишларнинг олди эди. Ижтимоий силкинишларнинг шахс хулқига таъсирини ўрганиб, Сорокин «қутбланиш қоидаси»ни илгари сурди. Унга мувофиқ ахлоқий бузилишлар ва масъулиятсиз хулққа йўналганлик ижтимоий инқирозлар кескинлашган даврларда кучаяди. Бунда кўпчилик ҳузур-ҳаловатга талпинади, озчилик эса беғараз фаолликка йўналган бўлади. Ижтимоий силкиниш ўтиб кетгандан сўнг хулқ аввалги, "нормал" ҳолатига қайтади. Лекин Сорокин ғарбнинг инқироздан чиқиб, гармоник ривожланиш даврига

киришига ишонмаган эди. У ҳокимиятнинг масъулиятсиз шахслар қўлида тўпланиши, ахлоқий меъёрларнинг эгасизланиши каби ҳолатларни инқироз учун жавобгар деб билиб, кескин танқид қилган. Ғарбий Европа, унинг фикрича, ҳиссий маданиятни бойитиб, ўз ижодий ривожининг энг юқори нуқтасидан ошиб ўтди. Шундан келиб чиқиб, у муҳаббатнинг кейинги хулқ услубларидаги аҳамиятига катта эътибор берган. Ғарб социологиясида Сорокиннинг социомаданий динамика концепциясидан ташқари унинг ижтимоий мобиллик ва ижтимоий стратификацияни ўрганиш соҳасида қилган эмпирик тадқиқотлари ҳам юксак қадрланади.

Атоқли немис социологи ва сиёсий арбоби Дарендорф Ральф (1929) ижтимоий низо (конфликт) концепцияларининг асосий вакилларидан бири ҳисобланади. У "бир ёқлама", "утопик" (биринчи навбатда функционал) ижтимоий мувозанат концепцияларини кескин танқид қилган. Назарий социология бўйича асарлар муаллифи бўлса-да, Лазарсфельд таъсирида социологияни тажрибавий фан деб ҳисоблаган. Социология одамларнинг жамият ва алоҳида олинган шахснинг кесишган нуқтасидаги хатти-ҳаракатини ўрганади. Бу ўринда Дарендорф жамиятни Зиммел каби энг тор муносабатлардан энг кенг ижтимоий алоқагача бўлган алоқалар тури, шу жумладан, референт гуруҳ сифатида тушунган. Ҳар бир гуруҳда, ҳар бир жамиятда кишилар маълум бир вазифанинг, ҳолатнинг эгаси сифатида ҳаракат қиладилар. Ҳар бир вазиятга маълум бир ижтимоий рол тўғри келади, бунда атрофдагиларнинг истак ва мулоҳазалари унчалик аҳамиятли эмас. Ижтимоий роллар, Даредорф фикрича, алоҳида олинган инсонга қўйилган мажбуриятдир. Бу мажбуриятдан тойиб кетмаслик учун ижтимоий санкциялар (кўрсатмалар, тазйиқлар) тизими амал қилади. Хатти-ҳаракатнинг мажбурий равишда меъёрлаб қўйилиши ижтимоий гуруҳларнинг энг муҳим белгиси. Қабул қилинган меъёрларга амал қилиш ижтимоий ўсиш учун энг яхши имкониятларни бериши мумкин, меъёрий бўлмаган хатти-ҳаракатга санкциялар қўлланилади. Бу — қонун чиқарувчи, юристдикция ва ижро этувчи ҳокимиятга ўхшайди. Бу ваколатларнинг йиғиндиси ҳукмронлик мавжудлигини билдиради.

Маълумки, Дарендорф синфлар ва синфий низо назариясини яратишга ҳаракат қилиб, уни ҳам марксизмга, ҳам

синфий уйғунлик назарияларига қарши қўйган эди. Унингча, синфни шакллантирадиган асосий белги — мулк муносабатлари эмас, ҳукмронлик ва бўйсунишдир. Ҳукмронлик ва бўйсундиришнинг мавжудлиги низога олиб келади, уни ижтимоий жипсликни (интеграцияни) келтириб чиқарган тузилмаларнинг ўзи туғдиради. Низо деганда Дарендорф барча нормалар ва ижтимоий кутишлар, институтлар ва гуруҳлар қарама-қаршиликлари тизимли равишда «ишлаб чиқарган» муносабатларни тушунган. Шундан келиб чиқиб у синфларни зиддият, низоли ҳолатдаги ижтимоий гуруҳлар деб билган. Ижтимоий гуруҳлар ҳукмронликда иштирок этиши ёки ундан четлатилиши мумкин. Баъзи концепциялар жамиятни тасвирлашда стратификация, интеграция ва мувозанатни, бошқалари эса ҳукмронлик ва зиддиятни кўрсатади. Биринчи хил ёндошувни инкор этмаган ҳолда, Дарендорф иккинчи хил ёндошувни умумийроқ ва самаралироқ деб ҳисоблаб, бутун диққатини шунга қаратган. У битта ролга нисбатан турлича кутишлар ўртасидаги, роллар ўртасидаги, ижтимоий гуруҳлар ичидаги, гуруҳлар ўртасидаги, бутун жамият даражасидаги ва мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, низоларни ажратиб кўрсатган. Бундан ташқари Дарендорф низоларни миқёсларга (рангларга), масалан, бутун ва қисм зиддиятига ажратиб, уларнинг 15 турини кўрсатган. Шунингдек, у низоларни бошқариш муаммосини батафсил қараб чиқиб, зиддиятлар қанчалик ўткир бўлса, ижтимоий силжиш (мобиллик) шунчалик оғир кечади, деб уқтирган. Шундан юқори даражада мобиллашган жамият либерал дастури келиб чиқади. Бундай жамиятда зиддиятлар тан олинади ва бошқарилади, ҳамма учун дастлабки имкониятлар тенглиги, индивидуал рақобат ва юқори мобиллик мавжуд бўлади. Лекин тенглик эркинлик шароити бўлиши керак, шунинг учун одамларнинг турли роллардаги зиддияти умумий ижтимоий тенгликдан афзалдир.

Буюк немис мутафаккири **М. Вебер** томонидан илгари сурилган билимлар, ғоялар, методологик ёндашув, билиш назарияси, идеал типлар ғояси, маданият, этика, дин социологияси ҳақидаги қарашлар илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Унинг фикрича, социология ижтимоий-тарихий фаолиятларнинг субъектив соҳаларини ҳисобга олиш, воқеликни илмий методология талабларига мос равишда объектив ва эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш имкониятларини

юзага чиқариши мумкин. Социология, М.Вебер таъкидлашича, ижтимоий фанлар орасида шундай ўрин тутиши лозимки, унинг асосий вазифаси — инсоннинг ижтимоий хулқи моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, жамият ривожига сабаб бўлган қонунлар ечимини кўрсатиб беришдан иборат бўлади[1]. Инсон хулқини талқин қилиш методига Вебер томонидан қанчалик катта аҳамият берилганлигига қараб, унинг социологиясини кўпинча тушунувчи ёки «интерпретатив» социология ҳам деб аташади.

М.Вебер ижтимоий ҳаракатлар ёки хулқнинг тўртта асосий турини ажратади: 1) маблағ топишни мақсад қилган ҳаракатлар — мақсадли; яъни, фойда излаш, 2) муайян қадриятлар таъсирида (диний, ахлоқий ва бошқа) содир этилувчи ҳаракатлар; 3) одамларнинг эмоционал реакциясига асосланган аффектив ҳаракатлар; 4) анъана ва урф-одатларга қаратилган анъанавий ҳаракатлар.

Хуллас, бугунги Ғарб демократияси, турмуш тарзи мамлакатимизнинг дунёвий давлат сифатида қарор топишида шубҳасиз катта рол уйнайди. Ғарб дунёсидаги умуминсоний тамойиллар, индивид имкониятларини тўлароқ намоён этиш, ўз фикрини эркин ифодалаш, ҳаётда аниқ-равшан асосли қарашларга эга бўлиш каби миллий истиқлол ғоясида илгари сурилган мақсадларни амалга оширишда хизмат қилади.

---

[1] См.: Изб.Произведения.М.,Прогресс,1990, с.499.

Асосий тушунчалар

ПОЗИТИВИЗМ — фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, ушбу йўналиш вакиллари конкрет (эмпирик) фанларни чинакам, ҳақиқий билимнинг бирдан-бир манбаи деб эълон қилади. Позитивизмнинг асосчиси О.Конт ҳисобланади ва фанга «позитивизм» терминини ҳам айнан у киритган.

СТРУКТУРА-ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ — ижтимоий тизимларни тадқиқ қилиш усули. Ижтимоий ҳаёт турли шаклларининг структура-функционал таҳлили ижтимоий тизимларда тузулмаларни ташкил этувчи тизимларни ва уларнинг бир-бирига нисбатан ролини (функциясининг) ажратиб кўрсатиш асосида қурилади. Социологияда структура-функционал таҳлил дастлаб Т.Парсонс ҳамда Р.Мертон асарларида ишлаб чиқилган.

ТУШУНУВЧАН СОЦИОЛОГИЯ — социологияда XIX аср охири — XX аср бошларида шаклланган назарий-методологик йўналиш. «Ҳаёт фалсафаси» ғоялари асосида шаклланган ушбу йўналиш ижтимоий ҳаётнинг мазмуний унсурларига асосий эътибор қаратади. Асосчиси В.Дильтей бўлган тушунувчан социология таъминоти, кейинчалик М.Вебер, Зиммель, Знанецкий, Томас, ҳозирги кунда эса феноменологик социология вакиллари ривожлантириб келишмоқда.

ОММА — кўпчиликнинг тасодифан бир жойда маълум бир вақт мобайнида тўпланиши бўлиб, унга ҳис-туйғулар таъсирининг катта кучга эгалиги хосдир.

ЭЛИТА (фр. **elite** — энг сара) — ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув, маданият, фанни ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатлами. Элита ҳақидаги назариялар даставвал Платон, Ницше қарашларида баён қилинган бўлиб, XX аср бошларида В.Парето, Г.Моска, Михельс таълимотида тизимли бир кўринишга эга бўлди. Ҳозирги ғарб социологиясида элита турли хил кўрсаткичларга кўра олиб қаралади. Бунда элита ҳокимиятга йўналган, сиёсий жиҳатдан энг фаол одамлар (Моска), жамиятда энг кўп обрў, мақом, бойликка эга бўлган, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга одамлар (Х.Ортега-и-Гассет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи ижодий қисми (Тойнби), энг малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидаги олий хизматчилар (технологик деторминизм) каби изоҳланади. Ҳозирги замон

социологиясида элита назарияси Миллс, Расмен, Белл қарашларида ўз ифодасини топган.

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТЛАР (лот. **institutum** — ташкилот) — инсонларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этишнинг мустаҳкам шакли. Ижтимоий институтлар жамиятда ташкилий, тартибловчи, бошқарув ва тарбиявий функцияларни амалга оширади.

СЎФИЙЛИК — исломдаги диний фалсафий оқим. VII-IX асрларда пайдо бўлган ва Араб халифалигида тарқалган. Сўфийлик ягона Оллоҳни тан олишни ва унга интилишни, фақат унга муҳаббатни тарғиб қилади ҳамда қолган барча нарсаларни Оллоҳнинг акси ёки сифатлари деб ҳисоблайдилар. Имом Ғаззолий асос солган сўфизм кейинчалик турли тариқатларга бўлиниб кетди. Кубровия, Яссавия ҳамда энг кўп тарқалган Нақшбандия тариқатлари Марказий Осиёда пайдо бўлган.

ҲАНАФИЯ — суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Абу Ханифа ан-Нўъмон асос солган. Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» тўплами бу мазҳабнинг асосий шариат қўлланмаси сифатида танилган. Ханифа қонунлари нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган.

МИТРАИЗМ — худо Митрага сажда қилиш билан боғлиқ бўлган дин. Миллоддан аввалги сўнгги асрларда Эронда пайдо бўлиб, Рим империяси ва Олд Осиёда тарқалган. Христианлик мавжуд бўлган дастлабки юз йилликларда Митраизм унинг жиддийроқ рақиби бўлган. Христианлик Митраизмга қарши оғир кураш олиб борган.

ЗАРДУШТИЙЛИК — Хоразмда милоддан аввалги 7 асрда пайдо бўлган якка худоликка асосланган дин. Ушбу диннинг пайғамбари Зардўшт номи билан аталган диний таълимотга кўра дунё иккита олий руҳ — яхшилик тимсоли Ахура Мазда ҳамда ёвузлик тимсоли Анхра-Манью ўртасидаги доимий курашдан иборат. Ҳозирги кунда бу дин тарафдорлари Ҳиндистон ва Эронда мавжуд.

Такрорлаш учун саволлар

1. Антик дунё социологлари инсон мавқеи тўғрисида.
2. Антик дунёда жамият ва шахс омиллари.

3. Платон ва Аристотелнинг антик дунё фалсафий фикр тараққиётида тутган ўрни.

4. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий жамоаларга берган баҳоси.

5. Шарқ халқларига хос жамоавийлик хусусиятининг талқини.

6. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг инсон эрки ва тафаккур тарзи тўғрисидаги қарашлари таҳлили.

7. Социологиянинг Европада фан сифатида вужудга келиши.

8. XIX аср охири — XX аср бошидаги классик (мумтоз) социология.

3-БОБ. МАЪНАВИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

1-§. Ижтимоий муносабатлар социологияси

Ижтимоий бирдамлик тушунчаси ижтимоий муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Чунки бирдамлик — бу кўпгина маънавий омиллар мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, социология фанига ижтимоий жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида бу терминни биринчи бўлиб О.Конт киритган эди. Бу муаммога кўпгина мутафаккирлар ўзларининг эътиборларини қаратганлар. Айниқса Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар. Лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб бордилар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, ижтимоий бирдамлик бу ахлоқий тамойил ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида ижтимоий ҳамжиҳатликнинг асосини иқтисодий манфаатлар ташкил қилиши марказий ўрин эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли ҳамжиҳатликни кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўзининг ривожланиш йўлида икки даврга — ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Ҳарбий турдаги жамият иерархик тартиби ва кучли марказлашган назорати билан характерланади. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шаклларини ифода этади. Муаммони иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилишни Д.Дюркгеймнинг илмий фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Юқорида эътироф этилганидек, у ўз таълимотида ҳамжиҳатликнинг механик ва органик турларини ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукмронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм механик бирдамлик деб атайди.

Механик бирдамлик — бу «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. Ғарбнинг кўпгина олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперациянинг сермаҳсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан ишлаб

чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг иложи йўқдир. Шунинг учун улар бу воситаларни гуруҳлар мулки қилиб беришни таклиф қиладилар. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса «маъмурият» халқдан ажралиб қолади ва шу сабаб бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан табиийки, бу жараёнлар туфайли ишчилар ўзларининг меҳнатларида шахсий манфаатдорликни ҳис қилмайдилар.

Мазкур тахминларнинг аксарияти ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида ўз исботини топди. Айниқса, мустамлакачилик даврида бизнинг диёрда сохта бирдамлик асосида кооперациялаштириш кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперация ниқоби остида бизнинг ҳудуд хом ашё етиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб маънода бирлашма жараёни юз бермади. Бунинг натижасида мамлакатимиз аграр республикага айланиб қолди.

Мана энди шукурлар бўлсинки, ўзимизнинг миллий давлатчилигимизга эга бўлдик. Мамлакатимиз ривожланган, кучли ва қудратли бўлиши учун жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида барқарорликка эга бўлиш лозим. Бунинг учун миллий қадриятлар асосида шаклланган бирдамлик туйғулари билан уйғунлашган инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўта муҳим маъно касб этади.

Бегоналашув муаммоси социология фанининг муҳим масалаларидан ҳисобланиб, уни бир қатор таниқли социологлар ўз тадқиқотларида ўрганганлар. Замонавий жамият ҳаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. 1) Иқтисодий. 2) Сиёсий. 3) Маданий. 4) Ижтимоий 5) Психологик. Ушбу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан, иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга:

1) Фаолиятдан бегоналашув.
2) Фаолият бошқарувидан бегоналашув.
3) Фаолият натижаларидан бегоналашув.

Сиёсий бегоналашув сиёсий ҳокимиятдан; маданий бегоналашув маънавиятдан ва маданиятдан; ижтимоий бегоналашув мулоқотдан, инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашишдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб, нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва сиёсий тангликлар вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган, деган фикрга келишимиз мумкин. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса, таназзул ҳам чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг тақсимланиши рўй беради. Бир қарашда бу тараққиёт учун қўйилган катта қадамдир. Лекин бунда ижтимоий мулкка асосланган шундай ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланадики, унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб, аста-секинлик билан ўз меҳнатининг натижасидан бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун меҳнат унумининг ҳам қизиғи йўқ. Марксизм таълимоти бўйича хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач, ишлаб чиқариш воситаларига ишлаб чиқарувчилар умумий эгалик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий ҳокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариш воситаларини энди давлат мулкига айлантиради. 73 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк мутлоқ давлат мулки эди, бу мулк эса мулкчиликнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Меҳнат кишиси хусусий мулкдан бегона этилган эди. Бунинг натижасида давлат мулки бошқарув аппаратининг хусусий мулкига айлантирилди ва бу салбий ҳол номенклатурани «янги» синф сифатида шакллантирди. Бу антигуманистик жараёнлар натижасида ишлаб чиқариш ўзининг ҳақиқий эгасини топа олмади.

Сиёсий жабҳада ҳам жамиятнинг кўпгина аъзолари сиёсий ҳокимиятдан бегоналаштирилди. Яъни, сиёсий ҳокимият бу — халқ ҳокимияти, умумхалқ ҳокимияти, деб эълон қилинган бўлса-да, аслида у маълум бир гуруҳ — элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида бутун бир халқ давлат сиёсий ҳокимиятидан бегоналашди ва бу бегоналашган омма билан номенклатуранинг орасида улкан жарлик пайдо бўлди. Ўз навбатида бу жараёнлар чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий таназзулни келтириб чиқарди, тоталитар давлат ўз-ўзидан парчаланиб кетди.

Жамиятда соғлом муҳитни яратишда маънавият ва маданиятнинг роли катта. Маданий соҳадаги бегоналашув ҳам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқаради. Чунки у индивидларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишларига салбий таъсир кўрсатади. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари, бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар ўзларининг келиб чиқишларини ҳамда ўз миллатининг миллий урф-одатлари, анъаналарини инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга мурожаат этсак, ушбу мулоҳазаларимизнинг яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз, атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича, бизларни манқуртларга айлантирай деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий — озодлик ҳаракатлари ва уларнинг саркардалари жасоратларидан, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик.

Давлатимиз мустақилликка эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик. Социологиядаги муҳим бегоналашув ҳисобланган ижтимоий бегоналашув инсонларни мулоқотдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир. Ўзаро фаолият туфайли пайдо бўлган эҳтиёжлар асосида инсонлар доимо бир-бирлари билан муносабатларда, мулоқотларда бўладилар. Мулоқотнинг ижтимоий маъноси шундаки, у маданият шакллари ва ижтимоий тажрибаларни узатиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Руҳий бегоналашув — бу инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишдир. Бу муаммони немис мутафаккири Эрих Фромм жуда яхши тушунтириб берган. Замонавий жамиятни Э. Фромм инсон моҳиятини «машиналаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» жараёнлари туфайли бегоналашувнинг бир маҳсули, деб таърифлайди.

Психологик ва ижтимоий бегоналашувнинг бир-бирига яқинлиги шундаки, инсонлар ўзаро муносабатларда ва амалий мулоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашув ҳам юз беради. Чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашишлари оқибатида уларда яккаланиш, зерикиш ва ҳаётга қизиқишнинг сўниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсоннинг ўз келажагига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини

бегона деб ҳисоблайди ва бу жараён кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уйғунлик асосида бартараф қилинсагина, жамият ижтимоий соғлом шароитда тараққий этади ва салбий ҳодисаларнинг таъсири ўз вақтида бартараф этилади. Масалан, меҳнатдан бегоналашишни бартараф этиш учун биринчи навбатда инсонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдор бўлишлари ва унинг оқибатида эса меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, уларнинг қизиқиш ва куч-ғайрат билан ишлашларини ташкил этиш керак.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашув муаммосини бартараф этиш ҳам жуда муҳим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялаштириш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бошқарув тизимларини ижтимоий адолат меъёрлари билан такомиллаштириш ва ишчи, хизматчиларга хўжалик эгасининг аниқ вазифаси, ҳуқуқи ҳамда масъулиятларини топшириш керак.

Маданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий қадриятлардан. яхши хабардор бўлиши ва маданий қурилишга етарли маблағ ажратилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини ҳақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосига қуриш керакки, шунда ҳар бир инсон ўзининг бошқалар учун ҳам керак эканлигини чин юракдан ҳис қилсин.

Руҳий бегоналашувни бартараф этиш чоралари ижтимоий бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир. Инсон ўзининг кимгадир кераклигини руҳан сеза олсагина у ҳеч қачон тушкунликка тушмайди ва яккаланиш, изтиробга тушиш хавфидан халос бўлади. Оқибатда унинг ўз-ўзидан, ўз моҳиятидан бегоналашувига деярли ҳеч қандай сабаб қолмайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур қамраб олиб, давлатимизни ривожланган мамлакатлар сафидан тезроқ ўз муносиб ўрнини эгаллашига хизмат қилмоқда. Албатта, ушбу ижтимоий жараённинг бир текисда кечиши муайян қийинчиликларга дуч келмоқда. Мазкур

қийинчиликлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури бўлган миллий мафкурани яратиш ҳаракатларида кўпроқ намоён бўлаётгани биз жамиятшуносларни кўпроқ ташвишга солмоқда. Чунки, миллий мафкура мустақил давлатнинг асосий маънавий пойдеворларидан ҳисобланади. Мафкурасиз ҳеч бир давлат барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўла олмайди.

Миллий мафкурамиз эса бирор-бир сиёсий партия, ёхуд ижтимоий ҳаракатларнинг эмас, балки умумхалқ манфаатларини ифодалаши жуда муҳимдир. Ушбу мафкуранинг мазмун ва моҳияти миллатимизнинг ўзига хос бўлган тафаккур тарзига мос келиши унинг реал ҳаётдан ажралмаслигини таъминлайди.

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»[1], — деган эди республикамиз Президенти И.Каримов.

Республика Президенти томонидан илгари сурилаётган фикрлардан маълумки, миллий мафкуранинг шаклланишига миллатнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар ва удумлар негизида шаклланадиган ҳамда ривожланадиган тафаккур тарзи бевосита асос бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, миллий ғоя ва тафаккур ўзаро узвий боғлиқ тушунчалардир. Шунинг учун уларни бир-бирларидан ажратиш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, қайси бир жамиятда ушбу масалага тўғри муносабатда бўлиб, унинг негизида миллий мафкура шаклланса, ўша жамиятда тараққиёт, эркинлик ва озодлик қарор топади.

Ўрта асрларда яшаб ўтган авлод-аждодларимиз ҳаёт йўлларини таҳлил қилиб кўрсак, шунга амин бўламизки, ал Форобий, ал Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб юксак тафаккур эгалари бўлган бобокалонларимиз яшаган ижтимоий-маданий муҳитда шаклланган тафаккур тарзи ва миллий ғоялар нақадар теран ва илмий асосга қурилганлигини кўрамиз Демак, аждодларимиз яшаган ўша даврларда ушбу масалаларга катта эътибор

---

[1] *Каримов И.А.* Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин. «Тафаккур» журнали, 1998, 2-сон, 6-бет.

қаратилган. Шунинг оқибати ўлароқ, Турон эли юксак ривожланган илм-фан ва маданият ўчоғи бўлган.

Лекин бахтга қарши, Европадаги машҳур Ренесанс давридан анча илгари яратилган бу тараққиёт йўлини биз аста-секинлик билан унута бошладик. Миллий ғоя, миллий мафкуранинг асосларидан бўлган маънавий бойликларимизга қанчалик эътиборимизни камроқ қаратсак, тараққиёт йўлидан шунчалик четга чиқиб кетавердик ва миллий ғоя ўрнини «маҳаллийчилик» ғояси эгаллади. Бунинг натижасида эса, марказлашган улкан давлатимиз парчаланиб, миллатимиз тарқоқ ва қолоқлик даражасига тушиб қолди. Ягона миллий ғоямизни маҳаллийчилик ғоясига айлантиришимиз, бунинг натижасида эса тарқоқлилик ва кучсизлик даражасига тушишимиз сабабли аввал чоризм мустамлакасига, кейинчалик эса, собиқ совет империясининг арзон хом ашё етиштириб борадиган «вилояти»га айландик.

Мана, энди биз 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлакачиликдан қутулиб, яна озод ва эркин ва мустақил давлатчилигимизга эришдик. Шу ўринда айтиш жоизки, биздан олдин ўтган авлодларимиз йўл қўйган хато ва камчиликларни асло қайтармаслигимиз зарур. Бунинг учун эса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш керак. Жамият ҳаётини социологик таҳлил қилиш шуни кўрсатаяптики, ватандошларимиз озодлик туйғуси, миллий ғоя моҳиятини борган сари чуқурроқ тушуниб бораётганларини қайд қилиш мумкин.

Социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар доимий равишда ўзларининг ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқотлари билан миллий истиқлол мафкураси ғояларини ҳаётга тадбиқ этишнинг самарали усулларини чуқурроқ тадқиқ этишга мавжуд барча имкониятларини амалга оширишлари керак.

2-§. Фан социологияси

Фаннинг табиат ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни ва роли беқиёс бўлиб, инсон фаолиятининг ижтимоий функциясини, дунёқараш ини, ижтимоийлашув жараёнларидаги иштирокини, унинг сиёсатда, маданиятда, таълимдаги таъсир кучини ўрганиш масалаларини ўзининг тадқиқот предмети сифатида белгилайди.

Фан социологияси мазкур тадқиқот йўналишларининг функционал тизимини кенгроқ ижтимоий доираларда ишга туширади, шунингдек, назарий жиҳатдан асослаб беради, амалий фаолиятларни режалаштиради ва бошқарув миқёсида мавжуд ташкилий формаларни оптималлаштириш йўли билан ривожлантиради.

Фани ва уни ташкил этувчи тизимий ҳамда таркибий жиҳатларнинг функционал таҳлили амалий социологиянинг методлари: сўров, анкеталаштириш, тест, статистик маълумотларни қайта ишлаш ва ҳ.к. ларга таяниб амалга оширилиши мумкин. Бунда илмий фаолиятни юзага чиқариш усуллари, яъни маблағ билан таъминлаш тизими, штат жадваллари, илмий кадрларни тайёрлаш схемаси аниқ кўрсатилиши зарур. Зеро, фан социологияси тадқиқот масалаларининг оқилона кўринишини қулай вариантларда жамлаш, расолаштириш, иш вақтини тақсимлаш, жамоа сонини аниқлаш, илмий ходимларнинг ёш жиҳатдан тартиби, уларнинг психологик жиҳатдан мослиги ва ҳ.к. ларни аниқ баён қилади.

Бозор иқтисодиёти сиёсатининг ижтимоий ҳаётга кириб келиши фанга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бироқ янги ислоҳотларнинг амалга оширилиши турли ижтимоий табақаларда турлича кечаётганлиги, жамиятнинг янги муносабатларга кўникиши жуда секин кечаётганлиги сабабли ҳар бир соҳада, шу жумладан, фанда ҳам талай қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Ҳолбуки, ҳар бир фан учун керакли маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, тузатиш, ҳисобот тайёрлаш социология предмети орқали амалга оширилади.

Жамиятнинг кутилмаган инқироз палласига тушиб қолишига йўл қўймаслик борасида фан социологияси кучли маънавий таъсир этувчи манбага айланиши, ўтиш даврида динамизм руҳида шиддатли суръатлар билан иш юритмоғи зарур

Фан социологияси жаҳон миқёсида кенг қамровли мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, 1970 йиллардан бошлаб А.А.Зворыкин (Россия) бу муаммоларни ҳал қилишга кўп уринди. Лекин тоталитар режим, ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги бюрократизм оқибатида бу масалалар ҳал этилмай қолди. Ваҳоланки, турли хил муаммоларни социологик ўрганиш натижаларидан ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Ижтимоий-психологик муаммолар илмий жамоа ва муассасалар доирасида ҳал қилиниши лозим. Жамоа ва индивидуал меҳнат қилиш, илмий фаолиятда илмий ходимнинг шахс сифатидаги роли, фан учун мутахассислар тайёрлаш. уларнинг етуклигини таъминлаш ва такомиллаштириш каби масалалар фан социологияси учун марказий муаммолардан ҳисобланади.

Фан социологиясига қаратилган асосий эътиборни жаҳон миқёсида АҚШ давлати мисолида кенг эътироф этиш мумкин. Америкалик социолог Ж. Жиллин: «Америка, гражданлар уруши туфайли бузилган ижтимоий-сиёсий тартибларни тиклаш учун, фикрлайдиган шахсларга ва ижтимоий фикр билан ҳисоблашувчи фуқароларга кучли эҳтиёж сезди», деб шарҳлайди. Америка биринчилар қаторида социологик методлар асосида иш тутиш тартибларини илмий муассасаларга кенг ёйди. Социология фани тизимлашган тарзда сиёсий арбоблар ва ишбилармонлар мадади туфайли тез ва жадал ривожланди.

Фан соҳасида социология методларининг тадбиқи, XIX аср охирида социология муаммоларига бағишланган тармоқ журналининг чиқиши билан бошланди. 1895 йил. Чикаго университетидан «American Journal of Sociology» журнали чиқиши фақат фан соҳасида эмас, балки сиёсат ва иқтисод соҳаларида ҳам муҳим воқеа бўлди. Журнал ўзининг асосий мақсадини қуйидагича ифодалаган эди:

1) ижтимоий концепциялар ва назариялар учун фонд ташкил этиш;

2) социологияни мустақил илмий фан предмети сифатида тан олиш;

3) соцологияни умумий моддий фаровонликка кўмаклашишга хизмат қилдириш;

4) ҳар қандай «ўйламай мантиқий фикрловчи»ларга қарши иш олиб бориш.

Журнал саҳифаларида илмий тадқиқотлар натижаларининг (ижтимоий) маълумотлар билан мунтазам тарзда баён этиши, илмий йўналишларнинг характери, моҳияти, тақризи, нашрлар таҳлили, ҳимоя қилинган ишлар бўйича шарҳ берилиши, фан социологиясининг кенг эътироф этилиши, жаҳон миқёсидаги мутахассис — олимларнинг диққат-эътиборларини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Фан давр талаби бўйича инновацион лойиҳа жорий қилиши керак экан, авваламбор, унда фан социологияси ўзининг ижтимоий маълумотлари билан биринчилар қаторида қатнашмоғи лозим. Рақобатбардош юқори сифатли технология асосида маҳсулотлар маркетинги, шунингдек, илмий муассаса, жамоа, интеллектуал илмий муҳитнинг қулай вариантлари, бандлик, «ишчи» ўринлар муаммолари ва ҳ.к. масалалар билан халқаро миқёсда иш олиб бориши керак.

Фан ва инновация фаолиятининг самараси учта таркибий қисмдан иборат: *фан, ишлаб чиқариш ва бозор*. Фан ва ишлаб чиқариш бир-бирлари билан яқин муроса қилмасалар, улар ўртасидаги алоқа тезкор тарзда бўлмаса, бюрократия қулфи бузилиб замонавий ҳамкорлик йўлга қўйилмас экан бозор ва инвестиция масалалари ўз-ўзидан четга сурилади.

Қўйилган талаб ва мақсадни амалга оширишда фан социологияси ўз кучини тезкор кўрсатиши, илмий муассасалар ўз навбатида замонавий руҳда ишлаши, кучли иш юритиш услубини қўллаши керак бўлади. Илмий жамоалар меҳнат жараёнини самарали олиб бориб, ишлаб чиқаришга ўз таъсирларини кўрсатиши, жаҳон андозаларига мос бўлган юқори даражадаги маҳсулотлар билан эҳтиёжни қондиришга интилиши зарур.

Чуқурлашган ва кенг қамровли тизимий ўзгаришлар юз бераётган, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жамиятимизнинг барча соҳасига ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда фан тизимида ҳам талай қийинчиликлар кўринади. Фан тизимининг муаммолари ҳаёт тарзи муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, айниқса кадрлар масаласи, уларнинг шаклланиши, замон талабига (рақобатбардош талаб — эҳтиёжларга) жавоб берувчи интеллектуал илмий потенциал масаласига жиддий ёндошишни талаб қилади.

Шуни айтиш жоизки, мутахассис илмий ходимларнинг бошқа соҳаларга ишга кетиб қолиши, яъни илмий

потенциалнинг бузилиши фанни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ривожланиш йўлларини излашга мажбур қилади. Бинобарин, илмий потенциалнинг сони ва сифати фан ривожининг босқичи ва натижасига бевосита таъсир қилади.

Ходимларни турли хил тамойилларга асосан қуйидагича баҳолаш мумкин:

1. *Мутахассислик мезони.* Бунда мутахассис илмий ходимларнинг фан тармоқлари ва мутахассислиги бўйича тақсимланиши ифодаланади.

2. *Институционал мезон.* Бунга илмий даражали мутахассисларнинг фан тармоқлари, ижтимоий институтларга тақсимланиши киради. Ўз навбатида институционал қисмларни:

а) олий ўқув юртлари;

б) ФА нинг илмий тадқиқот институтлари;

в) тармоқ вазирликларининг олий ўқув юртлари ва тадқиқот институтлари;

г) бошқарув тизимлари (ҳуқуқ-тартибот, ижрочи, суд органлари);

д) молия-хўжалик ташкилотлари ва тизимлари ташкил этади.

3. *Илмий фаолият ва ўзига хослик мезони.* Бунда касбий маълумоти ўзгача, лекин фан соҳасида (специфика — ўзига хос хусусиятга эга бўлган) мутахассис ҳисобланган ходимлар хусусида таҳлил қилинади.

4. *Демографик — этник мезон.* Бунда ходим демографик, ёш, жинс, этник, миллий ва ҳ.к. белгилари орқали ифодаланади.

5. *Регионал мезон.* Фан соҳасидаги илмий ходимнинг ҳудудий минтақа бўйича тақсимланиши киради.

Илмий ходимни баҳолашда унинг илмий даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаса-да, у тайёрлаган диссертация фан учун аҳамиятли, шу соҳага киритилган илмий ҳисса деб тушунилади.

Шахснинг шаклланиши учун кадрлар билан узлуксиз, комплекс равишда қуйидаги тартибда иш олиб бориш зарур:

1) мафкуравий фаолиятларни такомиллаштириш;

2) кадрларни илмий-тадқиқот режалари бўйича тўғри тақсимлаш;

3) юқори илмий савиядаги мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

4) илмий тадқиқот ишлари натижалари билан давлат — жамият талабларини бажариш ва илмий ходимларнинг шахсий эҳтиёжларини тўла қондириш;

5) жадал суръатларда кадрларларни тайёрлаш ва ўстириш учун ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда иш олиб бориш.

Илмий ходимларнинг ижодкорлик қобилиятини ўстиришда раҳбарларнинг бошқарув қобилияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Жамоа ва ҳар бир илмий ходимнинг ижодкорлик қобилиятини шакллантириш учун раҳбар билан ходимлар ўртасида ўзаро ишончга таянган ҳамкорлик муносабати ўрнатилиши зарур. Жамоа билан ходимларнинг иш натижалари самараси мунтазам баҳолаб борилиши лозим. Бунда:

1) иш натижаларининг хилма хил соҳалар учун аҳамият касб этишини англаш керак;

2) раҳбарлик томонидан жамоанинг эришган ютуқларини мунтазам баҳолаб бориш орқали маънавий-психологик муҳитни яхшилаш лозим;

3) юқори савияда бажарилган ишларни муносиб равишда тақдирлаш, қолганларига керакли бўлган шароитни яратиб, яхши натижага келтириш;

4) баҳолашни маҳорат билан юқори малакада, мунтазам, ўз вақтида, асосли тарзда олиб бориш зарур.

«Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур».

Илмий фаолиятнинг самарали олиб борилишида оммавий ахборот воситалари етакчи роль ўйнайди. Ҳолбуки, у ёки бу корпорациянинг илмий, ишлаб чиқариш соҳаларидаги, ҳаёт тарзидаги таъсирини ифодалаш, ижтимоий фикрни тўғри баён этиш, самарали ишларни оммалаштириш ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал қилиниши сиёсатини тўлиқ олиб боришнинг асосий йўлидир. Бунда асосий диққат илмий элитага қаратилади (элита — илмий муҳитнинг энг сара намояндалари, давлат сиёсатида дастурий, молиявий таъминот ва ҳуқуқий масалалар ҳал қилинишида иштирок этувчи юқори лавозимдаги олимлар киради).

Фанда нашр ишлари, нашрий меҳнат таъминоти муҳим ва долзарб ўринни эгаллайди. Шуни айтиш жоизки, илмий мулоқот, билимнинг ривожи, тарқатилиши, илмий савия нашр эттириш орқали эътироф этилади.

Фанда илмий элитанинг берган интервью ёки мақолалари орқали давлат сиесатининг асосий стратегик мақсадлари баён этилиши, илмий муҳитни ислоҳ қилиш, ўзгартириш усуллари бўйича фойдали таклифлар берилиши мумкин. Бу жуда катта аҳамиятга эга, чунки илмий муҳит ислоҳи, унинг характери ва йўналиши, илмий сиёсатнинг олиб борилиши, маблағ манбалари ва уларнинг ҳажми ҳамда муҳимлиги диққатга сазовордир.

Ҳозирги вақтда фан таъминотининг *концептуал* вазияти қуйидагича:

— илмий тадқиқотларнинг тўла таъминлов концепцияси,
— муҳим илмий йўналишларга ҳомийлик қилиш концепцияси;
— фаннинг бозор жараёнига мослашиш концепцияси.

Илмий тадқиқотларнинг тўла таъминлов концепциясининг асосий моҳияти шундан иборатки, уни ташкил қилувчи элементлари амалий (конкрет илмий натижалар олувчи) фан ва фундаментал (назарий концепция ва моделлардан ташкил топган) фан билан ҳамоҳанг ривожланиши лозим. Бунда, айниқса, фундаментал фан ривожига кўпроқ урғу берилади Турли хил фундаментал фан йўналишлари, тармоқлари, унинг мактаби ўз-ўзидан ривожланган эмас, уларнинг бирортасини йўқотиш фундаментал фан тизимига катта зарба бериши мумкин. Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида таъминлов масаласи жиддий ва оғир бўлса-да, давлатнинг фундаментал фанга муносабати патернализм (католик динидаги худога содиқлик) ёки Исломдаги иймон даражасидаги содиқлик каби бўлиши лозим Чунончи, амалий фан равнақи фундаментал фан, унинг етарли даражадаги равнақи асосида изоҳланади, шунинг учун келажакда фан синиб қолмаслиги учун давлат фундаментал фан ғамхўрлигини ўз зиммасига олмоғи зарур бўлади.

Ҳозирги бозор шароитида фан таъминлови қуйидагича:

1) давлат бюджетидан тўғридан-тўғри сармоялар ажратиш;

2) грант ва инновацион лойиҳалар орқали маблағлар ажратилиш;

3) корхона, фирма ва корпорациялар томонидан бюджетдан ташқари ҳисоб бўйича маблағ ажратиш.

Лекин шуни айтиш жоизки, грант ва инновацион лойиҳалар бўйича таъминлов эпизодик характерга эга бўлиб, у фаннинг асосий муаммоларини ечишда ёрдам бера олмайди. Корхоналар,

фирмалар, корпорациялар томонидан ажратиладиган бюджетдан ташқари таъминлов жуда ҳам кам, ҳолбуки, кўплаб ишлаб чиқариш компаниялари фанга инвестиция ажратишга қодир эмаслар.

Муҳим илмий йўналишга ҳомийлик қилиш концепциясида мамлакатдаги мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай фаннинг баъзи бир зарурий фундаментал йўналишлари учун давлат томонидан ёрдам берилиши кўзда тутилади. Натижада фанда муайян жиддий институционал ва иқтисодий жиҳатдан объектив зарурат келиб чиқиши мумкин. Фаннинг бозор иқтисодиётида реформаланиши, мослашуви зарур бўлиб, бу ўз ўрнида фан тармоқлари ва соҳаларининг нечоғли мақбул ривожлантирилишига боғлиқ. Демак, зарурий илмий йўналишларни аввал назарий, сўнгра институционал шаклда, ҳуқуқий асосда таъминотини режалаштириш йўлга қўйилади.

Давлат бошқаруви таъминоти илмий йўналиш доирасидаги мактабларнинг ҳозирги кунда фақат «омон» қолиши учун эмас, балки жаҳон андозалари бўйича замонавий талаб ва таклифга мос равишда барпо қилинишига кўмаклашиши керак. Зеро, воқеликни умумий ва тадбиқий изчилликда тасвирлаш объектив тараққиёт қонунларини очиб бериш, илмий фаолиятда моддий — техника ва информацион таъминловни мухтасар тарзда таҳлил қилиш имкониятини туғдиради.

Таъкидлаш жоизки, фан ва илмий муассасалар миллий истиқлол ғоясини ҳаётга сингдиришда муҳим ўрин тутади. Фан социологияси айниқса "Мафкуралар курашининг жаҳоншумул жараёнини ўрганиш, унинг мониторинги, бу курашнинг умумбашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлаш, мафкуравий таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг самарали йўллари ҳақидаги илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишда[1] ҳам муҳим рол ўйнайди.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 63-бет.

3-§. Дин социологияси

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва айни пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил — дин доимо унинг диққат марказида бўлган. Социология фанининг асосчиси ҳисобланувчи О.Конт жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, асосий мезонлардан бири сифатида динга мурожаат қилади. Унинг таснифида инсоният ўз ривожида уч босқични босиб ўтади. Булар қуйидагилар: *теологик, метафизик ва илмий* босқичлар. Конт фикрича, ҳар учала босқичда ҳам дин муайян роль ўйнайди.

Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини таҳлил қилиш учун, аввало, дин ўзи нима? деган саволга жавоб топиш керак. Бу савол жўнгина туюлса ҳам унга жавоб бериш анча мураккаб. Бу саволга диншунослик, социология ва фалсафадаги турли оқимлар турлича жавоб берадилар. Бу жавобларнинг аксарияти эса бир-бирига зид ва бир-бирини инкор қилади.

Шўролар даврида чиқарилган фалсафа ва атеизмга оид адабиётларда дин воқеликнинг кишилар онгидаги фантастик инъикоси, деб таърифланган ва у халқ учун афъюн, деб эълон қилинганди. Бу адабиётларда диннинг асосий белгиларидан бири илоҳий кучга, яъни худога ишониш, деб белгиланарди. Ҳолбуки, дунёда шундай динлар борки, уларда худо тушунчаси умуман йўқ. Социология ва диншуносликка оид мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш уларда динга кўплаб таърифлар берилганини кўрсатади. Биз бу таърифлар қаторига яна биттасини қўшиш ўрнига диннинг ўзига хос белгиларини санаб ўтмоқчимиз. Улар қуйидагилар:

I. Муайян эътиқод ва таълимотнинг мавжудлиги. Ҳар бир дин дунёни ўз нуқтаи назарича изоҳлайди ва ишонувчиларда муайян эътиқод шакллантиради.

II. Маросим ва расм-русмлар. Ҳар бир дин ўзига хос маросим ва расм-русумларга эга.

III Диний маросим, расм-русумлар муайян қисмининг фақат белгиланган жойларда жамоа бўлиб бажарилиши. Масалан, яҳудий ва христиан динида ибодатнинг асосий қисми фақат синагога ва черковда бажарилади Ислом динида эркаклар томонидан ўқиладиган намоз асосан жоме масжидларида

ўқилади. Динлар сеҳргарликдан аввало мана шу белги билан, яъни муайян маросимларни муайян жойларда бажариш билан фарқланадилар. Сеҳргар ва шаманлар ғайритабиий ҳаракатларни индивидуал ҳолатда бажарсалар, диндорлар диний маросим ва ибодатларнинг асосий қисмини жамоа бўлиб бажарадилар.

Санаб ўтилган белгиларнинг учаласи ҳам дунёвий динларнинг барчасида мавжуд. Бу динлар қуйидагилар: *иудаизм, христианлик ва ислом.*

Иудаизм (яҳудий дини) улар ичида энг қадимийси бўлиб, милоддан тахминан минг йиллар олдин шаклланган. Бу дин ўша даврда мавжуд бўлган бошқа динлардан фарқли ўлароқ, якка худони тан олган.[1]

Милодий эранинг дастлабки асрларида яҳудийлар дунёнинг кўп мамлакатларига тарқаб кетдилар, лекин бирор мамлакатда иудаизм расмий дин сифатида тан олинмади. Кўп жойларда бу дин вакиллари таъқиб остига олинди Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллионлаб яҳудийлар нацистларнинг концлагерларида ўлдириб юборилди. Уруш тугагач, Исроил давлати ташкил топди ва унда иудаизм расмий дин сифатида эътироф этилди.

Христианлик даставвал секта сифатида иудаизм таркибида вужудга келди ва Кичик Осиё, Юнонистон ва Римда тарқала бошлади. Император Константин даврида бу дин Рим империясининг расмий дини деб эълон қилинди. Милодий эра давомида христианлик ғарб мамлакатларида асосий дин бўлиб келмоқда. Христианликнинг православие, католицизм, протестантлик каби бир неча тармоқ ва оқимлари мавжуд.

Ислом дини VII асрда шаклланди. Бу диннинг асосини беш рукн ташкил қилади: 1. Иймон; 2. Намоз; 3. Рўза; 4. Закот; 5. Ҳаж.

Исломда суннийлик ва шиа йўналишлари бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир қатор мазҳабларга бўлинади. Мусулмон дини дунёнинг беш қитъасида ва деярли барча мамлакатларда мавжуд. Саудия Арабистони, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания, Жазоир, Покистон, Эрон каби қатор мамлакатларда ислом расмий дин деб эълон қилинган. Ислом динида ҳам мўътадил ва ақидапараст оқимлар мавжуд.

Уч оламий диндан ташқари, буддавийлик, индуизм, кунфучилик, каби динлар ҳам кўп миллионлик тарафдорларига эга.

Индуизм милоддан аввалги мингйилликда шаклланган. Бу дин тарафдорлари асосан Ҳиндистонда истиқомат қилади.

Бу дин таълимотига кўра, Ерда туғилиш, ўлиш ва қайта туғилиш жараёни абадий кечади. Янги туғилганлар танасига аввал ўлганларнинг руҳи жойлашади. Бу руҳнинг аввалги ҳаётдаги мавқеига мос равишда инсонлар ижтимоий ҳаётда ўз мавқеларига эга бўладилар. Шундай қилиб, бу дин одамларнинг касталарга бўлинишини илоҳий сабаблар билан изоҳлайди.

Буддавийлик, кунфучилик ва даосизм динлари учун умумий хусусият шундаки, уларнинг тарафдорлари худони эътироф этмайдилар.

Буддавийлик милоддан аввалги VI асрда Неполда яшаган Судхарт Гаутама таълимотидан бошланади. Унга кўра, инсонлар туғилиш ва қайта туғилиш доирасидан ўз хоҳиш ва эҳтиросларидан воз кечиш орқали чиқишлари мумкин. Буддавийликнинг асосини нирвана тўғрисидаги таълимот ташкил қилади. Бу дин Таиланд, Бирма, Непол, Шри-Ланка, Хитой, Япония, Корея сингари мамлакатларда тарқалган.

Кунфучилик милоддан аввалги VI асрда яшаган Кун-Фу-Чи таълимотига асосланади. У Будда билан бир вақтда яшаган бўлиб инсоннинг табиат билан уйғунлашиш йўлларини ахтарган.

Ғарбда социологиянинг фанга айланиши О.Конт номи билан боғланса-да, ундан кўп асрлар аввал ҳам Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва жамият муаммоси устида кўп бош қотирганлар. Бу масалада Марказий Осиёда етишиб чиққан улкан алломалар Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ўнлаб ва юзлаб олиму фузалолар чуқур фикрлар билдирганлар. Кичик бир бобда диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни тўғрисида Марказий Осиёлик олимлар билдирган фикрларнинг барчасини қамраб олиш имкони йўқ. Шунинг учун Марказий Осиёдан етишиб чиққан олимлар ижодида диннинг жамиятда тутган ўрнига катта эътибор берилганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу олимлар диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини таҳлил қилар эканлар, бир динни мадҳ этиб бошқасини танқид қилиш йўлидан бормадилар. Улар турли динларнинг жамият тараққиётига ўтказаётган таъсирини таҳлил қилишда кузатиш, қиёслаш ва тарихийлик усулларидан кенг фойдаландилар. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ўзининг қатор асарларида, айниқса «Ҳиндистон» китобида турли қабилалар, элатлар ва

халқлар ҳаётида динлар қандай роль ўйнаганини чуқур таҳлил қилиб берди.

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаетига ўтказадиган таъсири тўғрисида қанчалик чуқур фикр юритдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди.

Дин социологиясининг шаклланиши М.Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлиқ. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланадиган немис олими М.Вебер ижодида динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Барча динларни инкор қилиб, уларни халқ учун афъюн, деб эълон қилган Маркс таълимотидан фарқли ўлароқ, Макс Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритди.

Макс Вебернинг фандаги энг катта хизматларидан бири, унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясига кўра, бойликни, бойлик орттиришга интилишни унча хушламайдиган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсиқлик қилганлар. Бойликни худонинг неъмати, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки берди. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вужудга келишидаги асосий сабаблардан бири эди.

Вебер издошлари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташди. Унинг хизматларини эътироф этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб — протестантликнинг ўтказган таъсирини кенг тадқиқ қилди.

Динларни таҳлил қилар экан, М.Вебер улар саноат капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатни тарғиб қилиш орқали бу динлар, Вебер фикрича, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилади. Унинг талқинида христиан дини, айниқса протестантлик мазҳаби ҳаётдаги адолатсизликни пассив кузатиб ўтирмай, уни

бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради.

Ислом динидаги оқимлар, мазҳаблар, йўналишлар турлича бўлиб, уларнинг барчаси фақатгина ўзлари мансуб бўлган мазҳаб ёки йўналиш ҳақиқий ислом дини экани, бошқалар эса йўлдан адашганлар, деб даъво қилишади. Бошқа динларда бўлгани каби исломда ҳам ақидапараст (фундаменталистик) ва мўътадил оқимлар ўртасида кураш борган. Ақидапараст оқимларнинг вакиллари динни илк пайдо бўлиш давридаги ҳолатга қайтармоқчи бўладилар. Аслида эса бу ғоялар мавжуд тузумдан норозилик аломати бўлиб, ижтимоий тараққиёт йўналишини орқага буриш учун уриниш ифодасидир.

Марказий Осиёда ақидапарастларнинг кескин хуружларидан бири XX аср бошларида юз берди. Ҳижоздан кириб келган ақидапараст оқимлар Марказий Осиёда ижтимоий тангликни келтириб чиқардилар. Бидъатга қарши кураш ниқобида улар ижтимоий ҳаётда юз берган барча янгиликларни йўқ қилиш учун кураш бошладилар.

Ақидапарастларнинг ижтимоий тараққиётни ортга қайтариш учун қилган ҳаракатларига қарши тараққийпарвар маърифатчилар ҳаракати вужудга келди. Тарихда жадидчилик номини олган бу ҳаракат намояндалари халқни илм-маърифатли қилиш, диний эътиқодда мутаассибликдан мўътадиллик томон юз тутиш ғоялари билан чиқдилар.

Маърифатчилик ҳаракатини вужудга келтирган асосий сабаблардан бири диний фиқҳ илмини талқин қилишда усули қадимия ва усули жадидия ўртасидаги мунозара ва курашлар орасида эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, XIX аср охири ва XX аср бошларида диний ақидапараст атамаси муомалада деярли бўлмаган. Унинг ўрнида «қадимчилар» атамаси кенг қўлланилган. Қадимчилар динни «асил» ҳолига қайтариш, янгиликларидан ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилганлар. Усули жадидия тарафдорлари, яъни маърифатчилар меъёрларни белгилашда жамиятда юз берган ва бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш, янгиликларини қўллаш тарафдори эдилар. Бу икки йўналиш ўртасидаги тортишувлар аввал мунозара ва баҳс, кейин эса тўқнашув ва қон тўкишлар шаклида юз берди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маърифатчилар тортишувларни фақат мунозара ва баҳс йўли билан ечишга интилганлар. Ақидапараст қадимчилар эса очиқ мунозарада маърифатчиларни

енгишга кўзлари етмагач, куч ишлатиш ва қон тўкиш йўлига ўтганлар. Бу усул, яъни назарий ва маънавий масалалар бўйича мунозараларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга уриниш диний ақидапарастликка хос бўлган экстремистик усулдир Маънавий ва мафкуравий масалаларни мунозара йўли билан эмас, куч ишлатиш орқали ҳал қилишга уриниш ақидапарастларнинг кучлилигидан эмас, ожизлигидан гувоҳлик беради. Чунки улар муаммони маданий мунозара йўли билан ечишга рози бўлишса, ютқазиб қўйишга ақллари етарди. Кўҳна тарихда доимо шундай бўлиб келган. Ақидапарастлар назарий ва мафкуравий баҳсларни ҳар доим хунрезликка айлантиришга уринганлар.

Маърифатчилик ҳаракати қадимчилик, яъни диний ақидапарастликнинг жаҳолат йўли, миллат учун хатарли йўл эканини халққа тушунтириш мақсадида майдонга чиқди. Шу мақсад йўлида улар маърифат ва мафкура соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий фаолият олиб бордилар. Қадимчилар, яъни диний ақидапарастлар ҳам жим турмадилар. Аввалига улар маърифатчиларни назарий жиҳатдан енгмоқчи бўлдилар. Лекин маърифатли зиёлилардан иборат ҳаракатни бу соҳада енга олмасликларига уларнинг кўзлари етди. Дунёда кўп марта такрорланган ҳодиса, ақидапарастликнинг диний, назарий тортишувларида енгилиши ва зўравонликка ўтиши Туркистонда ҳам қайтарилди. Ақидапарастлар энди қарши террор йўлига ўтдилар.

Октябрь тўнтариши арафаси ва ундан кейинги дастлабки йиллар ақидапарастларнинг маърифатчиларга қарши хунрезликлари энг авжга минган давр эди. 1918 йил февралида ақидапараст Бухоро қозиси маърифатчиларни кофир деб эълон қилди ва уларни кўрган жойда ўлдириш тўғрисида фатво чиқарди. Бу ўринда маърифатчилар ҳеч қачон ислом динига, айниқса ҳанафийлик мазҳабига қарши фаолият олиб бормаганларини эслаш лозим. Улар диндор одамлар эдилар. Уларнинг Туркистондаги етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанд муфтийси эди. Улар ўзлари яшаган даврга халифалик даври нуқтаи назаридан эмас, XX аср ибтидоси нуқтаи назаридан реал қарардилар. Худди шу нарса уларнинг Бухоро қозиси ва бошқа ақидапараст уламолар томонидан кофир, деб эълон қилинишига сабаб бўлди

Қозининг фатвосига кўра, «Кимда-ким ёқали кўйлагида тугма қадалган бўлса, костюм кийган кишилар ҳам, кимда-ким

соқоли қисқа бўлиб, мўйлови узун бўлса ҳам, ким агар ўз боласини янги усул мактабига берган бўлса, кимда-ким газета ўқиса, ёки газета ўқийдиганлар билан борди-келди қилса, рус тилини оз-моз биладиганлар ҳам кофирлардир». Мана шу санаб ўтилган белгилар асосида одамларни тутиб олиб калтаклаш, ўлдириш бошланди. Шу олатасирдан фойдаланиб, кўпчилик қадимчи ақидапарастлар ўз мухолифларини, яъни янгиликка интилган, аммо ҳанафий мазҳаб доирасидан четга чиқмаган жуда кўп мусулмонларни ҳам йўқ қилиб юбордилар. Тўполонлардан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлганлар ўз душманлари ёки ўзига ёқмаган одамларни ҳам ўлдириб юбораётганини билган амир, 1918 йил 5 мартда фармон чиқарди. Унга кўра, жадидликда гумон қилинганлар Аркка олиб келиниши керак эди.

Бир неча кун ичида Арк маҳбусларга тўлиб кетди. Қадимчи ақидапарастлар томонидан ўлимга маҳкум этилганлар шу даражада кўп эдики, жаллоднинг қўли қўлига тегмасди. Ҳар қанча тез ва чаққон ишламасин, у ўз вазифасини тўла бажаришга, яъни маҳкумларнинг бошини танасидан жудо қилишга улгурмасди. Шунинг учун у мана шу кунларда ўзига шогирдлар олганди. Ҳаваскор жаллодлар ҳам бир неча минг кишини дорга осишда устозларига кўмак беришган.

Бухородаги хунрезликка ўхшаш ҳодисалар бу кўламда бўлмаса-да, бошқа хонликларда ҳам ўша ердаги қадимчи ақидапарастлар таъсирида содир этилган эди.

Маърифатчиларнинг етакчилари жон сақлаш учун амирликдан ташқарига чиқиб кетишга мажбур бўлди. Қолганлари эса ақидапарастлар томонидан сўйиб ташландилар ёки дорга осилдилар. Сўйилганлар орасида Туркистон жадидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам бор эди. Динни байроқ қилиб хунрезликлар қилган қадимчи ақидапарастлар Беҳбудийга ўлим олдидан икки ракаат намоз ўқишга ҳам рухсат бермадилар. Шу ҳодисанинг ўзи ҳам уларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатади.

Амирликдан анча узоқда — Тошкентда яшаган Абдулла Авлоний ҳам қадимчилар томонидан ўлимга ҳукм қилинади. Бундай ҳукмга сабаб эса у нашр қилаётган «Турон» газетасида босилган миллатни, халқни уйғонишга, тараққиётга ундовчи мақолалар эди. Фақатгина матбуот орқали тавба-тазарру қилиш Авлонийни ўлимдан сақлаб қолди. Бу тавба Авлоний

эътиқодидан воз кечгани сабабли эмас, тактик мақсадларда қилинган эди. Бундай мисолларни маърифатчилар ҳаетидан кўплаб келтириш мумкин. Охир-оқибат диний ақидапарастлар жадидлар ҳаракатига катта зарар етказдилар.

Диний ақидапарастлар қирғинидан омон қолган маърифатчилар коммунистик ақидапарастлар қирғинига дучор бўлдилар. 20-30-йилларда коммунистик тузум жадидларнинг қадимчилар қирғинидан тирик қолганларини қириб битирди. Шундай қилиб, жадидлар икки ақидапараст террористик кучлар: диний ақидапарастлар ва коммунистик ақидапарастлар томонидан таъқиб ва қирғин қилиндилар. Чунки улар тарғиб қилган маърифат ва истиқлол мафкураси халифаликни тикламоқчи бўлган диний ақидапарастларнинг ҳам, калтани чўзиб, узунни узиб барчани тенг қилмоқчи бўлган коммунистик ақидапарастларнинг ҳам мафкурасига тўғри келмас эди.

XX аср бошларида Марказий Осиёда жуда кўп хунрезликларга сабаб бўлган диний ақидапарастлик аср сўнгида ҳам ижтимоий тангликни келтириб чиқаришга уринди. Шўролар тузумининг охирги йилларида ҳокимиятнинг бўшашгани ва кишилар онгида мафкуравий бўшлиқ вужудга келганидан фойдаланиб, ақидапарастлар ўзларининг мавқеларини мустаҳкамлаб олишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу ҳаракати Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда ҳам давом этди. Ўзларини етарли кучга эга, деб ҳисоблаган ақидапарастлар Ўзбекистондаги конституциявий тузумни зўрлик йўли билан ағдаришга уриндилар. 1999 йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган портлатишлар, бундан олдинроқ Фарғона водийсида ва бошқа баъзи вилоятларда бўлиб ўтган салбий ҳодисалар шундан гувоҳлик беради. Лекин аср бошида маърифатпарвар кучларга қаттиқ зарба берган ақидапарастлар аср сўнгида ўз қилмишлари туфайли халқнинг қаҳр-ғазабига учради. Мана шу ҳодиса ҳам диний оқимлар радикаллашиб ақидапарастликка айлана боргани сари ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлиши ва аксинча, мўътадил оқимлар ижтимоий барқарорликка баракали ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тасдиқлайди.

XX аср ўрталарида социология фанида «фуқаролик динлари» тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча илоҳий кучлар ва ҳодисаларга эмас, ижтимоий турмушдаги нарса-ҳодисаларга сиғинишни англатади. Масалан, Буюк Британия, АҚШ каби

мамлакатларда байроқ, мадҳияга чексиз ҳурматни, тахтга ўтириш ва иннаугурация маросимларини бу тушунча тарафдорлари диний маросимлар билан генглаштирадилар. Собиқ Совет Иттифоқида Маркс, Энгельс, Ленин шахслари амалда илоҳийлаштирилган эди. Улар шаънига, айниқса, Ленин шаънига бирор танқидий гап айтиш ман қилинган, уларнинг ишлари ва гапларини фақат мадҳ этишга ижозат берилган эди. Бу ҳодисалар XX аср иккинчи ярмидаги диний социология йўналишларида фуқаролик динлари, деб аталди.

Шундай қилиб дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий хулқни ўрганади. Мустақил Ўзбекистонда динга миллий қадрият сифатида қаралиши халқ онгида ушбу ҳодисага нисбатан тўғри холис муносабатнинг шаклланишига замин бўлди. Бу борадаги ёшлар ва фикр тарбиясининг асосий йўналиши ҳам ислом динига хос бўлган инсонпарварлик тамойилларини онгга сингдириб боришни тақозо этади.

4-§. Маданият социологияси

«Маданият» (арабча «маданият» — мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик) — кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи. «Мадина» сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи — Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим-тарбияни асосан Мадинада олганлар. Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, хулқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Маданият тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. *Кенг маънода* — маданият тушунчаси инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисини акс эттиради. *Тор маънода* — маданият тушунчаси жамиятнинг маънавий-эстетик турмуши даражасини ифодалаш учун қўлланилади.

Маданият атамаси кенг маънода қўлланилиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган

ютуқлар мажмуи, бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражасини, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик ва маърифатлилик ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шартлари йиғиндисини билдиради БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига кўра 2000 йил «Халқаро тинчлик маданияти йили» деб эълон қилинганлиги бежиз эмас.

Социологияда «маданият» тушунчаси математикадаги «сонлар», физикадаги «гравитация», химиядаги «модда» тушунчалари каби муҳим аҳамиятга эга. Маданият — инсонлар фаолият натижаларининг мажмуи ўлароқ ўзида икки ҳолатни, яъни *маданий статикани* (маданиятнинг нисбатан турғун кўринишлари) ва *маданий динамикани*, яъни маданиятнинг ўзгарувчан жиҳатини мужассамлаштиради.

Маданият ҳодисаси XX аср бошларидан эътиборан социологиянинг алоҳида йўналиши сифатида тадқиқ этила бошланди. Бугунги кунга келиб, маданият кенг тасниф доирасига эга бўлган ҳодиса сифатида моддий ва маънавий, оммавий, меъёрий (норматив), сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, анъанавий, меҳнат-касбий, ишлаб чиқариш ва ҳ.к. маданият хилларига ажратилган ҳолда тадқиқ этилмоқда.

Маданият кишиларнинг яратувчилик фаолияти, мақсадли саъй-ҳаракатлари натижасида моддий ва маънавий қадриятлар бўлиб, шахсни шакллантириш ва камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Илмий адабиётларда маданиятни асосан моддий ва маънавий маданиятга бўлиш расм бўлган. Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси — моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Моддий маданият моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий фаолиятнинг барча соҳалари ва натижаларини ўз ичига олади. Моддий маданиятнинг муҳим элементлари ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситаларидир Моддий маданият тушунчаси доирасига техника воситалари, уй-жойлар, бинолар, архитектура обидалари, кийим-бош, уй-рўзғор буюмлари, истеъмол воситалари деб аталадиган нарсалар ҳам киради.

Маънавий маданият маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг шаклларига таъсир ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади Маънавий

маданият намоён бўлишининг турли шакллари, яъни табиий ва ижтимоий борака тўғрисидаги ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, назариялар, таълимотлар, илмий билимлар, санъат асарлари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, фалсафий, сиёсий қарашлар, мифология, дин ва ҳ.к.ана шундай фаолият натижасидир.

Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ. Биринчидан, ҳар иккаласи ҳам маданиятнинг узвий, ўзига хос қисмлари эканлигини унутмаслик керак, иккинчидан, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган кўпгина нарсалар ҳам ақлий, маънавий, ҳам жисмоний меҳнат натижаси сифатида пайдо бўлади.

Маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ворисийлик анъаналарига боғлиқ бўлиб ўзидан олдинги авлодлар яратган қадриятларни ўзлаштиришдан бошланади ва янги қадриятлар яратиш йўлида таянч вазифасини ўтайди. Ана шу икки жараён — эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғланиш ворислик деб аталади. Лекин бунда тараққиётга хизмат қиладиган прогрессив ворисликни унга тўсиқ бўладиган реакцион ворисликдан фарқлаш лозим бўлади. Маданиятга ижобий (позитив) ва салбий (негатив) таъсир этувчи ворислик ҳам мавжуд.

Маданиятда анъаналар омилининг роли беқиёс. Халқ маънавий мероси, анъана ва урф-одатлар туфайли[1] кишиларнинг тарихий, маданий тажрибаси тўпланиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Маданий анъаналар деганда, фақат маросим ва урф-одатларнигина тушунмаслик керак. Маданий анъаналар айни вақтда авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг таркибий қисмига айланган ғоялар ва билимлар, қадриятлар, қарашлар ва тасаввурлар, хулқ ва дид нормалари ва ҳ.к. каби омилларни ҳам ўз ичига олади.

Маданият бевосита қадриятлар билан боғлиқ бўлиб, унинг турлари қуйидагилар:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлоқий қадриятлар.

3. Инсоннинг ақл-идроки ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва

---

[1] Фалсафа. Т., "Шарқ", 1999, 301-337-бетлар.

тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар.

4. Одамлар ўртасидаги жамоавийлик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар.

5. Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Юқорида баён этилган қадриятлар, ўз навбатида:

1) умуминсоний қадриятлар
2) минтақавий қадриятлар
3) миллий қадриятлар
4) диний қадриятлар турларига бўлинади.

Маданият социологиясида ижтимоий институтлар муҳим аҳамиятга эга. *Ижтимоий институтлар* деганда кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари ташкилланадиган ва амалга ошириладиган муассасалар ва уларда ижтимоий феъл-атвор, ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилуви тушунилади. Ижтимоий институтларнинг кўринишлари:

1) мувофиқлаштирувчи (реляцион) институтлар (жинс, ёш, касб тури, қобилиятларга оид мезонларни аниқлаб берувчи ижтимоий институтлар).

2) Бошқарув (идора этиш) институтлари.

3) Бирлаштирувчи (интегратив, уйғунлаштирувчи) институтлар.

4) Анъаналар билан боғлиқ ижтимоий хулқни мувофиқлаштирувчи институтлар (одатлар, маросимлар, қариндошуруғчилик муносабатларидан иборат фаолиятларни ташкилловчи)

5) Маданий ижтимоий институтлар (дин, санъат, адабиётга доир фаолиятларни мувофиқлаштирувчи)[1].

Маданият социологиясида одамларнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик фазилатлари, амалий саъй-ҳаракатларига интилиш қизиқиш ҳамда эҳтиёжлари муҳим аҳамиятга эга.

Маданият ҳодисаси тараққиёт, цивилизация тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу борадаги алоқадорлик хусусида ҳам алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

«Цивилизация» (*лот.* фуқаролик, фуқароликка оид, давлатга оид[2] деган маъноларни билдиради). Бу тушунчани шотланд

---

[1] Умумий социология, Т., ТошДУ, 78-бет.
[2] Фалсафа Т., "Шарқ", 1999, 308-312-бетлар.

ва ҳ.к.). Оммавий маданият одатда киборлар ёки халқ маданиятига нисбатан камроқ бадиий қадрга эга ва у омма томонидан ўзлаштирилишига мўлжаллаб яратилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миллий истиқлол ғояси «Маданият ва санъат соҳалари фаолиятининг бутунлай тижорат асосида ташкил этилишига, ғоявий бадиий жиҳатдан саёз, миллий қадриятларимизга ёш асарларнинг етакчи ўрнини эгаллаб олишга йўл қўймаслик»[1] муҳим аҳамият касб этади.

5-§. Ахлоқ социологияси

Ахлоқ ижтимоий онг шакли сифатида муайян халқ, элат ёки уюшманинг асрлар давомида шаклланган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатлар, ҳис-туйғу ва кишилар ўртасидаги ўзаро реал муносабатлар тизимини ифода этади. Ахлоқ муайян халқнинг атроф муҳитга, кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари сифатида, бир жиҳатдан, маҳаллий-миллий хусусиятга эга бўлса, иккинчи жиҳатдан, миллатнинг умумжамият талабларига уйғун мувофиқлигини таъминловчи умуминсоний хусусиятга ҳам эгадир.

Ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар учун муштарак манбалардан бири, табиийки, тил ҳисобланиб, у ижтимоий ахборотни сақловчи, ифодаловчи ва етказувчи муҳим восита бўлиб, кишилар хатти-ҳаракати, феъл-атворларини (ахлоқий таъсир-тазйиқ, ишонтириш, тушунтириш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳ.к.) бошқариш омилидир. Тил мулоқот калити-ижтимоий муносабатларга тарихий-табиий маҳсулидир.

Ахлоқ ва жамоатчилик фикри ҳодисаларининг боғлиқлиги инсоният тараққиётининг илк босқичи ва ундан кейинги даврларида намоён бўла бошлаган бўлиб, у қабила ҳамда элатлар маиший ва ижтимоий онгида ўз таъсирини ўтказа бошлаган.

Маиший ҳаёт доирасида ахлоқ асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлган: а) муносабатлар, в) фаолият. Ахлоқий сифатлар инсонинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлиб, унинг гносеологик, иқтисодий ва ижтимоий келиб чиқиши, ҳозирги мавқеи ва ахлоқий қарашларига ишора ва гувоҳлик бериб турган Ахлоқий сифатлар ёки хатти-ҳаракатлар илк кишилик тарихи, яъни инсониятнинг заминга дастлабки қадамлар қўйилишидан шаклланиш босқичига кирган ва шу боисдан ҳар бир халқ, элатларда у ўзига хос ва бетакрордир.

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 65-бет.

Худди шунингдек, миллат ва элатлар ижтимоий онгининг муайян ҳолати ҳисобланмиш жамоатчилик фикри ҳам ўзининг шаклланиш манбаларининг салмоғи, реал кучга айланиш суръати, уюшқоқлик даражаси, ҳиссий-эмоционал потенциали ҳамда мантиқий-интеллектуал асосларига кўра миллий, иқлимий, маҳаллий ҳамда регионал ўзига хосликларга эгадир.

Ахлоқ асрлар давомида одамларни жамоага, уюшувга, бошқалар манфаатини шахсий манфаатлардан юқори қўйиб, ёндошувга ундаб келган. Бу хусусда улуғ донишмандлар ибратли фикр-қарашларни илгари сурганлар. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий айтар эдилар: «Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабди, кимки ўзгани хоҳламабди, билсинки, ўзини хоҳламабди»[1].

Шарқ ахлоқ қоидалари нафақат шахсни уюшувга ундайди, балки уюшган ҳолда ҳам кишининг шахс сифатидаги бир бутунлиги барқарор турмоғи, жамоавий интеграция доирасида ҳам руҳий ботиний яхлитлик сақланмоғи зарурлиги, умумий бир бутунлик кўплаб сержило ва мустақил яхлитликлар йиғмасидан иборатлигини ёрқин ифодалайди. Жамоада шахс бир бутунлиги емирилмайди, умумлаштиришлар негизига қурбон этилмайди, балки мантиқий мувофиқлик мезони доирасида уйғун бирлашув жараёни табиий равишда амалга оширилади. Айни чоғда шуни эътиборда сақлаш керакки, ҳар қандай уйғунлашув ўлчовсиз, чегарасиз бўлмаслиги, ҳар бир ҳаракатда мезон ҳисси ва ақлий ҳушёрлик бўлиши халқимиз феъл-атворига хос анъанавий белгидир.

Жамоада ўзликни англаш, аммо унда гегемонлик ҳуқуқини талаб этмаслик, мақсадга интилишда камтар ва камсуқумлик даҳоларимиз илгари сурган муқаддас шиорлардан эди. Ҳазрат Баҳовиддин Нақшбандий уқтирган «Хилват дар анжуман (анжуманда хилват ёҳуд жамоада ўзликда қолиш), сафар дар ватан (ватанда сафар, ёҳуд ўз ўлкангда мутлоқ эмаслигинг, бу фано замонда меҳмонлигингни доимо ҳис этишинг) ва зоҳирда халқ билан, аммо ботинда ҳақ билан бўлиш»[2] хусусидаги ўгитлари фикримизнинг исботидир.

Мовароуннаҳр халқлари ахлоқ тизими жамоатчилик фикрининг салмоғини, унинг ҳақ ва ислом қоидаларига нечоғли

---

[1] *Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳовуддин Балогардон* Т., «Ёзувчи»,1993, 95-бет.

[2] Баҳовуддин Балогардон,72-бет.

мувофиқ келишига боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этади. Шу жамоа аъзоларининг тўғри ва ҳалоллиги гуноҳ ишлардан қанчалик ўзларини форғ тута билишлари билан ҳам ўлчанишига эътибор қаратади. Айни чоғда жамоа аъзолари гуноҳ йўлга киргудек бўлсалар, уларни тарбиялаш ишидан бўйин товламаслик зарурлиги ҳам уқтирилади «Бу тоифа аҳлидан ҳар ким бир гуноҳ қилса, унга чора-тадбир бор, бироқ ундан юз ўгириш раво эмас»[1].

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий айни чоғда ахлоқнинг буюк қудрати ва салоҳияти, унинг чексиз имкониятларига юксак баҳо беради. Халқни айблаш нотўғри ва беҳуда иш эканлигини уқтиради. Мабодо, эл-улус тўғри ахлоқ изнидан ва ҳатто ҳақ йўлидан адашган ҳолда ҳам унга тушуниш кўзи билан қарамоқ лозимлиги, халқни бевосита эмас, билвосита усулларда тарбияламоқ жоизлигини тайинлайди.

Улуғ ҳазрат яна бир ўринда «Ширк (динга риоя этмаслик) умум, яъний оддий халқдан кечиримлидир, аммо хусус (хос бандалардан) кечиримли эмас»[2], дея ҳар бир хатти-ҳаракат учун шахсий масъулият ҳиссининг оширилишига даъват этади.

Зеро, инсон бир умр шаклланади, тарбияланиб боради. Аслида инсон ўз ҳаётини бутун умр давомида маъқулроқ тартибларга тушириш, жамият талабларига мувофиқроқ йўналишларга солиш ташвишлари билан яшаб ўтади. Шу боисдан ҳам жамоатчилик фикри жамият ахлоқий қарашлари, талаб ва йўриқларига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб келади.

Жамият жамоатчилик фикри орқали шахс зиммасига ижтимоий тузум, шаклланган ахлоқий қарашлар, анъана ва урф-одатлар мантиғидан келиб чиқувчи кўпгина талаблар, саъй-ҳаракатлар, иш юритиш, турмуш тутишда қатор мажбуриятларни ҳисобга олиш масъулиятини ҳам юклайди. Ахлоқий қарашларнинг жамоатчилик фикри ҳосил этиш имкониятлари қанчалик катта бўлса, унинг оммага таъсир доираси шунчалик теран ва таъсирчан бўлади. Шу боисдан ҳам ҳар бир ахлоқий талаб ва қоида жамият томонидан тўла маъқулланган ва ўзлаштирилган бўлиши зарур. Шахснинг жамият ҳаётига бўлган иштироки қанчалик юқори бўлса, унинг ахлоқ тизимида ижтимоий масъулияти ва вазифалари салмоғи

---

[1] Ўша жойда, 80-бет.
[2] Ўша жойда, 93-бет

ҳам шунчалик катта бўлади. Шахснинг ижтимоийлашув жараёни эса меҳнат, фаолият билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсониятнинг онгли фаолияти бошланган илк даврларда инсоннинг ташқи дунё билан боғлиқлигини англатувчи илк мафкуравий йўналиш тотемизм, яъни ибтидоий жамоа кишисининг ўз келиб чиқишини турли хил ҳайвон-қушларга олиб бориб тақаш нуқтаи назари чуқур илдиз отди. Бу хусусият ҳар хил элатларда турлича намоён бўлиб, тегишли ҳайвонларда ўз ўтмишини кўриш, шу ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввур, рамзлар, одат ҳамда иримлар тизимини ҳам юзага келтирди. Мисол ўрнида ҳиндларда сигир, қозоқларда учқур от, инглизларда бургут, ўзбекларда афсонавий Ҳумо қуши ва ҳоказоларни кетгириш жоиздир. Тотемизм халқларнинг ташқи дунё билан боғлиқ илдизларини излаш хоҳиш-истаклари, табиат билан уйғунлашув, ундан ҳимоя излаш, ҳамкор топиш интилишларидан гувоҳлик беради. Бу хусусда кенгроқ маълумотлар махсус адабиётларда атрофлича баён этилади[1].

Тотемизм халқлар маънавиятининг шаклланишида, табиийки, муҳим босқич ҳисобланиб, у илк мафкуравий силсила сифатида элатларнинг этник жиҳатдан ўз-ўзини англаш қобилияти ҳамда этник асослардаги жамоатчилик фикрини таркиб топтиришда катта аҳамият касб этади.

Бу давр маънавиятида ахлоқий қоидалар гарчи қоғозларда ифодаланмаган бўлса-да, уруғ умумий қарашларида муҳрланган оғзаки йўсинда ифодаланувчи барча ахлоқий талаблар сўзсиз ва бекаму-кўст бажарилиб бориши билан эътиборлидир. Шу боисдан ҳам уруғ таркибида жисмонан ўз-ўзини сақлаш инстинкти ва саъй-ҳаракатлари билан бир пайтда жамоа умумий фикрининг мўътадил сақланиб туриши, турли антагонистик қарашлар авж олиб кетмаслигининг олдини олиш учун ҳам муайян мафкуравий иш доимий тарзда олиб борилган. Жамоа таркибидаги кишиларнинг ана шундай ахлоқий фаолияти бошқа ижтимоий ташкилий меҳнат турларидан ажралиб турган ва аҳамияти жиҳатидан қуйи мавқеларда бўлмаган.

Матриархат тузумнинг патриархат тузум билан алмашинуви жамоатчилик фикридаги ахлоқ моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Истеъмол муносабатларидан ишлаб

---

[1] *Чесноков Я.В.* Ранние формы этнонимов и этническое самосознание. М.,1971, *Токарев С.А* Ранние формы и религии.М., 1964; *Жабборов И.* Ўзбек халқи этнографияси Т., 1964; Б.Аҳмедов.Ўтмишдан сабоқлар.Т., 1994 ва ҳ.к.

чиқариш муносабатларига, тақсимотдаги адолат ва тенглик шарт-шароитларидан ишлаб чиқариш натижасида эришилган неъматларни ўзлаштиришдаги тенгсизлик ҳолатларига ўтилиши матриархат ҳукмронлиги даврига тамомила чек қўйилди Ахлоқий қарашлар манзараси ҳам тубдан ўзгариб, ота образи илоҳийлаштирила бошланди, отага сиғиниш, отага хизмат, иззат-икром чегаралари кенгайди. Кўпхотинлик, қуллар ва чўрилар асраш, эркакларнинг рўзғор ташвишларидан узоқлашуви, уруғ таркибидан эркак бошчилигида алоҳида оилаларнинг ажралиб чиқа бошлаши, эрнинг оиладаги ҳукмрон мавқеи ва бошқалар, шулар жумласидандир. Табиийки, патриархат ахлоқ қоидаларининг жамият ҳаётида мустаҳкам ўрнашуви учун яна минг йиллаб вақт қурбон қилинди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим халқлар, хусусан, ўзбек халқи ўз маънавияти мазмунида матриархат ва патриархат даврлари асоратларининг энг яхши анъаналарини сақлаб қола билган. Айниқса, миллатимиз маънавий олами замирида бир йўла икки маданият — аёллар ҳамда эркаклар маданияти алоҳида-алоҳида амал қилиб келгани, уларнинг бир-бирига узвий боғлиқликда бўлгани ҳолда, айни чоғда нисбатан мустақил сақланиб ва ривожланиб келганлиги фикримизнинг далилидир. Аёллар маданияти эркакларники билан бир хил замон ва макон доирасида ҳаракат қилганликларига қарамай ҳудудий (ичкари ва ташқари ҳовли), мазмуний (ўзига хос ахлоқий нуқтаи назарлар), рамзий (урф-одат, ирим-расмлар) жиҳатларга кўра фарқли ривожланиб келганлар. Истиқомат ва фаолият макони бўлган ичкари ҳовли аёллар маънавияти тўлақонли намоён бўладиган жой вазифасини, шунингдек, ижтимоий эҳтиёж ва истеъмол талабларига мувофиқ маданий ишлаб чиқариш кўринишларини ҳам яққол ифодалаб келган. Бу хусусда муайян камолот даражасида эканлиги эътироф этилган ўзбек аёллар шеърияти, мусиқаси, аёллар характерига хос чанқовуз, дутор каби мусиқа асбоблари, каштачилик, гиламдўзлик, сўзана, зардўзлик сингари санъат турларининг ичкари ҳовлида аёлларимиз қўллари ва қалбидан яратилганлиги фикримизнинг гувоҳидир. Шунингдек, фарзанд тарбиясида ичкари ҳовли кичик ёшли болаларнинг ҳаётга ахлоқан бенуқсон етказилишида, комил инсонлар бўлиб етишувида мустаҳкам замин вазифасини ҳам ўтаганидир. Шу боисдан ҳам ўзбек халқи яхлит, тўлақонли маънавий меросининг икки йўналиши — аёллар ва эркаклар

маданияти мавзуси алоҳида ва махсус тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир. Айни чоғда ўзбек аёллари дунёсида ўзига хос мустақил ахлоқ қоидалари тегишли урф-одатлар, анъана ва маросимларда яққол ифодаланиб келмоқда. Ҳозиргача кўпгина чекка қишлоқларда амал қилиниб келаётган тўй ва маъракаларда эркаклардан айрича ўтказилувчи ранг-баранг урф-одатлар, расм-русмлар шунга мисолдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳар қандай ахлоқий қоида ва талаблар жамият томонидан эътироф этилиб, жамоатчилик фикрида мустаҳкамланган ҳолдагина умрбоқийлик касб этади. Шу боисдан ҳам ахлоқ жамоатчилик фикрининг асоси ва унга бевосита боғлиқ ижтимоий онг кўринишидир.

Ҳар қандай сиёсий тизим биринчи галда ахлоқ асосларини ўзгартиришга интилади. Ҳозирги кундаги ижтимоий муносабатлар мазмунига бозор иқтисодиёти унсурларининг тезкор кириб келиши ахлоқий қарашлар ва бу қарашларнинг ифодаси бўлган жамоатчилик фикри мазмунида ҳам катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон ҳукумати бозор иқтисодиётига қадам қўйишда амалда расм бўлган «Шок усули ёхуд тотал бозор» сиёсатида иш тутмади. Донишманд Президентимизнинг оқилона раҳномолиги натижасида бозор иқтисодиётига тадрижий ўтиб бориш сиёсати мамлакатимизда илк дафъа жуда улуғворлик билан қўлланилдики, ҳозирги пайтда бу тажриба махсус ўрганила бошланди.

Бу жараёнда, аввало анъанавий ахлоқ тизимига раҳна солинмаслиги, инсоний қадриятлар таназзулига йўл қўймаслигига, шахс ва жамоа манфаатлари ўртасида шаклланган мувозанат меъёри бузулмаслигига алоҳида аҳамият берилди. «Ахлоқ, — деб таъкидлади Президент И.Каримов, — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди»[1].

---

[1] «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 24 февраль.

Бундай ҳаёт тарзини жамият ахлоқи ва жамоатчилик фикригина бошқариб туради. Абу Наср Форобий айтганларидек, «Мамлакат аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилади»[1].

Жамоатчилик фикри жамият ахлоқининг ифодаси тарзида намоён бўлгани сабабли, у ахлоқнинг ўзи бўлиб ҳам туюлади. Француз олими Берж бу хусусда қизиқарли мулоҳазани ўртага ташлайди: «Жамоатчилик фикри ахлоққа жуда ўхшаб кетади, чунки ҳар иккаласи ҳам жамоани ҳукм ўтказиб бошқаради»[2].

Жамоатчилик фикрининг жамоани катта ишонч билан бошқаришига асосий сабаб шундан иборатки, у кишилар орасидаги ахлоқий муносабатлар тизимига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Ахлоқий қарашлар эса кишиларнинг кундалик турмуш тарзи орқали уларнинг орзу-ўйлари, мақсадларига эришиш йўлидаги кураш ва баҳсларда туғилади ва бу хатти-ҳаракатлар мазмунининг жамоатчилик фикри томонидан баҳолана бориши жараёнида шаклланади.

Ахлоқий тушунчалар кишиларнинг оддий-одатий турмуш тарзида, кундалик ҳаёт жараёнида таркиб топиб, унинг амалий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати сифатида кишиларнинг атроф-муҳитга муносабатига ва амалий фаолият жараёнларига бевосита таъсир ўтказади. Шу боисдан ҳам ахлоқий қонунлар эл наздидан айрича ҳолатларда амал қила олмайди, ёҳуд жамоатчилик фикри асрлар мобайнида шаклланган ахлоқий негизларсиз ҳеч қандай таъсир-тазйиққа эга бўла олмайди. Зеро, инсон ўтмиш хотираси, маънавий мерос ва қадриятларсиз, ўз халқининг ғалаба ва мағлубиятларсиз тарихий истиқболдан ҳам маҳрум бўлиши шак-шубҳасиздир. Шу боисдан ҳам ҳар қандай мустабид тузум энг аввало халқнинг ўтмиши ва ўтмиш билан бевосита боғлиқ бўлган ахлоқий қарашлар негизини қўпоришга интилади.

Сўнгги йилларда умуминсоний қадриятлар ва умупланетар ахлоқ нормаларини ишлаб чиқишга бўлган саъй-ҳаракатлар бирмунча қулоч ёзди. Умуминсоний ахлоқ тамойиллари мазмунининг жамоатчилик нуқтаи назарий, унинг жамоавий баҳоси асосларига қурилиши лозимлиги бугунги кунда,

---

[1] «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 15 март.

[2] *Плеханов В.Г.* Из. Ибранные философские произведения в пяти томах: томIII.М., Госкомиздат, 1956,с.248.

аниқса, долзарб масала сифатида кун тартибига чиқарилмоқда. Хусусан, америка олими Арчи Бам жаҳон файласуфларининг XV конференциясида (конгрессида) умумжаҳон ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш зарурияти пишиб етилганлиги ҳамда мазкур катта тадбирнинг тарихий жараёнларда шаклланган ва синовдан ўтган инсоний муносабатлар, гуманистик тамойиллар асосидагина таркиб топтириш лозимлигини алоҳида уқтиради. Бунинг учун эса сайёрамизнинг барча аъзолари учун умумий ягона ахлоқ қоидаларини тузиб берувчи қўмита ташкил этиш зарурлигини ўртага қўйди.

Умумжаҳон ахлоқи асосларини яратиш ғояси гарчи бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса-да, кўп йиллар мобайнида мазкур ижтимоий интилишга бир ёқлама ёндошиш, яхшидан иллат, савобдан қусур излаш тенденцияси ҳукм суриб келди.

Табиийки, халқаро ахлоқ қоидалари куч ёки қурол воситасида ҳаётга жорий этилмайди. Умуминсоний тамойиллар негизига қурилувчи бу ахлоқий қоидалар фақат жамоатчилик фикри орқалигина бошқарилади ва назорат қилиб борилади.

Хулоса сифатида қуйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз:

1) ахлоқ жамоатчилик фикрининг уйғониш, шаклланиш ва амал қилишнинг узвий манбаларидан саналган ҳолда халқ ахлоқи яхлитлигининг юзага келишида жамоатчилик фикри ҳам муҳим ўрин тутади, бу икки ижтимоий ҳодиса ҳамма ҳолатларда мустаҳкам алоқада бўлиб туради, бир-бирини тўлдириб, бойитиб боради;

2) жамоатчилик фикри ўзининг шаклланиш манбаларининг салмоғи, кишиларнинг уюшқоқлик даражаси, аҳолининг ҳиссий-эмоционал потенциали, мантиқий-интеллектуал имкониятларига, шунингдек, миллий, иқлимий, маҳаллий ва регионал шарт-шароитларга боғлиқдир;

3) ахлоқ ва жамоатчилик фикрининг ўзаро алоқадорлик меъёри жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий формациясига, ялпи тараққиёт учун танланган ривожланиш дастурига, мантиқий йўналишлар ўзига хослигига, халқ маънавияти ва миллий ўзига хосликлар омилларига боғлиқдир;

4) совет тузуми даврида «аввал иқтисод, кейин сиёсат» ақидасининг амал қилиши, иқтисод, сиёсат «аввал материя сўнг онг» деган моддиёнчилик шиорларининг ғоявий таъсир-тазйиқи остида шакллантирилганлигини пухта ҳисобга олиш

зарурдир. Маънавиятнинг бирламчилиги, умуминсоний тамойиллар устуворлигини эълон қилиб, озод жамият қуришга киришган Ўзбекистонда нафақат иқтисодий, балки чуқур маънавий бўҳронлар ботқоғидан муваффақият билан чиқилмоқда;

5) жамоатчилик фикри халқ анъана ва урф-одатларига мустаҳкам таянади ва уларнинг жамият ҳаётида амал қилишига имконият яратади. Зеро, анъаналар ахлоқий қарашларнинг прогрессив жиҳатларини авлоддан авлодга етказувчи муҳим омили, халқнинг ўзига хос қиёфасини сақлаб қолиш ва ҳимоялаш мезонидир;

6) ахлоқ категориясининг муайян уруғ, қабила, эл-элат ва халқ миқёсларидан халқаро миқёсларга ўсиб ўтиши, умуминсоний тамойиллар негизидаги умумпланетар ахлоқнинг таркиб топишида жамоатчилик фикри ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Айни чоғда жамоатчилик фикри ва ахлоқ жамиятда умумий муроса ва мадоранинг турғун маромини таъминлаш йўлида ўзаро муносабатликда, тадрижий такомил жараёнидаги мувофиқликда ривож топа боради, бир-бирини тўлдиради, бир-бирига уйғун тарзда мукаммаллашади.

Асосий тушунчалар

АХЛОҚ — ижтимоий онг шаклларидан бири, социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб қоида ижтимоий ҳаётнинг истисноси ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиб туради. Ахлоқ оммавий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа шаклларидан ўз талабларининг асосланиши ва амалга оширилиши билан фарқланади.

МАФКУРА — муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

ДИН — ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли бўлиб, бу шакл дунёқараши, ҳис-туйғулар ва сиғиниш маросимларининг бирлиги билан ажралиб туради.Диннинг асосий ва ҳал қилувчи белгиси — илоҳий кучга ишонишдир.

МАДАНИЯТ — ижтимоий тарихий амалиёт жараёнида инсоният яратган ва яратаётган ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични тавсифловчи моддий ва маънавий қиймат-дорликлар мажмуи.

БЕГОНАЛАШУВ — одамлар, ижтимоий гуруҳларнинг бир-бири билан ёнма-ён яшашларига қарамай уларнинг муносабатлардаги азалий бирликнинг бузилиши ва унга олиб келадиган жараён.

ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК (ЎЗАРО ҲАРАКАТ) — ижтимоий фаолият юритувчи индивид ёки гуруҳнинг бошқа шу каби индивид ёки гуруҳларнинг жисмоний ёки фикрий ўрамидаги ҳолати ва шу вазиятдаги хатти-ҳаракати. Бундай ўзаро ҳаракат шароитида томонлардан ҳар бири ўз ҳаракатлари учун рағбатни оширишга ва зарарни камайтиришга уринади.

ТУРМУШ ТАРЗИ — конкрет-тарихий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга хос бўлган инсоннинг индивидуал ва жамоавий ҳаёт фаолияти усул, шакл ва шарт-шароитлари.

УРБАНИЗАЦИЯ (лот. uzbanus — шаҳар) — жамият ривожида шаҳарлар мавқеи ва ролининг ошиб кетиш жараёни.

ФЕНОМЕНАЛ СОЦИОЛОГИЯ — тушунарли социология кўринишларидан бўлиб, жамиятни индивидларининг доимий маънавий ҳамкорлиги натижасида пайдо бўлувчи ҳодиса сифатида кўради.

ҲАЁТ ТАРЗИ — одамларнинг маълум ижтимоий, иқтисодий, маданий шароитларда шаклланган ҳаётий фаолият услуби бўлиб, уларнинг муомаласи, хулқ-атвори ва тафаккур тарзида намоён бўлади.

МАДАНИЯТ (лот. **cultura** — қайта ишлаш) — инсон жамияти яратган ва жамият ривожининг маълум даражасини ифодаловчи моддий ва маънавий маҳсулотлар, қадриятлар мажмуи.

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ — оммавий истеъмолга мўлжаллаб маданий қадриятларни ишлаб чиқиш бўлиб, у индустриал жамиятларга хосдир. Оммавий маданият барча одамларга қаратилган бўлиб, муттасил равишда кундалик ҳаёт учун ишлаб чиқилади ва у оммавий алоқа ва муомала воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади.

АҲЛОҚ — у ёки бу ижтимоий гуруҳлар ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни назорат қилиш ва тартибга солиш вазифасини бажарувчи ижтимоий институт, меъёрлар, баҳолар, хулқ-атвор намуналари тизими.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ — жамият ривожидаги босқич; меҳнат тақсимоти билан боғлиқ ижтимоий ва маданий ривожланиш даражаси.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бирдамлик ва кооперация — жамият барқарорлигининг асосий омили сифатида.
2. Бегоналашув ва таназзул ҳодисаларининг ижтимоий оқибатлари.
3. Миллий истиқлол ғояси — янги ижтимоий муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида.
4. Фан социологиясининг предмети.
5. Фан социологиясининг илмий тизимдаги ўрни.
6. Фаннинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни.
7. Дин тушунчаси.
8. Дунё динларининг таснифи.
9. Ислом дини маънавий қадрият сифатида.
10. Диннинг сиёсийлашуви жараёнлари таҳлили.
11. «Маданият» тушунчаси ва унинг мазмуни. Моддий ва маънавий маданият.
12. Маданият шакллари ва унинг хилма-хиллиги.

13. Ахлоқ тушунчаси.

14. Ахлоқнинг Мовароуннаҳр алломалари асарларида талқин этилиши.

15. Умумжаҳон ахлоқини яратиш йўлидаги изланишлар.

4-БОБ. ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

1-§. Ижтимоий стратификация социологияси

Жамият таркибида синфлар, страталар, ижтимоий гуруҳларнинг бўлиши, жамиятда турли хил табақалар тузиш, ҳар бир сиёсий-тарихий даврда аҳолини зодагонлар ва қулларга (Миср, Вавилон), фуқаролар ва плебейларга (Афина ва Рим), брахман ва хизматкорларга ажратиш (Ҳиндистон) орқали бошқариш тажрибалари инсоният тарихидан маълумдир. Қадимги Турон мамлакатида асосан аҳолининг а) уруғ-қабилавий келиб чиқишидан; б) касбий мансублиги; в) диний-эътиқодий қарашлари ва ниҳоят; г) шажаравий-сулолавий келиб чиқиши эътиборга олган ҳолда тасниф этиб келинган.

Турон тарихидан маълумки, жамиятни ана шундай тасниф этиш ҳар бир ижтимоий гуруҳ, стратанинг сиёсий-ижтимоий ўрни ва ролини объектив белгилаш, улардан самарали фойдаланиш, умумдавлат миқёсида уларнинг муросавий консенсусини таъминлаш, сиёсий бошқариш имконини берган.

Цивилизация жараёнлари ижтимоий гуруҳлар, синфларнинг узоқ йиллар давомида ўзгармасдан қолиши, турғун амал қилиши тўғрисидаги сароб тасаввурларни йўққа чиқарди Жамиятда синфларнинг анъанавий, аниқ белгиланган фарқлари емирилиб, илгари кузатилмаган негизлардаги ижтимоий гуруҳланиш тенденциялари юзага чиқа бошлади. Гуруҳларнинг қайта таснифланиши эса шу гуруҳларнинг таркиби, уюшиш сифати ва мазмунига мувофиқ бўлган янги бошқариш тизимларини ишлаб чиқишни талаб қила бошлади. Бошқариш тизимининг жамиятда жадал юз бераётган қайта гуруҳланиш жараёнларига мослашиши эҳтиёжи кескин кучайди. Бундай мослашишга улгурилмаган ҳолларда кутилмаган катаклизмлар (бўҳронлар), локал ижтимоий-сиёсий портлашлар ялпи тарзда юз бера бошлади.

Мазкур ижтимоий-сиёсий ҳолат жамиятимизда юз бериб улгурган ва жадал шаклланаётган янги ижтимоий гуруҳлар — страталар моҳиятини англаш ва уларга мувофиқ замонавий бошқариш тизимларини жадал суръатларда ишлаб чиқиш масалаларини зудлик билан бажаришни долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди.

Жамиятни ўрганиш тамойиллари, ижтимоий-иқтисодий воқеликка ёндошув хусусиятлари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боради. Тоталитар тузум даврида ижтимоий тараққиётнинг бош сабаби синфлараро кураш деб қаралганлиги сабабли жамиятдаги муаммоларга умумий ёндошиб, бир синф вакиллари билан иккинчи синф вакиллари қарашларидаги тафовутни аниқлаш барча ижтимоий фанлар, хусусан, социологиянинг ҳам асосий илмий тадқиқот тамойилларидан ҳисобланиб келинган. Жамиятнинг тинчлик шароитида мўътадил ва одатий ҳолатлардаги барча ижтимоий зиддиятлари асосан муайян синфлар, гуруҳ ва табақалар ичидаги қарама-қаршиликлар тарзида намоён бўлиб келади. Ижтимоий гуруҳлардаги табиий амал қилиш ҳолати бўлган ички, ботиний муаммо ва зиддиятларнинг синфлараро зиддиятларга кўчиши, яъни бир гуруҳ зиддиятларнинг бошқа гуруҳлар томонидан ўзлаштирилиши, зиддиятларнинг ижтимоийлашуви умумжамият катаклизмига, синфлараро, давлатлараро урушларга олиб келган. Бундай ёндашув табиийки, жамият ижтимоий гуруҳларини мулкий, сиёсий-ижтимоий ва маънавий баравварлаштиришга, ижтимоий психология масаласини ўрганишнинг негизий мазмунидан, яъни ички жиҳатларидан ташқи томонларига буриб туриш эҳтиёжи ва заруратидан келиб чиққан бўлиб, кишилар томонидан воқелик ўзгаришлари моҳиятини билиш, миллий ўзликни англашга бўлган интилишларига йўл бермасликни ифодалар эди. Бундай ёндашув аҳолини маънавий забун қилар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш, ўзликни муҳофаза этиш, ўзгаларга керакли бўлишдек инсоний фазилатлар ривожига йўл бермасдан, эгоизм, сурбетлик, боқимандалик, ялқовлик, ижтимоий мулкка нисбатан юлғичлик хусусиятларини таркиб топтирар эди.

Иккинчи катта ижтимоий қусур — бу ижтимоий воқеликни идрок этишда индуктив ёндашувнинг мутлақлаштирилишидан иборат эди. Индуктив метод, яъни хусусда умумнинг тўла намоён бўла олиши ғояси ҳар қандай ҳолатда умумий ижтимоий-иқтисодий муҳитдан қатъий назар амал қилиши мукаррар, деб қарашдан келиб чиққан эди. Умумий табиий муҳитнинг устуворлигини тан олмаслик оқибатида табиат ва жамиятга ўнглаб бўлмас даражадаги катта зарарлар етказилди. Минглаб, миллионлаб инсонларнинг ёстиғи қуритилди. Мисол сифатида экологик муҳитнинг глобал бузилиши, ичимлик

сувларининг заҳарланиши, аҳоли ўртача умрининг қисқариши, Оролнинг қуритилиши, электр станциялари қуриш мақсадларида Сибирь ўрмонларининг сув остида қолдирилиши, пахта яккаҳокимлиги ва ҳоказоларни ҳисобга олиш ибратлидир Индуктив методни мутлақлаштиришнинг маънавий ўз-ўзини англаш борасида жуда зарарли эканлигини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари Зардўшт, Лао Цзин, Конфуций, Платон, Аристотель, Цицерон, Имом ал-Бухорий, Абу-Мансур ал-Мотуридий, Форобий, Беруний ва бошқалар ўз асарларида асослаб берганлар. Умумнинг чегарасиз устунлиги ғоясига қарама-қарши ижтимоий қарашларнинг соҳиблари, яъни хусуснинг умумга мувофиқлиги ғояси муаллифлари сифатида Мансур Халлож, Умар Хайём, Жордано Бруно ва бошқаларнинг тарих саҳнасидаги ўринлари маълумдир. Хусусан, умум билан баравларлаштиришга уриниш ғояси ижтимоий воқеликда қатор ижтимоий назарий йўналишлар юзага келишига сабаб бўлди. Булар жумласига ҳақнинг ҳамма жойда зоҳирлиги, ҳақнинг хусус, яъни шахсда мужассамлиги, ҳақ билан хусуснинг узвий уйғунлиги, боқийлик ғоясининг мавҳумлиги, моддиюнчилик абадийлиги ва устуворлиги ва ҳоказо шунга ўхшаш илмий-назарий фикр-қарашлар шулар жумласидандир.

Хусуснинг умумга айнанлиги ва ундан фақат ҳажм ва шаклда кичиклиги, яширинлиги нуқтаи назари кутилмаган ижтимоий-маънавий оқибатлар юзага келишига сабаб бўлди. Жамиятни англашда тажриба қилинган бундай ёндашув, бир томондан, хусуслар ўртасидаги фарқларни, ҳар бир хусусга хос бетакрорлик ва уникаллик жиҳатларининг истисно этилишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, умум олдида хусуснинг арзимаслиги, беқадр этилишига сабаб бўлди. Тоталитар тузум даврида табиатнинг ноёб истеъдодлари оёқ ости қилинганлиги, ҳаммани баробарлаштириш шиори остида қараб келинганлиги, кишиларни «жамиятнинг винтиклари» ва уларни истаган пайтда бирини иккинчисига алмаштириш мумкин, деб ёндошиш услуби кенг кўламларда амалда бўлиб келди.

Ижтимоий адолатни қарор топтириш тарихини инсоният томонидан ўз-ўзини англаш жараёнлари бошланишидан излаш ўринлидир. Дунёнинг илк китобларидан ҳисобланувчи Авестода аҳолининг барча қавмлари, қатлам ва гуруҳлари учун умумий турмуш тарзи қоидалари тавсиф этилади. Антик дунё қонунчуноси Солон томонидан яратилган илк қоидалар

мажмуи ҳам турли хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида тотувлик ва муроса (консенсус) меъёрларидан иборатдир.

Ўз-ўзини англаш жараёнлари муҳимлигини алоҳида таъкидлаган ўрта асрлар мутафаккири Рене Декарт моҳиятга ҳар бир индивид алоҳида-алоҳида интилади ва ҳар ким ҳар хил шароитда унга эришади деб ҳисоблайди. Ҳақиқат гарчи умумий бўлса-да, унга ялпи интилиш орқали кутилган натижани олиш ва уни ялпи англаш имкони йўқ. Ҳар ким, ҳар хил гуруҳ ҳақиқат моҳиятига турлича даражада яқинлашади. Декартнинг алоҳида уқтиришига кўра, «Ҳақиқатни бутун халқдан кўра алоҳида инсонлар тезроқ ўзлаштирадилар»[1] ва бу англанган ҳақиқатни бошқаларга етказадилар. Шахсларнинг жамоадан фарқлари ҳам ана шунда намоён бўлади.

Жамиятни стратификацион тасниф этишга мухолиф кучлардан бири сифатида маълум бўлган Покистон, Бангладеш, Ҳиндистонда амал қилаётган А.А.Мавлудий асос солган «Жамоати Исломия» уюшмаси аҳолининг ирқий, миллий ва тиллари борасидаги тенглигини эътироф этган ҳолда, улар таркибида синфлар, ижтимоий қатламлар, ижтимоий гуруҳлар мавжудлигини инкор қилади. А.А.Мавлудий тарафдорлари ҳар қандай демографик, ижтимоий, интеллектуал ва ҳиссий бўлинишлар сунъий моҳиятга эга бўлиб, исломий якдилликка эришиш йўлида уларни эътиборга олмаслик лозимлигини уқтирадилар.

Ижтимоий таснифларни тан олмаслик кайфияти бошқа диний-конфессионал оқимлар ва ҳаракатлар «Ҳизби таҳрири исломия», «Ваҳҳобийя», «Нур» тарафдорларида айниқса, яққол намоён бўлиб келмоқда. Уларнинг назарида динга садоқат, исломий эътиқод даражалари мусулмонларни ўзаро фарқлантириб турувчи, фақат эътиқодий жиҳатдан страталарга ажратувчи асосий маънавий меъёр вазифасини ўтайди.

Стратификацион таснифларни ўрганганда оламни яхлит бир бутунлик тарзида тасаввур этиш, яъни «оламий уйғунлик» назариясига монандлик жиҳатларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Оламий уйғунлик назарияси тарафдорлари, хусусан, Гераклитнинг фикрича, унинг асосини сонлар эмас, балки моддий буюмлар ва уларнинг ягона субстанциясидан пайдо бўладиган, қарама-қаршиликлар курашида ўзаро бир-бирига ўтадиган сифатларнинг боғлиқлиги

---

[1] *Р. Декарт.* Избр. произв. М., 1950, с. 27.

ташкил этади. Платон эса оламий жон оламни руҳлантириб, ўзи сонли нисбатларга, гармоник тартибга бўйсунади, деб қарайди Мазкур ғояни янада аниқлаштирган ҳолда Платон стратификацион тасниф уч ёқлама боғлиқликда амал қилишини асослайди. Яъни, биринчидан, ғоя нарсаларда моддийлашган ҳолда намоён бўлади, иккинчидан, нарсаларчинг ўзи ҳам муайян ғояни доимий тарзда тақозо этиб туради ва ниҳоят, ғоянинг ўзи мустақил равишда амал қилади[1].

Платон жамият таркибини амалий жиҳатдан уч йирик гуруҳга ажратади: 1) файласуфлар, элита вакилларидан иборат бўлиб, давлат ва жамият бошқарувида асосий ўрин тутувчилар; 2) ҳарбийлар ва 3) қуллар (жамиятда бирор-бир фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлмайдиганлар).

Платон илгари сурган нуқтаи назарга кўра, стратификацион тасниф азалдан муқаррар нарса бўлиб, унинг чигал тамойиллари ижтимоий вазиятларга кўра ўзгариб боради.

Платондан фарқли, Аристотел тартибсизликлардан вужудга келадиган оламий уйғунликка бирмунча ўзига хос ёндашади ва уни жондаги манба эмас, балки фақат нарсалар табиатидаги манба, деб чекланади.

Хуллас, антик давр ва ўрта аср алломалари нуқтаи назарларидан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, кишилараро боғлиқлик ва ўзаро алоқадорликни ифодаловчи стратификацион тасниф, бир томондан, илоҳий мукаммалликнинг инъикоси сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, ўзида объектив борлиқнинг хоссаларини ифодалайди. Бу хосса объектив, реал борлиқ ва илоҳиет қонунларининг боғлиқлигидан иборат бўлиб, унинг зиддият, симметрия, ритм, тадрижийлик, яхлитлик, тизим ва тузилма каби тушунчаларида ўз аксини топади.

Стратификацион ҳодисаларга объектив идеализм нуқтаи назаридан ёндашган Гегел табиат ва жамиятда рўй берадиган барча жараёнлар, умуман ҳаракатнинг ҳар қандай кўриниши умумдан хусусга томон, мавҳумликдан аниқликка қараб йўналганлигини қайд этади. Бундай ёндошув ижтимоий табақаланиш жараёнларининг дастлабки нуқтаси, ибтидоси абсолют ғояга, яратганнинг иродасига боғлиқлигини ифодалайди.

---

[1] Платон. Законы. М.: «Мысль», 1986. с. 4.

Умумдан хусуснинг юзага келиш ғоясини ривожлантирган немис социологи Макс Вебер жамиятдаги барча эмпирик-амалий нарсаларни тартибга солишнинг қулай усули бўлган идеал типлар, яъни ҳамма нарсаларни муайян гавдалантириш концепциясини ишлаб чиқди. Макс Вебер нуқтаи назарига кўра, феодализм, капитализм ёки қулдорлик тузумлари жамиятда тарихан шаклланган формациялар сифатида эмас, балки аҳоли турли табақалари ўртасидаги муносабатларнинг идеал мувофиқлашуви, қатъийлашган уйғунлашуви тарзида талқин этилади. Жамиятдаги мавжуд табақа ва гуруҳлардан иборат ранг-баранг страталар таснифи ҳам ана шу идеал мувофиқлашув моҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилиши илмий асосланади. М. Вебер стратификацион жараёнлар моҳиятини очишда рационалистик ёндошув омилининг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. М. Вебер нуқтаи назарига кўра, рационализм Европа халқларига хос бўлиб, бу ёндашувни ижтимоий воқеликнинг барча соҳаларига жорий этиш зарурдир. Хусусан, иқтисодиётда — иккиёқлама ҳисоб-китоблар тизимига ўтиш, ахлоқ борасида тўғри ва тенг муносабатлар амал қилишига эришиш, сиёсатда — парламентаризм, расмий ҳуқуқ ва маъмурий бошқариш институтларининг жорий этилиши, мусиқа борасида — Европага хос нота тизими ва унга мос техник уйғунлашув меъёрларига ўтиш тарғиб этилади. Вебер умумпланетар ахлоқ ва турмуш тарзи фақат Европа халқларигагина хос, деб ҳисоблайди.

Стратификация социологиянинг асосий тушунчаларидан бири сифатида жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг табақаланиш белгилари тизимини ўзида акс эттиради. Ҳозирги замон стратификацион ёндашувининг назариётчилари ижтимоий гуруҳларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки, жамиятнинг асосан мулкка бўлган муносабат асосида табақалашуви хусусидаги марксистик ёндошувни инкор этиб, жамият маълумоти, руҳият, маиший шарт-шароитлар, бандлик даражаси, даромад кўламлари ва бошқа белгиларга кўра табақаланишини асослаб беради. Марксизмга танқидий илмий йўналиш сифатида асослаб берилган мазкур ёндошув тарафдорлари жамиятда турмуш тарзи, маълумоти, касби ва бошқа ранг-баранг фарқланмаларга кўра ажралувчи ижтимоий гуруҳлардан ташқари, юқори табақа, ўрта табақа ва қуйи табақа доимий амал этишини таъкидлайдилар. Бундай табақалар

юқорида таъкидланган ижтимоий фарқларнинг ўзига хос якуний ҳосиласи, синтези сифатида намоён бўлади. Кейинги 20 йилда ривожланган Ғарб, хусусан, АҚШда ўрта табақа концепсиясини ўрта синф концепсияси билан айни уйғунлаштириш тенденцияси юз бермоқда. Ўрта синф жамиятнинг ўзига хос миллий, ирқий, интеллектуал ва молиявий тенглик ва барқарорлик меъёри сифатида ўзига хос ижтимоий консенсус вазифасини ҳам ўтамоқда. Шу боисдан ҳам ўрта синф ҳиссасининг ортиши жамиятдаги ижтимоий барқарорлик шарти сифатида ҳам талқин этилмоқда. Ўрта синф вакиллари миқдори эса улардаги кўчмас мулк ҳажми, банкдаги маблағлари, турли манбалардан олган фойдалари ва бошқа даромадлардан давлатга тўланадиган солиқлари салмоғига кўра йилма-йил аниқлаб борилади. Ғарб мамлакатларидаги турмуш тарзининг ўзига хос барометри вазифасини ўтаётган ўрта синф феномени гарчи ривожланган Европа мамлакатлари учун ижтимоий-иқтисодий қадрият даражасида баҳоланиб келинаётган бўлса-да, бу қадрият ўрта синф вакилларини юқори ва қуйи синф вакиллари билан маънавий яқинлаштириш имконини бермади.

Маълумки, ҳар қандай тараққиёт табиий равишда, бир томондан, шахснинг индивидуаллашув жараёнларини, ўзликка уйғунлашув ҳолатларини кучайтириб, шахсларнинг якка тарзда алоҳида фаолият билан машғуллик даражаларини оширса, иккинчи жиҳатдан, жамият аъзоларининг мулк, касб, ирқ, миллат, жинс, ҳудуд, майл, мақсадлар, дидлар асосида табақаланишув жараёнларига кучли туртки беради. Шу боисдан ҳам страталар кўплиги жамиятнинг ўз-ўзини ички бошқаруви маҳсули ва цивилизацион жараёнларининг табиий ифодасидир.

Ижтимоий ўзгарувчанлик қуйидагича турланади:

1. Репродуктив.
2. Статусли — хизмат пиллапояларидан юксалиш, ҳаёт даражаларининг фаровонлашуви.
3. Ҳудудий — қишлоқдан шаҳарга, давлатдан давлатга кўчишлар.
4. Маънавий қадриятлар, фикрлар, тушунчалар, ғоялар, ҳис-туйғуларнинг ўзгариши.
5. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий идора этилиши моҳиятига кўра ўзгаришлар.

6. Илмий-техникавий ўзгаришлар. Устувор тараққиёт мезони сифатида юксак технологиялар, информацион бошқарув соҳаларининг тобора мустаҳкамроқ ўрин тута бошлаши.

Инсониятнинг 5 минг йиллик ўтмиши кишиларнинг хавф умумий бўлганда бирлашувлари тарихидан иборатдир. Кенг халқ оммасининг нечоғли кўп миқдорда бирлашуви унинг хавфга қаршилик салмоғини шунчалик ошириб турган. Аммо хавф тазйиқи сусайиши билан бирлашувлар нуқталари ҳам емирила борган.

Инсоният тарихида страталар халқнинг маданий такомиллашганлик белгилари сифатида ҳам баҳоланиб келинган. Хусусан, гиламдўзлар, дўппидўзлар, темирчи-чилангарлар, боғбонлар, меъморлар, хаттотлар ва бошқа касбий страталар муайян меҳнат фаолияти орқали нафақат ўзига хос иқтисодий-ижтимоий ҳаёт йўриғини амалга оширганлар, балки ўз қавмлари сиру-синоатларининг ўзгалар мулкига айланмаслиги, эришилган комиллик қадриятига путур етмаслиги хусусида ҳам қайғурганлар.

Страталарни ўрганиш халқимиз таркибидаги ранг-барангликни аниқлаш имконини беради, зеро, ўз тарихини авлод-аждодлари китобига киритган, шажаравий тизимни ёзиш анъаналари соҳиблари — саййидлар, эшонлар, сўфийлар, подшоҳзодалар, хўжалар умуман олганда, миллатимиз ўтмишини ҳам акс эттирганлар. Халқимиз ўз страталарини ҳимоя қилиб ҳам келган, зеро, бу ҳимоя нафақат қавмлар, шаклланган касб ва ижтимоий гуруҳлар мавқеини муҳофаза этиш шаклларида, балки ахлоқий ёндашувлар тизимини, турмуш тарзи яхлитлигини, халқ урф-одат ва анъаналарини сақлаш учун кураш лавҳаларида ҳам намоён бўлиб келган. Масалан, ўзбек халқи бутун яхлитлигича эркаклар ва аёллар стратасига бўлинади. Ўзбек аёллари ўзбек эркакларидан бир макон ва бир замонда истиқомат қилишларидан қатъи назар, турмуш тарзи, фаолият йўналишлари, эстетик қарашлари ва урф-одатларига кўра маълум даражада ажралиб турадилар.

Ўзбек хонадонларига хос ичкари ва ташқари ҳовлиларда бир-биридан мустақил ҳаёт тарзи амал қилиб келган. Ташқари ҳовлида эркаклар дунёси талаблари доирасидаги тўй, аза, маросим ва бошқа айрим урф-одатлар, ўғил болалар тарбиясига оид муносабатлар тизими, тижорат ишлари, маҳалла, қўшничилик алоқаларига доир масалалар ҳал этилган. Ичкари

ҳовлида эса аёллар дунёсига хос урф-одатлар ва маросимлар, кичик ёшдаги фарзандлар ва қизлар тарбияси, эстетикаси, бадиий ижодиёти амал қилган, ривожланган. Шунингдек, ички ҳовлида аёллар бадиий ҳунармандчилиги — дўппидўзлик, гиламдўзлик, каштачилик, тикувчилик ва бошқалар изчил, ўз ички анъаналари доирасида ривожланиб келган. Ички ҳовлидаги аёллар бадиий ижодиёти мусиқий санъатда ҳам ўзига хосликка эга бўлган. Агар ташқари ҳовлида ўзининг баланд пардаларда ифодавий ижросига эга бўлган карнай, сурнай, доира, ноғора, танбурга мурожаат этилган бўлса, ички ҳовли нозик ва қуйи пардаларда ўзбек аёлларига хос назокат, ҳаё, нафислик рамзи бўлган дутор, арфа, чанқовуз сингари мусиқа асбобларини тақозо этган. Шунингдек, ўзбек урф-одатлари таркибида фақат аёллар маънавий оламини ифодаловчи келин салом, чаллар, бешик тўй, чимилдиқ ва ҳоказо ўнлаб маросимларни қайд этиш мумкин. Ана шуларнинг барчаси ўзбек халқи таркибида эркаклар ва аёлларга хос алоҳида турмуш тарзи, менталитетини таркиб топтирган бўлиб, ўзбек аёллари стратасини ўзбек эркаклари стратасидан фарқлаб ўрганиш заруратини актуаллаштиради.

Ўзбек халқи страталарининг таркиби ва тизими таҳлили этно-регионал хусусиятларни ҳам ҳисобга олади. Маълумки, ўзбек халқи тарихан шаклланган 92 уруғ-этноэлемент маҳсулидир. Бу этно — тасниф таркибидаги ҳар бир уруғ, хоҳ у манғит бўлсин (XVII-XX асрларда ҳукмдорлик қилган Бухоро хонлари манғитлар уруғидан бўлган), хоҳ у барлос бўлсин (темурийлар барлос уруғидан бўлган) ёки қўнғирот (Алпомиш қўнғирот уруғидан бўлган), ёвмит (баъзи Хива хонлари ёвмит уруғидан бўлган) бўлсин, алоҳида стратификацион тадқиқот талаб этувчи этник бирликлардир. Мазкур уруғларнинг ижтимоий-тарихий ўрни таҳлил этилганда, унинг нафақат ўзбек халқи этногенезисини ўрганишдаги аҳамияти ойдинлашади, балки унинг умумтуркий макроэтносида тутган тарихий ўрни ва ижтимоий мавқеи юзага чиқади.

Ўзбекистонда кенг тармоқли яхлит стратификацион тадқиқот ишларини амалга ошириш зарурияти ва долзарблиги бугунги кунда ўзбек халқи миллий ўзлигини тўғри идрок этиш, миллий менталитет имкониятларидан самаралироқ фойдаланишга йўл очади. Ўзбекистон ижтимоий жараёнлар

таркиби ва тизимини характерловчи ўн иккита стратификацион тизимлар типини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилар:

ижтимоий-касбий таснифга кўра типлар;

қавм-сулолавий асосларга кўра типлар;

маданий-эстетик даражаларга кўра типлар;

ёш даврларига кўра типлар;

жинсий таснифга кўра типлар;

этно — ҳудудий типлар;

диний — конфессионал типлар;

партиявий ва эътиқодий фарқларга кўра типлар;

уруғ-қабилавий типлар;

муайян манфаатлар доирасида уюшган корпоратив типлар;

ҳуқуқбузарликка мойилликка кўра типлар;

маданий-рамзий интилишларга, қизиқишларга кўра аҳоли типлари.

Ўзбекистондаги ижтимоий стратификация жараёнларини ўрганишда конкрет социологик тадқиқот методлари, хусусан, анкета, интервью, тест, ҳужжатларни ўрганиш усулларига реал ҳолатлар тақозоси асосида ёндашилади ва улар орқали олинган бирламчи маълумотлар контент-анализ усулида қайта ишланади. Шунингдек, тадқиқот давомида илмий-амалий экспедициялар уюштириш, регионларнинг баобрў кишиларидан иборат экспертлар гуруҳи фикрларини тўплаш, Давлат статистика қўмитаси манбаларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади.

Жамиятдаги ижтимоий табақаларни ўрганишнинг асосий тамойиллари:

тадқиқот давомида ижтимоий страталарга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларнинг ижтимоий таркиб ва тузумдаги ўрни ва мавқеини ҳурмат қилиш;

страталар ижтимоий статикаси ва динамикаси жараёнларини илмий баҳолашда тизимий ва яхлит ёндашиш;

Ўзбекистондаги ижтимоий страталарнинг миллий менталитети, регионал — худудий хусусиятларини алоҳида эътиборга олиш;

Ижтимоий страталар таркиб топишига сезиларли таъсир ўтказувчи сиёсий — иқтисодий, ижтимоий, диний-конфессионал, мафкуравий омилларни ўрганиш;

Ижтимоий страталар таснифини тузишда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланиш.

Жамиятдаги ижтимоий страталар моҳиятини ўрганиш, пировард натижада «турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоя — Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига»[1] назарий жиҳатдан кўмак беради.

2-§. Ёшлар социологияси

Ўзбекистон демографик хусусиятига кўра ёшлар мамлакати ҳисобланади. Юртимизда истиқомат қиладиган жами аҳолининг 60 фоиздан зиёдини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Сўнгги ўн йилликда муайян барқарорлик касб этган бўлса-да, 2015 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 1,5 баробарга ортиб, жами 36 миллион 330 минг кишидан ортиши кутилмоқда. Шу давр мобайнида меҳнатга яроқли аҳоли сони ҳам икки баробарга ошади ва 2015 йилда қарийб 20 миллион нафар кишини ташкил этади.

Бу рақамлар фақат юртимиз аҳолисининг сон жиҳатдан ўсишинигина кўрсатиб қолмай, у навқирон миллат сифатида катта интеллектуал имкониятларга эга эканини ҳам намоён этади. Ана шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов истиқлолнинг илк йилларидаёқ «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ғояни илгари сурди.

Миллий мафкурамизнинг мухтасар шиорига айланган ушбу сўзлар нафақат руҳлантирувчи даъват, балки амалий натижага айланиши учун давлат жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган ёшларга катта эътибор қаратмоқда. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, «Камолот», «Умид», «Мирзо Улуғбек» жамғармаларининг тузилиши, Ёшлар муаммолари институти фаолиятининг йўлга қўйилиши, Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ҳаётга жадал жорий этилаётганлиги, телевидение ва радиода махсус ёшлар каналининг ташкил этилиши каби фактлар ушбу сўзларнинг амалий исботидир.

Ўзбекистон ўз истиқболини ёшларда кўриши социолог олимлар олдига ҳам улкан вазифаларни қўядики, бу шарафли юмуш жамиятимиздаги муҳим ижтимоий қатламнинг ижтимоий

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 34-35-бетлар.

қиёфаси, тавсифини, феъли, орзу-ниятлари ҳақида доимо бохабарликни таъминлашдан ташқари улар фаолиятини оптималлаштириш, эзгуликка йўналтириб туриш, охир оқибатда эса баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу боис юртбошимиз «биз истеъдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак» деган эдилар. Таълим тўғрисидаги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўқув-тарбия жараёнларини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогика ва ахборот технологиялари билан бирга замонавий психология ва социология фани ютуқларини амалда уйғун қўллашни тақозо этади. Тарбиянинг бош мақсади жамиятда онгли ҳаёт кечириш, юксак маданий-интеллектуал ҳамда фаровон муҳитни таркиб топтиришга мўлжалланганлиги. Таълим тизимидаги янги миллий моделимиз жамиятдаги потенциал кучларни рўёбга чиқаришга мўлжалланган. Таълим жараёнига давлатнинг катта эътибори, кўплаб сармоялар сарфланиши мамлакатимизда аҳолининг ялпи комиллик йўлига чиқиб олишига реал шарт-шароитлар туғдирмоқда.

Бироқ, бирор нарсадан натижа кутишдан аввал биз ўша нарсани чуқур англаб, масалага илмий-амалий ёндошишимиз даркор. Шу жиҳатдан олганда давлатнинг ёшлар сиёсати, кадрлар тайёрлаш миллий дастури самарасини ошириш учун ҳам жамиятимиздаги ёшларни ўзига хос қатлам сифатида чуқурроқ ўрганиш социологиянинг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ёшларнинг интеллектуал-руҳий камолоти уларнинг маънавий ўз-ўзини англаши жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар характерида ижтимоий идеалларнинг сусайиб кетишига йўл қўймаслик муҳимдир.

Ёшларнинг миллий ўзлигини англаш шароитида улар ижтимоий манфаатларини ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, булар қуйидагилардир:

— фикрлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида ижтимоий манфаатлар мавжуд концепциялар орқали таҳлил этилади ва замонавий шароитларга хос бўлган қарашлар тарзида ифодалаб берилади;

— ижтимоий манфаатларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, аҳамияти ҳамда замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларни ўзаро уйғун тарзда ўрганади;
— ижтимоий манфаатлар моҳияти, мазмуни ҳамда жамият ривожидаги ўрни масалаларини социологик жиҳатдан таҳлил этади;
— жамиятда этносиёсий жараёнларни таҳлил этиб, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатади;
— этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожидаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этади;
— жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг ижтимоий манфаатларига таъсирини ўтказади;
— ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётга хос жараёнлар ривожида этник манфаатларнинг ўсиб, миллий ва умуминсоний мазмун касб этиш хусусиятларини назарий тадқиқ этади.

Ривожланган мамлакатларда социологик тадқиқотлар натижалари ҳукумат ва бошқа жамоат ташкилотлари учун тараққиётнинг муҳим дастурига айланган XX1 аср бўсағасида юртимизда ҳанузгача бу фан ўзининг тарихий муҳим мавқеини эгаллай ололмаяпти.

Социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий ва руҳий ўзига хос ҳолатга эга бўлган йирик ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганади. Бундай холис ёндашув натижасида уларнинг нафақат ёшдаги тафовутлари, балки иқтисодий фарқли жиҳатлари, феъл-атвор типлари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳам ўз ифодасини топади.

Бироқ, ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан бир-биридан фарқланиши айрим мутахассисларни ёшнинг «юқори» чегарасини турли гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва касбий сифатлари шаклланиши давомийлигига қараб аниқлашга ундамоқда. Жумладан, ёш ишчининг бир касб бошини қатъий тутиши асосан 25 ёшларда амалга ошса, ёш олим 35 ёшида шаклланиб улгуради. Ёш чегаралари у ёки бу мамлакатдаги мавжуд тарихий шароит ҳамда ижтимоий тузумга бевосита боғлиқдир. Масалан, болалар ва ўсмирлар меҳнатини кенг қўллаш «ёшлар» деб аталган қатламнинг «пастки» чегарасини анча қуйи ёшдан аниқлашни тақозо этади.

Кўпгина мамлакатларда ёшликнинг қуйи чегараси тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ёзиб қўйилган. Мустақил касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва имкониятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқи, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун фуқаро сифатида жавоб бериш қобилияти, никоҳга кириш ҳуқуқи мана шу қуйи чегарани аниқлашни тақозо этади. Ҳозирча бу жаҳон тажрибасида 14-16 ёшни ташкил этади.

Ёшлар таркибига кирувчи ўқувчилар, талабалар, ёш ишчилар ва бошқалар ижтимоий-руҳий яқинлиги, қизиқишларининг умумийлиги нафақат бир мамлакат ҳудудида, балки бутун жаҳон узра уларнинг оммавий чиқишлари, биргаликдаги ҳаракатига сабаб бўлади. Ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиш жараёнидаги мураккабликлар ва қарама-қаршиликлар гоҳида уларнинг турли шаклдаги, жумладан, аксил ижтимоий (жиноятчилик, гиёҳвандлик каби) норозиликларини, шунингдек, ўзига хос ёшлар «маданияти»ни келтириб чиқаради. Жамиятни синфларга бўлиб, бошқаларни сиёсат даражасига кўтарган шўролар замонида айрим мутахассислар ёшларни алоҳида синф деб қарашга мойил бўлган пайтлари ҳам бўлган. Бироқ, коммунистик мафкура мутахассислари ҳам ёшлар жамиятдаги бир қатлам эканини эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Бу қатлам аъзолари маълум вақт ўтиши билан ўзга, янада барқарорроқ ижтимоий қатлам (масалан, ишчи, зиёли, каби) вакилига айланади. Аммо навқирон ватандошларимизнинг ёши ҳамда ижтимоий ўзига хослиги нуқтаи назаридан узоқ вақт ўзгармас қатламини ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари, талабалар ташкил этадики, улар ҳаёт тарзининг асосий қисми ўқиш ва келажак ҳаётга тайёргарликдан иборатдир.

Ёшлик — бу ахлоқий идеални излаш, мақсадларни ва ҳаётий позицияни шакллантириш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласидир. Ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар учун улар фаолияти ижтимоий фойдали бўлишигина эмас, балки бу фаолият ўз шахсий мақсадларига, интилишларига мувофиқлиги, ҳаёт режаларининг амалга ошишига мумкин қадар тўлароқ кўмаклашиши ҳам ғоят муҳимдир.

Жамият ўз олдига мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Бу ўз қадр — қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш деганидир.

Шундагина онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Президент Ислом Каримов айтганидек, «Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли тарзда озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий — руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди».

Хориждаги айрим сиёсий кучлар жамиятимизнинг истиқболи бўлган ёшларимизни ўз таъсирига олишга уринаётган айни замонда таълим-тарбия тизимимизни, жумладан, социология фани назарини ёшларга қаратишимиз, улар муаммолари, ўй ташвишларини билиб, ёшлар сиёсатини илмий асосга кўчиришимиз юқорида таъкидланган ижобий натижаларни бериши тайин.

3-§. Девиант хулқ-атвор социологияси

Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатларини ўрганувчи девиант хулқ-атвор социологияси муаммолари Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан ўрганила бошланди. Девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларини мамлакатимиз олимлари ўз тадқиқот объектлари доирасида ўрганганлар. Республика файласуфлари Х.Шайхова, Қ.Назаров, М.Холматова, Н.Комилов (шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия таъсири масалалари), социолог М.Б.Бекмуродов (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири жараёнлари), ҳуқуқшунослар А.Қулаҳметов, Й.Каракетов, М.Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари), психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, С.А.Ахунжанова, З.Р.Қодирова, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров (ўз жонига қасд қилиш ва жиноятчилик муаммоларининг руҳий-психологик асослари), педагог-олимлар О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповаларнинг (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш

муаммолари) олиб борган илмий ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Жамиятда инсонлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларини ижтимоий меъёрлар бошқаради. ***Ижтимоий меъёр*** жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий гурух хулқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Ижтимоий меъёрнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда урф-одатларга оид меъёрлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрнинг афзаллиги шундаки, ёшлигиданоқ муайян меъёрларга мослаштириб борилган шахслар умум томонидан қабул қилинган тамойиллар доирасидан четга чиқмайди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Жамият тараққий этиб борган сари ўрнатилган меъёрлар ҳам эскириб боради ва янги меъёрлар ўрнатилади. Янги меъёрларни ўрнатиш жараёни жамиятда ўрнатилган мавжуд меъёрлар доирасини кенгайтириш ва ўзгартишдан иборатдир.

Жамият аъзоларини мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини назорат қилиб борувчи институтлар ***ижтимоий назорат институтлари*** дейилади. Ушбу институтларга оила, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳоқазолар киради.

Инсонлар болаларга ижтимоий меъёрларни ўргатиб борилиш билан бирга, хулқ-атвор меъёрий талабларининг тўғри бажарилишини назорат этишади ва бу билан ***ижтимоий назорат*** вакили вазифасини бажаришади. Назоратни якка шахс амалга оширса, бу индивидуал тавсифга эга бўлади, агар бутун бир жамоа, оила, дўстлар, мактаб, маҳалла (қўни-қўшнилар) томонидан амалга оширилса, ижтимоий тавсифга эга бўлади ҳамда у ижтимоий назорат дейилади.

Ижтимоий назорат вакиллари инсонлар хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, девиант хулқ-атворнинг олдини олишда ҳам ушбу жамоаларнинг ўрни катта бўлади.

Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу — оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир.

«Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини

шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади»[1].

Афсуски, орамизда шундай инсонлар ҳам учрайдики, улар жамият тараққиётига хизмат қилмасдан, балки унга тўсиқ бўлувчи меъёрдан оғиш ҳолатларини юзага келтирадилар. Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари социологияда «девиантлик[2] ҳолатлари», ундан туғилувчи хулқ-атворни «девиант хулқ-атвор» деб номланади.

Девиант хулқ-атвор — жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган инсоний фаолият ёки хатти-ҳаракат, ижтимоий ҳодиса бўлиб, ёлғончилик, дангасалик, ўғирлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа кўплаб шу каби ҳолатлар ушбу хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади.

Қуйидагилар девиант хулқ-атворнинг нисбатан кенгроқ тарқалган кўринишларидан ҳисобланади:

а) жиноятчилик. Муайян давлатда ўрнатилган қонун ва меъёрларга нисбатан айрим шахсларнинг салбий муносабати жиноий фаолият, мазкур шахс эса жиноятчи ҳисобланади.

б) ичкиликбозлик. Бу борада илмий адабиётларда бир неча таснифлар мавжуд: 1) Алкогольни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилиш. 2) Алкогольни кўп истеъмол қилиш — спиртли ичимликларни мунтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки, бирваракайига ўртада танаффус билан кўп миқдорда (200 мл.дан ошиқ). Бу кўпинча алкоголизмга олиб келади. 3) Алкоголизм — спиртли ичимликларга патологик (муттасил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

в) гиёҳвандлик. Гиёҳванд ёки унга тенглаштирилган воситаларга мунтазам ружу қўйиш ва тиббий кўрсатмаларсиз истеъмол қилиш.

г) фоҳишабозлик. Фанда расмий никоҳсиз жинсий алоқа иккита турга бўлиб ўрганилади: 1. Конкубинат — никоҳсиз бирга яшаш. 2. Фоҳишабозлик — пул учун ўз танасини сотиш.

Ғарбда асосан иккинчиси қоралансада, Шарқда иккала ҳолатга ҳам меъёрдан оғиш сифатида қаралади.

---

[1] *Каримов И.А.* Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1999, 8-бет.

[2] Deviatio (лат.) — ҳаётий меъёрлардан оғиш, уларнинг бузилиши тушунилади.

д) бюрократия. «Бюрократия» термини аслида «ҳокимиятга эга бўлган ходим» деган маънони англатади. Бироқ даврлар ўтиши билан «бюрократия» маҳаллийчилик, қоғозбозлик, тўрачилик, мансабни суистеъмол қилиш каби салбий маъноларда қўлланила бошланди. Ҳозирги кунда кўплаб давлатларда «бюрократия» термини асил маъносини йўқотиб, бошқарувдаги ўзига хос идоравий услуб тарзида тушунилади.

Юқоридагилардан ташқари маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, боқимандачилик каби салбий ҳолатлар ҳам ижтимоий меъёрдан чекинишнинг диққатталаб кўринишларидан ҳисобланади.

Девиант хулқ-атвор муаммосини социология фани доирасида дастлаб Э.Дюркгейм махсус ўрганган бўлса-да, жамиятнинг энг қадимий муаммоларидан бири сифатида девиант ҳолатларга муносабатлар қадим даврлардан шаклланиб келган. Қадимги халқларнинг диний-мифологик тасаввурлари, хусусан, Миср, Ҳиндистон ва Хитой диний қонун-қоидаларидаги ахлоқий меъёрлар бу соҳадаги дастлабки қарашлар эди. Қадимги юнон ва Рим файласуфлари ҳам ўз асарларида мазкур муаммоларни таҳлил қилиб берганлар.

Ўрта асрларда ахлоқ меъёрлари диний қарашлар таъсири остида ривожланди ва улардан чекиниш диний нуқтаи назардан баҳоланган. Европада христиан дини барча соҳада ҳукмронлик қилган бўлса, шарқ дунёсида ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар ва улар ҳақидаги таълимотлар ислом фалсафаси таъсирида ривожланди.

XYII-XYIII асрларга келиб, Европада жамият ривожининг кучайиши ахлоқ меъёрларининг христианча талаблари доирасига сиғмай қолди. XYIII аср мутафаккирлари ижтимоий меъёр ва ундан чекиниш муаммосини янада чуқурроқ таҳлил қилдилар. Ш.Л.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Ч.Беккариа, К.Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, Морелли ва Ш.Фурьелар ўз илмий изланишларида ижтимоий меъёрлар, қадриятлар учун умумий бўлган қонуниятларни топишга интилдилар.

XIX аср охирларида табиий фанларда эришилган илмий ютуқлар ижтимоий фанлар тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, социологияда ижтимоий меъёрдан оғиш ҳолатларини тушунтирувчи дастлабки таълимот — Э.Дюркгеймнинг «аномия» тояси яратилди.

Маълумки, социологиянинг фан бўлиб шаклланишида ижтимоий патология омилига эътибор қаратилиши муҳим

аҳамият касб этади. Бу борада Э.Дюркгеймнинг тўртта асари чоп этилган бўлиб, шулардан бири «Ўз жонига қасд қилиш» (1897)[1] китоби девиантлик муаммосига бағишланган эди.

Америка социологиясида муҳим ўрин тутувчи таълимотлардан бири Э.Сатерленднинг дифференциал алоқалар таълимотидир. Бунга кўра, ҳар қандай хулқ-атвор, шу жумладан, девиант хулқ-атвор ҳам ўрганилади, яъни мавжуд жамият аъзолари томонидан мазкур хулқ-атвор бошқаларга ўргатилади.

Девиант хулқ-атвор муаммоларини таҳлил қилишда Р.Мертон ишлаб чиққан таълимот социологияда етакчи ўрин тутади. Э.Дюркгеймнинг аномия ғоясини ривожлантириб, Мертон девиант хулқ-атворга қуйидагича таъриф беради: «Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган қадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир».

Шахсларда юз берувчи девиант ҳолатларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни кўрсатиш мумкин. Булар шахс хусусиятлари, муаммоли ҳолат ва ижтимоий назорат институтлари. Айнан мана шу омиллар шахснинг қандай фаолият юритишини белгилаб беради.

Шахс хусусиятларининг шаклланишида асосан 3 та омил муҳим аҳамият касб этади, булар: 1) ирсий омиллар; 2) психофизиологик омиллар; 3) шахснинг билим даражаси.

Шунингдек, ижтимоий оғишларнинг юз беришига шахснинг қатъиятли ёки қатъиятсизлиги, принципиаллиги ёки принципсизлиги, қоидаларга бўйсуниш ёки бўйсунмаслик одатлари, бирон-бир қарорга кела олиш имконияти, ташқи таъсирга қанчалик берилиши, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари, мижози ҳам катта таъсир кўрсатади.

Девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият муҳим аҳамият касб этади. ***Муаммоли вазият*** шундай ҳолатки, у субъектдан ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлса-да, у ёки бу сабабларга кўра, ушбу меъёрларни қўллаш қийинроқ бўлади.

Энг катта муаммоли вазият зиддиятли ҳолатларда, яъни турли шахслар ёки гуруҳларнинг манфаатлари бир-бирларига тўқнаш келганда юз беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки,

---

[1] *Дюркгейм Э.* Самоубийство. Социологический этюд. М., «Мысль», 1994.

ўз жонига қасд қилишларнинг 40%и оилавий зиддиятлар оқибатида содир этилади.

Зиддиятли ҳолатларнинг юзага келишига баъзан шахс хусусиятлари сабаб бўлса, баъзан кичик ижтимоий гуруҳлар, оила, маҳалла, ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари, синфдошлар орасидаги салбий муносабатлар сабаб бўлади.

Жамиятда шахс шаклланишига таъсир этувчи муаммонинг ва уни ҳал қилиш имкониятларининг мураккаблиги даражасига кўра муаммоли ҳолатнинг тўртта асосий ҳолати кўзга ташланади: 1) ҳеч қанақа муаммо йўқ ҳолат, бунда ҳолат ҳеч қанақа қарор қабул қилишни талаб қилмайди; 2) муаммо бор, бироқ қийинроқ ёки осонроқ бўлса-да, унинг ечими ҳам ижтимоий меъёрларда кўрсатилган ҳолат; 3) мавжуд муаммони субъект ижтимоий меъёрлар доирасида ҳал қила олмайдиган ҳолат; 4) муаммони ҳеч қанақасига ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолат. Ушбу турлича ҳолатлар кенг кўламда биридан иккинчисига ўтиб туради.

Муаммоли ҳолатнинг мазмуни субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари орасидаги мақсадлар ва унга эришишнинг мумкин бўлган воситалари орасидаги; фаолиятнинг кутилаётган оқибатлари ва унинг қўшимча натижаси (ижобий ёки салбий) орасидаги, шунингдек ижтимоий меъёр талаблари ва шахс хусусиятлари орасидаги зиддиятларнинг (кўпинча ўйлаб чиқарилган) пайдо бўлишидан иборатдир.

Жамият аъзолари шахсий нуқтаи назарларининг шаклланишига, уларнинг девиант хулқ-атворга нисбатан ижтимоий фаол муносабатларининг таркиб топишига тарбиявий жараёнлар учун бевосита мутасадди шахслар, ташкилотлар раҳбарларининг ўрни ва роли каттадир. «Баъзиларга мумкин, бошқаларга мумкин эмас», «ҳозир яхши, эртага ёмон» ва шу каби муносабат ҳолатларининг иккиламчи феъл-атвор шаклида, яъни параллел стандартлар йўналишида амал қилишига изн бериш жуда хавфлидир. Шу боисдан, ҳар қандай ҳолатларда ҳам мансабдор шахслар, турли жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, педагог ва тарбиячилар, қонунни ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакилларининг хулқ-атвор меъёрларини бузиши қатъий қораланади.

Девиант хулқ-атвор турларига кирувчи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз-ўзини ўлдиришлар билан боғлиқ ижтимоий

иллатларнинг ҳар бири юзага келиши ва социал оқибатларига кўра моҳиятан фарқли жиҳатларга эгадир.

Биринчи фарқ, ижтимоий зарарли одатларнинг узоқ давом этиши девиант хулқи турмуш тарзининг узвий бўлагига айланиб кетишидан иборат бўлади. Доимий оилавий келишмовчиликлар, оила ва атроф-муҳитдан норозилик, ишдаги тушунмовчиликлар ва ҳоказолар — буларнинг барчаси субъект руҳиятини жароҳатлайди ҳамда у мавжуд вазиятни ўзгартиришга уринади. Бу ўринда ижтимоий институтлардаги камчиликлар, шу жумладан, зиддиятлар ривожланишининг олдини олувчи ва уларга қарши курашувчи ижтимоий назорат тизимлари ҳам салбий роль ўйнайди.

Буларнинг иккинчи фарқли жиҳати юқоридаги ҳолатларни ҳал қилишнинг маълум қийинчиликларга эгалигидир. Маълумки, ҳар қандай ҳолатда ҳам, кўп «қурбон» бериб бўлсада, тўғри ечимга эришиш мумкин. Лекин ҳамма гап шундаки, субъект «қурбон» бера оладими: хотини (ёки эри) билан ажралиб кета оладими, янги касбга эга бўла оладими ёки йўқми. Қатъий қарорга кела олмай, кўпинча субъект «ўринбосар» воситаларга, ичкилик ва гиёҳванд моддаларга мурожаат этади.

Бундай ҳолатларнинг кейинги фарқи шундаки, кўпинча субъект уларни ҳал қилишнинг нотўғри йўлларини танлайди. Оилавий ва ишдаги жанжаллар одатга айланиб қолганда бундан «қутулишнинг» нотўғри хаёлий йўллари, ичкилик, гиёҳванд воситалар ва ҳоказоларга мурожаат этилади. Бироқ бу йўл зиддиятнинг чуқурлашувига ва турмуш тарзини зарарлантирувчи омилга олиб келади.

Асосий тушунчалар

БЕГОНАЛАШУВ — одамлар, ижтимоий гурухларнинг бир-бири билан ёнма-ён яшашларига қарамай, уларнинг муносабатларидаги азалий бирликнинг бузилиши ва унга олиб келадиган жараён.

ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ — жамиятнинг соғлом ижтимоий тартибни таъминлаш мақсадида индивид хатти-ҳаракати ва хулқ-атворига максадли таъсири, индивид ижтимоийлашувининг омили. Ижтимоий назорат шакллари: оддий (мажбурловчи) санкциялар (тазйиқлар); жамоатчилик

фикри; ижтимоий институтлар. Ижтимоий назорат механизми: 1) жисмоний тазйиқлар (индивидни гуруҳ меъёрларини бузганлик учун жазолаш); 2) иқтисодий тазйиқлар («қўрқитиш», «жарима»); 3) маъмурий тазйиқлар.

ИЖТИМОИЙ МЕЪЁР — 1) мавжуд ижтимоий шароитлар учун мақбул равишда ривожланиши учун белгиланган меъёрлар гуруҳи кўрсаткичи; 2) ижтимоий ривожланишнинг ижтимоий ҳодиса, жараённинг тадрижий кечиш йўлига мослиги ; 3) зарур биргаликдаги хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракатга нисбатан талаблар, шартлар ва истаклар.

ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР (лот. **deviatio** — оғиш) — ижтимоий нормативлар ва меъёрлардан оғиб кетувчи хатти-ҳаракат.

ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК — ижтимоий ҳамжиҳатлик билан ифодаланувчи ижтимоий ҳолат. Меҳнат тақсимотидан келиб чиқувчи ижтимоий бирдамлик ижтимоий интеграциянинг муҳим элементи ҳисобланади.

ИЖТИМОИЙ ДИНАМИКА (юнон. **dynamikos** — кучли) — жамиятнинг мунтазам равишда муайян кучлар таъсирида тараққий этиши ва ижтимоий ҳаёт воқеаларининг ўзгариб бориш жараёнлари.

ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРА (лот. **infra** — тагида ва **structura** — тузилма) — ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ижтимоий-маиший соҳада инсон ҳаёти ва фаолиятини оқилона ташкил этишни таъминловчи моддий элементларнинг мустаҳкам мажмуаси.

ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВ (АДАПТАЦИЯ) — шахс ёки гуруҳнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабати тури. Ижтимоий мослашув индивид ёки гуруҳнинг ўзи учун янги бўлган ижтимоий муҳитни ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади.

СТРАТИФИКАЦИЯ — жамиятнинг тузилмаси ва алоҳида қатламларини, ижтимоий табақаланиш белгилари тизимини, ифодаловчи социологик тушунча.

ТАЪЛИМ — индивиднинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига жамиятда мавжуд маданиятга тайёрлаш ва мослаштириш вазифасини бажарувчи ижтимоий институт.

ҲАЁТ ДАРАЖАСИ — ҳаёт сифатига нисбатан одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришнинг миқдор ва сифатини ифодаловчи тушунча.

ДЕВИАНТЛИК – маълум бир жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларни (қонунлар, урф-одатлар, ахлоқий ҳамда диний меъёрлар ва бошқалар) мазкур жамиятнинг айрим аъзолари томонидан бузилиши. Жамият тараққиётига хизмат қилувчи прогрессив янгилик яратиш жараёнларидан фарқ қилиб, девиантлик фақат салбий мазмун касб этиб, жамият тараққиётига тўсик бўлади.

ДЕВИАНТ ХУЛК-АТВОР – ижтимоий девиантликни келтириб чиқарувчи хулқ-атвор.

АНОМИЯ – маълум бир жамиятда турли ислоҳотлар (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳ.к.) даврида юзага келадиган, жамиятда ўрнатилган эски меъёрларнинг янги талабларга жавоб бера олмай қолиши ҳамда янги меъёрларнинг жамият аъзолари томонидан турлича тушунилиши натижасида юзага келадиган, ўзига хос оммавий равишда нотўғри талқин этилиши. Бунинг натижасида, битта жамият аъзолари томонидан бир хил ҳодисалар турлича, ҳатто қарама-қарши (баъзилар салбий деб баҳолаган хатти-ҳаракатларни, бошқалар ижобий деб қабул қилади) муносабатлар юзага келади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ижтимоий страталар назарияси ва уни ўрганиш тарихи.
2. Ижтимоий страталар концепциясининг таснифи.
3. Ижтимоий страталарнинг хиллари.
4. Ўзбекистон ёшларининг стратификацияси.
5. Ёшлар социологияси тушунчаси.
6. Ёшлар социологиясининг таснифий белгилари.
7. Ёшлар потенциали ва ижтимоий эҳтиёж.
8. Ижтимоий меъёр ва меъёрдан чекинишлар.
9. Ижтимоий назорат институтлари ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
10. Ижтимоий меъёр ва меъёрдан чекинишлар нима?
11. Девиант хулқ-атвор турлари қайсилар?
12. Девиант хулқ-атворнинг Ғарб социологиясида ўрганилиши.

13. Якка шахсларда девиант ҳолатларнинг намоён бўлишига таъсир қилувчи омиллар нималар?

14. Муаммоли ҳолат қандай ҳолат?

5-БОБ. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

1-§. Шахс, жамият ва давлат социологияси

Шахснинг жамиятдаги ўрни ва моҳияти социология фанининг муҳим ва баҳсталаб соҳаларидан бири бўлиб келди. Инсон моҳиятини дастлаб ўрганган олимлар Хитойдаги Конфуций ва унинг издошлари эди. Миллоддан аввалги 298-238 йилларда яшаган олим Сень-Цзи шундай деб ёзган эди: «Туғма хусусиятлар — бу самовий муносабатлар ҳосили бўлиб, уларга таълим ёки уларни одамнинг ўзи яратиши воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун орттирилган фазилатдир. Ҳозирги инсон туғилишидан бошлаб фойда олишга интилади. Бу шунга олиб келадики, кишилар ўзаро рақобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия йўли билан инсон табиатини ўзгартириш, яратилган қоидалар асосида таълим бериб, уларни адолатлиликка ва масъулиятлиликка ўргатиш лозим»[1].

Абу Наср Форобий «Фалсафату. Аристутолис» («Арасту фалсафаси») асарида қадимги юнон олимининг инсон ҳақидаги фикрларини қуйидагича шарҳлаган эди: «Арасту инсонда, ҳайвонларда бўлмаган бошқа имкониятлар, руҳ ва руҳий кучлардан пайдо бўлолмайдиган сабаб ва асосларни топади. Инсон табиати ва унда мавжуд бўлмиш табиий кучларни тушунтириш борасида улар фақат руҳ фаолияти (ҳаракатлари, таъсирлари)га қараганда юксакроқ фаолият (ҳаракатлар) учун мослашганлар, деган фикрга келади...» Бу ўринда Арасту, нега бундай бўлишини ўрганишга мажбур бўлди ва инсон нутқ эгаси эканлигини топди, нутқ эса ақл билан боғлиқдир.... Ақлнинг ҳолати худди руҳ ва унинг табиий ҳолати каби эканлиги, ақл қисмларга ёки кучларга бўлиниши, инсон моҳият касб этишига восита бўлувчи фаол (таъсирчан) асос эканлиги худди табиатда бўлгани каби у — ақл ўз мақсади (ғарази) нинг сабаб ва асоси эканлиги Арастуга равшан бўлади»[2].

---

[1] Антология мировой философии. В 4-х т. - Москва, 1969. Т.1. Ч.1 с.230-231.

[2] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри. Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 102-бет

Инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири — унинг ижтимоий мавжудот эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан ҳоли бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан халос бўла олмайди. Инсондаги бу табиий хусусиятни Абу Наср Форобий қуйидагича ифодалайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади.... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларнинг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»[1].

Шу билан бирга инсон фикрловчи мавжудотдир. У кўрган ва эшитганларини ёдда сақлайди, ўз хаёлоти, тасаввурлаш қобилияти воситасида билимларни, маълумот ва ахборотларни таҳлил қилади, умумлаштиради, уларни трансформациялайди, бошқаларга узатади, билим ва тажрибаларни такомиллаштиради, ўз мақсадлари, орзулари ва истакларини тасаввурлай олади. Инсондаги бу хусусиятларни Ибн Сино шундай талқин этади: «Инсон умумий қарашларга нуқтаи назар билдириш ва алоҳида нарсалар тўғрисида фикрлаш қобилиятларига эгадир: у фойдали ёки зарарли ишни қилиш ва қилмаслик, гўзаллик ва хунукликни фарқлаш, яхши ва ёмонни ажратиш қобилиятларига эга. Улар қиёслаш ва тафаккурлаш воситасида шаклланади.... Шундай қилиб, инсон руҳининг биринчи кучи ақлий мушоҳадага тааллуқли бўлиб, у ақлий тафаккур деб аталади. Иккинчи куч эса тажрибага тааллуқли бўлиб, у тажрибавий фикрлаш, деб аталади. Улар ҳақиқат ёки

---

[1] Ўша асар, 186-бет.

ёлғонни, шунингдек, хусусий нарсаларга нисбатан яхши ва ёмонни аниқлаш учун хизмат қилади[1].

Ҳозирги давр социологиясида «инсон» деганда Ерда яшаётган мавжудот турларидан бири тушунилади. Инсон алоҳида олинган тур (Homo sapiyns) вакилини ифодоловчи умумий тушунчадир. Инсон, умуман инсон зотининг йиғиқ образи сифатида биоижтимоий мавжудот бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам табиатга, ҳам ижтимоий ҳаётга мансубдир. Гегель таъбири билан айтганда, «инсоннинг ўзида бевосита мавжудлиги қандайдир табиийдир, бу унинг ўз тушунчасига биноан ташқидир; фақат ўзига тегишли тана ва руҳини такомиллаштириш воситасида, моҳиятан ўзини ўзи англаши сабабли ҳам у ўзини эркин тутади, у ўзига ўзи эгалик қилишга киришади ва ҳам ўзига, ҳам бошқаларга нисбатан бўлган муносабатларда ўзига ўзи эгалик қилади. Бу ўзига ўзи эгалик қилишга киришиш, шунингдек, бу ҳолатни воқелик деб билиш шуни кўрсатадики, инсон ўз тушунчасига биноан (имконият, қобилият, мойиллик), энди ўзини ўзиники деб билиши, ўзини худди предметдек ҳисоблаши — оддий ўзини ўзи англашдан фарқ қилиб, у ҳақиқатда нарса (буюм) шаклида намоён бўла олиш қобилиятига эришади»[2].

Индивид инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилларидан биридир. Шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнлари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларга киришиш натижасида унинг жамиятдаги қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб бориши учун замин яратади. Бу жиҳатдан у ижтимоий таъсир объектидир. Шунингдек, индивид ижтимоийлашув оқибатида жамиятдаги турли муносабатларда фаоллашади ва бунда у ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга айланади.

Анъанавий жамиятларда инсоннинг яратувчилик ижодий қобилияти анча чегараланган эди. Чунки, анъанавий жамиятда меҳнатнинг табиий тақсимоти ва ихтисослашуви, шахслараро муносабатларнинг ўта табақалашуви, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларни норасмий мувофиқлаштириш, жамият

---

[1] *Ибн Сино (Авиценна).* Избранные философские произведения. Москва, 1980, с.472-473.

[2] *Гегел Г.В.* Философия права. Москва, «Мысль», 1990, с.113.

аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги, бошқарувдаги примитив тизимлар имтиёзсиз жамият аъзоларининг фаоллигини чеклаб қўйган бўлиб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўл бермас, ўзаро муносабатларнинг эса биқиқ бўлишини тақозо этар эди.

Замонавий жамиятнинг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. Бу жамиятларда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви — унинг секинлик билан юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори касбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларни қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштириш расмий тизимининг шаклланиши, ижтимоий бошқарув такомиллашган тизимининг яратилиши, диннинг давлат ва бошқарувдан ажратилиши, ижтимоий институтларнинг кўпайиши ва ривожланиши каби омиллар натижасида инсонлараро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлди. XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилик бирликлари фуқаролик жамияти, деб атала бошланди.

Фуқаролик жамияти ғояси олий мақсад сифатида бир неча асрлардан бери яшаб келмоқда. Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркаклар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Бу ғоя 80-йилларда авж олган демократиялаштириш жараёни натижасида алоҳида мазмун касб эта бошлади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андоза сифатида талқин қилина бошланди.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради.

Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний. ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли давлат органлари тазйиқлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият бўлиб, унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлар; кооператив ширкатлар; ижара жамоалари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; иш ва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари; жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг замонавий шакллари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги.

Маънавий соҳада: сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминлаганлиги.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки, уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар мавжуд бўлиши лозимлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият кўрсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган

даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалиши содир бўлиши ҳам тақозо қилинади[1].

Сўнгги шарт-шароит эса ҳар бир фуқаронинг ўз мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун унинг шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи таъминлаган бўлиши лозимлигидир.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига, кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил қилар экан.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз вазифалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида ўз вазифалари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди.Давлатнинг ҳам, нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доирасини ўзлари учун белгилаган фаолияти у ёки бу томонга озгина ўзгарганда ҳам бундай ижтимоий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниш ёхуд четга чиқиб кетиш рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги ривожланиш амалиёти кўрсатди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулият ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради[2].

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асоси жамоат ташкилотлари ҳисобланади ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири — бу нодавлат тизимдаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг

---

[1] *Киргизбоев М.* Фуқаролик жамияти. «Ёшлик» журнали, 1996, 6-сон, 3-4-бетлар.

[2] *Киргизбоев М.* Фуқаролик жамияти. «Ёшлик» журнали, 1996, 6-сон, 3-4-бетлар.

манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган замонда давлат кенг талқин қилинган, лекин у ўзи ташкил қиладиган ва ифодалайдиган жамиятдан алоҳида эмас эди. Биринчилардан бўлиб Никколо Макиавелли «давлат» терминининг кенг ва тор маънодаги аҳамиятларини талқин этган эди. Бу пайтгача бўлган даврда давлат турли ва анча аниқ тушунчаларни англатган. Н.Макиавелли адабиётларга **«Stato»** деган махсус терминни киргазиб, у давлатни унинг қандайдир аниқ шаклидан қатъи назар жамиятнинг алоҳида сиёсий ташкилоти сифатида талқин этди.

Давлат, жамият ва индивидларнинг ўзаро бир-биридан чегараланиш ғояси мазкур ижтимоий институтларнинг муайян муросавий муҳитда амал қилишни тақозо этади. Бу ғояни Гоббс, Локк, Руссо ва бошқалар давлатларнинг шартнома назариялари тарзида амалга оширдилар. Бу назарияга биноан, учта тушунча (индивид, давлат, жамият) тарихан бир-биридан бўлингандир. Даставвал эркин ва ярим ёввойи яшаган индивидлар иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳаракатларда бўлиш оқибатида жамиятни ташкил этдилар ва кейинчалик ўзларининг хавфсизликларини ва табиий ҳуқуқларини шартномалар тузиш йўли билан ҳимоя қилиш мақсадларида махсус орган — давлатни туздилар.

«Давлат» тушунчаси одатда маълум бир ҳудудда олий ҳокимиятга эга ташкилотни англатади. Давлатнинг моҳиятини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама англаш учун унинг муҳим белгиларини билиш лозим.

Минглаб йиллар жамиятнинг ривожланиши билан бирга давлат ҳам унинг бир қисми сифатида ривожланиб келди Давлат билан шахснинг ўзаро муносабати хусусиятлари, давлат тузимида рационаллик, эркинлик ва инсон эркинлиги принципларининг татбиқ этилишига қараб давлатнинг ривожланишини иккита муҳим этапга бўлиш мумкин: анъанавий ва конституциявий. Шунингдек, анъанавий ва конституциявий давлатнинг белгилари намоён бўлишига қараб оралиқ босқичларга ҳам бўлинади. Масалан, тоталитар давлатчилик. Анъанавий давлатлар тарихий мерос бўлган урф-одат, меъёрлар асосида стихияли равишда ривожланди Бу давлатларда халқ устидан институт яшган ва чекланмаган

ҳокимиятга эга бўлиб, кишиларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги инкор этилиб, эркин инсоннинг давлат ҳокимиятининг манбаи эканлиги тан олинмаган. Бундай давлатларга типик мисол сифатида монархияни кўрсатиш мумкин[1].

Конституциявий ва ноконституциявий давлатлар ўртасидаги чегаралар эркинликка нисбатан муносабат, шунингдек, инсон ҳуқуқларини сақлаш амалиёти, шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларидаги устувор йўналишлар асосида белгиланади. Давлат ривожланишининг конституциявий босқичи давлатнинг жамиятга ва фуқароларга бўйсуниши, давлатнинг аралашув ваколати ва йўналишларининг конституциявий белгилаб қўйилиши, давлат фаолияти ва инсон ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий регламентация қилиниши билан боғлиқдир. Конституциявий давлатлар анъанавий давлатлардан шаклланиши, ички тузилиши ва функциялари билан кескин фарқланади.

Ҳуқуқий давлат конституциявий давлатчиликнинг реал амалга ошишидир. Унинг асосида инсонни давлат террори, унинг эътиқоди устидан куч ишлатиши, ҳокимият органлари томонидан майда ҳомийлик қилишидан ҳимоя қилишга интилиш ётади. Ҳуқуқий давлат — суверен халқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ўз фаолиятини қонунлар доирасида амалга оширувчи давлатдир. Бундай давлатда шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар конституцияда белгилаб қўйилади, шунингдек, бу халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар «ижтимоий битимлар» асосида рўй беради. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда устуворлик инсон ҳуқуқларига қаратилади, қонунлар давлат ва унинг хатти — ҳаракати билан бузилмайди.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасида қатъий чегара ўтказиш қийин масала. Турли ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тажрибасини эътиборга олиб, ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгиларини келтириш мумкин:

— ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;

---

[1] *Четвернин В.А.* Концепция советского правового государства. Право и власть. М.: 1990, с 129-131.

— шахснинг эркинлиги, ҳуқуқи ва жамоатчилик тинчлигини ҳимоя қилиш, хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берган ҳолда давлат фаолияти соҳасини чеклаш;

— ҳар кимнинг ўз шахсий фаровонлиги учун масъуллигини ошириш;

— барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги;

— ҳуқуқнинг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар, жумладан, давлат ҳокимияти учун ҳам тенг тааллуқли бўлиши;

— халқ ва давлат суверенитетининг конституциявий — ҳуқуқий жиҳатлардан мувофиқлашганлиги;

— қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши, улар фаолиятининг ҳамкорликдаги бирлиги;

— давлатнинг фуқаролик муносабатларини мувофиқлаштиришда таъқиқлаш методининг чегарадан чиқиш методига нисбатан устуворлиги. Бунинг маъноси шуки, ҳуқуқий давлатда «қонун билан таъқиқланмаган барча нарсаларга рухсат этилади» тамойилига амал қилинади. Бунда чегарадан чиқиш методи фақат давлатга нисбатан қўлланилиб, давлат фақат расмий қабул қилинган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим;

— индивид эркинлигини чеклаш фақат барча кишилар эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳуқуқий давлат шахснинг мутлоқ эркинлигини билдирмайди. Ҳар бир шахснинг эркинлиги бошқа кишининг эркинлигига зид кела бошласа, худди шу ерда унинг эркинлиги тугайди[1].

Ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобат натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Давлатлар ривожланиш тажрибаси кўрсатдики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳар бир шахсда мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлавермайди. Барибир, ижтимоий тенгсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти (умумий фаровонлик давлати) пайдо бўлди.

Ижтимоий давлат — ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳимоя, ишлаб чиқаришни бошқаришда

---

[1] *Қаранг:* Основы политической науки. М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996, с. 217-220.

иштирок этиши, шахснинг ўз-ўзини реализация қилиши, ҳамма учун тенг ҳаётий имкониятлар яратиш учун интиладиган давлатдир.

Бундай давлатнинг фаолияти умумий фаровонлик, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган бўлади. Давлат мулкий ва бошқа ижтимоий тенгсизликларни текислашга ҳаракат қилади, кучсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам беради, ҳар бир фуқарони иш ёки бошқа ҳаёт кечириш манбаи билан таъминлашга ҳаракат қилади, жамиятда тинчликни сақлайди, инсон учун қулай ҳаёт муҳитини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасида миллий истиқлол шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Давлат ва ҳукумат миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб кучли ижтимоий сиёсат юритиб келмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдир. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституциявий ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида кўп партиявийлик ва ўз-ўзини бошқариш органлари — жамоат бирлашмалари тизими шаклланди.

2-§. Ижтимоий бошқарув социологияси

Ижтимоий муносабатларнинг унумли тарзда кечишини ҳар хил мезонлар ёрдамида ўрганадиган фан **социологик бошқарув** деб номланади. Бу фан умумсоциология фанининг ажралмас қисми бўлиб, унинг барча назария ва амалиётларидан тўла фойдаланади.

Инсонларнинг иқтисодий фаолияти ҳар доим маълум бир услублар, назариялар, амалиётлар, институт ва ташкилотлар орқали бошқарилиб келинаётган бўлса ижтимоий жараён, ҳодисалар ва муносабатлар эса ҳали унчалик тарзда бошқарилиш даражасига ўтгани йўқ. Шунинг учун ҳозирги давр талабига биноан ижтимоий бошқарув фанининг асослари яратилмоқдаки бу фан орқали инсонлар учун энг асосий ҳисобланган ижтимоий жараёнлар унумли тарзда бошқарилади.

Ижтимоий бошқарув фанига XX аср бошларида Ф.Тейлор, М.Вебер, А.Файола каби олимлар асос солдилар. XX аср ўрталаридан бошлаб бошқарув муаммоларининг ечилишида системали ёндошув усули қўлланила бошланди.

Ҳозирги даврда ташкилот ва корхоналарни (давлатники ёки хусусий бўлишидан қатъий назар) унумли бошқариш давр талабидан келиб чиқиб, самарали бошқарув механизмларини яратишни ва жорий этишни тақозо қилади. Зеро, кучайиб бораётган интеграцион жараёнлар ва ахборотлар тизимининг халқаро даражага етиб бориши, рақобатнинг кучайиши ва бошқалар ижтимоий бошқарувга бўлган муносабатни фойдали томонга кескин ўзгартиради ва бошқарув тизимида ижтимоий ўзгаришларга бўлган мослашувни тезлаштиради.

Ижтимоий бошқарувнинг такомиллашув истиқболлари Ўзбекистонда барча ислоҳотларни янада тезроқ ва самаралироқ амалга ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ўз-ўзини бошқариш тизимларини такомиллаштириш ва охир — оқибатда аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратади.

Ахборотларнинг инсон томонидан тез ўзлаштирилиши ва унинг янги шароитларга мойиллик қобилиятларини ошириб бориши ҳар қандай бошқарув тизимининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, «инсон омили»ни доимо ва аниқ ҳисобга олишни тақозо қилади.

Ижтимоий жараёнларни башорат қилиш ва бошқариш қуйидаги асосий вазифаларни кўзлайди:

— истиқболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш ва унга оқилона етишишнинг самарали воситаларини белгилаш;

— меъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий талаб ва уни қондириш имкониятларини белгилаш;

— таҳдидларни тахминлаш, жамият ижтимоий тараққиётига акс таъсир этиш мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил этиш.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадини кўзда тутган ҳолда ижтимоий башорат мос равишда турларга ажралади.

Истиқболдаги ҳолатларни башорат қилиш — жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ҳақида олимларнинг ўтган замон, ҳозирги замон ва истиқбол анъаналарини башорат этишидир.

Меъёрлар башорати — истиқболдаги кутилаётган ижтимоий ҳолатга мос меъёрларни топиш, яъни шу ҳолатга олиб келувчи шарт-шароитларни аниқлаш.

Таҳдидлар башорати — ижтимоий тараққиёт жараёнининг издан чиқиш ҳолатининг таҳлилига асосланган башорат тури.

Ижтимоий башорат тўрт ўзаро мантиқан боғланган босқичларда амалга оширилади. *Биринчи босқич* башорат объекти бўйича маълумотлар манбаини ва кўрсаткичларини аниқлаш, башорат дастурини ишлаб чиқиш, башорат мақсади масалаларини белгилаб олишдан иборат. *Иккинчи босқич* башорат қилинувчи объектнинг динамик моделини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Хусусан, модель ижтимоий жараёнини акс эттирувчи математик формулалар кўринишда бўлиши мумкин. *Учинчи босқич* башорат қилинувчи жараён моделига кирувчи бошқарув кўрсаткичларини белгилаш, бу кўрсаткичларнинг башорат даврида ўзгариш тенденцияларини ва чегараларини аниқлаб олиш, турли талқиндаги тахминлар асосида вариантларни аниқлаш. *Охирги босқич* кўп вариантли башоратни амалга оширишни асослаш ва таҳлилий хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ижтимоий башорат масаласини ечишда математик моделлаштириш ва экспертиза усулларидан фойдаланилади.

Ахборот жамият фаолиятининг ижтимоий жиҳатдан ўзига хос тамойилларини ифодалайди ва унинг ёрдамида ижтимоий бошқарув амалга оширилади. Ижтимоий ахборотнинг ўзи гуруҳларга ажратилади. Биринчи гуруҳга ижтимоий гуруҳлар тузилмаси ва ҳолати ҳақидаги ахборотлар киради. Иккинчи гуруҳ одамларнинг меҳнат ва турмуш шароити ҳақидаги ахборотлардан ташкил топади. Ахборотларнинг учинчи гуруҳи одамларнинг ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа ахборотлардан иборат.

Бошқарув нуқтаи назаридан ижтимоий ахборот — ташкилий, назорат — ҳисобга олиш, натижавий ахборотлардан иборатдир. Ташкилий ахборотлар ижтимоий бошқарув объекти ва субъекти ўзаро боғланиши, бошқарув жараёни, бошқарув қарорларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни ташкил этади. Назорат — ҳисобга олиш ахборотлар ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг бориши ва унинг бошқарув қарорларига мослиги ҳақидаги маълумотлардир. Натижавий

ахборотлар белгиланган бошқарув тадбирлари, галаблари, қоида ва нормалари ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Ижтимоий бошқарув жараёни ҳам сифат кўрсаткичли, ҳам миқдор кўрсаткичли ахборотлар орқали амалга оширилади. Сифат кўрсаткичли ахборотлар ижтимоий ҳодиса ва жараённинг таърифий хусусиятлари ва таркибий тузилишининг кўринишлари ҳақидаги маълумотлардир. Миқдор кўрсаткичли ахборотлар ижтимоий ҳодиса ва жараённинг миқдорий ўлчов шаклида аниқланган катталикларидан иборатдир. Бу ахборотлар ЭҲМга асосланган ҳолда математик моделлаштиришни ва у орқали ижтимоий башорат қилишни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширишга имкон беради. "Ижтимоий бошқарув тизимига ўтиш жамиятимизнинг пировард мақсадларидан бўлиб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлиги, демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиш ва уларга оғишмай риоя этиши"[1]ни доимий ривишда тақозо этади.

3-§. Иқтисод социологияси

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, иқтисодий ҳаёт социологиянинг тадқиқот объектига айланди. Худди шу даврда ишлаб чиқаришда инсон омили англаб етилди ва бу борадаги тафаккур шаклланиб борди.

Ҳозирги даврдаги иқтисодий ҳаётни маълум концепцияларсиз мафкуравий мақсадларга асосланмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, И.Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг 5 тамойилидан бири — иқтисоднинг сиёсатдан устун бўлиши тамойили иқтисодий ҳаётнинг маъмурий-буйруқбозлик мафкурасидан ҳоли бўлишини, иқтисодиётни эркинлаштиришни кўзда тутади. Бизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари маълум коцепцияларга, ғоявий йўналишларга асосланган ҳолда мавжуд бўлади, ривожланади Иқтисодий ҳаёт инсон маънавий ҳаёти билан бевосита узвий боғлиқдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: «бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, 37-бет.

хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланди». Иқтисодий назариялар ва қарашлар ҳамда тасаввурларга иқтисодий муносабатлар ҳамиша ҳам айнан мувофиқ бўлавермайди. Иқтисодий қарашлар ва назариялар баъзида ишлаб чиқариш муносабатларига шубҳа билан қарайди. Уни ўзгартириш, такомиллаштириш учун маълум тавсиялар, йўриқлар мажмуини илгари суради.

Иқтисодий ҳаёт сотувчи ва харидор ўртасида маданий, маънавий муносабатларсиз мавжуд бўлмайди. Агар ишчининг манфаатлари ва эҳтиёжлари инобатга олинмаса, уларнинг мақсад ва интилишларига шароит яратилмаса, ҳар қандай техника ва технология, энг оқилона (рационал) қарашлар тизими ҳам муаммоларни ҳал қилишга имконият бермайди.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг субъекти бўлган ишчилар маънавияти, хулқ-атворлари фақатгина иқтисодиётдаги ўзгаришлар таъсири остида эмас, яна маданият омили туфайли ҳам шаклланади.

Асримизнинг 60-йилларида ривожланган Ғарб давлатларида иқтисодий социология фанининг ижтимоийлашуви тенденцияси янада кучайди ва унинг имкониятлари ортиб борди. Шу билан биргаликда социологияда шундай тушунча ва категориялар ишлаб чиқилдики, улар иқтисодий социологиянинг категориал аппаратини шакллантиришга асос бўлди. Бу категориал аппарат иқтисодчи социологларга иқтисоддаги мавжуд ва ҳали ўрганилмаган ижтимоий алоқаларни тадқиқ қилишларига кенг йўл очиб берди.

Шу билан бир қаторда муассасалар, ишлаб чиқариш жамоалари, касблар, бандлик стратификацияси, бошқарув ва бошқа муҳим масалалар билан шуғулланувчи социологиядаги махсус йўналишлар ҳам ривожланиб борди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодий социологияни бугунги кунда глобал ва хусусий масалаларни ҳал қилувчи фан сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Ғарбда иқтисодий социологияга аниқ чегаралар доирасида ривожланаётган ягона илмий йўналиш сифатида эмас, балки давлат тараққиётининг у ёки бу даврдаги долзарб муаммоларини ўрганадиган ўзига хос бир илмий ҳаракат деб қаралмоқда.

Америкалик социолог Ж. Смелзернинг «Иқтисодий ҳаёт социологияси» мақоласида иқтисодий социологиянинг «йўргак»даги ҳолатида қандай улғайганлиги ва иқтисодий турмушнинг борган сари янги томонларини қамраб олишлиги жуда таъсирли қилиб тасвирланган.

Смелзернинг таъкидлашича, иқтисодчилар ва социологлар иқтисодий ҳаёт ҳақида бир-биридан фарқ қиладиган саволларга жавоб излайдилар. Бунда социологлар муаммога кенгроқ, иқтисодчилар эса тор маънода ёндошадилар.

Иқтисодий ҳаётни ижтимоий талқин этишга биринчи бор Ф.Тейлор эътибор берди. У ишчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини ўрганди ва 1894 йили меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига асосланган назарияни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этди. Бу ғоя асосида «иқтисодий одам» концепцияси ва унинг хусусиятлари пайдо бўлди. Бу ғоянинг асоси, қуйидагича:

1. Энг қисқа вақтда ишчи қанча кўп ҳажмда иш бажарса, унга шунча ҳақ тўлаш,
2. Ишнинг ҳажмини эмас, балки самарадорлиги ва сифатини рағбатлантириш,
3. Ишчиларга кам иш ҳақи бериш ва кўп бериш баравар зарарлидир,
4. Ишловчида юксак ҳақ олувчи бўлишга интилиш ҳиссини уйғотиш, юксакликка интилиб яшаш.

Тейлор концепцияси Америка саноатида Форд томонидан ишлаб чиқаришга тадбиқ этилди, конвейер ишлаб чиқариши шароитида меҳнатнинг самарадорлиги рағбатлантирилди.

Шўролар иқтисоди моддий рағбатлантириш ўрнига иқтисодий тенглик тушунчасини майдонга ташлади. Натижада мулкнинг давлат ва кооператив шакли мутлоқлаштирилди. Бу эса ишчининг меҳнатдан, мулкдан бегоналашувига олиб келди. 1962-1986 йилларда шўролар даврида меҳнатдан бегоналашиш кескин тус олганини кўрамиз.

Кам иш ҳақи олувчиларнинг иш ҳақи юқори ҳақ олувчиларга яқинлаштирилди. Бундай «тенглаштириш» юқори малакали мутахассисларни, юксак малакали ишчиларни меҳнат резервларини ишга солиш учун рағбатлантирмас эди.

Ҳозирги давр иқтисодий социологиясини таҳлил қилишда асримизнинг 70-йилларида вужудга келган иқтисодий реалликни ҳисобга олиш зарур. Бу ўзгаришлар иқтисодий соҳада кенг кўламда бурилиш ҳосил қилиниши билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда социологлар ва иқтисодчилар жамиятнинг қуйидаги кўринишларини тадқиқ этмоқдалар: Булар: 1) анъанавий жамият; 2) индустриал жамият; 3) пост-индустриал жамиятлардир.

Агар анъанавий жамиятда ерга бўлган мулкчилик асосий ўринни эгалласа, индустриал жамиятда мулкнинг барча кўринишларига бўлган муносабат шаклланади. Пост-индустриал жамиятда эса интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқади.

Индустриал жамиятни йирик машина ишлаб чиқариши, қўл меҳнати ўрнига юксак меҳнат унумдорлигига асосланган ишлаб чиқариш изоҳлайди. Бир меъёрда ишлайдиган автоматик ишлаб чиқариш вужудга келади. Оммавий ишлаб чиқариш энг муҳим белгиловчи хусусиятга айланади. Ишлаб чиқаришда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради, улар мутахассислашади. Натижада машина ёрдамида стандартлашган операциялар бажарилади. Хўжалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик қилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар оммавий, стандартлашган характерга эга бўлади, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан товар характерига эга бўлиб, бозор учун мўлжалланган бўлади. Товар муносабатлари миллий иқтисодиётнинг, дунё иқтисодиётлари билан узвий ривожланишини тақозо қилади. Натижада дунё хўжалик тизимининг шаклланишига имкон яратилади.

Индустриал жамиятни иқтисодий жамият, деб ҳам аташ мумкин. Чунки, реал борлиқ иқтисодга қаратилган бўлади, иқтисодга мўлжалланган ишлар устун равишда ривожланади.

Миллий давлатларнинг шаклланиши демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш асосида, эркин халқаро ижтимоий, сиёсий иқтисодий ҳамкорлик кўламларига чиқиш имкониятларига эга бўлдилар.

Маълумки, дунёда аҳолининг урбанизация жараёни тез ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммаси таълим тизимини янгича йўлга қўйишни тақозо қилади. Оммавий ишлаб чиқариш, стандарт равишда истеъмол қилиш ва оммавий маданиятнинг вужудга келиш имкониятини яратади. ХХ аср ўрталаридан қатор Ғарб мамлакатлари жамиятнинг учинчи босқичи — постиндустриал жамиятга ўтмоқда. Бугунги социологияда унинг номи ҳар хил, жумладан «информацион» жамият «пост-индустриал жамият», каби атамалар билан ишлатилмоқда.

асосланмоқда Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради, сақлайди ва қайта ишлаб чиқаради. Коммуникация тизимида шундай ўзгариш юз берадики, хўжалик тизими тубдан ўзгаради.

Ишлаб чиқариш ҳажми одамларни иш билан банд булиши каби анъанавий ишлаб чиқариш аҳамиятини йўқотиб боради.

Табиат манбаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш айниқса металлургия, қишлоқ хўжалик қисқара бошлайди. Ўз навбатида маиший хизмат кўлами кенгаяди, аҳолининг деярли 50% шу соҳани ташкил этади. Шунинг учун баъзида постиндустриал жамият — маиший хизмат қилиш жамияти деб ҳам юритилади. Ишлаб чиқариш (молиявий, банк, суғурта, савдо, илмий маслаҳат, дастур) ва ноишлаб чиқариш соҳаларида хизматлар (фан, таълим ва бошқа) ўсиб боради. Бунда урбанизация жараёни индустриал жамиятга нисбатан тескари равишда юз беради. Қишлоққа саноат кириб боради.

Ф.Тейлорнинг меҳнатни ташкил қилиш усули бошқа қулай усуллар билан алмашади. Саноатга ёлланма меҳнатнинг ҳажми камаяди, маълумотли, билимдон одамларнинг иштироки кўпаяди. Моддий нарсалар омилидан кўра интеллектуал омил биринчи ўринга чиқади. Инсон юксак капитал эмас, балки ўз моҳиятини, билими, иқтидорини, қадриятларини намоён қилувчи ижтимоий кучга айланади. Билимларнинг структураси, мақсадлари ҳам ўзгаради. Бундай ахборотни ўрганиш, қайта ишлаш, илмий башоратлар бериш, дастурларни ишлаб чиқариш борган сари ортиб боради.

Демак, анъанавий жамиятда бойлик ташқи манбалар асосида қурилган бўлиб, табиат манбаларини эгаллаш ва уни ўзлаштиришга қаратилган.

Индустриал жамиятда ишлаб чиқаришнинг ички манбалари ишга тушади. Ишлаб чиқаришда бўлган имкониятлар рўёбга чиқади. Тадбиркорлик ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ривожланишига олиб келади. Бу жараён постиндустриал жамиятда давом этади.

Бироқ, постиндустриал жамиятда биринчи ўринга фан ва маданият чиқиб қолади. Шунга кўра, таълим тизими жамият ҳаётининг асосини ташкил этади.

Шунинг учун мамлакатимизда жорий этилган таълимнинг янги модели — кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятимизда тўб ўзгаришларни вужудга келтириш асосидир. «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони

ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат барибир кадрларга ва яна кадрларга тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»[1]- деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов.

Юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқади: анъанавий жамиятда иқтисодий масалалар инсоннинг табиатга бевосита муносабати орқали ҳал қилинган бўлса, индустриал жамиятда инсон томонидан яратилган сунъий ишлаб чиқариш воситалари иқтисоднинг асосини ташкил этади. Шунинг учун бу жамиятни иқтисодий жамият деб аташади.

Иқтисодий жамиятда иқтисодий муносабатлар жамиятдаги конкрет. гуруҳнинг мавқеи ҳал қилувчи омил. сифатида иқтисодий муносабатлар тизимлари орқали белгиланади. Иқтисодий муносабатлар тизими ва бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилувчи гуруҳларни иқтисодий социология ўрганади.

Ҳозирги давр иқтисодиётини ижтимоийлаштирилган дейиш мумкин. Чунки, бу ерда инсоннинг ўзи, унинг интеллектуал салоҳияти асосий ўринга чиқади, бу эса инсон қадриятларининг рўёбга чиқишини намоён қилиш асосида боради. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнининг тобора ижтимоийлашиб боришига олиб келади. Зеро, XXI аср бутун ижтимоий ҳаётнинг инсонийлаштирилганлиги билан характерлидир.

4-§. Меҳнат социологияси

Жамият тараққиётидаги барча ўзгаришлар инсон омилининг фаоллашувига, инсонларнинг меҳнат ва интеллектуал салоҳиятидан имкони борича унумли фойдаланишга, барча меҳнаткашларнинг ижодий қувватларини тўла ишга солишга ҳамда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги манфаатдорлик ва муносабатларнинг мутаносиблигини таъминлашга боғлиқдир.

Жамият тараққиёти ижтимоий фанлар олдига жуда катта вазифаларни қўймоқдаки, уларсиз жамиятни ўрганиш, янгиланиш жараёнларининг истиқболини белгилаш ва илмий-назарий асосларини яратиш мумкин эмас. Жамият тараққиёти ва барқарорликни таъминлашда, белгиланган бешта тамойилни

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.Т., «Ўзбекистон», 1999, 18-бет.

Жамият тараққиёти ижтимоий фанлар олдига жуда катта вазифаларни қўймоқдаки, уларсиз жамиятни ўрганиш, янгиланиш жараёнларининг истиқболини белгилаш ва илмий-назарий асосларини яратиш мумкин эмас. Жамият тараққиёти ва барқарорликни таъминлашда, белгиланган бешта тамойилни амалга оширишда меҳнат социологияси алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, социология фанининг бу йўналиши меҳнат соҳасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари, иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ўрганади ва уларни бошқа омиллар билан бирга бошқаришни таъминлайди.

Меҳнат социологиясининг яратилиши анча узоқ тарихга эга ва бой манбаларга эга бўлса ҳам, ҳали у фан сифатида тўла шаклланмаган. Меҳнат социологияси бўйича олиб борилган назарий ва амалий социологик тадқиқотлар бу борада ҳали катта изланишлар лозимлигини кўрсатмоқда.

Лекин меҳнат социологияси қўллаётган услуб ва услубиётлар, тажриба натижалари жамиятнинг барча тармоқларида меҳнатни тўғри ташкил қилишга, меҳнатга адолатли ҳақ тўлашни таъминлашга ва охир оқибатда меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиб боришини таъминлашга кўмаклашувчи илмий тавсияларни асослаб илгари суришга имкон бермоқда.

Меҳнат социологияси меҳнат соҳаси бўйича барча ижтимоий ахборотларни тўплашга, ишлаб чиқариш заҳираларидан тўла фойдаланишга ҳамда меҳнатни бошқаришнинг оптимал стратегияси ва тактикасини белгилашга хизмат қилади.

Мазкур социология дарслигининг меҳнат социологияси қисми олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган билимларнинг умумий йўналишларинигина беради. Бу қисмда меҳнат социологияси предмети ва услубиётлари баён қилинади. Бу услуб ва услубиётлар социологлар ва бошқа соҳа мутахассислари учун меҳнат ва меҳнатга бўлган муносабатнинг ижтимоий ва иқтисодий омилларини таҳлил қилиш меҳнат ва меҳнат заҳираларини тадқиқ қилиш, ҳамда меҳнат жараёнларини илмий асосда бошқаришнинг самарали тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу фаннинг келиш чиқиш тарихини ўрганиш эса унинг тараққиётини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу бобда қисқача бўлса ҳам меҳнат социологиясининг шаклланиш тарихи баён қилинди.

Бизнинг ёш, мустақил ва келажаги буюк давлатимизни тараққий эттиришда меҳнат социологиясининг халқ хўжалигидаги жорийси катта аҳамият каб этиш билан бирга, мамлакатда ҳуқуқий ва демократик тизимни ривожлантиришга, ижтимоий адолат ўрнатишга, меҳнат унумдорлигининг ошиб боришига ёрдам беради. Меҳнат соцологияси бозор муносабатлари шароитида меҳнат муаммоларини тўла-тўкис ечиб бериш ва унинг истиқболларини белгилашни назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўз олдига қўймоқда. Бугунги кунда меҳнатни бошқаришнинг барча туркум омилларини ҳисобга олувчи ахборотлар базасини яратиш ва унинг социологик мониторингини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Шубҳасиз, нисбатан бир кичик бобнинг ўзида қўйилган муаммоларнинг барча аспектларини кўриб чиқиш мумкин эмас. Улардан баъзи энг муҳимларига тўхтаб ўтамиз.

Ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат инсонларнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири жараёнидан иборат бўлиб, унинг натижасида истеъмол баҳоси, моддий ва маънавий манфаат пайдо бўлади. Олимларнинг фикрича, бу шундай жараёнки, унда инсон ўз хусусий фаолияти билан табиат ва ўзи ўртасидаги модда алмашувини воситалайди, бошқаради ва назорат қилади. Меҳнат, асосан, инсон фаолиятининг шакли, турмушининг муҳим шарти сифатида кўриб чиқилади. Меҳнат тарихан жамиятнинг табиатдан, инсонни ҳайвонот оламидан ажралишига сабаб бўлди.

Меҳнат жараёни ўз ичига уч жараённи олади: 1) инсоннинг фойдали фаолияти ёки меҳнатнинг ўзи; 2) меҳнат мавзуси, яъни бу фаолиятнинг нимага йўналтирилганлиги; 3) ишлаб чиқариш қуроллари, булар билан инсон меҳнат мавзуига таъсир кўрсатади.

Инсоннинг ривожланиш босқичларидаги меҳнат даври ижтимоий муносабатлар ривожланиш кўрсаткичларининг турли шаклларида кўринади.

Социологияда «меҳнат шароитлари» категорияси муҳим аҳамиятга эга. У меҳнат шароитининг инсон учун нормал ёки зарарли бўлиши мумкинлиги мезонидан келиб чиқади. Нормал меҳнат шароитлари инсон саломатлигига зарар келтирмайди. Зарарли меҳнат шароитлари (шахталарда, домна ва мартен печларида, кимёвий ишлаб чиқаришнинг баъзи цехларида ва бошқа жойларда ишлаш) инсон саломатлиги учун хавфлидир ва

кўпинча инсон ҳаётига таҳдид солади. Бундан ташқари, меҳнат шароитлари социологлар томонидан *экстремал, нибатан нормал ва қулай* шароитларга бўлинади. Кўп ҳолларда улар меҳнат мазмуни ва унинг ташкил қилинишига боғлиқдир. Меҳнатни ташкил қилиш деганда, одатда, иш ташкил қилишнинг тартиби, усуллари ва шакли тушунилади, яъни «инсон — жиҳозлар, машиналар, асбоблар» тизимида мувофиқликнинг бўлиши, ишга ижобий самара бериши назарда тутилади. Меҳнатни ташкил қилиш иш жойлари, ва меҳнатдаги кооперация, ишнинг оқилона тақсимланиши ва назорати каби муҳим элементларга асосланади. Сўнгги элемент ижтимоий санкциялар ва ҳуқуқий нормалар асосида амалга оширилади.

Меҳнат мазмуни унинг техник функционал томонларини ҳамда ижтимоий-психологик тузилишини ифодалайди. Агар меҳнат жараёни шахсий режа асосида ташкил этилган бўлса, меҳнат мазмунлироқ ва ижодий элементларга бой бўлади. Ўзгаларнинг иродасига бўйсуниш, психологик ва ижтимоий нуқтаи назардан ишчини иш мазмунидан бироз бўлса-да, йироқлаштиради. Мана шунинг учун раҳбар қўл остидаги ишчилар ва ходимларга мақсад ва вазифани қўйишдан олдин бу мақсадга эришиш йўлларини ўзи аниқ тасаввур қилиши зарур.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда, бизнесда, ҳуқуқий идораларда меҳнатни рағбатлантириш ва асослаш катта аҳамият касб этади. Рағбатлантириш — меҳнатнинг самарасига кўра ишчи-ходимларни моддий ва маънавий мукофотлаш тизимидир.

Меҳнат фаолияти юқорида қайд қилинганидек, якка тартибда ва гуруҳли бўлиши мумкин. Меҳнат жамоаси — бу шахс учун аҳамиятли ва ижтимоий нуқтаи назардан қимматли бўлган, аниқ мақсадларга йўналтирилган одамларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолияти амалга ошадиган уюшмасидир. Шунинг учун меҳнат жамоаси — бу ўзаро ҳамфикр бўлган, ғоявий муштараклик устун бўлган одамларнинг манфаатли бирлашувидир. Унда доим муносабатларнинг расмий ва норасмий тизими мавжуд бўлади: 1. Маъмурий-ҳуқуқий тизим. 2. Ўзаро шахсий алоқалар.

Маъмурий ташкилот расмий муносабатлар ва мансабдорлик иерархиясига (қуйи мансабдан юқори мансабгача) суянади.

Меҳнат ташкилотлари иккита асосий гуруҳга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш тармоқлари жамоалари: саноат, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, ишлаб чиқаришга хизмат қилиш бўйича юк транспорти, моддий-техник таъминлаш ва бошқалар.

2. Ноишлаб чиқариш тармоқлари жамоалари: соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, санъат, илм ва илмга хизмат қилиш, давлат-маъмурий органлари аппарати, бошқарув органлари, жамоатчилик ташкилотлари, суғурта қилиш ва кредитлаш ва ҳоказо.

Албатта, бундай тақсимлаш кўп ҳолларда шартли равишдадир. Ҳозирги кунда бир турдаги маҳсулот чиқарувчи ва аралаш характерга эга бўлган кўпгина меҳнат ташкилотлари мавжуд. Масалан, агар 1992 йилда биринчи гуруҳда барча меҳнаткашларнинг 70% гача бўлгани ишлаган бўлса, у ҳолда 1997 йили саноат ишлаб чиқаришдаги структуравий қайта қурилишлар ҳисобига, саноатнинг асосий тармоқларида ишчи кучи ва капиталнинг бизнесга, савдога ва ҳоказоларга нисбати тахминан 52 ва 48% ни ташкил қилди.

Мамлакатда меҳнат ташкилотлари ҳаётида талайгина ўзгаришлар содир бўлмоқда, яъни хусусий мулкчиликка ўтиш жараёни жадал суръатда кетмоқда. Қуйида меҳнат жамоаларидан энг кўп учрайдиганларини келтирамиз:

— кооператив, ҳиссадорлик мулкчилиги негизидаги меҳнат ташкилотлари, умумхалқ, давлат мулкчилиги асосида фаолият юритувчи жамоалар;

— хусусий секторда меҳнат билан банд бўлган жамоалар.

— чет эл фирмалари билан биргаликда тузилган қўшма корхоналарнинг меҳнат жамоалари;

— касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг мулкидан фойдаланувчи меҳнат ташкилотлари;

— саноат ва бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналарида томорқа билан шуғулланувчи жамоалар;

Ҳозирда ишлаб чиқариш, илмий текшириш, олий ўқув юртлари, илмий-техникавий, ижодий иттифоқлар ва бошқа субъектларда шартнома асосида тузилган жамоалар ташкил қилинмоқда. Халқаро интеграциянинг иқтисодий, илмий, молиявий каби янги шакллари пайдо бўлмоқда. Улар халқаро капиталларнинг қўшилиши негизида ташкил қилинган. Умумий халқаро хўжалик мажмуи пайдо бўлмоқда. Уларни ташкил этувчи қисмлар (акциялар улуши бўйича) алоҳида бир давлат

фирмасининг хусусий мулки бўлиши мумкин. Аммо, фаолиятнинг умумийлашуви натижасида халқаро миқёсларда яхлит иш юритувчи мажмуалар юзага келади. Масалан, халқаро энерготизимлар, машинасозлик ва кимёвий мажмуалар нефть, олтин қазиб олиш, олмосни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ва ҳоказо.

Сўнгги йилларда майда савдо корхоналари, якка тартибдаги тадбиркорлик ва майда гуруҳли меҳнат корхоналари кенгаймоқда, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича саноат корхоналари борган сари кўпаймоқда. Аграр ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган корхоналар қурилмоқда (ёғочни қайта ишлаш, кулолчилик, тикув устахоналари, уй-рўзғор буюмлари, лойдан ва фаянсдан ишланган ўйинчоқлар тайёрлаш бўйича цехлар), яъни агросаноат мажмуи тузилиши ўзгармоқда.

Режали тақсимот тизимидаги хўжаликни бошқаришнинг корхона жамоаси учун бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг фаолиятидаги шартларнинг жиддий ўзгаришлари билан боғлиқдир, чунки у меҳнат бозорида, товар ва капиталда мустақил субъект бўла олади. Корхона, ташкилот жамоаси янги шароитларга кўникма ҳосил қилиши учун тегишли вақт зарур, акс ҳолда, салбий иқтисодий ва ижтимоий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Шахснинг шаклланиши жараёнида жамоанинг ва унда ташкил этилган меҳнатнинг аҳамияти катта. Меҳнат шахснинг барча муҳим сифатларига таъсир кўрсатади. У инсон психологик эҳтиёжларини йўналтирувчи ва мувофиқлаштирувчи механизм сифатида роль ўйнайди.

Олимларнинг таъкидлашича, яқин йилларда мамлакат иқтисодиётида сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Фойда келтирмайдиган корхоналарнинг ёпилиши, хусусийлаштириш ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган технологияларнинг жорий этилиши малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширади. Янги ва реконструкция қилинаётган корхоналар лойиҳаларига шундай чора-тадбирларни қўшиш керакки, улар ишчилар меҳнатини мазмунан бойитсин. Меҳнат жамоаларининг истиқбол режаларида ижтимоий кўрсаткичлар нафақат маълумот вазифасининг, балки бошқарув масалаларининг оқилона омили бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат жамоаларида ва ташкилотларда кўпинча ихтилофлар, низолар ҳам рўй беради. Уларнинг сабаби жуда хилма-хилдир. Низо — вужудга келадиган зиддиятларни бартараф қилишнинг самарасиз йўлидир, чунки низо пайтида одамда ҳиссиётлар устун келгани сабабли фикрлаш сусаяди, ўз хулқини назорат қилиш қобилияти пастлайди. Агар низо ўзаро келишмовчиликни тартибга солишнинг ягона чораси бўлиб қолса, у ҳолда жамоанинг раҳбари уни бошқариши, ташаббусни ўз қўлига олиб унда қатнашиши керак.

Ихтилофнинг сабабини аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш керак:

1. Зиддиятни бартараф қилишнинг умуман имкони бормиди? Унда нима қилиш мумкин?

2. Агар зиддиятни бартараф қилиш зарур бўлса, у ҳолда қандай воситалар ўзини оқлайди?

3. Низонинг натижалари қандай бўлиши мумкин?

Мамлакатда меҳнат жамоалари бозор муносабатларининг таркиб топиши асосида кўп ҳолларда ўз ходимларининг ахлоқий сифатлари ва дунёқарашларини ўрганишлари зарур бўлиб бормоқда. Бунда раҳбарнинг ўз қўл остидаги ходимлари билан муносабатлари ҳар кимнинг қобилиятига кўра хизмат вазифаларига қўйилиши, мутахассисларнинг малакаларини муттасил ошириб бориш, жамоада нормал инсоний муносабатлар иқлимининг бўлишига эътибор бериш катта ахлоқий ва маънавий аҳамиятга эга бўлади. Чунки нормал бозор муносабатларининг шаклланиши нормал ахлоқий-психологик муҳитни, соғлом рақобатни, шахсий манфаатнинг жамият манфаати билан уйғунлашувини талаб қилади.

5-§. Ташкилотлар социологияси

«Ташкилот» атамаси ижтимоий бирлашувларнинг шакли сифатида қўлланилади.

Инсон табиатан ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли ҳам турли жамоа ҳамда уюшмаларда бирлашади. Инсоннинг ҳамма фаолияти ташкилий уюшган ҳолда кечади, шунинг учун ҳам шахсларнинг жамоавий фаолият кўрсатишлари ва уларнинг ташкилий шаклларда нечоғли уюшганлигини ўрганиш муҳимдир.

Кундалик амалиётда ташкилот тушунчаси кўп учраса-да, бироқ у турли маъноларда ишлатилади. Шунинг учун ҳам ишни ташкилот атамасининг мазмунини очиб беришдан бошлаймиз: Рус социологи А.И.Пригожиннинг, ташкилот атамаси уч хил маънога эга[1], деб изоҳ беради.

Биринчидан, ташкилот — муайян гуруҳ доирасида янги меъёрларни ишлаб чиқишни, барқарор алоқалар ўрнатишни, ижтимоий гуруҳ аъзоларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи уюшмадир. Бу каби фаолият энг аввало «ташкил қилиш» сўзи билан ифодаланади. Бошқача айтганда, бу фаолият ҳамкорлик кучи ёрдамида гуруҳда ўзаро келишилган ҳаракатлар учун шароитлар яратишга қаратилади. Масалан, муайян корхона раҳбари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади. Бунда у қўл остидаги кишиларни иш жойларига шундай тақсимлаши лозимки, бунинг натижасида маълум ишларнинг бажарилиш тезлиги, узлуксизлиги, унумдорлиги таъминланиши керак бўлади. Бундан ташқари, у ўзаро алмашинувни таъминлаши, ишлаб чиқаришни, иш куни тартибини, корхона ишчилари ва таъминотчиларининг ўзаро ҳаракатлари меъёрларини ташкил қилиши керак. Бу фаолият ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилоти деб аталади

Иккинчидан, ташкилот деганда бирор-бир объектнинг белгиси, унинг тартибга солинган таркибга эга бўлиш хусусияти назарда тутилади. Бу ижтимоий объектнинг бир-бири билан ўзаро боғланган қисмлардан ташкил топишини ва қандайдир ички тузилишга эга бўлишини билдиради. Ташкилот муайян ташкилий тузилмалар, гуруҳлар ифодасидир. Агар бирор-бир ижтимоий гуруҳ барқарор ижтимоий ролларга (яъни ҳар бир киши ўз вазифасини бажариши) эга кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга соладиган қоида ва қонунларга ҳамда бошқа гуруҳлар билан тартибли алоқаларга эга бўлса, бундай гуруҳ уюшган гуруҳ деб аталади.

Учинчидан, ташкилот дейилганда, маълум ижтимоий вазифани бажарадиган, сунъий равишда ташкил қилинган ижтимоий гуруҳ тушунилади. Масалан, мактаб — ёш авлодга таълим бериш вазифасини бажарадиган муайян миқдордаги кишилардан иборат ижтимоий гуруҳдир. Бу маънода банк — пулни тўплаш, тақсимлаш ва тартибли фойдаланиш вазифасини

---

[1] *Қаранг:* А.И.Пригожин. Социология организацие. М.:1980, 39-41-бетлар.

бажаришда иштирок этадиган кишилардан иборат бўлган ташкилотдир.

Юқорида санаб ўтилган ташкилот тушунчасининг уч маъноси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай уюшган гуруҳ (бу тушунчанинг учинчи маъноси), уни ташкил қилиш, яъни унинг ички структурасини, алоқа тизимларини, маданий хусусиятларини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ролларни тақсимлаш фаолияти давомида вужудга келиши лозим. Агар ушбу уюшган гуруҳ шаклланадиган бўлса, у ҳолда биз ташкил қилинган деб аталадиган ички сифатга эга бўлган ташкилотни назарда тутамиз.

Жамиятда «ташкилот» атамасининг юқорида кўриб чиқилган маънолари ташкилот моҳиятини тушунишга ва унинг илмий таърифини топишга имкон беради.

Ташкилотнинг таърифи. Фанда ташкилотнинг жуда кўп таърифлари мавжуд. Бу таърифларда ташкилот кўпинча рационал тизим ёки мақсадга эришишга йўналтирилган тизим сифатида намоён бўлади. Ташкилотга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: ташкилот энг аввало ўзаро боғланган ва ўзига хос мақсадларга эришишга йўналтирилган ижтимоий гуруҳдир. Ташкилот ўз аъзоларининг хатти-ҳаракатини маълум маънода умумий натижага эришиш учун уйғунлаштира олса, бундай ташкилот мақсадга мувофиқли ҳисобланади. Масалан, корхона маълум турдаги махсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун, сиёсий партия сиёсий дастурни амалга ошириш учун, шифохона эса беморларни даволаш учун мавжуд бўлади.

Бундан ташқари, ташкилотлар — юқори даражада расмийлашган гуруҳлардир. Уларнинг ички структураси шу маънода юқори даражада расмийлашганки, бунда ташкилот доирасидаги қонун-қоидалар, иш тартиблари амалда унинг ҳамма аъзоларининг фаолиятини қамраб олади. Улар аниқ ва равшан тузилган ҳамда ҳамма ролларни ва ролли алоқаларни ўз ичига олади. Ташкилот структурасида у ёки бу мавқеларни бажараётган индивидларнинг шахсий сифатларидан қатъи назар, уларга ролли ҳаракатлар мажмуи юклатилган бўлади. Раҳбар, унинг муовинлари ёки ижро этувчилар шахсий сифатларидан қатъи назар ўзларининг мажбуриятларини белгилаб берадиган қонун-қоидаларга бўйсуниб бажарадилар.

Юқорида санаб ўтилган асосий хусусиятлардан келиб чиқиб, ташкилотни маълум мақсадларга эришишга йўналтирилган ва

юқори даражада расмийлашган таркибга эга бўлган ижтимоий гуруҳ деб таърифлаш мумкин.

Ижтимоий ташкилотларга қуйидаги хусусиятлар хос:

1. Ҳар қандай ташкилот ўз мақсадига эга, чунки у аниқ мақсадларни амалга ошириш учун тузилади ва унинг фаолияти мақсадга эришганлик даражаси билан баҳоланади. Бунда ташкилот кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солиш ва бирлаштириш вазифасини бажарувчи восита эканлиги англанади.

2. Мақсадга эришиш учун ташкилот аъзолари ўзига хос рол ва статус (мавқе) лар бўйича тақсимланишга мажбурдирлар. Шунга мувофиқ, ижтимоий ташкилот ўзининг аъзолари томонидан бажарилиши керак бўлган ижтимоий ҳолат ва ролларнинг мураккаб, ўзаро боғланган тизимини ифодалайди. Ижтимоий ташкилот кишига юклатилган ижтимоий статус ва ижтимоий рол доирасида ҳамда ўша ижтимоий ташкилот доирасида қабул қилинган меъёрлар ва қадриятлар чегарасида ўз эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга имкон беради.

3. Ташкилот меҳнат тақсимоти ва уни ихтисослаштириш асосида вужудга келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ташкилотларда турли горизонтал структуралар бўлади. Лекин ташкилотнинг муҳим хусусиятларидан бири унда бошқарувнинг вертикал (иерархияли, яъни пиллапоя) шаклда бўлишидир. Айнан шу ерда бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ҳаракати кўзга яққол ташланади. Бошқарувнинг иерархияга (пиллапоя шаклида) асосланганлиги мақсадга мувофиқлиликни ифода этади.

4. Бошқарув тизими ташкилот фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш учун ўзига хос воситаларга эга. Бу воситалар орасида институционал ёки ички ташкилий деб аталадиган меъёрлар, яъни маълум ваколатларга эга бўлган ўзига хос институтларнинг фаолияти билан тузиладиган меъёрлар муҳим роль ўйнайди. Мазкур институтлар меъёрий талабларни ҳаётга жорий қилади ва ўзига хос таъсири билан уларни қўллаб-қувватлайди.

Юқоридаги тўрт омил асосида муайян ташкилот ўзаро алоқа ва ҳаракат муносабатларини тартибга соладиган мақсад, алоқа ва меъёрлар тизими сифатида пайдо бўлади.

Ташкилотнинг ўзига хос белгиларини фарқлаш билан бирга социологлар ташкилотларни маълум турларга ажратишади. Энг аввало ижтимоий ташкилотлар **расмий** ва **норасмий**

ташкилотларга бўлинади. Бу каби турларга ажратиш меъзони бўлиб, уларда мавжуд бўлган алоқа, ўзаро ҳаракат ва муносабатларни расмийлашганлик даражаси ҳисобланади. Россиялик социолог **А.И. Пригожин,** ***расмий ташкилот*** — алоқа, статус ва ролларни ижтимоий расмийлаштириш асосида ташкил қилиш усулидир[1], деб изоҳ беради. Расмий ташкилотнинг асосида ихтисослаштириш натижасида пайдо бўладиган меҳнат тақсимоти ётади. Меҳнат тақсимоти статус-мансаблар тизими кўринишида намоён бўлади. Ҳар қандай статус ва мансаблар маълум вазифаларни бажаришга мўлжалланганки, натижада ҳамма вазифалар ташкилот аъзолари ўртасида тақсимланади. Мансаб статуслари вазифалар бўйича иерархия (пиллапоя) шаклидаги структура асосида, турли ташкилий бўлимлар эса бўйсунувчилар тамойили асосида йўлга қўйилади.

Расмий ташкилотнинг фаолияти режалаштирадиган ва меъёрга соладиган регуляторлари, мансаб хатти-ҳаракатининг меъёр ва намуналарини, фаолият дастурларини рағбатлантириш тамойилларини ўз ичига олади.

Америкалик социолог А.Этциони расмий ташкилотларни уч асосий: **мажбурий, эркин** ва **утилитар (манфаатли)** ташкилотларга ажратади[2]. **Эркин ташкилотлар** дейилганда кишилар ихтиёрий равишда аъзо бўладиган ва аъзоликдан ихтиёрий равишда чиқадиган ташкилотлар назарда тутилади. Буларга Қизил ярим ой қўмиталари, Яшиллар ҳаракати, жамоат ташкилотлари, Хотин-қизлар қўмиталари яққол мисол бўла олади. Кишилар эркин ташкилотларга бўш вақтларини унумли ўтказиш, ўз дунёқарашларига яқин кишилар билан алоқа ўрнатиш, муайян ижтимоий хизматларни амалга ошириш, маълум ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун аъзо бўладилар.

Кишилар баъзан ўзлари истамаган ҳолда, ёҳуд бурч туфайли, ёки мажбурий равишда баъзи ташкилотларнинг аъзолари бўлиб қоладилар. Бундай ташкилотлар ***мажбурий ташкилотлар*** деб аталади. Мажбурий ташкилотларга ахлоқ тузатиш шифохонаси, қамоқхона, турма, армия ва бошқалар мисол бўлади.

Баъзан кишилар маълум амалий сабаблар, фойда ёки манфаат туфайли ташкилотларга қўшиладилар. Бундай

---

[1] *Пригожин А.И.* Социология организация.1980, 37.

[2] Қаранг: James W.Yander Zanden.Sociology.The Core.Osio state Uniyersity 1990,с. 208.

ташкилотлар ***утилитар (манфаатли) ташкилотлар*** деб аталади. Университетлар, корпорациялар, бирлашмалар, фирмалар, давлат муассасалари кишиларнинг маълум манфаатларини қондириш учун тузиладиган ташкилотларга киради. Утилитар (манфаатли) ташкилотлар эркин ва мажбурий ташкилотлар орасида ётади. Масалан, биз бирор-бир ташкилотга мажбурий равишда ишга қабул қилинмаймиз, лекин ўзимизнинг турмуш даражамизни йўлга қўйиш учун ишлашга масъулмиз.

Ҳар қандай расмий ташкилот бошқарув тизимига эга. Ташкилотнинг бошқарув шакллари: озчилик ҳокимияти — олигархия; бир киши ҳукмронлиги — автократия; халқ ҳокимияти — демократия сингари юнонларнинг бошқарув усулларидан келиб чиқиб қабул қилинган.

Бу тушунчани социологик нуқтаи назардан олиб қарасак, бошқарув — бу институт, администрация, корхона ёки бошқа мақсадли гуруҳлар фаолиятининг юқори даражада аниқлик ва самарали ишлашини таъминлайдиган тизимдир. Социологияда бошқарув тизимининг таснифини баҳолашда бир-бирига зид бўлган фикрлар мавжуд. Немис социологи М.Вебер бошқарувнинг имкониятларини жуда юқори баҳолайди ва уни идеал тип сифатида таҳлил қилади. М.Вебернинг фикрича, бошқарувнинг идеал типи қуйидаги ҳусусиятларни ўз ичига олади:

— бошқарув фаолияти доимо амалга оширилади;

— бошқарув органига кирадиган шахслар шахсан эркиндирлар, лекин улар бажарадиган вазифалари доирасида ҳаракат қиладилар;

— мансаб ва статусларнинг иерархия асосида тақсимланиши;

— ҳар бир мансаб ва статусларнинг вазифалари аниқ белгиланган бўлади;

— кишилар шартнома асосида ишга олинадилар;

— ишчи ва ходимларни танлаш уларнинг маълумотига қараб амалга оширилади;

— бошқарув аппарати томонидан чиқарилаётган ҳар қандай буйруқ, қарор, қонун-қоидалар ҳужжатлаштирилади ва сақланади;

— мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати, фаолияти маълум воситалар орқали назорат қилинади;

— бошқарув фаолияти ўзига хос касбга айланади;

- мансабдорларни тайёрлаш бўйича таълим тизими мавжуд бўлади.

Бошқарув тизими тўғрисидаги Вебер таълимоти замонавий социологлар томонидан танқид остига олинди. Масалан, Т.Парсонс, А.Голднер нуқтаи назарича ҳокимиятнинг икки типи, яъни иерархияда тутган мавқе ва касб доирасидаги билимлар даражаси бир-бирига қарама-қарши келади. Бошқарувчи ҳокимияти бўйруққа асосланади, шунинг учун ҳам унга бўйсуниш ихтиёрий бўлмайди. Мутахассисга бўйсуниш унинг ижтимоий ва касбий статусини тан олиш билан боғлиқ. Бу икки асосий ҳокимият ўртасидаги зиддият доимий низолар учун асос бўлади.

Ҳозирги кунда ҳар қандай ижтимоий ташкилотда бошқарув аппаратининг бўлиши табиий ҳолга айланганлиги маълум. Агар бошқарув тизими бўлмайдиган бўлса, ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш жуда мушкул бўлади. Сўнгги йилларда фан ва техниканинг ривожланиши, айниқса компьютер тизимининг кенг жорий қилиниши натижасида бошқарув тизимида маълум сифатий ўзгаришлар рўй бермоқда. Буларни таҳлил қилиш ва ўрганиш янги тадқиқот вазифаси ҳисобланади.

Ташкилот социологияси янги аср мобайнида янада мустаҳкамланиши ва барқарор ривожланиш хусусиятига эга бўлиши кутилмоқда. Барқарор тараққий топган халқаро ташкилотлар фаолиятларини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ҳодиса ўз мазмунига кўра уч гуруҳдан иборат мақсадлар туркумини ўз олдига қўйгандир. Булар қуйидагилар:

— ташкилотнинг пировард мақсадлари;
— ташкилотнинг доимий мақсадлари;
— ташкилот ходимларининг хулқ-атвор қоидалари.

Ташкилотнинг пировард мақсадлари доирасига ходимларнинг ўз касби, муассасаси орқали жамият ва ватанга хизмат қилишлари, аҳоли ижтимоий турмушини яхшилаш, соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшиш даражасини ошириш масалалари киради.

Ташкилотнинг доимий мақсадларига эса, меҳнатга илмий ёндошув, юксак самарадорлик, муассасада технологик янгиланишларни жорий этиб бориш, жамиятга ҳалол хизмат қилиш орқали фойда орттириш, фаоллик, яратувчанлик, бозорда адолатли рақобат муҳитини юзага келтириш масалалари киради.

Ташкилот ходимларининг хулк-атвор қоидалари муассасага бўлган муносабатлар тизимини ташкил этиб, тўрт босқичдан иборатдир. Биринчиси, ташкилотга бўлган муносабат (содиқлик, ўз касби, мавқеидан мамнунлик), иккинчиси, иш жойига, касбига бўлган муносабат (ҳаракатчанлик, масъулиятлилик, сабр-бардош, эҳтиёткорлик, ўз касби-коридан ғурур), учинчиси, ҳамкасбларга, ходимлар ва раҳбарларга муносабат (ўзаро ҳамкорлик, эътибор, ғамхўрлик, ижро интизоми), тўртинчиси, ходимнинг ўз-ўзига бўлган муносабати (саломатлиги, тетиклиги, ахлоқий-маънавий баркамоллиги, ўз-ўзини идора қилиш даражаси) масалаларини ўз ичига олади.

Ташкилотдаги муносабатлар муассасанинг нафақат ишчанлик хусусиятини ифодалайди, балки ташкилотга хос бўлган хусусиятларнинг ҳар бир ходим хатти-ҳаракатларида акс этиши, шахснинг феъл-атворлари мотиви даражасига юксалишини назарда тутади.

Ташкилот хусусиятлари ходимлар томонидан ўз-ўзича ўзлаштирилмайди, балки режали асосларда изчиллик билан мутахассислар онги, руҳиятига сингдириб борилади.

Ташкилот хусусиятлари Япония фирмаларида одатда ходимлар томонидан саккиз ой мобайнида тўла-тўкис ўзлаштирилади. Бунинг учун ҳар куни иш бошланишидан олдин умумий мажлис чақирилади. Ҳамма билан биргаликда ташкилот гимни ижро этилади, ходимлар хулқ-атворининг асосий қоидалари такрорланади. Ташкилотнинг жорий ва истиқбол фаолият режалари деворда осиб қўйилади. Муассаса шиори эса ҳамма кўрадиган баланд жойга илиб қўйилади. Ташкилотга хос бўлган хусусиятларни ўзлаштириш масаласига янги технологиялар жорий этишдек масъулиятли вазифа билан баравар масала сифатида ёндошилади.

Ташкилот социологиясига Америка фирмаларида ҳам жиддий эътибор берилади. Масалан, IBM фирмаси қуйидаги хулқ-атвор қоидаларини ҳар бир ходим маънавиятининг ажралмас қисмига айлантиришга интилиб келади:

— ҳар бир инсон ҳурмат-эътиборга сазовор;

— ҳар бир харидор учун энг яхши хизмат кўрсатилиши зарур;

— ходимлар ўз фаолиятида мукаммалликка эришиши лозим. Табиийки, ташкилот социологиясининг амал қилиши учун юқоридаги уч босқичнинг ўзи кифоя қилмайди.

Юқоридаги қоидалар мажмуидан фаолият доирасидаги мулоқот тартиботлари, иш ва ишдан ташкари тадбирларга доир анъаналар, расм-русумлар, шунингдек, муассасада раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиий равишда алмашинуви муносабати билан ташкилотдаги хос хусусиятлар барқарор сақланиши ва узоқ вақт қайта такрор амал қилиши билан боғлиқ тамойиллар ажралиб чиқади.

Ташкилотнинг барқарор амал қилишида ибрат омилининг аҳамияти каттадир. Ишга янги қабул қилинган ходимларнинг ташкилот фаолиятлари доирасига жалб этилиши, ишчининг жамоага мослашувида мавжуд анъаналар, тажрибали ходимлар хатти-ҳаракатлари ижобий тақлид учун намуна вазифасини бажаради. Айрим нуфузли ташкилотларда махсус адаптация хизматлари фаолият кўрсатиб келади.

Ташкилотда умумий маданий муҳитни барқарор қилиш учун раҳбар чин инсоний фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Бундан ташқари раҳбарда жамоани мақсадли идора қилиш учун бошқарув этикасининг қуйидаги жиҳатлари шаклланган бўлиши лозим:

— эшитиш ва ўз фикрини маъқуллата олиш, рағбатлантириш ва жазолаш қобилиятларига эга бўлиш;

— масъулиятни ўз зиммасига ола билиш;

— ходимлар ҳаётига бефарқ бўлмаслик, ҳар жабҳада инсонийликни қўллаш (ходимларга ўзининг жамоа учун кераклилигини англашга кўмаклашиш).

Ҳозирги замон раҳбарининг муҳим жиҳатларидан бири фавқулодда вазиятларда ҳамда ишда камчиликларга йўл қўйилган ҳолларда барча масъулиятни ўз зиммасига ола билиш хусусиятидир. Фақат ташкилот маданияти юксак бўлган муассасалардагина ишда йўл қўйилган камчиликлар учун раҳбар нуқсонлар масъулиятини ўз зиммасига олиши мумкин. Шу нарса эътиборга сазоворки, мамлакатнинг умумий тараққиёт даражаси қанча юқори бўлса, фаолият учун масъуллик ҳисси шунча юқори бўлади ва раҳбарнинг иш учун жавобгарлик даражаси ҳам, ички интизоми ҳам шунча юксак бўлади.

Сўнгги йилларда ташкилот маданиятини типлаштириш, муайян тизимга келтириш борасида тадқиқотлар амалга оширилди. Англиялик олим Р.Д.Льюис, француз социологи Д.Боллинже, голландиялик олим Г.Хофштеде, рус олими А.И. Пригожин томонидан ташкилот социологияси таркибий ва мазмуний

жиҳатлардан таҳлил этилиб, қатор типологик тизимлар ишлаб чиқилди. Мазкур тизимлар орасида дунёнинг 70 мамлакатида тадқиқот ўтказиб, 60.000 дан кўпроқ респондентлардан ўз ишидан, меҳнат фаолиятларидан, ҳамкасбларидан, ҳаётий мақсадларидан, меҳнат жараёнларидаги муаммоларга муносабатларидан, эътиқодий мансубликлари, касбий лаёқатларидан қониқиши, мамнунлик ёхуд қониқмаслик даражаларини аниқлаб чиққан Г.Хофштеде изланишлари диққатга сазовордир.

Ўз тадқиқотларида Г.Хофштеде ташкилот социологиясига муносабатда тўрт йўналиш мавжудлигини аниқлайди. Булар индивидуализм-коллективизм, ҳукм ўтказиб бошқаришнинг катта ва кичик масофалари, ноаниқликлардан қочишнинг барқарор ва заиф кўринишлари ҳамда муассасада эркаклар ва аёллар омилининг таъсири йўналишларидан иборат эканлиги асослаб берилади. Мазкур йўналишларнинг турли давлатлардаги ўзига хос умумий жиҳатларини аниқлаш ташкилотларнинг ҳар бир мамлакатдаги маданий харажатларини ишлаб чиқишга имкон беради. Ташкилотлар мазмунини аниқлаш эса, турли мамлакатлардаги меҳнат фаолиятлари мазмуни, ишга бўлган муносабат моҳиятини чуқурроқ англаш, иш давомида юзага келувчи конфликтоген жараёнларнинг олдини олиш, уни аввалдан билиб бориш, яъни прогноз қилиш имкониятларини оширади.

Амалга оширилган тадқиқотлар Г.Хофштеде ва Г.Боллинжеларга ташкилот социологиясининг ҳолатлари ва ривожини диагностика қилиш имконини берди.

Ҳокимиятни амалга оширишнинг катта ва кичик масофалари демократик ёхуд авторитар услублар орқали бошқарув шаклларини ўзида намоён этади. Ҳар бир ташкилот ўз ходимларининг ижтимоий маъқулланган тенгсизлиги мақомидан келиб чиқиб, ижтимоий бошқаришни ташкил этади.

Бошқарувнинг катта масофалари амал қилувчи ташкилотларда фармойиш ва буйруқлар муҳокама этилмайди, субъектив таъсир омили ҳуқуқ омилидан устун туради, юқори лавозимдаги шахслар алоҳида мавқе касб этадилар, ходимлар ўртасида ишончсизлик ҳукм суради, ходимлар ўз норозиликларини изҳор этишдан чўчиб турадилар.

Бошқарувнинг кичик масофалари амал қилувчи ташкилотларда эса ходимларнинг иш тартиботлари, бажараётган ишлари ва мавқелари ўртасидаги ҳар хиллилик аниқ белгиланган бўлиб, раҳбарнинг таъсир ва тазйиқидан кўра, ҳуқуқлар, қоидалар усту-

ворлик қилади, юқори лавозимдаги раҳбарлар қуйи лавозимдаги ходимлар учун илоҳийлаштирилмайди, бошқарувчи ва бўйсунувчилар ўртасида ўзига хос уйғунлик таркиб топган бўлади, оддий ходимлар ўртасида эса ўзаро ҳамкорлик алоқалари амал қилади.

Ташкилот социологияси учун муҳим жиҳатлардан яна бири фаолиятларда ноаниқликлардан қочиш тенденциясидир. Голланд олими Г.Хофштеде ва француз социологи Д.Боллинже ноаниқликлардан қочишнинг қуйи ва юқори босқичларини аниқлашиб, ноаниқликлардан қочиш тенденцияси юқори ташкилотларда ходимлар ўртасидаги рақобатнинг бўлмаслиги, бир хил лавозимда кўпроқ; ишлашга интилиш, ишда таваккалчиликка йўл қўймаслик, янги технологияларни киритишдан чўчиш ҳолатлари кучли бўлишини, ноаниқликлардан қочиш тенденцияси қуйи ташкилотларда ходимлар ўртасида рақобат ва мусобақа руҳининг кучлилиги, бир хил лавозимларда узоқ; ишлаб қолиш маъқулланмаслиги, ишда таваккалчиликка кенг йўл берилиши, янги технологияларни фаол жорий этишга мойилликнинг устуворлиги аниқланади.

Ташкилот социологиясининг тўртинчи ўлчами аёллар ва эркакларнинг ўрни ва ролига бағишланган бўлиб, мақсадга эришиш, вазифаларни бажаришнинг мотивацион жиҳатларини ифода этади. Маълумки, анъанавий ёндошадиган бўлсак, эркаклар зиммасида оиладаги турмушни моддий-миқдорий таъминлаш вазифаси юкланган бўлса, аёллар шу ҳаётнинг сифат жиҳатларини таъминлаб келадилар. Америкалик социолог Ф.Хариберг талқинига кўра, эркаклар «иш учун яшаш», яъни ҳаётда муайян мақсадларга эришишни бирмунча мутлақлаштириб яшасалар, аксарият аёллар «иш яшаш учун», яъни меҳнат муайян вазифаларни бажаришга йўналган деб ҳисоблайдилар.

Эркаклар жамоаларида зиддиятлар очиқ мазмун касб этиб, кескин қарама-қаршиликлар муҳитида кечади ҳамда масала ўзининг мантиқий якуни билан тугайди. Аёллар ўртасидаги зиддиятлар эса, одатда, яширин амал қилади ва мулоқотлар воситасида бошқарилиб борилади.

Табиийки, ҳар қандай типология ҳам муайян камчиликларга эга бўлганидек, биз юқорида тахлил этган тўрт ўлчамли типологияда ҳам муайян ишлов бериш учун зарур жиҳатлар мавжуддир. Масалан, Ғарб демократиясида барча ижтимоий-иқтисодий,

сиёсий саъй-ҳаракатлар индивид озодлигини таъминлашга қаратилган бўлса, Шарқда жамоа бўлиб эркинликка чиқиш, жамоавийликка интилиш тенденцияси устуворлик қилади. Аниқса, Ўзбекистонда жамоа бўлиб яшаш ва ишлашга мойиллик, қарор қабул қилишда анъанавийликка, мавжуд жамоада аввалдан амал қилиб келган одатлар, расм-русумлардан келиб чиқиш, кескин чоралар қўллашдан кўра воқеаларнинг ўз-ўзидан етилиб боришига урғу бериш, маслаҳат ва ташқи фикрларнинг шахсий нуқтаи назардан кўра устувор таъсир кучига эгалиги омиллари ташкилот социологияси ҳодисасини талқин этишда ҳисобга олиниши зарурдир.

6-§. Ўзбекистонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳалла тизими

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари бошқарув тизимини мунтазам шакллантириш ва такомиллаштириб боришни ўзининг миллий қадриятларига ва давлатчилиги тарихида шаклланган анъаналарига таяниб иш кўришни тақозо этмоқда. Зеро, ўтиш давридаги вазиятни тўғри баҳолаган мамлакатимиз раҳбарияти, замон руҳига мослашувчи, илғор мамлакатларнинг ютуқлари билан тарихий меросимизни уйғунлаштириш асосида миллий бошқарув тизимлари пойдеворини мустаҳкамлаб бормоқда.

Бу аснода ўзини ўзи бошқарув тизимининг миллий ифодаси ва Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаёт тарзининг регионал кўринишдаги шакли маҳалланинг ҳам ўрни беқиёсдир. Бозор иқтисоднётига ва умуминсоний тамойилларга асосланган ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида маҳалла жамиятнинг асосий таянчи бўлиб қолиши табиийдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида Президент И.Каримов: «Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда давлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш лозим. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган янги қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади»[1], — деб алоҳида кўрсатиб ўтди.

Ушбу тизим фуқароларнинг ўзаро тенглиги ва эркин фикр юритишини таъминловчи, кишилардаги мустақиллик ҳамда инсоний муносабатлар фаолиятини белгиловчи жамоатчилик маркази сифатида гавдаланади. Социология фани нуқтаи назаридан уни тенглик асосидаги ижтимоий институт, ижтимоий ташкилот

---

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 28-29-betlar.

ва ижтимоий тизим сифатида олиб ўрганса бўлади. Бу муаммога қайси жиҳатдан ёндашишга боғлиқ.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида фикр юритар эканмиз, Ўзбекистон шароитида бугунги кунда ушбу тизим фаолиятини ҳар томонлама ўзида жамлаган "маҳалла"га мурожаат қилинмоқда. Негаки, маҳалла ўзида ўзини ўзи бошқарув тизими хусусиятларини тўлиқ ифода этади. Социологик адабиётларда ўзини ўзи бошқарув тизимига қуйидагича таъриф берилади: "... **Ҳудудий жамоат ёки коллектив ташкилотлар ишлари уларнинг аъзолари ёрдамида сайлов орқали ёки тўғридан-тўғри бошқариладиган тизимдир"**[1]. Агар маҳалланинг бошқарув функциясини белгиловчи ҳолатларга эътиборни қаратадиган бўлсак, биринчидан, у жамиятда маълум бўлган гуруҳлар ва индивидларга эркинлик яратиб беришда катта роль ўйнайди. Иккинчидан, жамоадаги ҳар бир гуруҳ ва индивидлар учун ўзаро тенглик ҳиссини кафолатлайди, яъни бунда маҳалланинг ҳар бир аъзоси ўзлари яқиндан таниган кишига овоз беради, камчилик ва ютуқларни батафсил гапира олади. Учинчидан, жамиятдаги аксарият ижтимоий институт ва ташкилотларга нисбатан маҳаллада сермаҳсул, сифатий ҳамда аниқ амалий ишлар наъмуналари ишлаб чиқилади, аъзолар томонидан ташаббускорлик, фаоллик кўрсатилади ва натижалар амалиётга тадбиқ этилади. Эътироф этадиган томони бу ишлар халқчил мазмун касб этиб, холисона, миннатсиз ва самимий ҳолатда бажарилади. Ўзбеклар жамиятида ана шу сабаблар маҳалладаги аъзоларнинг ўзаро жипслилигини ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Шу боисдан, Ўзбекистонда жамият қурилиши тизимининг мустаҳкам пойдеворини яратишда маҳалланинг ўрни катта эканлигини ва ўзини ўзи бошқарув органларининг бошқарув тузилмасини бугунги кун талаблари руҳида ўрганиб унинг назарий ҳамда амалий ўзига хосликларини социологик жиҳатдан ёритиш муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари таркибини фуқаролар йиғинлари, хусусан, маҳаллалар ташкил этади. Жамиятда ўзини ўзи бошқарув тизимининг муҳим органи бўлган маҳалла — бу ҳудудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби ҳар хил ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган ижтимоий

---

[1] Социологический энциклопедический словарь. На русском, английском, немецком, французском и чешском языках. М.: Норма – 1998. с. 311.

тизимдир. У мана шу ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатларни намоён қилади.

Бугунги кундаги ўзини ўзи бошқарув тизимларининг тараққий этиб бориши демократик жамият тараққиётининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки ўзини ўзи бошқарув тизими ижтимоий ҳодиса сифатида кишиларнинг турли фаолиятларини, улардаги ташаббускорликни ва таклифларни инобатга олган ҳолда амалдаги қонунлар доирасида уларнинг тезда амалга ошишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасида шундай дейилади: **«Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар»**[1].

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, жамият ичидаги кичик жамият номини олган ***маҳалла*** тизимини равнақ топтириш, унинг ўзига хос миллий бошқарув шаклини ишлаб чиқиш борасида аниқ саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Айни чоғда халқимиз табиатидан келиб чиқувчи ижтимоий муаммоларни ўрганиб, унга амалий ёрдам берувчи жамиятнинг ижтимоий бир бўлаги ҳисобланмиш маҳалла институтлари қошида махсус хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида фармон қабул қилинди.

Маҳалланинг маънавий ҳолати тўғрисида фикр юритилар экан, албатта, унинг бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этган субъектлар тушунчасига эътибор қаратишлик муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла субъектининг ўзига хос хусусияти ундаги бошқарув функциясидир. Чунки айнан шу функция орқали маҳалланинг самарали иш фаолияти намоён бўлади.

Ҳар бир маҳалла ўзига хос географик жойлашувга, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлганлигидан келиб чиқиб, бу муқим маконда истиқомат қилаётган аҳолининг турли миллатга ёки бир миллатга мансублигига асосланиб, ҳар бир маҳалланинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини яратиш мақсадга

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992, 35-бет.

мувофиқ. Маҳалла бугунги кунда фуқароларнинг мустақил фаолиятини, уларни жамиятнинг турли доиралардаги ижтимоий муносабатларини, давлат ва жамият бошқарув структурасини ташкил этишдаги ҳамда ижтимоий жамоаларнинг фаолиятини таъминловчи ва шу билан биргаликда ўз аъзоларининг ижтимоий масалалар борасидаги саволларига жавоб беришдаги иштирокини белгилайди. Кузатишлар ва олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистон ҳудудида маҳаллаларни қуйидаги тўртта асосий қисмга ажратиш мумкин:

1) Шаҳарлардаги анъанавий маҳаллалар.
2) Шаҳарлардаги квартал маҳаллалар.
3) Шаҳарчалардаги маҳаллалар.
4) Қишлоқ маҳаллалари.

Маҳалланинг бугунги кундаги ижтимоий ҳолатига эътибор қаратиладиган бўлса, унда қуйидагиларни кузатиш мумкин: **биринчидан**, оила муҳофазаси, **иккинчидан**, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик, **учинчидан**, ижтимоий ҳимояда фаол иштирок этиш, **тўртинчидан**, маънавият ва ижтимоий ҳуқуқни шакллантириш, **бешинчидан**, сиёсий фаолликни ошириш ва ҳоказо. Маҳалла муайян ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларига таъсир ўтказа олиш имкониятига эгадир.

Социолог П. Сорокин шунга ўхшаш ҳолатларни нафақат ижтимоий, балки биологик таъсирланиш жараёни деб баҳолайди. Унинг фикрича, «Инсон ижтимоий организм бўлиб, табиатдаги барча тирик организм сингари яшаш учун муҳим бўлган барча шароитларга эҳтиёж сезади»[1]. Ҳукумат томонидан маҳаллага эътибор кучайтирилаётганлигининг асосий сабабларидан бири — ижтимоий алоқадорликни шакллантирувчи ва кишиларни ижтимоий гуруҳ сифатида боғловчи жараёнларни такомиллаштиришдан иборатдир. Бу жараёнлар *индивидлар*, *муносабатлар*, *ташаббускорлик* бўлиб, ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги кишиларни бир-бири билан ўзаро муносабатда ва алоқадорликда ҳамда жамоавий бирликда бўлишга имконият яратади. Бу ҳолатлар тезлик билан амалга ошиши учун улар бир-бири билан ёнма-ён яшамоғи ва уларни ўзаро муносабатга тортувчи сабаблар шакллантирилиши керак.

---

[1] *Сорокин П.А.* Общедоступный учебник социологии. Статьи разных лет. М.: 1994, стр.88.

Чунки ана шу сабаблар уларни ўзаро жипслаштириши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Қадимги юнонлар демократия терминини ишлаб чиққанларида табиий-ижтимоий жараёнга эътиборни қаратган эдилар, яъни кишилар ўзлари яшаётган жойга хос бўлган имкониятларни биринчи навбатда яратишга мойил бўладилар. Демак, демократия — бу халқ ҳокимияти ёки халқ бошқаруви сифатида омманинг турли табақалари ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Ўз-ўзидан равшанки, халқ иштирок этадиган ва ўз ижтимоий моҳиятини мумкин қадар тўла намоён эта оладиган халқчил тизим — бу ўзини ўзи бошқарув тизимидир. Халқ бошқарув тизимида фаол иштирок этар экан, у ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини намоён этади, демак, у жамиятнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётига кириб боради ҳамда тобора уни жамият тараққиёти ва равнақи ўйлантириб қўяди.

Шахснинг ижтимоий муносабатларга киришиши йиғилиб қолган ижтимоий муаммолар ҳамда ҳар хил воқеликлар ва тафсилотлар тўғрисида ҳукм юритиш ёки хулоса чиқариш имкониятини беради. Бу ҳолат ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий фаоллик ролини ортиб бориши учун замин хизматини бажаради. Кузатишлар шуни кўрсатади, яъни маҳалла муносабатларида барча қатламлардаги кишиларнинг иштирок этиши бир текис ҳолатда кечади. Бу эса жамиятда ўрта қатлам муносабатларининг шаклланишига ёрдам беради. Бир-бирлари билан ўзаро ижтимоий муносабатларга киришиш оқибатида маҳалланинг одамлар ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги кўп жиҳатдан жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштириш имкониятини янада тезлаштиради.

Одамларнинг хатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка нисбатан муносабати, энг аввало, юксак ахлоқ-одоб, шарқона вазминлик, ота-боболаримизга хос мулоҳазамандлик, қийин ва мураккаб вазиятларда шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилган. Бу ва шунга ўхшаган миллий қадриятлар жамиятдаги оқилона сиёсат туфайли умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳririдаги қонуннинг 6-моддасида: «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

фаолиятининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам»[1], деб белгиланган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маҳалла демократияси, унинг халқ ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги миллий асосларда қарор топаётган бошқарув тизими сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Иқтисодий тараққиёт суръатлари авж олган сари одамларнинг маърифатга интилиши ҳам кучайиб бориши табиийдир.

Ўзбекистон Республикасининг асосий куч-қудратининг манбаи — бу халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқ қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний қадриятлар сарчашмаларидан бири маҳалла тизими эканлиги тўғрисида юқорида тўхталдик. Унинг нуфузини ошириш, ижтимоий, сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Президент И.Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига: **«Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон — бу маҳалладир»**[2], деб жавоб қайтариши ҳам ушбу тизимнинг фаолиятида муҳим ижтимоий масала эканлигининг намойишидир

---

[1] Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Постда» газетаси. 1999 йил 22 январ

[2] *И.Каримов.* Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 2 феврал

7-§. Жамоатчилик фикри социологияси

Жамоатчилик фикри тушунчаси маъно-мазмун нуқтаи назаридан «жамоа», «жамоатчилик», «фикр» сўзларининг мантиқий мақсадли уйғунлашуви маҳсулидир. Жамоатчилик фикрини теран ва тўғри англамоқ учун юқоридаги таркиб ясовчи сўз-терминлар моҳиятини аввал бошдан англаб олмоқ муҳимдир Ҳозир ва утмишда, ватанимиз ёхуд хорижий мамлакатлар тадқиқотчилари бу терминлар мазмунига турлича талқин беришиб, уларга мақсаддан келиб чиқадиган маъно юклатиб келишган. Хусусан, аксарият тадқиқотларда жамоатчилик фикрининг таркибий қисми бўлган «фикр» тушунчаси «тасаввур», «муҳокама», «қарашлар», «мулоҳазалар», «ишонч», «эътиқод», «лафз», «фикр билдириш», «эътироз», «фикр якдиллиги», «плюрализм» ва ҳоказо терминларга синоним тушунча сифатида ҳам талқин этилади. Фикр тушунчасининг бундай ҳар ёқлама талқини жамоатчилик фикрини тушунишда муайян мураккабликлар туғдириши табиийдир.

Худди шунингдек, жамоатчилик тушунчаси хусусида ҳам илм-фанда якдил қарашларнинг йўқлигини эътироф этиш жоиздир. «Жамоатчилик» тушунчаси энг қадимги даврларда, хусусан, кўҳна Эллада ва Рим давлатлари сиёсатида муҳим ўрин тутган бўлиб, унга халқ фикри нуқтаи назаридан қараб келинган. Гарчи, қадимги Эллада мамлакатида жамоатчилик фикрига муҳим аҳамият бериб келинган бўлса-да, бу масалада кўпроқ дифференциал ёндошув устунлик қилган. Хусусан, халқ фикри зодагонлар, аскар бошлиқлари, шаҳарликлар, озод афиналиклар фикри периферия, полислар ёхуд плебейлар ва қуллар фикридан кескин фарқ қилган. Шу боисдан «жамоатчилик» термини қадимги Юнон ва Рим давлатларида «эл-халқ мақсад-тилаклари», Германия, Франция ва Англияда «омма хоҳиш-иродаси», Польша ва Чехословакияда «гуруҳ», Россияда «йиғин фикр-ёди» маънолари билан уйқаш тушуниб келинган.

Мовароуннаҳрнинг кўп минг йиллик тарихида жамоатчилик термини муқаддас тушунчалардан саналиб шахс ва жамоа муносабатларида бирламчи ўрин тутиб келган. У шахснинг таваллудидан бошлаб бутун ҳаёти давомида муайян маёқ вазифасини ўтаб, тартиб-қоидалар, тузуклар, қонунлар, урф-одатлар ва анъаналар тарзида амал қилиб, кишиларнинг хатти-

ҳаракатлари, ўй-фикрлари, орзу ва режаларини муайян мақсадлар сари йўналтириб турган. Жамоатчилик фикрининг шахс ва жамият муносабатларида устун мавқега эгалиги «жамоатчилик» тушунчасини эл, халқ, кўпчилик мазмунида тушуниш, «фикр» тушунчасини эса ёндошув, нуқтаи назар маъносида англаш имконини беради. Шу боисдан бизнинг назаримизда жамоатчилик фикри тушунчасини халқ ёндошуви ёхуд халқ нуқтаи назари тарзида тушуниш мақсадга мувофиқдир. Зеро, фикр нуқтаи назар маъносида тушунилганда ўз луғавий мазмуни замирига мулоҳаза, баҳолаш, қарашлар сингари таркибий ҳамда тизимий тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Шундай қилиб, жамоатчилик фикри тушунчасига берилган юқоридаги таъриф негизида мазкур ижтимоий ҳодиса моҳияти ва таркибий қисмлари хусусида атрофлича мулоҳаза юритиш масъулияти мужассамлашганлигини эътиборда сақламоқ лозимдир.

Жамоатчилик фикри тушунчасининг маъно доираси жуда кенг бўлиб, унинг таркибига мазкур ижтимоий ҳодисанинг шаклланиш жараёнлари, фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари, умуминсоний вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва таъсири масалалари ҳам киради. Юқорида таъкидлаганимиздек, жамоатчилик фикри моҳиятини изоҳловчи турли-туман таърифлар мавжуд бўлиб, улар ижтимоий онгнинг бу ҳодисаси мазмунининг у ёки бу жиҳатларини ойдинлаштиришга, тўлақонли яхлит тасаввур шаклланишига шубҳасиз кўмаклашади.

Жамоатчилик фикри термини Ғарбий Европада илк даъфа Англия ҳуқуқ назарияси фанида қўлланилган бўлиб, сўнгра у Германия, Франция ва бошқа мамлакатлар ижтимоий сиёсий ҳаётида кенг фойдалана бошланди.

XVII ва XVIII асрларда Англия ижтимоий ҳаётида мазкур муаммо бирмунча тор тушунилиб асосан сиёсий фикрлар жамоатчилик фикри сифатида талқин этилиб, мамлакат парламентида қабул қилинган қарорларга нисбатан халқнинг қарши ёки тарафдор кайфияти жамоатчилик фикри сифатида талқин этиб келинди.

XVIII аср сўнгига келиб, Англияда шахс эркинлиги ва озодлиги амалда таъминланганлиги, ҳар бир шахсга ўз мулоҳаза ва нуқтаи назарларини ошкора изҳор эта олиш ҳуқуқларининг расман берилганлиги ва қонун йўлида мустаҳкамланиши билан жамоатчилик фикри тушунчаси кенг оммалаша бошлади.

Жамоатчилик фикрининг оммалашуви жамиятда унинг расмийлашуви, ташкилий шаклланиши жараёнларини ҳам тезлаштириб юборди. Ижтимоий ҳаёт таркибида турли хил сиёсий оқимлар, партиялар, уюшма ва жамиятлар фаол амалий-назарий саъй-ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Турли хил ташкилот ва бирлашмаларга уюшган кишилар табиат ва жамият хусусидаги тасаввур ва режаларини янада кенгроқ ёйиш мақсадларида оммавий ахборот воситалари тараққиётига ҳам кучли туртки бердилар. Бу эса жамоатчилик фикри юзасидан бой эмпирик материалларнинг тўпланишига олиб келди ва натижада уни назарий тадқиқ этиш жараёни долзарб масала сифатида кун тартибига қўя бошлади. Бу хусусда амалга оширилган илк тадқиқотлар хусусидаги маълумотларни Д.Брайс[1] ва Ф.Гольцендроф[2] асарларида учратамиз.

Бу асарларда илгари сурилган фикрларга кўра, Ғарбий Европада жамоатчилик фикри XIX аср охирига қадар ҳуқуқшунослик фанининг предмети сифатида ўрганилиб келинган. XX аср бошларидан эътиборан эса жамоатчилик фикри билан ижтимоий психология фанининг йирик намояндалари жиддий қизиқа бошладилар. Қисқа вақт ичида Г.Лебон, В.Баур, Ч.Кули, У.Липман ва бошқа йирик мутахассисларнинг салмоқли тадқиқотлари нашрдан чиқазилди. Бу асарларда жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати, илмий бошқаришга мойил ҳодиса эканлиги, муайян йўналишлардаги мотивацион омиллар ҳосиласи сифатида талқин этилди.

Жамият ҳаётига социология фанининг кириб келиши жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамиятини кескин кучайтирди. Жамоатчилик фикри социология фанининг узвий тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганила бошланди. Айни чоғда мазкур муаммони илмий таърифлаш ҳамда ёндошишда қатор плюаралистик нуқтаи назарлар илгари сурила бошланди[3].

Хусусан, таниқли социолог М.Оугл фикрига кўра, жамоатчилик фикри моҳиятини изоҳлашда якдил нуқтаи назарнинг шаклланмаганлигини бу борадаги илмий-назарий

---

[1] Д.Брайс.Американская республика в трех частях, ч.III, М., 1980 г

[2] Ф.Гольцендорф.Общественное мнение, СПБ, 1880 г.

[3] Bocard E.Silent Polls and the ewareness of public opinion.N Y , etc, 1972 VII p.

хаос ҳолати ҳалигача барҳам топмаганлигини алоҳида таъкидлаган[1].

Ахлоқшунослар ва психологлар мазкур ижтимоий муаммони изоҳлашда жамоатчилик фикри ҳодисасига динамик такомилдаги ўзгарувчан ижтимоий-руҳий ҳолат деб ёндошишга мойил бўлсалар[2], сиёсатшунослар уни ижтимоий онгнинг муайян мустақил шакли деб асослашга ҳаракат қилганлар[3].

Узоқ йиллар Буюк Британия жамоатчилик фикри институтининг директори бўлиб ишлаган Г.Дюрент жамоатчилик фикри жамият маънавий ҳаётининг том маънодаги мураккаб ижтимоий ҳодисаси эканлигини қайд этиб, ана шу мураккаблик боис уни лўнда ва яхлит тавсифлаш ва таърифлаш имкони йўқлигини, бу жараённинг қўл билан ушлаб бўлмайдиган, кўз билан кўриб илғамайдиган, ҳеч қандай ўлчовларга мувофиқ тушмайдиган серқирра ҳодиса эканлигини таъкидлайди[4].

Герцен, Бакунин, П.Н.Ткачев ва бошқалар рус халқи жамоатчилик фикрининг негизида артель, яъни жамоа туришини махсус таъкидлайдилар. Артеллар рус халқининг муайян гуруҳ, уюшма ва жамоалар доирасида «уюшувга интилишлари кучли эканлигини исбот этади»[5]. Зеро, артеллар кўп асрлар давомида рус деҳқонларини иқтисодий ночорликка тушишдан сақловчи ҳаётий омил вазифасини ўтаб келди.

Шубҳасиз, жамоатчилик фикри кишиларнинг у ёки бу ҳодисага нисбатан билдирган эътирозий ёҳуд эътирофий муносабатлари, таклиф ва истаклари жамул-жамидир. Жамоатчилик фикри моҳиятини умумий тарзда ва тўғри баҳолашда америкалик социолог Уолтер Липман нуқтаи назари эътиборга лойиқдир. «Жамоатчилик фикри, — деб таъкидлайди у, — кишиларнинг умумий, жамоавий манфаатлари ифодасидир»[6].

XIX аср француз жамиятшунос — олими А.Сонининг фикрича, жамоатчилик фикри ўз ижтимоий-сиёсий ғоялари ва нуқтаи назарларини тарғиб-ташвиқ этиш оммалаштириш

---

[1] Ougl M. Public opinion and Politcal dynamics.-Boston: L.etc, 1950.p 40/

[2] The Harris Survey Year Book of Publik Opinion. N.Y., 1970. P.28-36.

[3] A. Compedium of Curneant American Attitudes. N.Y., etc, 1970.96p.

[4] The Britush Journal Sociology. Vol.n.2. 1955 June.

[5] М. Бекмуродов. Моваroуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи. Т., «Фан», 1994,б.9.

[6] Lipman W. Publik opinion. N.Y., etc, 1992.96p.

имконига эга бўлган ҳар қандай гуруҳ томонидан ҳам шакллантирилиши мумкиндир[1]. Англиялик файласуф Ж. Локк жамоатчилик фикри таъсир доирасини торайтириб тушунтиришга уринади. Унинг фикрига кўра, жамоатчилик фикри жамоа ахлоқий қарашларининг ифодасидан бошқа нарса эмас[2]. Юқорида номи тилган олинган тадқиқотчи Г.Дюрент эса жамоатчилик фикрини сиёсатшунослик назариясининг тадқиқот объектига боғлашга уринади[3]. Табиийки, бундай ёндошувлар жамоатчилик фикрининг аҳамияти ва ижтимоий таъсири кўламларини етарли англамасликдан бошқа нарса эмасдир.

Жамоатчилик фикрига адабиёт ва санъат, сиёсат ва диний муассасалар арбоблари ҳам турлича изоҳ ва таъриф беришга ҳаракат қилганлар, зеро, аксарият ҳолларда адабиёт, санъат борасидаги истеъдодли асарлар, муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар, диний қоида ва қарашлар теварагида ҳам кучли жамоатчилик фикри шаклланиши, жамиятда муайян ижтимоий резонанс туғдириши табиийдир.

Шундай қилиб, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ахлоқ, сиёсат, санъат, дин сингари шакллардаги маълум ҳолати ва айни чоғда мазкур соҳаларда унинг нечоғли яхлит намоён бўлиш мезони ҳамдир. Гегель ўзининг «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида жамоатчилик фикри таркиби ва моҳияти хусусида мулоҳаза юритиб, унга «мувофиқлик» мезонига кўра уйғунлашувчи фикрлар жамулжамидан ўзга ҳодиса эмас деб қарайди. «Кишилар, — деб қайд этади улуғ файласуф, — ижтимоий ҳодисалар хусусида ўз мулоҳазаларини изҳор этишлари ҳисобига кўпчиликнинг ўзаро мантиқан мувофиқ умумий фикри юзага келади[4]. Гегельнинг таъкидлашига кўра, жамоатчилик фикри «халқ ўй-хаёли ва хоҳишларининг ноорганик бирлашуви ва ялпи намоён бўлиши[5]дан ўзга нарса эмасдир. Гегель ижтимоий ҳаёт соҳаларининг баъзиларида, хусусан, илм-фан муаммоларига ёндошишда жамоатчилик фикридан фойдаланмаслик нуқтаи назарини илгари суради. У илм-фан чуқур текширилган, атрофлича тадқиқ этилган маълумотлар негизидагина такомил топишини таъкидлайди.

---

[1] Sapvy A.Lopinion public.Psris, 1956.P.5-9.

[2] Дж.Локк. Избранные философские произведения в двух томах: Т.1.М.: Соц. Эк.гиз., 1960.С.356.

[3] Г.Дюрент. Кўрсатилган манба.153-бет.

[4] *Гегель.* Сочинения, том YII.М.-Л.: Соцэкгиз, 1934, 336-б.

[5] Ўша ерда, 324-бет.

Аксарият ҳолларда жамоатчилик фикри «махсус тайёргарликдан ўтмаган кишилар фикр-мулоҳазаларининг йиғиндиси сифатида кўпинча тасодифий фактлар, тасдиқланмаган хабарлар, фисқ-фасод ва ғийбатлар асосида ҳам шаклланиши мумкин»[1], деб уқтиради.

Шундай қилиб, Гегель жамоатчилик фикрига баҳо беришда эҳтиёткорлик ва совуққонлик зарурлигини таъкидлаб, масалага бирмунча консерватив ёндошади, бу ижтимоий ҳодисани такомиллашув, бошқарув жараёнларида англашни инкор этади.

Атоқли француз ёзувчиси ва файласуфи Жак Мармонтель жамоатчилик фикрига катта баҳо бериб, кўпчилик томонидан илгари сурилувчи ғоя ва талаблар моҳият эътиборига кўра ҳалоллик ва ҳақиқатдан иборат бўлишини таъкидлайди ҳамда бу ҳаракатга ижтимоий таъсир-тазйиқ кўламларини ҳар томонлама кенгайтириш лозимлигини уқтиради: «Ҳар бир ҳолатда уч асосга, яъни ҳалоллик, ҳақиқат ва фойдалилик мезонларига таяниш лозимдир»[2].

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида, хусусан, XXI аср бўсағаларида жамоатчилик фикрининг юзага келиши, шаклланиши ва амал қилиши жараёнларида ҳамда унинг таъсир кўламлари кенгайишида илмий билимлар иштироки ҳар томонлама орта бошлади. Бу нарса халқаро «Экосан», «Гринпис» сингари уюшмалар фаолиятларида экомуҳитни сақлаш борасида амалга оширилаётган халқаро дастурлар, ядро қуроли синовларининг табиий муҳитга кўрсатаётган зарарларини асослаб илгари сурилаётган ижтимоий талаблар, планетамиз имкониятлари ва ресурсларидан хўжасизларча фойдаланишга қарши ҳаракатларда яққол ифодасини топмоқда. Зеро, жамият ҳаётига илмий билимлар, фан ютуқлари таъсирининг орта бориши ижтимоий онгнинг инсонийлашуви (гуманизация) тенденциясини кучайтириши табиийдир.

Ҳозирги замон Америка олимлари жамоатчилик фикри таркибини таҳлил этганларида уни «публика», омма тушунчалари билан мустаҳкам боғлиқликда ўрганишга ундайдилар. К.Юнг ва Л.Фримен жамоатчилик фикрини бирор — бир масала, муаммонинг ечими хусусида билдирилган фикрлар жамулжами, шу борадаги эътиқод ва ишонч билан

---

[1] Ўша ерда, 341-бет.

[2] *Қаранг:* Симфония разума. М., «Молодая гвардия», 1977, 72-бет.

узвий боғлиқликда тушунтирадилар. Жамоатчилик фикри муайян гуруҳнинг бирор — бир ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масала хусусида билдирилган эътиқоди, фикр-қарашларининг ифодасидир»[1].

Бундай изоҳ жамоатчилик фикрини муайян гуруҳ, оломон фикри, жамоатчилик фикри субъектларини эса бевосита табиий ва мазмунан мантиқий уюшувлари зарур бўлмаган тасодифий тўда сифатида тасаввур этишга олиб келади.

Жамоатчилик фикрини юқорида кўриб чиққанимиздек, муайян, мавҳум, гуруҳ, тўда фикри тарзида тушунишни рус олими В.И.Бехтерев ўзига хос асослашга ҳаракат қилади. Олимнинг таъкидлашига кўра, жамоатчилик фикри ташкилий таркиб топган йиғинлар, яъни расмий жиҳатдан уюшган мулоқот шакллари парламент, съезд, конгресс, мунтазам ўтказиб турилувчи мажлисларда бирлашган жамоалар томонидан ифодаланувчи мулоҳазалар мажмуи ҳамда аниқ ва конкрет касб-корий соҳалар, яъни қалам аҳли — ёзувчи ва шоирлар олами, ўқитувчилар давраси — педагогик муҳит, ҳарбий, тиббий ва бошқа соҳаларда шаклланувчи фикр-қарашлар жамулжамидан иборатдир. В.И.Бехтерев расмий уюшган йиғинларда билдирилувчи фикрларни амалий кучга эга бўлган жамоатчилик фикри сифатида, оломон томонидан ўртага қўйилувчи талаб ва таклифларни эса амалий кучга эга бўлмаган пассив жамоатчилик фикри тарзида талқин этади[2].

Мазкур хулосалардаги умумий фикр билан жамоатчилик фикри ўртасидаги муайян миқдорларда ўзига хослик ёхуд фарқ мавжудлигини эътироф этган ҳолда умумий фикр ва жамоатчилик фикри ўртасидаги «Хитой девори» қўйиб талқин этиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Бинобарин, бизнинг назаримизда, умумий фикр жамоатчилик фикрининг уйғун таркибий қисми ҳисобланади ва улар муайян ижтимоий мақсадларга эришиш жараёнларида бири иккинчисини тўлдириб боради. Жамоада юзага келувчи нуқтаи назарларнинг тадрижийлиги ҳар қандай фикрнинг тугал ижтимоий моҳият касб этишида кишиларнинг турли мулоқот шаклларидаги мулоҳазалари муайян жараёний босқичлар вазифасини ўтаб боришини ҳам таъкидлаш лозимдир. Айни чоғда жамоалар

---

[1] *Г.Беккер, А.Босков.* Современная социологическая теория в ее преемственности и изменении.М.,1963,с.632.

[2] *Қаранг:* Бехтерев В.И.Коллективная рефлексология, СБП, 1921, с.87.

фикри ўзининг мазмунан тўлақонлиги ва яхлитлиги, ҳаққонийлиги ва адолатлилиги, ҳаёт манзараларига мувофиқлиги билан ажралиб туради. Ваҳоланки, тоталитар тузум даврида жамоаларда шакллантириладиган ижтимоий фикр марксча-ленинча мафкура нуқтаи назаридан деформация қилинар ва реал борлиқ муаммоларини айнан ифода этишдан маҳрум эди.

Демак, жамоатчилик ҳодисасининг муҳим таркибий ва жараёний белгиларидан бири кишиларнинг ижтимоий воқелик хусусидаги тасаввурларининг нечоғли ҳаққонийлиги, уларнинг мафкуравий таъсир тазйиқлардан холилиги ҳамда жамоавий фикр-қарашларнинг мазмунан яқдиллигидан иборатдир. Алоҳида шахс фикрининг жамоа фикрига монанд ва айнанлиги шу жамоага уюшган кишилар бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам жамоатчилик фикри негизларидан бири унинг жамоавий хусусиятга эгалиги, унга ҳар жиҳатдан мустаҳкам таянишидир. Жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари нечоғли мустаҳкам, беғараз ва табиий бўлса, жамоавий фикр ҳам шунчалик ҳаётий, кучли ва яхлит мазмун касб этади. Зеро, улуғ мутафаккир Ибн Сино ҳазратлари айтганларидек, «ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнларида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади»[1].

Демак, жамоа, жамоавий фикр жамоатчиликнинг умумий нуқтаи назари учун асос вазифасини ўтар экан, мазкур асоснинг мустаҳкам ёҳуд заифлигига кўп нарсалар боғлиқдир. Бу хусусда ҳазрат Беруний шундай деганлар: «Ожиз асосларга эга бўлган ғоялар, фан ва соҳалар ожиз натижаларни келтириб чиқаради. Улардан келиб чиқувчи хулосалар ҳақиқий илмларга нисбатан чалкашдир[2]».

Бинобарин, кишиларнинг жамоада узоқ йиллаб ёнма-ён туриб меҳнат қилишлари, бир хил йўналишдаги иш бажаришлари, ҳаёт ташвишларини ҳал этишга деярли бир хил вақт сарфлашлари, ўзаро яқин иқтисодий-маиший аҳвол уларнинг интеллектуал — маънавий даражалари, ҳиссий-

---

[1] *Б. Э. Рыховский.* Философские наследия Ибн Сины. //Вопросы философии, 1955, №5, С.22.

[2] Абу Райхан Беруний. Избранные произведения. Ташкент, 1966, стр.260.

эмоционал ҳолатлари ва ҳатто эстетик дидлари, қизиқишу интилишларининг ўзаро муштараклигини таъминлаб беради.

Муайян воқеа хусусида қатъийлашган жамоатчилик фикри эса жамоада ва жамоадан четдаги шахсларнинг фикр-қарашлари, ёҳуд мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди.

Жамоатчилик фикрининг шаклланиш жараёнлари ҳам мураккаб ва кўпқирралидир. Агар ижтимоий ҳодиса турли гуруҳ, жамоалар тақдири ва манфаатларига таъсир этувчи мазмунга эга бўлса, бундай жамоатчилик фикри хилма-хил нуқтаи назар ва мулоҳазаларнинг муросасиз баҳслари жараёнида бамайлихотир шакллана боради. Бундай бўлишига сабаб, аввало, жамоаларнинг ҳаёт ўзгаришларига иқтисодий, ижтимоий ва маданий тайёргарлик даражаларининг номутаносиблиги ҳамда аҳоли қатламларида ижтимоий воқелик хусусидаги информация — маълумотларнинг етарли ёки етарли эмаслиги кўп жиҳатдан боғлиқлиги билан изоҳланади. Ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалар хусусида маълумотлар нечоғли камчил бўлса, фикрлар номувофиқлиги ва баҳси шу қадар кескинлаша боради.

Шу боисдан ҳам муайян ижтимоий воқеа хусусида маълумотлар миқдор ва сифат жиҳатидан қанчалик тўлақонли, ишончли бўлса, жамоатчилик фикри мантиғи ҳам ҳаёт ҳақиқатига шунчалик мувофиқ бўлади ҳамда ижтимоий ўзгаришлар йўналишига кўпроқ ва самаралироқ таъсир кўрсата олади. Абу Райҳон Беруний таъкидлаганларидек, «Хабар хабарчилар сабабли рост ва ёлғон тусини олади»[1]. Бу одат инсонга хосдир, чунончи, «биров ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб, ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар тўғрисида ёлғон хабар тарқатади. У бу хабарни дўстлик ё душманлик натижасида тарқатган бўлади»[2].

Тўғри, ёлғон ахборот муайян таъсир кучига эга бўлиб, жамоатчилик резонансини намоён этса-да, бу ҳол ўзининг ўткинчи табиатга кўра ҳамиша ҳам пировард натижаларга олиб кела олмайди. Одатда, ёлғон информациялар шахслар томонидан халқлардаги маълум статик тасаввур ва тушунчаларнинг турғун сақланиб турилиши учун уларга шуурига атайин мақсадли сингдирилиб борилади.

---

[1] *Абу Райҳон Беруний.* 100 Ҳикмат. Т., «Фан», 1993, 15-бет.
[2] Ўша жойда, 16-бет.

Шу нарсани таъкидлаб тушунтириш лозимки, кишиларнинг саъй-ҳаракатлари, хулқи, юриш-туришлари аҳволига маъқуллаш ёки танқид қилиш орқали тазйиқ кўрсатиш, уларни ижтимоий мақбул йўналишга буриш жамоатчилик фикри ҳодисасининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу борада масалага дифференциал, ёндошиш, жамиятдаги кишиларнинг ақлий-интелектуал жиҳатлардан ўзаро фарқланиши ва ана шу фарқ нисбатлари жамоатчилик фикрининг таъсирчанлик даражасига сезиларли таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Жамиятда муайян таъсир имкониятларига эга шахслар жамоатчилик фикри учун асос бўладиган масаланинг туб моҳиятларини англашга, умумий ҳаракатга онгли тарзда ҳиссасини қўшишга интиладилар Етарли билим ва салоҳиятга эга бўлмаган шахслар эса аксарият ҳолларда инерция кучли ёҳуд бошлари гангиб ижтимоий-сиёсий воқеликка аралашиб кетадилар. Бу борада улуғ мутафаккир Абу Райҳон Беруний эътирозга ўрин қолмайдиган ибратли ўгитларни айтиб кетганлар: «Авом халқнинг табиати сезги орқали англаниладиган нарсалар билан чекланиб, асосдан келиб чиққан шахобчаларга қаноат қилади, асоснинг текширилишини истамайди»[1]. Чунки, «билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади»[2]. Шу боисдан ҳам интеллектуал такомилга эришган ақлли, фаросатли шахслар ўз саъй-ҳаракатларининг умуминсоний талабларга нечоғли мувофиқ келишини жамоатчилик фикри томонидан маъқулланиш даражасига кўра ўлчашга мойилдирлар.

Жамоатчилик фикрининг муайян воқеа хусусида эътирофий ёҳуд эътирозий нуқтаи назари, шахс хатти-ҳаракатларига кучли тазйиқ ўтказиши нафақат оддий-одатий тажрибадан, балки конкрет социологик манбалардан ҳам маълумдир[3].

Жамоатчилик фикрининг шахсга ишонч ва умидий муносабати унинг кишилар ташвишига жонкуяр, бева-бечора, етим-есирга меҳрибон, халқ тақдирига ҳамдард ижтимоий куч сифатида шаклланишига имкон туғдиради.

Жамоатчилик фикрининг тадрижий шаклланиш жараёнлари одатда қуйидаги тартибларда амалга ошади: биринчи босқичда ижтимоий ҳолат, факт, ҳодиса таъсирида алоҳида шахслар онгида индивидуал фикр-таассуротларнинг юзага келиши:

---

[1] *Абу Райҳон Беруний*: 100 Ҳикмат. Т., «Фан», 1993, 14-бет.

[2] Ўша жойда, 7-бет.

[3] *Қаранг:* М.Бекмуродов. Социология асослари. Т., «Фан», 1994, 32-47-бетлар.

иккинчи босқичда алоҳида шахслар фикрларининг суҳбат, баҳс, муҳокама, йиғин ва митинглар воситасида жамоа фикрига айланиши: учинчи босқичда эса жамоалар фикрининг сифат ўзгаришига юз тутиб, жамоатчилик фикрига айланишини ифодаловчи нуқтаи назарлар уйғунлашуви ва бирлашуви жараёнларидир.

Жамоатчилик фикрининг шаклланишига оммавий ахборот воситаларининг радио, телевидение, жамоат ташкилотлари фаолиятлари кучли таъсир кўрсатади.

Ислом дунёсида фикр алмашув масаласига жиддий эътибор қилиниб, бу омилнинг инсонларни нафақат ўзаро жипслаштириш, балки уларни ҳақиқатни англашга ва пирвордида эса халққа яқинлаштиришга имкон берувчи восита эканлиги уқтирилади. Ҳақиқий мусулмон фарзанди бирор сайъ-ҳаракатнинг бошини тутмоғи учун англанган ҳақиқатга эришмоғи, бу йўлда қатъият ва ирода кўрсатмоғи лозимдир. Улуғ устозларимиз ҳаёт ҳақиқатларини англамоғимиз учун аввал бошда маълум руҳий ва интеллектуал тайёргарликларни ўтамоқ лозимлигини тайинлайдилар. Бу борада тасаввуфнинг буюк намояндаси Хожи Баҳовуддин Нақшбандийнинг сўзлари ибратлидир: «Толиб аввало бизнинг дўстларимиз билан ҳамсуҳбат бўлиши зарур, токи унда бизнинг суҳбатимизга нисбатан қобилият пайдо бўлсин»[1]. Улуғ ҳазрат умумий, якдил фикр шакллантиришдан бош мақсад ҳақиқатни билмоқ моҳиятан ҳаққа яқинлашмоқ эканлигини, бунинг учун эса бевосита мулоқот, баҳс, суҳбатлар асносида ҳар бир инсон ўзлигини чуқурроқ англаб олиши зарурлигини таъкидлайдилар. «Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таоло дўстларидан бири бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Суҳбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсонда камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбатида мулозаматда бўлишини ўзи учун фарзи айн ҳисоблансин»[2].

Жамоатчилик фикри ўз табиатига кўра динамик хусусиятга эга ижтимоий ҳодисадир. У жамиятда узоқ йиллаб статик ҳолатда яшаб келувчи пассив ижтимоий фикрлардан, энг аввало,

---

[1] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир Ибн Муҳаммад Али Баҳовуддин Балогардон. Т., «Ёзувчи», 1993, 77-бет.

[2] Ўша ерда, 79-бет.

мақсаднинг конкретлиги, ижтимоий фикр реал-моддий кучга айланиб борганлиги, қатнашчиларнинг потенциал ва реал сони нисбати, масалани ҳал этиш қуввати-ҳосиласига кўра фарқланиб туради. Айни чоғда у жамиятда муайян мақсадларга эришиш йўлида интилувчи турли хил аморф йиғинлардан ҳам фарқлидир.

Мустақил давлатчилик шароитида жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамияти янада муҳим касб эта бошлади. Унинг амалий аҳамият фаолият сарҳадлари кенгайиб, жамият ҳаётида кўрсатадиган таъсири кўламлари кескин орта бошлади.

Мазкур ижтимоий ҳодисанинг мустақиллик шароитидаги янги вазифа ва йўналишлари Президент И.Каримовнинг қатор асарларида илгари сурилган катта назарий масалалар мазмунидан янада ойдинлашади. Шу асосда жамоатчилик фикрининг бугунги долзарб йўналишлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш жоиздир:

— ўзбек халқининг бир ярим аср давомида маҳрум этилган ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзи белгилаш орзусини ҳаётга жорий эттириш билан боғлиқ ижтимоий ҳаракат йўналиши;

— ҳар тамонлама мустаҳкам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролар жамиятининг барпо этилиши, барқарор бозор иқтисодиёти ошкора ташқи сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий — сиёсий ҳаракат йўналиши[1].

Мазкур бош йўналишлар мамлакат ички ва ташқи сиёсати бобида қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олади:

— ўзбек халқининг миллий, ҳудудий, ҳиссий-эмоционал ва анъанавий ўзига хосликларидан келиб чиқувчи халқ демократияси тамойилларининг ижтимоий сиёсий ҳаёт мазмунидан кенг ўрин олиши;

— ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, кишилар ўртасида қонун-қоидалар ва анъаналарга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, қонун олдида катта ёш, амалдор ишчи ва ҳоказо шахсларни тўла тенг ҳуқуқлигини таъминлаш аҳоли турли қатламлари хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, қонун қоидалар, анъаналарга нисбатан мустаҳкам ички интизом фазилатларини қарор топтириш:

— ватанга муҳаббат ва чин одамгарчилик тамойилларини қарор топтириш:

---

[1] Қаранг: Миллий истиқлол ғояси. Т., 2000, 43-бет.

— Ўзбекистон худудида туғилиб ўсган ва бу заминга меҳр қўйган ҳар бир фуқарода миллий ўзига хослигидан қатъий назар юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш;

— мамлакатимизда ўзбекистонликлар учун ягона давлатчилик барпо этилганлигини назарда тутиб, Ўзбекистондан ташқарида яшовчи ҳар бир ўзбекистонлик учун бу давлат унинг учун ҳам она Ватан эканлигини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ватандан ўзга давлатларда яшовчи ҳар бир ўзбек Ўзбекистон обрўсини юксалтиришга масъул эканлигини тушунтириш;

— мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат вакилларига ҳурматга ҳурмат муносабатида бўлиш, ўзбек тили тўғрисидаги қонунни ўзлаштиришларига кўмаклашиш, миллий ва ҳуқуқий чекланишларидан юқори бўлиш;

— умуминсоний қадриятлар асосидаги ахлоқий-эстетик қарашлар устуворлигини таъминлаш, ҳеч қандай мафкуравий сиёсий қарашлар ва нуқтаи назарларнинг устун ижтимоий мавқелар эгаллашларига йўл қўймаслик, зеро, ҳеч қандай мафкура сўнги ҳақиқатни ифодалашга кафолат бера олмайди;

— ҳақиқий демократия қўзгусини ҳисобланувчи кўп партиявийлик тартиботини жорий этишни қўллаб-қувватлаш, айни чоғда давлат тузумини, мавжуд ҳокимиятни зўрлик ва куч билан ўзгартиришни мўлжалловчи, Ўзбекистон давлат суверенитети, мамлакат яхлитлиги ва дахлсизлигига раҳна солувчи, миллий, диний, ирқий ёки худудий айирмачиликка ундовчи, мамлакат конституциясига хилоф иш юритувчи барча партиялар, уюшма ва ижтимоий ҳаракатлар фаолиятларини қатъиян чеклашни ёқлаш.

Ижтимоий-маданий соҳаларда:

— гуманизм ғояларига садоқат, инсон шахси ва турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларда ижтимоий himoя воситаларини кенг қўллаш, шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний ғурури, ор-номусини ҳурматлаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Декларация талабларига риоя қилиш;

— халқ маънавияти ва анъанавий ахлоқий қарашларини тиклаш, миллий меросни асраш, эҳтиёт қилиб авлодларга етказиш чораларини кўриш, қадимий тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, Ўзбекистонда асрлар давомида яратилган беқиёс санъат асарларини излаб топиш ва қайтариш чора-тадбирларини кўриш;

— ўзбек тилининг Ўзбекистон халқларини ўзаро ҳамжиҳатликка ундовчи ва уюштирувчилик ролини кенг тарғиб этиш, давлат тили тўғрисидаги қонун талабларини тўла бажариш, Ўзбекистон халқлари тақдири, маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишга даъват этиш;

— сўз, дин ва фикр эркинлигини таъминлаш, ислом ва бошқа динлар инсоннинг маънавий шаклланиш манбалари эканлиги, диний эътиқод давлат томонидан ҳурмат қилиниши, мўмин-мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж сафарларига кенг имкониятлар яратилиши;

— ҳар бир фуқарога умумий таълим, махсус билимлар ва олий маълумот олиши учун тенг ва баравар шарт-шароитларнинг яратилиши, мафкура ва миллий фетишизмдан холи бўлган янги демократик маориф концепциясининг ишлаб чиқилиши;

— илмий, ижтимоий, бадиий ва бошқа ижодиёт турлари такомили учун етарли шарт-шароитларнинг юзага келтирилиши, иқтидорли ёшларга кенг йўл очилиши, интеллектуал мулк ҳимояси хусусида қарорлар қабул қилиниши:

Мазкур масалалар юзасидан давлат муассасалари, ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларида, обрў-этиборли шахслар кўмагида қуйидаги йўналишларда ялпи жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадга мувофиқдир:

— эзгулик йўлида хизмат қилувчи шахслар, меҳнат илғорлари, пиру-бадавлат инсонлар обрў-эътиборини оширишга қаратилган ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш;

— ижтимоий муносабатлар тизимида тоталитар тузум шароитида шаклланган ижтимоий зарарли одатлар, хусусан, сурбетлик, ҳаёсизлик, жамоат мулкини менсимаслик ва топташ, космополитизм, ватанга беқадрлик, миллий маънавий қадриятларга ҳурматсизлик, хусусий мулкка нафрат сингари ижтимоий салбий ёндошувларни жамоатчилик фикри орқали нейтраллаш;

— Ўзбекистон Республикасининг инсонпарвар ички ва ташқи сиёсатини ялпи қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш.

Шундай қилиб, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати сифатида кенг халқ оммасининг алоҳида

шахслар, гуруҳлар ва реал борлиқ воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирувчи нуқтаи назаридир.

Асосий тушунчалар

АВТОРИТАРИЗМ (лот. **avtoqitas** — ҳокимият) бошқарувнинг тазйиқий услублар билан ифодаланувчи давлат тизими.

АДАПТАЦИЯ (лот. **adaptatio** — мослаштириш) — инсоннинг янги фаолият шароитларига, маълум бир ижтимоий гуруҳлардаги муносабатлар тизимига мослашуви.

АНЪАНАЛАР — узоқ вақт давомида авлоддан авлодга ўтказиб бериладиган ва маълум жамиятларда, ижтимоий гуруҳларда сақланиб борадиган ижтимоий ва маданий мерос элементлари.

АСОЦИАЛ ХУЛҚ (юнон. **a** — инкор, **socialis** — ижтимоий)- алоҳида олинган шахс ёки одамларнинг ижтимоий-салбий сабаблар асосида юзага келадиган ижтимоий ҳаёти шакли бўлиб, бундай хатти-ҳаракат бошқа шахс, ижтимоий гуруҳ ва ҳатто жамиятга ноқулайликлар ёки зарар етказиши мумкин (масалан, ичкиликбозлик ёки жиноятчилик).

АТРИБУЦИЯ (лот. **attributum** — берилган) — ижтимоий объектларга (инсон, гуруҳ, ижтимоий бирликлар) хос бўлган, лекин кўз илғамайдиган хусусиятлар.

АХЛОҚИЙ-МАЪНАВИЙ МЕЪЁР — тўғри ёки нотўғри хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат ҳақидаги ғоялар ва қарашлар тизими бўлиб, у бир хил ҳаракатларни бажаришни талаб этади ва бошқаларини тақиқлайди.

БАНДЛИК (аҳолининг бандлиги) — аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодалувчи ижтимоий-иқтисодий категория.

БОШҚАРУВ — ташкилот махсус органининг функцияси бўлиб, энг кам воситалар (вақт, куч, заҳиралар) сарфлаб, энг юқори натижага эришиш бўйича аниқ ташкил этилган фаолият.

БЮРОКРАТИЯ — тўрачилик, ўз фаолиятига кўра ролларнинг поғонали тарздаги (юқоридан қуйига) тартибига ва қатъий қоида-маросимларга асосланувчи бошқарувнинг кўриниши. Бюрократия шунингдек бевосита жамият бошқаруви функциясини бажарувчи ижтимоий қатлам ҳисобланади ва у қуйидагилар билан ифодаланади: 1) ҳокимиятни амалга

оширувчи хизматчиларнинг имтиёзли қатламининг мавжудлиги; 2) ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият билан номутаносиб фаолият юритиши; 3) бошқарувнинг қиёфасиз (масъулиятсиз) тизими; 4) назорат функцияларининг ижро учун маъсул шахсларга бериб қўйилиши; 5) хизмат юзасидан тобелик тизимининг вужудга келиши, фаолият шаклининг фаолият мазмунига нисбатан устувор бўлиб қолиши.

БЎШ ВАҚТ — инсон, ижтимоий гуруҳ ва умуман жамиятда зарурий равишда сарфланадиган вақт захираларидан ортиб қоладиган, яъни иш вақтидан ташқаридаги вақт қисми.

ГУРУҲИЙ БИРДАМЛИК — шахслараро алоқаларнинг гуруҳ ҳаётий фаолиятининг ворисийлигини ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи мустаҳкамлиги.

ГУРУҲИЙ МУТАНОСИБЛИК — гуруҳ ҳамжиҳатлигининг ижтимоий-руҳий кўрсаткичи бўлиб, унда гуруҳ аъзоларининг ўзаро низоларсиз муомала қилиши ва мувофиқлик имкониятлари акс этади.

ДЕМОГРАФИЯ (грек. Domos — халқ, grapho — ёзаман: халқ ҳақидаги ёзувлар) — аҳолишунослик тўғрисидаги фан. Демография аҳолининг барча табақа ва гуруҳларини сон ва сифат жиҳатидан ўрганади. Бу ерда асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажрим, миграция жараёнлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар ўрганилади.

ЕТАКЧИ (ингл. **leader** — бошловчи, раҳбар) — гуруҳнинг ҳал қилувчи вазиятларда унинг учун масъулиятли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини тан олган аъзоси; бирор-бир жамоада катта обрў-эътибор ва таъсирга эга бўлган шахс; сиёсий партия, жамоат ташкилоти ва ҳ.к.нинг бошлиғи, раҳбари.

ЕТАКЧИЛИК — индивид хатти-ҳаракатининг гуруҳ етакчиси ролига мос келувчи қобилиятлари, сифатларининг намоён бўлиши. Етакчи хили эса ижтимоий тузум табиати, гуруҳ хусусияти ва муайян-тарихий вазиятга боғлиқ.

ИЕРАРХИЯ (юнон. **hieros** — муқаддас, **arche** — ҳокимият) — маълум бир яхлитлик қисмлари ёки элементларининг юқоридан қуйига қараб жойлашиш тартиби. Социологияда бу тушунча жамиятнинг ижтимоий тузилмасини, айниқса бюрократияни белгилашда қўлланилади.

ИНДЕТЕРМИНИЗМ (лот. **in** — инкорни ифодоловчи сифатдош ва детерминизм) — табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг сабабли алоқадорлигини инкор этувчи фалсафий таълимот.

ИНДИВИД (лот. **individuum** — такрорланмас) — одамзоднинг вакили, ўзига хос такрорланмас хусусиятлар эгаси ҳисобланмиш одам.

ИННОВАЦИЯ — ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.

МАКРОСОЦИОЛОГИЯ (юнон. **makros** — узун, катта + социология) — катта ижтимоий гуруҳлар ва тизимларни (масалан, жамият, цивилизация ва ҳ.к.) жараёнларни, ҳаракатларни ва ҳодисаларни, шунингдек, гуруҳларни ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналиши.

МАРГИНАЛ ШАХС (фр. **marginal** — чекка, чегара) — ижтимоий жиҳатдан нормал ҳолатда бўлмаган шахс. Бундай шахс икки ва ундан кўп маданий тизимлар ўртасидаги чегарада оралиқ ҳолатни эгаллайди, қисман ҳар бирига синфган бўлади, аммо ҳеч бирига тўлиқ мансуб бўлмайди.

МЕНТАЛИТЕТ (лот. **mens** — ақл, тафаккур) — индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг, миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзи, воқеликни маълум бир тарзда тушуниши ва биргаликда ҳаракат қилишга тайёрлиги ва мойиллиги.

МИГРАЦИЯ (лот. **migratio** — кўчиб ўтиш) — индивидлар ёки ижтимоий гуруҳларнинг доимий яшаш жойларини ўзгартириш жараёни бўлиб, у бошқа жўғрофий ҳудуд ёки мамлакатга кўчиб ўтишда ифодаланади.

МИКРОСОЦИОЛОГИЯ (юнон. **micros** — кичкина ва социология) — социологияда нисбатан катта бўлмаган ижтимоий тизимлардаги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилишга қаратилган, алоҳида олинган ҳодисаларнинг микродаражадаги жараёнлар билан алоқасини эмпирик тасвирлаш билан чегараланадиган йўналиш.

МИТРАИЗМ — худо Митрага сажда қилиш билан боғлиқ бўлган дин. Миллоддан аввалги сўнгги асрларда Эронда пайдо бўлиб, Рим империяси ва олд Осиёда тарқалган. Христианлик мавжуд бўлган дастлабки юз йилликларда митраизм унинг жиддийроқ рақиби бўлган. Христианлик митраизмга қарши оғир кураш олиб борган.

МОДАЛ ШАХС (фр. **mode**, лот. **modus** — меъёр) — жамиятнинг кўпчилик аъзолари қабул қилган маданий наъмуналарга риоя этувчи инсон.

МОТИВАЦИЯ (фр. **motif** — ҳаракатлантираман) — инсоннинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга ҳаракатлантирувчи истаклар.

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ — корхона, муассаса ва ташкилотнинг хизматчилар ва ишчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали меҳнат жамоасини бошқариш соҳаси.

ШАХС — одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол хатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимига қўшилишининг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди

Такрорлаш учун саволлар

1. Шахс ва унинг ижтимоийлашуви жараёнлари.
2. Шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар тизими.
3. Шахс ва давлат ўртасидаги муносабатлар тизими.
4. Ижтимоий бошқарув асослари.
5. Ижтимоий бошқарувнинг ҳозирги замондаги шакли.
6. Бошқарувда ижтимоий башорат элементлари.
7. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойиллари.
8. Иш ҳақи ва меҳнат натижалари.
9. Жамиятнинг иқтисодий асослардаги таснифи.
10. Меҳнат социологиясининг услубий асослари.
11. Меҳнат ва унинг асосий тузилмалари.
12. Меҳнат жамоасининг турлари.
13. Ташкилот тушунчаси ва унинг белгилари.
14. Ижтимоий ташкилот турлари.
15. Ижтимоий ташкилотларнинг тизимий гуруҳланиши.
16. Узбекистонда маҳаллий бошқарув тизими шакли.
17. Маҳалла — ўзини-ўзи бошқарув тизимининг муҳим ижтимоий органи.
18. Маҳалла субъекти ва унинг кўринишлари.
19. Маҳалла демократияси.
20. Жамоатчилик фикри тушунчаси.
21. Жамоатчилик фикрининг назарий асослари.
22. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши.

6-БОБ. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ

1-§. Социологик тадқиқотлар дастури

Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Дастур ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Зеро, тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

Дастур бўлажак тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Дастур тадқиқ этилувчи ижтимоий муаммо моҳиятини аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини белгилаш, мақсад ва вазифаларни характерлаб бериш, иш фарази (илмий тахмин) ни белгилаш, усулларини аниқлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш тархини чизиб олиш каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастур, асосан икки катта бўлим, яъни — назарий методологик ва амалий-услубий бўлимлардан иборатдир.

Назарий-методологик бўлим мавзу танлаш, тадқиқот объектини характерлаш, мақсад ва вазифалар, фараз ҳамда предметни аниқлаш каби қисмларни ўз ичига олса, *амалий-услубий* бўлим маълумотларни тўплаш усулларини баён этиш, йиғилган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар тайёрлаш сингари амалий фаолиятларни мужассамлаштиради.

Социологик тадқиқотлар назарий асосларини ишлаб чиқиш ва фактларни йиғиш бир пайтда амалга оширилмайди, аммо улар муштарак бирликда умумий вазифаларга бўйсунган ҳолда амалга оширилади. Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида икки асосий талабга риоя қилиш муҳимдир. Биринчидан, ишлаб чиқилган назарий умумлашмалардан реал тадқиқот жараёнларига ўта билиш ва, иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йиғилган эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш, кўникмаларига эга бўлиш ана шу талаблар мазмунидир. Бу икки талабга риоя қилиш, бир жиҳатдан, социологик тадқиқотлар ўтказишни тизимли йўлга қўйиш, жамият ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш

ишларини узлуксиз амалга ошира бориши таъминласа, иккинчи жиҳатдан, илм-фан турли соҳаларининг узвий ривожлана бориши учун кенг имкониятлар очади.

Дастур мазмунида жамиятда турли таъсирлар оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий муаммоли вазиятлар аниқ ифода этилмоғи лозим. Илмий муаммонинг қўйилиши муайян соҳа амал қилаётган билимлар ҳамда амалий андозалар доирасидан чиқмаслик, бу билимлар чегарасини кенгайтириш демакдир. Зеро, муайян тадқиқот бошлангунга қадар маълум бўлган билимлар доирасида ҳамиша ҳам ижтимоий муаммоли вазият ҳал этилавермайди.

Одатда, ижтимоий муаммо амалий воситалар билан ҳал этилмаган ҳолатда илмга, тадқиқот ўтказишга мурожаат қилинади. Бу мурожаат илмда ижтимоий буюртма деб аталади. Шу тарика социологик тадқиқотлар икки йўналишда: ижтимоий буюртма ва шахсан социологнинг ташаббуси асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо социологнинг шахсий ташаббуси ҳам реал ҳаёт муаммолари асосига қурилиши шарт.

Социологик тадқиқотларда илмий мақсад муҳим аҳамият касб этиб, тадқиқотларнинг назарий ёки амалий йўналишларда бўлишини кўрсатувчи мўлжал вазифасини ўтайди.

Мақсадни амалга ошириш жараёнида бир қатор ижтимоий зиддиятли ҳолатларга дуч келиш мумкин. Зеро, ҳамма нарсани олдиндан аниқ белгилаш мумкин эмас. Шу билан барча тадқиқотчи кутилган натижалардан ташқари яна қўшимча натижалар пайдо бўлишини ҳам назардан қочирмаслиги керак. Антик дунё мутафаккири Декарт, «Агар сиз қандайдир ўйланмаган, кутилмаган, хаёлингизга келтирмаган нарсани топишни ўйламайдиган бўлсангиз, сиз бу нарсани ҳеч қачон топа олмайсиз» деган эди.

Мақсадни амалга ошира бориш жараёнида баъзан фақат асосий вазифанигина эмас, иккинчи даражали вазифаларни ҳам бир йўла бажаришга тўғри келади. Шу боисдан ҳам ишда асосий ва қўшимча у ёки бу масалалар бирваракайига ҳал этилади ёки ҳал қилишнинг конкрет йўллари белгилаб берилади.

Мақсаднинг амалга оширилиш жараёнида тадқиқотчи уч анъанавий вазифани бажаришни ўз олдига қуяди. Аввало мавзуни илмий-назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш, иккинчидан, бу илмий-амалий мавзунинг бошқа илм ва ҳаёт жабҳалари билан нечоғлик боғлиқлиги, уларга таъсири

масалаларини ўрганиш ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий зиддиятли ҳолатлардан чиқишнинг мантиқли асосланган йўлларини белгилаб беришдан иборатдир. Дастурда ҳал этилмаган иккинчи даражали вазифалар алоҳида тадқиқотлар сифатида мустақил тадқиқ этилиши қайд қилинади.

Социологик тадқиқотлар илмий атамалари ва тушунчалари қаторида *объект ва предмет* тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Тадқиқотчи ижтимоий муаммо вазиятини самарали ҳал этиши учун объект ва предметни тўғри белгилаши муҳим аҳамиятга эга. Объект одатда мустақил тушунча сифатида тадқиқотчи илмий-амалий фаолиятларининг умумий сарҳадларини ифодалайди. Предмет эса тадқиқотчи томонидан муайян шаклга солинади ва махсус тадқиқот қўлами сифатида ўрганилади. Объект предметдан маъно доираси жиҳатидан анча кенг, предмет объектнинг ҳосиласидир. Зеро, биргина объект замирида бир неча алоҳида тадқиқот предметларини ажратиб олиб ўрганиш мумкин. Баъзан тадқиқотчи дастлаб махсус ўрганиладиган масала, айни предметни аниқлаб олади ва шундан сўнг шу масала теварагидаги муҳит, масалага қон-қариндош жиҳатлар доирасини, яъни объектни белгилайди. Объект ва предмет масаласида илм аҳли даврасида турли мунозаравий ёндашувлар мавжуд. Айрим муаллифлар объект деганда одамлар ёки турли ижтимоий табақа вакиллари деб тушунишади. Биз бундай ёндашувга умуман қўшила олмаймиз. Негаки, инсон кенг маънода тадқиқот объекти бўлиши жуда қийин. Айниқса, ижтимоий соҳада (социология, педагогика, психология ва б.) инсоннинг жисми, физиологик тузилиши эмас, балки унинг руҳий-маънавий дунёси, фаолияти ёки фаолиятининг муайян жиҳатлари ўрганилади. Шу боисдан ҳам ижтимоий фанларда объект деганда ўқувчи кўз ўнгида мавҳум тарзда одамлар эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти, турмуш тарзи, хулқ-атвори гавдаланмоғи лозим.

Предметни илмий жиҳатдан тўғри ажратиб олишда абстрактлаштириш усулининг аҳамияти каттадир. Абстрактлаштириш дегани муайян предметларнинг у ёки бу хусусиятларидан энг муҳимларини иккинчи даражали хусусиятларидан ажратиб тасаввур этишдир. Абстрактлаштириш жараёнида биз, мазкур предметнинг умумий хусусиятларини ифодалаш имкониятига ҳам эга бўламиз. Масалан, шишани кесиш лозим бўлса, уни кеса олувчи предметларнинг бош хусусияти

қаттиқлик бўлиши лозим. Қаттиқ предметлардан энг машҳури эса олмосдир. Илмий-назарий муаммолардан бирини мисол қилиб олайлик. Агар мавзу ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўлса, мазкур илмий муаммо предмети ёшлар орасида ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш масаласи бўлиши мумкин, чунки ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқий билимларини ўзлаштирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Шу мавзу объекти эса ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш учун ёшлар ва клуб муассасалари, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимлари, мактаб ўқитувчилари, ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти бўлиши мумкин. Ёки миграцион жараёнлар ҳодисаларини тадқиқ этадиган бўлсак, объект муайян ҳудуддаги аҳолининг кўчиш аҳволи бўлиши, предмет эса шу аҳолининг миграцион жараёнларда иштирок этишининг ижтимоий-психологик, иқтисодий ёки табиий омиллари бўлиши мумкин. Мақсад эса ана шу миграцион жараёнларни яхшилаш, миллий ва маҳаллий ихтилофларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлади.

Социологик тадқиқотлар дастурида илмий изланишга сабаб бўлган ижтимоий зиддиятли муаммолар ва уларнинг асосий тушунча, атамалари атрофлича изоҳлаб берилади. Айни вақтда баъзи илмий тушунчаларни эмпирик тарзда изоҳлаш ва бу тушунчалар диалектикасини реал кўринишда кузатиш имкониятлари илмий сўзлар, фактлар ва ижтимоий кўрсаткичлар тарзида батафсил баён этилади. Масалан, билим олиш самарадорлигини таъминлашнинг пролонг усули ҳақида фикр юритиладиган бўлса, ана шу пролонг (узайтириш) усули зарур фанларни ёки зарур кўникма ва ҳунарларни ўзлаштиришнинг бошқа фанлар мазмунига уйғунлаштириш натижасида қай усулда узайтирилиш мумкинлигини аниқ — ойдин баён этилиши лозим.

Дастурда комплекс социологик тадқиқот натижаларини кўлга киритиш, ўрганилаётган объект ва предмет хусусиятларини аниқлаш мақсадларида социологик тадқиқотлар инструментарийсига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир. Социологик тадқиқотлар инструментарийси деганда социологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган методик ва техник усуллар йиғиндисини эътиборга оламиз. Бу йиғинди ёки умумлашма замирига дастлаб бирламчи маълумотларни тўплаш, яъни кузатиш усулини амалга ошириш учун зарур бўлган кўрсатма ва қоидаларни ишлаб чиқиш, ҳужжатлари таҳлил

этиш, сўроқ қоғозларини тартибга солиш, ёзма манбаларни қўлда ёки машина ёрдамида санаш, таҳлил этиш, умумлаштиришга тайёрлаш босқичи ҳамда табиий тадқиқотни амалга ошириш учун тадқиқот ўтказишга мутасадди раҳбарлар, илмий-техник ходимларни муайян тайёргарликдан ўтказиш босқичлари киради. Социологик тадқиқотлар инструментарийси тадқиқот ўтказилиш жараёнида барча техник операциялар, респондентлар иши, тадқиқотчи позицияси ва бошқа жиҳатларни умумий талаблар асосида аниқ тартибга туширади. Бу эса ўз навбатида тадқиқот ишини илмий асослаган тартибда ҳаққоний ва ишонарли ўтказиш имконини беради.

Асосий тушунчаларга атрофлича изоҳ ва характеристикалар бериш билан бир вақтда ўрганилаётган объектни олдиндан ҳар томонлама муфассал ва тўлақонли таҳлил этиб бориш лозим. Бу эса муайян тадқиқот соҳаси ва шу соҳага алоқадор бошқа ҳаётий жабҳалар хусусидаги барча амалий — ҳаётий, адабий — илмий манбаларни ҳам аниқ тартибга туширишда қўл келади.

Ўрганилаётган объект маълум система сифатида ўрганилаётганда бу объектнинг аниқ-ойдин система яратувчи элементларини белгилаб олиш лозимдир. Масалан, кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга ишга ўтиш муаммоси илмий муаммо сифатида ўрганилаётган бўлса, тадқиқотимиз объектининг тахминий элементлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) иш жойида ҳақ тўлаш даражаси;

б) иш жойидаги ахлоқий — психологик муҳит;

в) бошлиқ билан келишмовчиликлар мавжудлиги;

г) иш жойининг яшаш жойидан узоқ — яқинлиги;

д) меҳнат шароитининг оғир — енгиллиги;

е) перспектива ёки фаолиятдаги карьера истиқболлиги;

ж) фаолиятнинг шахсга ёки жамиятга жуда зарур ёки бефойда эканлигини ҳис этганлик;

з) иш жойида дам олиш, ҳордиқ чиқариш масалаларининг ҳал этилганлиги;

и) саломатлик билан боғлиқ сабаблар;

й) оилавий масалалар билан боғлиқ сабаблар.

Ушбулар юқорида тилга олинган объектимизнинг элементлари сифатида қайд этилиши ва бу элементларнинг ҳар бири иш жойини ўзгартириш учун сабаб бўлиши ёки шу қарорга келиш учун шарт-шароит ҳозирлаши мумкин.

Шу тариқа илмий муаммо объектини тизимли таҳлил этиш тадқиқотчи учун уч фаолият йўналишини очиб беради. Улар қуйидагилар: тадқиқот предметини аниқлаб олиш, асосий тушунчаларни ажратиб олиш ва уларга изоҳ бериш ҳамда тадқиқот учун иш гипотезасини яратишдир. Кўпинча ана шу талабнинг учаласи бир пайтда юзага келади, шу боисдан ҳам юқоридаги уч талабнинг дастур босқичлари деб эмас, балки дастурнинг узвий қисмлари деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот дастурини тузганда ягона тушунчалар аппаратига бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот бир эмас, бир нечта тадқиқотчи томонидан амалга оширилиши эътиборга олинадиган бўлса, бу тушунчалар аппаратидаги атамалар ҳажми тадқиқотчилар томонидан бир хил тушунилиши, ҳар хил изоҳлар беришга уриниш ҳолларига йўл қўйилмаслиги лозим. Дастурда тушунчалар моҳияти илмий асосланган тарзда объектив ва тўла очилиши зарур.

Тушунчалар моҳиятини аниқлаш босқичи, табиий равишда тадқиқот предмети моҳиятини ҳам чуқур таҳлил этиш заруриятини кун тартибига қўяди. Предмет ҳам ўз навбатида система сифатида ўрганилиши ва система яратувчи элементлардан ташкил топиши мумкин

Дастурда *концептуал* ҳамда *операционал* моделлар ҳам ўзининг батафсил ифодасини топган бўлиши лозим. Концептуал модель категорияси логик тузилишга эга бўлган мантиқий асосга қурилган, тадқиқот мақсадини юзага чиқаришга имкон берувчи назариядир. Операционал қоидалар даставвал логик процедура бўлиб, назарий маъноларнинг эмпирик жиҳатдан тушунилишини қайд этади ва кўрсатиб беради.

Юқоридаги тушунчалар мазмунининг атрофлича очиб берилиши дастур гипотезасини тузиш учун кенг йўл очилишига имкон яратади. Социологик тадқиқотларда илмий фараз ижтимоий объектнинг тузилиши ҳақидаги назарий асосланган илмий тахмин бўлиб, мазкур объектни ташкил этувчи турли хил элементлар ва алоқалар характери, уларнинг фаолият юритиши ва тараққиётини ўзида ифодалайди. Илмий фараз ўрганилаётган объект хусусида дастлабки таҳлил ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Фаразнинг нечоғлик ҳаётийлиги ёки ҳаётий эмаслиги эмпирик асосланиш жараёнида конкрет социологик тадқиқотлар ўтказиш давомида маълум бўлади. Бундай тадқиқотлар

натижасида фаразлар бекор этилади ёки тасдиқланади. Ҳаётийлиги исботланган тахмин муайян назариянинг қоидаси бўлиб тадқиқотнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Илмий асосланган фараз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: Аввало, илмий фараз умумий сонли фикрларнинг моҳият принципларига мувофиқ бўлиши шарт. Бу ўринда ўқувчи тўғри тасаввур олиши учун шу нарсани таъкидлаш керакки, илгари тарихий материализмнинг принципиал нуқтаи назарларига мос тушмайдиган қоидаларни ноилмий деб аташ қабул этилган эди. Бундай қарашлар ҳамма нарсани пролетариат синфи нуқтаи назаридан баҳолаш, ишчилар синфи манфаатлари, дунёқараши эҳтиёжларига мувофиқ келмайдиган ҳамма нарса, барча воқеа ва ҳодисаларни кераксиз ноилмий ҳисоблаш одатидан келиб чиққан эди. Аммо мустақиллик туфайли умуминсоний манфаатларнинг устунлиги хусусидаги фалсафий — методологик фикр — қарашлар қабул қилингандан сўнг илмий фараз учун фалсафий фаза доираси янада кенгайди.

Иккинчидан, илмий фараз исботи аллақачон маълум бўлган воқеа ва ҳодисаларни асослашга бағишланмаган бўлиши лозим. Аммо, илмий тахмин бирмунча эскирган, қайта исботга муҳтож назарияларнинг ҳаётийлигини яна бошдан текшириб кўришга бағишланиши мумкин. Бу умумилмий қарашларга хилоф бўлиб тушмайди.

Учинчидан, илмий фараз ҳаммага маълум бўлган, исботи аниқ айрим фактлар ҳақиқатига зид бўлмаслиги керак.

Тўртинчидан, илмий фаразни социологик тадқиқотларнинг бутун жараёни давомида исботлаш имкони таъминланган бўлиши лозим.

Ўрганилаётган ижтимоий объектни мазмунан тахмин этиш асосида баён этувчи ва изоҳловчи фаразларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин.

Баён этувчи илмий фараз — бу тадқиқ этилаётган объектнинг шаклий ва мазмуний алоқалари хусусидаги илмий талқиндир. Илмий фараз ўрганилувчи объект хусусидаги сабаб — оқибат алоқадорлиги ҳақидаги илмий тахмин ҳам бўлиб, шу масала юзасидан эксперименталь текшириш олиб боришни талаб этади.

Баён этувчи фаразнинг ҳаёт ҳақиқатига нечоғлик мос келишини текшириш учун бир мисол келтирамиз. Биринчи асосий илмий фаразнинг иш ҳақининг ишга бўлган муносабатга

таъсири ҳақидаги илмий тахмин маъноси шундан иборатки, иш ҳақининг 8 соатдан иборат меҳнатга муносабатнинг объектив ва субъектив хусусиятларига қандай таъсир кўрсатиши масаласини исботлашдир.

Ана шу умумий илмий фараздан қуйидаги қўшимча фаразлар келиб чиқади:

1.Ойлик иш ҳақи қанчалик юқори қилиб белгиланса, меҳнатга муносабатнинг кўрсаткичлари шунча юқори бўлади.

2.Ойлик иш ҳақи қанчалик юқори бўлса, меҳнатга муносабатнинг субъектив жиҳатлари (меҳнатдан чарчамаслик, қониқиш, руҳий тетиклик ва бошқа хусусиятлар) шунчалик бўртиб туради.

3.Меҳнат қилиш мотивлари қилинаётган иш мазмунига қараганда шу иш учун берилаётган ойлик иш ҳақига кўпроқ боғлиқдир. Фаразни тасдиқловчи барча ҳужжатлар ва ҳаётий манбалар тўпланиб, умумлаштирилганидан сўнг эмпирик маълумотларни назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш, илмий тилга кўчириш зарурати юзага келади. Натижада кузатиш натижалари илмий хулосаларга, назарий умумлашмаларга айлантирилади.

Ўрганилаётган объект ҳақидаги билимлар ҳолати илмий изланишларнинг турли йўллари ва режаларини юзага келтиради. Улардан изланиш асосидаги, баён этиш йўлидаги ва экспериментал усулдаги режаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Изланиш асосидаги тадқиқотлар режаларини ўрганилаётган муаммо ҳақидаги тасаввур конкретлашмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу режанинг асосий мақсади илмий муаммони аниқ номлаш ва унинг конкрет чегараларини белгилаб олишдир. Тадқиқотнинг муҳим босқичлари сифатида изланиш олиб бориш услубини ишлаб чиқиш, бу услубни қўллаш тартибини аниқлаб олиш, вазифаларнинг муҳимлигига кўра кетма-кет бажарила боришини таъминлаш жараёнларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Шундай қилиб, изланишга қаратилган тадқиқот режаси уч босқичдаги тадқиқот турини (ҳужжатларни ўрганиш, экспертлар билан маслаҳатлашув, кузатиш ўтказишни) ўз ичига олади. Бу босқичларнинг биринчисида илмий муаммо хусусидаги маълум бўлган барча илмий, публицистик ва архив ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқиш назарда тутилса, иккинчи босқичда шу соҳа бўйича таниқли олимлар, тажрибали кишилардан иборат

экспертлар гуруҳи фикрини ўрганиш эътибор марказида бўлади. Сўнгги босқичда эса тадқиқотчи муайян илмлар тасаввурларга эга бўлган ҳолда объект хусусида кузатиш ишларини олиб боришни кўзда тутади. Изланиш режаси илмий муаммони аниқ номлаб олиш ва асослайдиган гипотезани илгари суриш билан якунланади.

Баён этиш режаси бир қатор социологик тадқиқот режаларини қўллаш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали қабул этилган фаразнинг ҳаётийлигини текшириб кўриш ва ўрганилаётган объект хусусида аниқ миқдорий ва сифат характеристикасига эга бўлишни тақозо этади. Баён этиш режаси асосида иш кўрилганда илгари маълум бўлган кўпгина фактларни тартибга тушириш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай эканлиги хусусида кўпгина маълумотлар қўлга киритилади. Бундай тадқиқотлар объект тузилишига алоқадор барча эмпирик маълумотларни классификация қилиш билан якунланади.

Социологик тадқиқотларнинг экспериментал режаси объект ҳақидаги маълумотлар асосида изоҳловчи фаразни илгари суриш имконини беради. Мазкур тадқиқот режасидан мақсад объект замиридаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш, объектнинг айни ҳолати ва ривожланиши хусусидаги шарт-шароитларини аниқ билиб олишдан иборатдир. Социологик тадқиқотлар ўтказишнинг реал тажрибасида муайян илмий тадқиқот жараёнида юқорида тилга олинган ҳар уч режа ҳам ўзаро уйғун ҳолатда кетма-кет қўлланилиб боради.

Илмий тадқиқот ишларида социолог ўзига хос бир неча йўналишда фаолият юритиши ҳам мумкин. Монографик тадқиқотлар ана шундай илмий изланиш усулларидан бири бўлиб, муайян муаммо, ижтимоий жараён ёки ҳолатнинг муҳим жиҳатлари, моҳияти ва мазмуни негизига чуқур кириб боришни назарда тутади. Шундай тадқиқотлар кичик бир хусусият ёки аломат тадқиқи орқали умумий ҳолатга малакали баҳо бериш, ҳар бир ҳаракат ёки белгига муайян тизим таркибий қисми ва мазмунини ифодаловчиси сифатида ёндашишга, мушоҳада жараёнида қисмдан умумга, фактлардан умумлашмаларга интилиш ва тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқишга реал имкониятлар яратади. Мисол сифатида, АҚШдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол хусусида муайян тасаввурга келиш учун «ўртача америкалик» ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этишга

бағишланган илмий ишни эслатиш ўринлидир. Маълумки, ўртача америкаликлар жамият ҳаёти ва унда рўй берадиган асосий ўзгаришларнинг ўзига хос барометри ҳисобланади.

Жамият ижтимоий-иқтисодий муаммоларини атрофлича ўрганишда монографик тадқиқотлар билан биргаликда қиёсий изланишлар ўтказишнинг ҳам аҳамияти каттадир. Социология фанида қиёслаш ёки таққослаш усули ўзига хос икки шаклда амалга оширилади. Булардан бири муваққат тадқиқотлар деб аталиб, ижтимоий воқеа ва ҳолатларнинг муайян вақт мобайнида ўзгара бориш жараёнларини тадқиқ этишга мўлжалланганди. Муваққат тадқиқотлар ҳам ўз навбатида бир неча кўринишлар касб этиб, улардан бири «панель» тадқиқотларидир. Панель (инглизчадан — устама, рўйхат) изланишлар муайян ижтимоий ҳолат мазмунининг маълум вақт оралиғида нечоғлик ўзгарганлигини, илгари ўтказилган тадқиқот дастури ва услубияти билан бевосита таққослаш асосида қайтадан текшириб кўришни англатади. Панель тадқиқотлар ўтказишдан асосий мақсад маълум муддат ичида ижтимоий ҳодисалар тараққиёти, таназзули ёки турғунлик жараёнларининг ўзига хосликларини аниқлашдир. Бунда вақти — вақти билан ўтказилиб турадиган аҳоли сони ўзгаришларини ҳисобга олиш ишини кўрсатиб ,ўтиш ўринлидир. Бундай тадқиқотларга мисол қилиб битирувчи талабалар ўртасида эгалланган мутахассислик ва унинг истиқболлари хусусида тадқиқот ўтказилиши ва ана шу собиқ курсдошларнинг 10 йил ўтгандан кейинги учрашувда касбга бўлган муносабатини ўрганиб чиқиш, ўтган вақт ичида юзага чиққан ижтимоий-руҳий шарт-шароитлар таҳлилини олиш ҳам мумкиндир. Социолог ана шу қиёсий таҳлил орқали муайян илмий хулосалар ва амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Қиёсий таҳлилнинг иккинчи кўриниши, яъни тренд тадқиқотлар муайян ижтимоий ҳодиса, жараёнлардаги табиий ўзгаришларни ўрганишга бағишланади. Бундай тадқиқотларда айни бир хил гуруҳ вакиллари ўртасида такрор тадқиқот ўтказиш шарт этиб қўйилмасдан, ўрганилаётган қиёсий гуруҳлар бир хил ижтимоий синф ёки қатлам вакилларидан иборат бўлса бас. Масалан, мустақилликка эришганга қадар бўлган даврларда фаолият юритган бир гуруҳ маориф ходимлари сиёсий қарашлари хусусида тадқиқот ўтказилган бўлиб, маълум вақт ўтганидан сўнг ана шу соҳа вакиллари ижтимоий-сиёсий

қарашларини ўрганиб, таҳлил этсак, улардаги ўтган вақт таъсиридаги мантиқий-тадрижий ўзгаришлар кўрсаткичлари юзага чиқади ва зиелилар дунёқарашининг ўзгаришлари ижтимоий воқеликка муносабати хусусида атрофлича маълумотларга эга бўлиш имконияти юзага келади.

Муваққат тадқиқотларнинг учинчи ўзига хос кўриниши когорта (лотинчада — кўплик, бўлинганлик) усуллари деб аталади. Когорта деб бир йил ва ойда таваллуд топган кишилар гуруҳи ҳам тушунилади. Муайян когорта гуруҳига кирувчи кишилар ижтимоий ва руҳий-маънавий хусусиятларига кўра ўзига хос умумийликка эга бўладилар. Когорта усули шахс ҳаёт тарзида табиий хронологик кўрсаткичларнинг ижтимоий натижалар билан мутаносиблиги, шахснинг ижтимоийлашув тизими, шахснинг умумий ривожида ижтимоий тарихий жараён ва омилларнинг таъсири масалаларини атрофлича қиёсий ўрганишда жуда асқотади.

Кенг кўламдаги тадқиқот жараёнига киришишдан аввал мазкур тадқиқот амалиёти ва усулларини тажрибада синаб кўришнинг аҳамияти каттадир. Шу боисдан ҳам социология фанида «пилотаж» (инглизчада тажриба ўтказиш учун мослама маъносини англатади) тадқиқот усули ҳам алоҳида ўрин тутади. Пилотаж тадқиқот усулини қўллаш орқали бўлажак ялпи тадқиқотни ўтказиш учун қурилган тайёргарликларнинг қай аҳволда эканлиги, тарқатиладиган анкета саволлари сифати, кузатиш усули қайдномалари, ҳужжатлар тўплаш ва уларни таҳлил этишга оид кўпгина масалалар амалда синаб кўрилади. Айни вақтда бундай изланишлар жараёнида бўлажак соцологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган вақт ва жой масалалари ҳам ҳал қилинади.

Социологик тадқиқотлар усуллари орасида ижтимоий воқеликни билишнинг ўзига хос кўринишларидан бири табиий тадқиқотлар усулидир. Табиий тадқиқотлар усули ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни одатий табиий шарт-шароитларда бевосита ва ҳар томонлама ўрганиш имконини беради. Масалан, бирор-бир шахснинг моддий ва маънавий турмуш тарзини тўлақонли ўрганиш мақсад қилиб қўйилса, табиий муҳитда, доимий кундалик турмуш ва иш фаолияти жараёнида муфассал тадқиқ этилади. Айни чоғда табиий тадқиқотлар ялпи ижтимоий изланишлардан (масалан, аҳоли фикрини оммавий равишда анкета тарқатиш орқали ўрганишдан) ва лаборатория усулида

тадқиқ этишдан тубдан фарқ қилади. Табиий тадқиқотлар қуйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин:

— изланиш асосидаги тадқиқотлар, яъни илмий-амалий тадқиқ этилмаган жараёнларни ўрганиш ва улар хусусида назарий хулосалар яратиш;

— диагностик тадқиқотлар, яъни муҳим амалий қимматга эга бўлган янги ижтимоий муаммолар тизимини белгилаш ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш;

— табиий эксперимент асосидаги тадқиқотлар: бунда тадқиқот дастурида илгари сурилган илмий амалий фараз одатий-табиий муҳим шароитда дастлабки синовдан ўтказилади.

Тадқиқот дастурининг амалий қисмида ўтказилиши мўлжалланган изланишнинг бевосита услубий жараёнлари — бирламчи материалларни тўплаш, ижтимоий ахборот мажмуини қайта тиклаш, таҳлил этиш ва тавсифлаш ҳамда ишлаб чиқилган назарий ва амалий тавсияномаларни ҳаётга тадбиқ этиш ва тавсия баён этилади. Ишлаб чиқарилган илмий назарияни ҳаётга тадбиқ этиш масаласи ҳам мураккаб жараён бўлиб, қуйидаги талаблар бажарилган бўлишини тақозо этади:

— илмий назария муайян мазмун ва тизимга эга бўлиб, пухта ишланган илмий умумлашмалар кўринишида ифодаланиши;

— илмий назариянинг муайян тартибдаги талаблар ва тамойиллар шаклида ифодаланган бўлиши;

— тадбиқ этиш амалиёти ва тайёргарлик босқичларининг муфассал ишлаб чиқилган бўлиши ва дастлабки синовдан ўтказилиб, тайёр ҳолатга келтирилиши;

— тадбиқ этилувчи усулларни амалдаги фаолият услублари мазмунига тадрижий сингдириш хусусида амалий малака ва тажрибага эга бўлиш;

— илмий назарий хулоса ва тавсияномаларнинг қандай ҳолатларда ижобий самаралар ва қандай муҳитда салбий натижалар ҳосил этиши жараёнларининг социолог томонидан аниқлаб қўйилиши ва тажрибада синаб кўрилган бўлиши муҳимдир.

Ялпи сўров натижалари турли тадқиқот усуллари жараёнида тўпланган маълумотларни мушоҳада этиш ва қайта ишлаш тадқиқот дастурининг кейинги муҳим босқичларидан саналади. Маълумотларни атрофлича таҳлил этиш ҳозирги замонда социологдан чуқур билим талаб этади. Улар жумласига таҳлилнинг математик усулларини яхши ўзлаштириш,

программалаштиришнинг зарурий усулларини билиш, компьютерда ишлаш қобилиятларини киритиш мумкин.

Айни чоғда ҳозирги замон илмий тадқиқотлари муфассал ишлаб чиқилган меҳнат тақсимоти дастурига эга бўлишни талаб этади. Социологик тадқиқотлар ўтказиш жараёнида техник ва технологик имкониятларнинг кенгайиши, ижтимоий ахборот ва таклифларнинг ҳар томонлама мантиқий асосланган бўлишига доир талабларнинг ортиб бориши, илмий изланишлар давомида кўплаб мутахассисларнинг жалб этилиши, иш жараёнининг кўп қирралиги, меҳнат тақсимоти дастурининг пухта ва илмий асосланган бўлишини тақозо этади.

Социологик тадқиқотларнинг якуний босқичида ҳисобот тайёрланади. Ҳисобот илмий изланишлар жараёнида тўпланган эмпирик маълумотларни ўзида ифодалаб, дастурда белгиланган барча талабларнинг қай даражада бажарилганлигини баён этади. Ҳисобот алоҳида тўпланган ҳужжат сифатида баҳоланиши ва матбуотда эълон қилиниши мумкин.

2-§. Социологик тадқиқот усуллари

Социологик тадқиқот усуллари ичида ҳозирги кунда энг кўп тарқалгани *сўров усули*дир. Сўров усулининг қулайлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усулларини фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини қамраб олиш мумкин.

Сўров усули бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари, тадқиқот кўламини кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари жуда катта. Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва, ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин.

Кузатиш усули фақат ҳозирги даврда юз бераётган ҳодисалар ҳақида маълумот берса, сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, . ҳаракатдан кўзлаган ниятлари ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари, келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини беради. Айниқса, кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳаракат мотивлари тўғрисида

маълумот тўплаш керак бўлганда бу усул қўл келади. Чунки бу ҳодисалар кузатувчи нигоҳидан яширин бўлиб, уларни кузатиш усули билан аниқлаб бўлмайди.

Лекин, сўров усули фақат афзаллик ва қулайликлардан иборат экан, деб хулоса чиқариш нотўғри бўлур эди. Бу усулнинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжуд. Масалан, бу усул ёрдамида олинган маълумотларнинг ҳақиқатга қанчалик мос келишини синчиклаб текшириш керак. Чунки, бу усул қўлланганда маълумот манбаи фақат респондент бўлади. Респондентлар эса ўз характери, дунёқараши, хулқи, маълумоти бўйича турли кишилар бўлиб, улар ҳар доим ҳам ҳақиқатни гапиравермайдилар. Респондентнинг жавобларига қай даражада ишониш мумкинлиги масаласи жуда мураккабдир. Респондент жавобларининг тўғри ёки нотўғри эканини текширишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улардан қанчалик усталик билан фойдалана олиши социологнинг маҳоратини кўрсатади. Бу усуллар анкета саволларининг қай даражада ўйлаб ва пухта тузилгани, уларнинг пайдарпайлиги, саволларда респондент руҳияти ҳисобга олинганлиги билан боғлиқ.

Сўров усулининг моҳияти шундан иборатки, тадқиқот олиб борувчи савол беради ва респондент ўзининг дунёқараши, маълумоти, билими ва хоҳишидан келиб чиқиб, саволларга жавоб беради. Тадқиқотчи респондентга савол беришдан аввал ўзи бир неча саволларга жавоб топиши керак. Бу саволлар қуйидагилар:

I. Саволни кимга ёки кимларга бермоқчи?

II. Респондент саволларга жавоб беришни хоҳлайдими ёки йўқми?

III. Респондент қўйилган саволларга жавоб бера оладими, йўқми?

IV. Респондент ҳаққоний жавоб бериши учун саволларни қай йўсинда, қай тарзда ва қай шаклда бериш керак?

Мана шу саволларга жавоб топа олган социолог тадқиқотнинг муваффақиятли чиқишини кўп жиҳатдан таъминлаган бўлади.

Тўпланиши керак бўлган маълумот характери ва уни тўплаш усулига қараб сўровлар икки турга бўлинади:

I. Анкета сўрови.

II. Интервью.

Савол берилиши мумкин бўлган одамлар ёки потенциал респондентларни қай даражада қамраб олишига қараб сўровлар яна икки турга бўлинади:

I. Ялпи сўровлар.

II. Сайланма сўровлар.

Булардан ташқари, очиқ ва ёпиқ сўровлар, юзма-юз ва сиртдан сўров сингари турлари ҳам мавжуд.

Ҳужжат ўз семантик маъносига кўра исбот этиш мазмунини ифодаловчи сўздир.

Ҳужжат усули тарихий адабиётларда кенг қўлланилган. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида кўпдан-кўп ёзма манбалардан фойдаланилади.

Ҳужжат — моддий материал манба ҳисобланиб, воқеа ва фактлар хусусидаги маълумотларни ўзида ифодалайди.

Ҳужжатда инсон ёки жамоа фикри ёзма ва бошқа белгиларда намоён этилган бўлади. Ҳужжат сифатида турли формулалар, чизгилар, графиклар, рамзий белгилар бўлиши ҳам мумкин. Бундай шартли белгилар муайян маълумотга эга кишилар томонидан ўқилади.

Ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидаги таснифни эътиборингизга ҳавола этамиз:

1. Социологик тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга ҳолат, факт аввало инсон томонидан (ёки махсус мосламалар кўмагида) қайд этилади, сўнгра ҳужжат шаклида ифодаланади. Демак, ҳужжат инсон онгида аввал пайдо бўлиб сўнг оғзаки, ёзма манбаларда ифода этилади, қайд қилинади, сақланади ва тарқатилади.

2. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам муайян факт ва ҳолатларнинг муҳим жиҳатлари хусусидаги информацияга эга бўлади (текст, овоз ёзиш мосламалари, нурли ифодаларда ёки чизма белгиларда акс эттирилади).

3. Айрим ҳужжатлар мазмуни фақат муайян махсус билимларга эга бўлган кишиларгагина тушунарли бўлади. Масалан, мураккаб технология лойиҳалари, қурилиш сметаларини, электрон-ҳисоблаш машиналари берадиган маълумотларни махсус билимларсиз англаб олиш қийин. Аммо бундай ҳужжатлар мазмуни махсус билимларга эга бўлган ҳар хил кишилар учун бир хил маъно бериши керак.

4. Ҳужжат, унинг сақланиши ва ягона мазмун бериши хусусиятлари тайин бўлса, исталган манбада баён этилиши ва исталган усулда ифодаланиши мумкин.

Ташкилот, муассаса ва мансабдор шахс томонидан бериладиган ҳужжатлар умумий қабул қилинган муайян гувоҳлик мазмунини ифодаловчи расмий реквизитларга эга бўлади. Уларни тахминан шундай характерлаш мумкин:

1) ҳужжатларда муҳр, штамп, босмахона бланки белгилари бўлиб, улар муайян муассаса, ташкилотга тегишли эканлигидан далолат бериб туради;

2) ҳужжат маълум мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиб, унинг исми-шарифи ва унвони акс этади;

3) ҳужжатда, у тузилган жой, вақт, қабул этиш ва муайян адресга жўнатиш белгилари қайд этилган бўлади.

Албатта, социология фани учун ҳужжатда акс эттирилган мазмун биринчи даражали аҳамиятга эга, аммо мазкур ҳужжатнинг нечоғлик ҳаққонийлиги ва реаллиги унинг тузилиш шаклига ҳам боғлиқдир.

Ҳужжатларнинг бир қанча хиллари бор:

а) қайд этиш усулига кўра фарқланадиган ҳужжатлар (қўлёзма, босма ёзув, кино ва магнит тасмасидаги ёзувлар, фотосуратлар);

б) муайян мақсад қўйиб олинадиган ҳужжатлар (тадқиқот дастурига кўра социолог томонидан махсус тузиладиган ҳужжатлар);

в) шахсга доир (шахсий ҳужжатлар, хатлар, кундаликлар) ва шахсга бевосита алоқаси кам ҳужжатлар (статистик материаллар, матбуот маълумотлари, мажлис протоколлари);

г) расмий даражасига кўра фарқланувчи ҳужжатлар (давлат статистика идоралари томонидан расмий ҳужжатларга илова қилинадиган маълумотлар, қарорлар, фармонлар, кўрсатмалар, шунингдек, норасмий ҳужжатлар — алоҳида шахс томонидан тузиладиган аризалар, шикоятлар, тақризлар, гувоҳлик кўрсатмалари ва бошқалар);

д) ҳужжатлар информация манбаига кўра ҳам фарқланади (бирламчи информациялар бевосита кузатиш ёки сўраш усули орқали олинади, иккиламчи информация эса бирламчи маълумотни умумлаштириш, қайта ишлаш ҳамда қайта текшириш натижасида олинадиган маълумотлар туфайли қўлга киритилади.

Саволларнинг самарали тизимини яратиш учун социолог тадқиқот муаммосидан ташқари, ўрганилаётган объект структураси, шу жамоадаги ахлоқий-маънавий муҳит, умумий ва ижтимоий психологияни яхши билиши талаб қилинади. Тажриба шуни кўрсатадики, агар анкета саволлари узундан-узун бўлса, ихчам ва сержило бўлмаса, савол жумлалари услубий жиҳатдан пухта бўлмаса, анкетага нисбатан респондентнинг салбий муносабатини уйғотади. Жавоблардаги ноаниқликларга, баъзан эса жавоб беришга истакнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам анкета тузишга жуда жиддий эътибор талаб қилинади. Анкетага киритиладиган ёки интервью жараёнида бериладиган саволлар ўз хусусиятларига кўра турлича бўлади. Улар қуйидаги уч белгига қараб тасниф қилинади:

I. Мазмунига кўра.

II. Шаклига кўра.

III. Функциясига кўра.

Мазмунига кўра саволлар икки гуруҳга бўлинади:

I. Воқеликдаги нарса-ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари ҳақидаги саволлар. Ўтган замонда, ҳозирги даврда ва келажакда бўладиган ҳодисалар ҳақидаги саволлар ҳам шу гуруҳга киради.

II. Кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ният ва мотивлари тўғрисидаги саволлар.

Деярли барча турдаги анкеталарда учрайдиган саволлар, яъни респондентнинг ёши, жинси, миллати, касби, маълумоти ва бошқаларга оид саволлар ҳам биринчи гуруҳдаги саволлар тоифасига киради. Бундай саволлар одатда анкетанинг алоҳида бир қисмига жамланади ва бу қисм социологияга оид адабиётларда демография қисми ёки паспорт қисми номлари билан юритилади.

Анкетанинг паспорт қисмидаги саволлар аниқ ва конкрет жавобларни талаб қилади ва, одатда, бу қисмдаги саволларга берилган жавобларнинг ҳаққонийлик даражаси жуда юқори бўлади. Бошқа мамлакатларда ҳам ўтказилган социологик тадқиқотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, анкетада қўйилган саволлар респондентни оз бўлса-да хавотирга солса, унинг жавоблари самимий бўлмайди. Респондент анкетадаги саволларга самимий жавоб берса, ўзига ҳеч қандай зарар етмаслигига ишонч ҳосил қилган тақдирдагина, уларга тўғри жавоб беради. Ўзини хавотирга соладиган саволларга тўғри

жавоб берган тақдирда респондент анкетанинг паспорт қисмидаги саволларга нотўғри жавоб беради.

Шу йўл билан у гўё ўзининг хавфсизлигини таъминламоқчи бўлади.

Иккинчи гуруҳ саволлар, ҳис-туйғу, кечинма ва мотивларни аниклашга қаратилгани учун уларга берилган жавобларнинг ҳам биринчи гуруҳдагига нисбатан ҳаққонийлиги камроқ. Бунинг сабаби респондентларнинг атайлаб нотўғри жавоб берганидагина эмас, балки ҳис-туйғу, кечинмаларни баҳолашдаги мураккабликларда ҳамдир. Субъектив кечинмаларни баҳолашда субъективлик кучли бўлади. Шунинг учун бу тоифадаги саволлар бир-бирини тўлдирадиган, бирига берилган жавобдаги ноаниқликни иккинчиси аниқлашга ёрдам берадиган бўлиши керак. Бундан ташқари, респондентнинг жавоб топишини енгиллатиш учун анкетага жавоб вариантлари киритилиши маъқулдир. Жавобларда турли ҳолатлар ҳисобга олинган бўлиб, улардан яхлит жавоб ўрнига ўша жавобнинг қисмлари акс этиши жавобнинг ҳаққоний бўлишига хизмат қилади. Чунки шундай ҳолда респондент жавоб вариантларидан бирини ёки ўзида содир бўлган кечинма, ҳис-туйғуларга мос равишда бир нечтасини танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Масалан, корхонада қабул қилинган қарорга ишчининг муносабатини билиш мақсадида анкетага қуйидагича савол киритилади: Корхона маъмуриятининг қарорига муносабатингиз?

Мен корхона маъмурияти қабул қилган ушбу қарорни:

а) Маъқуллайман.

б) Маъқулламайман.

в) Унчалик маъқулламайман.

г) Қисман маъқуллайман.

д) Тўла қўллаб-қувватлайман.

е) Мутлақо маъқулламайман.

Мана шу келтирилган вариантларда респондентнинг фақат ҳа ёки йўқ қабилидаги жавоблари эмас, балки шу қарорга эмоционал муносабати турлари ҳам қамраб олинган. Анкета усули ёрдамида бошқа усулларга нисбатан кўпроқ маълумот тўплаш мумкин. Айниқса, катта миқдордаги респондентлар билан тадқиқот олиб бориш зарурати туғилганда сўров усулининг афзалликлари яккол намоён бўлади.

Анкеталарнинг маълумот тўплашдаги самарадорлигини ошириш учун бир неча ҳолатларни назарда тутиш керак:

I. Респондентга мурожаат, саволларнинг қўйилиш тарзи, пайдарпайлиги, қизиқиш уйғотиши ва қўйилган саволларга жавоб бериш майлини вужудга келтириши керак. Агар мана шу шарт бажарилмаса, анкеталарнинг тадқиқотчига қайтарилиш даражаси пасайиши, жавоблар носамимий бўлиши мумкин.

II.Анкетага киритилган саволлар содда ва аниқ тузилган бўлиб, хилма-хил талқин қилиниши мумкин бўлган саволлардан эҳтиёт бўлиш керак. Масалан, анкетага, «Хамса»ни ўқиганмисиз? Деган савол киритилса, уни бир неча хил тушуниш мумкин:

а) Навоий «Хамса»сини ўқиганлик;
б) Ганжавий «Хамса»сини ўқиганлик;
в) Деҳлавий «Хамса»сини ўқиганлик;
г) «Хамса»нинг достонларидан бирини ўқиганлик;
д) «Хамса» достонларидан бир нечтасини ўқиганлик;
е) «Хамса» достонларининг ҳаммасини ўқиганлик.

Синчиклаб текширилса, санаб ўтилганлардан бошқа ҳам маънолар чиқиши мумкин.

3.Анкетага киритилган саволлар мавзуидан респондентларнинг хабардор ёки хабардор эмасликларини, агар хабардор бўлсалар, хабардорлик даражасини ҳисобга олиш керак. Масалан, касаба уюшмаси фаоллари билиши зарур бўлган нарсаларни корхонанинг оддий ишчи-ходимларидан сўраш мантиққа зид бўлиш билан бирга, тадқиқотни ҳам боши берк кўчага олиб киради.

Ҳар қандай сўров жараёнини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин:

I. Кўникиш.
II. Асосий давр.
III. Якун ясаш.

Кўникиш даври социологик адабиётда адаптация даври, деб ҳам юритилади. Ҳар қандай сўров ана шу кўникиш босқичидан бошланади. Бу босқич ўз моҳиятига кўра жуда муҳим бўлиб, сўровнинг натижалари кўп жиҳатдан унинг қандай ўтишига боғлиқ. Бу босқичда бир нечта муҳим вазифалар амалга оширилади. Улардан биринчиси респондентни сўровга тайёрлаш. Респондентдан керакли маълумотни олиш учун унга сўровнинг сабаби ва мақсадини тушунтириб, уни саволларнинг мазмуни

билан таништириш керак. Агар сўров анкета ердамида ўтказилаетган бўлса, уни қандай тўлғазишни ҳам тушунтириш лозим. Сўров мавзуи ҳақида маълумот бериш респондентни асосий саволларга жавоб бериш учун тайерлашда муҳим ахамиятга эга. Бевосита саволларни бериш ва анкета тўлдиришга ўтишдан аввал респондентни шу мавзуга қизиқтириш зарур. Чунки, унда қизиқиш пайдо бўлмаса, бу саволга ортиқча бош оғриғи, деб қараши мумкин. Масалан, бозор муносабатига ўтилаётган ҳозирги босқичда, айтайлик, иқтисодий мавзудаги сўровларни ўтказишдан олдин респондентларга сўровнинг мақсадини билдириб, мавзунинг шу корхона, жамоа, минтақа ва мамлакат учун аҳамияти тушунтирилса, сўровга жиддий муносабат вужудга келади.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ҳар бир респондентнинг ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари, манфаатлари мавжуд бўлиб, сўровга қизиқиш ҳосил қилишда шуларни назарда тутиш керак.

Кўникиш даврида респондентга бевосита мурожаат қилинади. Бу мурожаат оғзаки ва ёзма тарзда амалга оширилиши мумкин. Ана шу мурожаатда тадқиқот мақсадлари ва аҳамияти таъкидланади. Мурожаатда респондентга чуқур ва самимий ҳурмат изхор қилинмаса унинг бу тадқиқотга қизиқиши сусайиши ёки мутлақо йўқолиши мумкин. Шунинг учун мурожаатда респондентнинг руҳий ҳолати ҳисобга олинган бўлиши керак.

Ўтказилган сўровга респондентда қизиқиш уйғотиш, ҳеч бўлмаганда мойиллик пайдо қилиш натижаларнинг ҳаққонийлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири. Бу қизиқиш ва мойилликни уйғотиш учун эса адаптация босқичи жуда эҳтиёткорлик ва моҳирлик билан ўтказилиши лозим. Бунинг учун мурожаатда икки ҳолат акс этиши шарт:

I. Респондентга чуқур ҳурмат. Тадқиқотчида респондентга ҳурмат мавжудлигининг ўзи камлик қилади. Ана шу ҳурмат мавжудлигини унга сездириш керак. Ҳурмат сездириш учун эса анкетага, биз сизни жуда ҳурмат қиламиз, деб ёзиб қўйиш кифоя қилмайди. Ҳурмат мурожаатдаги ҳар бир сўздан ва тўла матндан сезилиб туриши керак.

II. Респондентга савол мавзуи бўлган масала бўйича мутахассис сифатида мурожаат қилиш лозим. Ўзининг фикри тадқиқот учун зарур эканини респондент ҳар бир сўз ва жумладан сезиб туриши зарур. Мана шу икки ҳолат

таъминланганда, сўровга қизиқиш пайдо бўлиши ёки бор қизиқиш кучайиши мумкин.

Кўникиш босқичидан кейин *асосий босқич* бошланади ва тадиқотнинг тақдири шу босқичда ҳал бўлади. Анкетадаги асосий мавзуга бағишланган саволларнинг меъёрдан кўп бўлиши респондент диққатининг аста-секин пасайишига, унинг зерикишига олиб келиши мумкин. Шуларни назарда тутиб саволлар миқдорини имконият доирасида камайтириш, шунда ҳам саволлар мўлжалдан кўпроқ бўлса, чарчоқни ёзиш ва диққатни тиклаш мақсадида мавзуга боғлиқ бўлмаса ҳам кўпчиликни қизиқтирадиган санъатга, спортга оид бир-икки савол киритиш керак.

*Якуний босқич*да эса респондентнинг юрагида айта олмай қолган фикрлари бўлса уларни аниқлаш учун тузилган саволларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Масалан, қуйидаги пункт ана шу мақсадга хизмат қилиши мумкин: «Бизга кўрсатган ёрдамингиз учун самимий миннатдорлик билдирамиз. Мабодо юқоридаги фикрларга қўшимча ва таклифларингиз бўлса мана шу ўринда баён қилишингизни сўраймиз».

Социологияда берилган жавобларни текшириш учун назорат саволлари ҳам қўлланилади. Бундай саволларни анкетага киритиш ёки интервьюда қўллашдан мақсад бир нечта:

I. Респондентнинг қўйилган саволларга бераётган жавоби самимийми, йўқми эканини аниқлаш.

II. Респондентнинг саволнома ёки интервьюга муносабатини аниқлаш.

III. Респондентнинг саволнома ёки интервьюдаги баъзи саволларга муносабатини аниқлаш.

Назорат саволларидан фойдаланишнинг муҳимлиги шундаки, агар ўтказилаётган респондентларнинг кўпчилиги саволларга самимий жавоб бермаганлиги аниқланса, бу тадқиқот натижалари бекор қилиниши керак.

Назорат саволлари ёрдамида ташқи таъсир туфайли респондентнинг жавоблари носамимий бўлаётганини ҳам аниқлаб олиш мумкин ёки бўлмаса саволноманинг аноним эканига шубҳа пайдо бўлганда ҳам жавоблар самимий бўлмайди.

Олий ўқув юртларидан бирида ўтказилган тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг бўш вақтни қандай ўтказишларини аниқлаш эди. Анкетага қуйидагича назорат саволи ҳам

киритилди: «Сиз Алишер Навоийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ўқиганмисиз?»

Натижалар шуни кўрсатдики, талабаларнинг бир қанчаси бу достонни ўқиган экан. Ҳолбуки, Алишер Навоий бундай достон ёзмаган.

Ҳар қанча яхши тузилган саволнома ва яхши ўтказилган интервьюда ҳам респондентларнинг ҳаммаси бир хил самимий жавоб бермайди. Бу одамларнинг характери, дунёқараши, хулқи ва бошқа жиҳатлари билан ҳам боғлиқ. Назорат саволларини киритишдан мақсад эса ана шундай носамимий жавобларнинг улуши қанча эканини аниқлашдир.

Жавоб вариантлари таклиф қилинганига қараб, саволлар очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Ёпиқ саволларга жавоб вариантлари кўрсатилмайди. Респондентнинг ўзи жавобни анкетага ёзиб чиқади.

Масалан: МДҲга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий алоқалари тўғрисида қандай фикрдасиз?

Бу саволга респондент ўз дунёқараши, маълумоти интилишларидан келиб чиқиб жавоб ёзади. Ёпиқ саволларга қараганда очиқ саволларни умумлаштириш мураккаброқдир. Чунки, ёпиқ саволларга берилиши мумкин бўлган жавоб вариантлари тайёр бўлади ва уларни кодлаштириш ва компьютерга киритиш мумкин. Демак, уларни машиналар — ЭҲМ ёрдамида умумлаштириш ҳам мумкин. Очиқ саволларга бериладиган жавобларни синчиклаб ўрганиб чиққандан кейингина уларни умумлаштириш мумкин. Очиқ савол қўйилганда ақлий меҳнатнинг бир қисми респондент елкасига юкланади.

Ёпиқ саволлар эса тайёр жавоблар билан анкетага киритилади. Респондент ўша тайёр жавоб вариантларидан бирини танлаб олиб остига чизиши ёки бошқа йўсинда белгилаши керак. Ёпиқ савол киритиладиган бўлса, социолог савол устида ҳам, респондент бериши мумкин бўлган жавоб вариантлари устида ҳам бош қотиради. Ёпиқ саволларни қўллашнинг мураккаблиги шундан ҳам кўринадики, кўпинча жавобнинг тайёр вариантлари берилганда жавоблар умумий характернинг ижобий томонига силжиши кўзга ташланади. Масалан, анкетага қуйидагича саволлар киритилади: «Бўш вақтда сиз бадиий адабиёт ўқийсизми?»

Жавобларнинг вариантлари қуйидагича:

I. Ўқийман.

II. Кўп ўқийман.

III. Кам ўқийман.

IV. Ўқимайман.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай ҳолларда деярли ҳеч ким ёки жуда озчилик «Ўқимайман», деган вариантни белгилайди.

Мана шу саволнинг ўзи бошқачароқ йўсинда берилса, натижалар бошқачароқ чиқади. Айтайлик, савол қуйидагича қўйилади: «Бўш вақтда баъзилар спорт билан шуғулланади, баъзилар бадиий адабиёт ўқийди, баъзилар саёҳатга чиқади, баъзилар эса телевизор олдида ўтиради. Сиз нима билан шуғулланасиз?»

Жавоб вариантлари:

I. Спорт билан шуғулланаман.

II. Бадиий адабиёт ўқийман.

III. Саёҳатга чиқаман.

IV. Телевизор кўраман.

Респондентларга жавобнинг фақат битта эмас, балки бир нечтасини белгилаш мумкинлиги ҳам айтилади. Савол шундай қўйилганда айни бир гуруҳнинг ўзида ҳам бадиий адабиёт ўқийдиганларнинг сони анча кам экани маълум бўлади.

Ҳақиқий ҳолатни билиш учун фақатгина жавоб вариантларинигина эмас, саволдаги нарса-ҳодисанинг ҳам муқобилларини назарда тутиш ва саволномага киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ёпиқ саволлар берилиши мумкин бўлган жавобларнинг хусусиятларига қараб икки турга бўлинади: 1.Даражали саволларга бериладиган жавоблар. Улар «ҳа-йўқ» тарзида бўлади. 2.Муқобилли саволнинг муҳим белгиси яна шундаки, унга бериладиган жавоблар муқобил вариантлардан иборат бўлиб қолмай, саволнинг тузилиши ҳам муқобил ҳолат ва ҳодисалардан иборат бўлади. Масалан, «Сиз спорт билан шуғулланасизми?», деган саволга респондентлар «ҳа» ёки «йўқ» қабилида жавоб беришади. Бу ерда савол муқобилли эмас, балки жавоб муқобиллидир. «Бўш вақтда баъзилар эса китоб ўқийдилар ёки саёҳатга чиқадилар. Сизчи?» тарзида қўйилган савол муқобиллидир. Тадқиқотчилик тажрибаси муқобилли саволлар ҳақиқатга яқин жавоб олишга кўпроқ ёрдам беришини кўрсатади.

Даражали саволлар ҳам аслида муқобилли саволнинг бир тури. Лекин уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг жавоби субъектив ҳис-туйғу ёки юз бераётган воқеаларга муносабат даражасини ифодаловчи жавобларни кўзлайди. Масалан, «Илмий-фантастик адабиётга муносабатингиз қандай?» саволи қуйидаги жавоблардан бирини танлашни тақозо қилади:

1. Жуда ёқтираман.
2. Ёқтираман.
3. Унчалик ёқтирмайман.
4. Бефарқман.
5. Ёқтирмайман.

Демак, юқоридаги савол муносабатларнинг турли даражасини назарда тутгани ва жавоб вариантларида ана шу муносабат даражалари ифодалангани учун у даражали савол ҳисобланади.

Интервью усули анкета билан кўп умумийликларга эга. Анкетада саволлар ёзма тарзда берилса, интервьюда оғзаки саволлар берилади. Интервью респондент билан бевосита мулоқотни тақозо қилади.

Интервьюни ўтказувчи — интервьюер шахсияти, ўзини тутиши, овози, ташқи кўриниши ва кийиниши ҳам сўров натижаларига таъсир қилиши мумкин.

Интервью ўз моҳиятига кўра тадқиқотчи билан респондентнинг суҳбати, лекин бу суҳбатни ҳар куни чойхонада ёки бекорчиликдан қилинаётган суҳбат билан тенглаштириб бўлмайди. Чойхонадаги ёки бекорчиликдан ўтказилаётган суҳбатдан асосий мақсад вақт ўтказиш бўлса, интервью муайян маълумот тўплашни назарда тутади. Шу билан бирга, интервьюнинг оддий суҳбатдан фарқи яна шундаки, суҳбатдошлар бир-бирларини қизиқтирган масалалар тўғрисида гап юритса, интервью жараёнида фақат бир томон — тадқиқотчи савол ва респондент жавоб беради.

Интервью билан оддий суҳбат ўртасидаги тафовут яна шунда кўринадики, суҳбатдошлар, одатда, таниш одамлар бўлиб бир-бирларига муайян психологик муносабатда, аксарият ҳолларда ижобий муносабатда бўладилар. Чунки, одамлар ўзлари ёқтирмаган одам билан суҳбатлашишни ҳам ёқтирмайдилар. Интервью эса, деярли икки нотаниш одамнинг суҳбати. Шунинг учун, агар тадқиқотчи ўзининг муомаласи, кийиниши, ўзини

тутиши билан респондентда ижобий, ҳеч бўлмаганда нейтрал муносабат уйғотолмаса, респондент саволларга жавоб беришни хоҳламаслиги, мабодо илтимос қилиб туриб олинса, юзаки ва чала жавоблар бериши мумкин. Ёки бўлмаса диндор мусулмонлардан интервью олиш учун ўта замонавий, олабайроқ кийимларда бориш, айниқса хотин-қизларнинг европача ёки мини кийимларда бориши салбий муносабат уйғотади ва бу интервьюнинг натижаси кўнгилдагидай бўлмайди.

Тадқиқотчи фақатгина ўзининг кийими, овози, муомаласи тўғрисидагина ўйлаб қолмай, респондентнинг ҳам ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Бундай хусусиятларни аниқлаш учун эса тадқиқотчи ўз имкониятлари даражасида респондентнинг ташқи кўринишига, кийинишига, ёшига, жинсига ва ҳоказоларга қараб хулоса чиқариши керак.

Кузатиш усули фақат социология ёки ижтимоий фанлардагина эмас, балки фаннинг барча соҳаларида ҳам кенг қўлланилади.

Кузатиш турли мақсадларда, турли шаклда, турли қамровда, турли воситалар ёрдамида олиб борилади. Барча одамлар ўз ҳаётларида кузатиш усулидан у ёки бу даражада фойдаланадилар. Лекин улар фойдаланаётган усул илмий кузатиш усули эмас, оддий кузатиш усулидир. Одамларнинг кузатиш усулидан кенг фойдаланиши уларнинг бу усулни яхши эгаллаганликларини англатмайди. Бу усулдан самарали фойдаланиш учун унинг хусусиятлари, имкониятлари ва чегараларини илмий ўрганиш зарур.

Оддий турмушдаги кузатиш ҳам аксарият ҳолда муайян мақсадга йўналтирилган ва муайян даражада ташкил этилган бўлади. Лекин бу кузатишлар илмий мақсадни кўзламагани ва илмий муаммони ҳал этишга қаратилмагани учун илмий кузатиш бўла олмайди. Масалан, рашкчи аёл эрини муайян мақсадни кўзлаб кузатади. Бу кузатишларини имконият даражасида ташкил этади ва, эҳтимол, техника воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Лекин барибир бу кузатиш кундалик ҳаётдаги маиший мақсадларни кўзлагани учун илмий кузатиш бўла олмайди.

Илмий кузатишлар муайян назария ёки фаразни тасдиқлаш, тўлдиришни, ёки бўлмаса рад этишни мақсад қилган ҳолда олиб борилади. Илмий кузатишнинг маиший турмушдаги кузатишдан туб фарқ киладиган хусусиятларидан яна бири унинг назарий

илмий асосларидир. Кундалик турмушдаги кузатиш кишиларнинг ҳаётий тажрибасига асосланиб олиб борилса, илмий кузатиш илмий билимлар асосида олиб борилади. Томорқасига экилган сабзавотлар ривожини кузатаётган деққоннинг кузатиши билан тажриба участкасидаги ўсимликлар ривожини кузатаётган тадқиқотчи олим фойдаланаётган усул сиртдан қараганда б[illegible] хил кўринса ҳам, аслида тадқиқотчининг кузатиш усули [illegible]кор фермернинг кузатиш усулидан кескин фарқ қилади. Фе[illegible] ёки деҳқон ўсимликларни кузатаётганда ҳаётий та[illegible]сига асосланса, тадқиқотчи ҳам ҳаётий тажрибасига, [illegible]лмий назарияларга асосланиб кузатиш олиб боради.

Кузатиш усулининг фанда қўлланишидаги яна бир муҳим жиҳати унинг олдиндан режалаштирилиши ва мунтазамлилигидир. Ана шу режалаштириш жараёнида тадқиқотчи қай мақсадни кўзлаб, қайси назария ва фаразлар асосида, қандай воситалардан фойдаланган ҳолда кузатиш олиб боришини аниқлаб олади.

Ижтимоий фанларда кузатиш усулининг қўлланилиши унинг табиий фанларда қўлланишидан анча фарқ қилади. Табиатда тадқиқотчининг кучли ҳис-туйғуларини уйғотадиган воқеалар юз бермайди. Жамиятда юз бераётган ҳодисаларни кузатаётганда эса тадқиқотчи ҳис-туйғуларга берилиб кетиши, бўлаётган ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатда бўлиши ва бу ҳол тадқиқот натижаларига, хулосаларнинг илмий ва объектив бўлишига таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий ҳодисаларни кузатишга ҳаракат қилаётган тадқиқотчи ўз ҳис-туйғуларини тизгинлай олиши, хулоса чиқариш пайтида шу ҳис-туйғулардан юқорироққа кўтарила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Шу кунгача социология бўйича мавжуд адабиётларда кузатиш усулини қўллаш тадқиқот объекти аниқланиб, дастур тузилгач бошланиши қайд қилинади. Бу фикрга тўла қўшилган ҳолда ушбу сатрлар муаллифи кузатиш усулини қўллаш объектни аниқлаш жараёнида бошланиши мумкинлиги ва лозимлигини таъкидлашни жоиз, деб билади.

Социологик кузатиш олиб боришнинг шарт ва талаблари қуйидагилар:

1. Кузатиш керакли савияда ва даражада ташкил қилиниши керак. Бу шарт социологик тадқиқотлар тараққиёти

билан боғлиқ бўлиб натижаларнинг объективлигини таъминлашга қаратилган. Кузатиш олиб боришда шундай ҳолатлар вужудга келадики, уларни техника воситаларида тасвирга туширилмаса ёки овозлар ёзиб олинмаса, бу ҳолатларни табиий ҳолда қайтариш мумкин эмас. Шунинг учун кузатишни техник жиҳатдан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2. Кузатишнинг мунтазамлилиги. Бу шарт ҳам тадқиқот натижаларининг объективлигини таъминлашга қаратилган. Кузатиш мунтазам олиб борилмай, ўлда-жўлда ва аҳ ён-аҳ ёнда олиб борилса, тадқиқот объекти учун характерли ҳолатлар кузатилмай қолиши ва оқибатда кузатиш натижалари объектив бўлмай қолиши мумкин.

3. Кузатувчининг холислиги. Бу шарт таъминланмаса, тадқиқот жараёнида кузатувчи ўзи ўрганаётган жараёнларга ижобий ёки салбий муносабат билдириши ва бунинг оқибатида воқеаларни субъектив талқин қилиши мумкин.

4. Кузатилаётган объект тўғрисида мумкин қадар кўпроқ маълумот тўплаш. Объект қанчалик батафсил кузатилса, чиқарилган хулосаларнинг ҳақиқатга шунчалик яқин бўлиши учун имконият яратилади. Хулосалар етарли бўлмаган маълумот асосида чиқарилса, объектнинг маълум хусусиятлари кузатувчи эътиборига тушмай қолган бўлиши мумкин. Бу эса хулосаларнинг нотўғри бўлишига олиб келади.

5. Кузатишнинг боришини ва натижаларини батафсил қайд қилиб бориш. Агар шундай қилинмаса, хулоса чиқариш пайтида кузатишчинг муайян натижалари эътибордан четда қолиши мумкин. Бу эса хулосанинг чала ёки нотўғри бўлишига олиб келади. Юқорида айтилганидек, кузатиш жараёнини қайд қилиб боришда техника воситалари катта ёрдам бериши мумкин.

Социологик кузатишларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин:

1. Четдан кузатиш.

2. Ичкаридан кузатиш.

Объект четдан кузатилганда ундаги жараёнларнинг иштирокчилари ўзлари кузатиш объекти эканликларидан мутлақо бехабар бўладилар. Масалан, харидорлар хулқини ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи сотиш залида ёки пештахта ортида туриб харидорларни кўпроқ қайси буюм

қизиқтираётгани, уларнинг белгиланган нархларга муносабати ва бошқаларни кузатиши мумкин. Бунда харидорлар ўзларининг кузатиш объекти бўлганликларини билмайдилар. Агар улар ўзлари социологик кузатиш объекти бўлганликларини билиб қолсалар, уларнинг хулқида маълум ўзгаришлар юз бериши, демак, бу хулқ табиий бўлмай қолиши мумкин.

Четдан туриб кузатаётган тадқиқотчи ўрганилаётган объектга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди ва уни табиий ҳолда ўрганади. Ичкаридан кузатилганда тадқиқотчи икки хил усулдан фойдаланиши мумкин: 1.Очиқ кузатиш. 2.Яширин ёки хуфя кузатиш. Очиқ кузатилганда тадқиқотчи ўзи ўрганаётган гуруҳ ёки жамоа аъзоларига мақсадни айтади. Масалан, меҳнат жамоасидаги янги аъзоларнинг психологик адаптация жараёнларини кузатишда шу усулдан фойдаланиш мумкин. Лекин бу турдаги кузатишларнинг имкониятлари анча чекланган. Чунки махсус кузатиш объекти бўлганини билган кишилар ўзлари хоҳлабми, хоҳламайми хулқларини ўзгартирадилар.

Меҳнат жамоасига шогирд ниқобида келган тадқиқотчи эса жараёнлар ва муносабатларни табиий ҳолда кузатиш имкониятига эга бўлади. Бундай кузатиш социологияда хуфя кузатиш усули деб номланади. Бу усул ўрганиладиган объектни табиий ҳолда тадқиқ қилиш имконини беради. Бу усул ёрдамида энг яширин, баъзан эса ёт кишилардан сир тутиладиган ҳодисаларни ҳам кузатиш мумкин.

Илмий билишнинг бошқа усуллари сингари кузатиш усулининг ҳам афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бу усулнинг энг асосий афзалликларидан бири шуки, у тадқиқ қилинаётган объектдаги жараёнларнинг кечишига таъсир ўтказмай ёки жуда кам таъсир ўтказган ҳолда ўрганиш имконини беради.

Социологик кузатиш илмий эмпирик билиш усули сифатида ва моҳият эътибори билан мураккаб жараён бўлгани учун режа асосида олиб борилади. Кузатиш режаси усулнинг хусусиятлари ва асосий босқичларини назарда тутган ҳолда тузилади.

I. Кузатиш объекти аниқлангандан кейин унга яқинлашиш йўлини топиш дастлабки вазифадир. Масалан, меҳнат жамоасидаги руҳий ахлоқий муҳитни ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи олдидаги дастлабки вазифа унинг шу жамоага қай

йўсинда яқинлашиш, кириб бориш, жамоадаги жараёнлар оқимига таъсир ўтказиш йўлини топишдир Бу вазифани ҳал қилиш учун расмий ва норасмий имкониятлардан, очиқ ва яширин усуллардан қай бирини қўллаш масаласи ҳал қилинади. Бу масалани ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган масала кузатишнинг қайси туридан фойдаланишни аниқлашдир.

II.Кузатиш турларидан қай бирини қўллаш объектнинг хусусиятлари, тадқиқот мақсадлари, қўлами, ажратиладиган вақт ва бошқаларни эътиборга олган ҳолда белгиланади. Айтайлик, вақт етарли бўлмаса, кузатишнинг яширин туридан фойдаланиш имконияти бўлмайди.

III. Кузатиш тури ҳам аниқлангандан кейин галдаги вазифа кузатиш анжомлари, жиҳозлари, ўқув ашёлари ва ҳоказоларни тайёрлашдир.

IV. Ашё ва жиҳозлар ҳам тайёр бўлгандан кейин кузатиш амалга оширилади. Бу жараёнда керакли маълумотлар тўпланади. Бу жараёнда тадқиқотчи эсда тутиши муҳим бўлган ҳол кузатиш натижалари ва, умуман, кузатилаётган жараённи ўз вақтида ва батафсил ёзиб боришдир. Бунинг учун тайёрлаб қўйилган овоз ёзиш ёки кино, фото, видео жиҳозларидан фойдаланиш мумкин. Кузатиш тугагандан кейин унинг хулосалари объектив бўлишини таъминлаш мақсадида натижалар яна бир назоратдан ўтказилади.

V. Кузатиш натижаларини назоратдан ўтказиш учун жараён қатнашчилари билан суҳбат ўтказиш, ҳужжатларга мурожаат қилиш ёки бўлмаса, шу турдаги тадқиқотлар ўтказган бошқа социологларнинг тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

VI. Кузатишнинг сўнгги босқичи кузатилган жараёнлар тўғрисида ҳисобот тайёрлашдир. Ҳисобот кузатиш тўғрисидаги якуний ҳужжат бўлгани учун, жуда изчил ва батафсил тайёрланиши керак. Унда кузатиш ўтказилган вақт, жой ва кузатишнинг бориши ҳақида тўла маълумот бўлиши лозим. Кузатилган шахс ва объект батафсил тавсиф этилиши ҳам зарур. Бундан ташқари, кузатувчи ўзи кузатган жараёнларга таъсир ўтказгани тўғрисида ва ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳисоботда баён қилиши шарт.

3-§. Респондентларни танлаш усуллари

Социологик тадқиқотда танловни шакллантиришнинг усулий жиҳатлари. Объектнинг тавсифи, гипотезалар, тадқиқот вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотнинг объектни тавсифлаш ва бевосита танлов мажмуасининг шаклланиши билан тугайдиган босқичини бир бутун усулий жараён деб ҳисоблаш мумкин.

Мажмуавий танлов учта асосий босқичга бўлинади:

1. Тадқиқот объектини таснифлаш.
2. Таснифлашни амалга ошириш учун хизмат қилувчи (математик, мантиқий) воситалар танлови.
3. Бевосита мажмуавий танловни шакллантириш.

Охирги босқич биринчи босқичнинг маъносига боғлиқ бўлиб, ёки биринчи билан бирлаштирилиши ёки мустақил бўлиб ажралиб чиқиши мумкин.

Кўпинча социологик тадқиқотлар ёппасига ўтказилмасдан, балки айрим аҳоли қатламлари орасида ўтказилади. Танлов усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганилаётган аҳоли гуруҳининг объектнинг маълум миқдордаги шахслари танлаб олинади. Бу жараён «танлов» деб аталади. Унинг тўғри бажарилиши социологик ахборотнинг ишончлиги ва сифатига боғлиқдир. «Ижтимоий фикр» Марказида социологик тадқиқотлар ўтказиш жараёнида танлов усулларидан қандай фойдаланишимизни батафсил тушунтириб берайлик.

Танлов усуллари қуйидаги иккита асосий саволга жавоб беради: бош мажмуада нечта бирликларни ўрганиши зарур ва ахборотларнинг илмийлигини таъминлаш учун уларни қандай қилиб танлаб олиш керак.

Танлов жараёни ижтимоий объектларнинг сифат белгилари (жинси, ёши, касби ва ҳ.к.) ва тавсифлари орасидаги ўзаро боғлиқлигига асосланган.

Танловнинг асосий усулларини ўрганишдан аввал унга тааллуқли бўлган (тадқиқот объекти, танлов мажмуаси, бош мажмуа, танлов бирлиги, таҳлил бирлиги) асосий тушунчалар билан танишиб чиқамиз.

Бизнинг тадқиқотларимизда илмий-амалий изланишларимизнинг пировард объекти сифатида Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига оид социологик маълумотлар тўплаш назарда

тутилади. Социологик тадқиқотда бош мажмуа деб ҳудудий, вақтли ва ишлаб чиқариш билан чегаралганган объектлар тўпламига айтилади.

Бош мажмуа — тадқиқот муаммосига алоқадор бўлган барча кузатув бирликлари мажмуасидир.

Берилган бош мажмуадан қандайдир қоида бўйича ажратиб олинган маълум миқдордаги элементлар тўпламига танлов мажмуаси деб айтилади. Тадқиқот ўтказилиш пайтида танлов мажмуасининг таркиби, ўрганилаётган бош мажмуанинг тасниф сифати ва назорат аломатлари таркибини кичрайтирилган ҳолда такрорлаш зарур. Ўрганилаётган танлов мажмуасининг элементлари (респондентлари) таҳлил бирликларини ташкил қилади. Бундай бирликлар намунаси сифатида шахслар ёки бутун оилаларни келтириш мумкин.

Танловнинг ҳар бир босқичида алоҳида режа бўйича танлаб олинадиган элементлар (қишлоқлар, маҳаллалар, корхоналар, ўқув муассасалари) танлов бирлиги деб айтилади.

Танловни асослаш. Усулий (методологик) масалалар ҳал қилингач, яъни мавзу, тадқиқот мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалар таърифи, гипотезалар белгиланганч, танлов ҳажмини белгилайдиган таҳлил бирликлари миқдорини аниқлаб олиш керак. Буларнинг барчасини ҳал этишда бош мажмуа ва танлов мажмуаси асос қилиб олинади.

Танлов мажмуаси бош мажмуа кузатув бирликларидан таркиб топган. Кузатув бирликлари сифатида айрим шахслар, оилалар, гуруҳлар, минтақалар, сайлов округлари бўлиши мумкин. Масалан, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг социологлари талаба ёшлар муаммоларини ўрганишда кузатув бирликлари сифатида талабалар ва профессор-ўқитувчиларни олганлар.

Социологлар доимий дуч келадиган муаммо — тадқиқот учун қанча кузатув бирликларини олишдир. Агар биз бош мажмуани бутунлайича ўргансак энг ишончли маълумотларга эга бўлар эдик. Лекин бу йўлни амалга оширишда жуда кўп муаммолар туғилади. Энг зарур ва муҳим томонни аниқлаш учун ушбу мажмуанинг барча таҳлил бирликларини олиш шарт эмас, унинг бир қисмини олса ҳам бўлади. Бироқ қайси бирини олиш керак? Қачонки, биз танлаган қисмнинг хулосаларини барча қилган ишларга, барча танлов мажмуаларига тадбиқ этишимиз мумкин бўлса, яъни бу хулосалар бош мажмуани аниқ акс

эттирган, у ҳақда тўғри тасаввур ҳосил қилдирадиган бўлсагина жавоб тўғри бўлади. Бунда танлов ва бош мажмуаларнинг асосий хусусиятлари мутаносиб бўлиши талаб қилинади. Агарда бундай мутаносиблик бўлмаса, катта фарқлар бор бўлса, танлов мажмуаси натижаларини барча мажмуаларга ўтказиб бўлмайди Агар танлов мажмуасининг кўрсаткичлари билан бош мажмуанинг кўрсаткичлари ўртасида фарқ беш фоиздан кўп бўлса, тадқиқот ўтказиш мумкин эмас. Бордию бу фарқ беш фоиздан кам бўлса тадқиқот ўтказиш мумкин. Ҳар хиллик қанча кўп бўлса, кузатув бирликларини шунча кўп олиш керак. Агар биз ишчилар синфини умуман ўрганаётган бўлсак, биз унинг ҳар бир ижтимоий ва профессионал гуруҳлар вакилларини танлов мажмуасида кўпроқ жалб этишимиз лозим. Ишчилар синфини, масалан, станоксозлик саноати ишчиларини ўрганадиган бўлсак, танлов сиғимини озроқ олса ҳам бўлади. Агарда ушбу станоксозлик саноатининг юқори малакали ишчиларининг ўзигина танланадиган бўлса, танлов сиғими янада оз бўлиши мумкин. Демак, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда унинг бир хиллиги ёҳуд турли хиллиги омили муҳим роль ўйнайди.

Аҳолидан сўров ўтказилаётганда сўраладиган гуруҳи Ўзбекистон аҳолисининг статистик тўғри, кичрайтирилган ифодасидан иборат бўлиши керак. Бу миқдор мамлакат аҳолиси умумий миқдорининг 1% гача бўлиши керак.

Социологик тадқиқот ўтказилаётганда асосан танловнинг икки усули қўлланилади: эҳтимолий (тасодифий) танлов ва квотали танлов.

Эҳтимолий (тасодифий) танлов усули — бу математик танлов бўлиб, содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг кутилаётган ҳодисалар сонига нисбати деб қаралади. Бунда ҳодисаларнинг умумий сони етарлича катта бўлиши керак.

Эҳтимолий-тасодифий танлов — амалдаги социологик тадқиқотлар ўтказиш тажрибасида танловнинг, яъни маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлашнинг энг яхши модели ҳисобланади. Эҳтимолий танловнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар қаторига оддий тасодифий, системали, стратификацияланган, кластерли, кўп поғонали танлов хиллари киради.

Оддий тасодифий танлов қуйидаги босқичлардан иборат.

Биринчидан, бош мажмуа аъзоларининг рўйхатини олиб, уларни рақамлаб чиқиш керак. Бу рўйхат танловнинг асоси дейилади.

Иккинчидан, танловда чамаланган танлов ҳажмини, яъни сўровдан ўтадиган одамлар сонини аниқлаш керак.

Учинчидан, тасодифий сонлар жадвалидан (3-илова) танлов бирликлари тадқиқот учун қанча керак бўлса, шунча сонларни танлаб олиш керак. Агар танловда 100 киши бўлиши керак бўлса, жадвалдан 100 та тасодифий сон олинади.

Тўртинчидан, асосий рўйхатдан тасодифий олинган сонларга мос келадиган респондентларни танлаб олиш керак.

Бош мажмуанинг ҳажми катта бўлганида оддий танлов усули билан ишлашдаги чекланишлар кўзга яққол ташланади. Кенг кўламда ўтказилаётган социологик тадқиқотларда: сайловлар рўйхатлари, уй-хўжалик китоблари, туман электр бошқармаларининг рўйхатлари, қишлоқ кенгашларининг уй хўжаликларини рўйхатга олувчи китоблари ишлатилади.

Системали танлов сифати бўйича оддий тасодифий танловга яқиндир. Системали танлов оддий танлов каби, бутун рўйхатнинг ёки мажмуанинг берилган тартибга келтирилишини талаб қилади. Системали танловни амалга ошириш йўли қуйидагича: дастлаб тасодифий йўл билан биринчи бирлик танлаб олинади, сўнг ҳар бир k элементи танлаб олинади. К сони бу ҳолда танловнинг қадами деб айтилади. Танлов қадами (k) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$k = N/h,$$

бу ерда: N — бош мажмуанинг катталиги; h — танлов мажмуанинг катталиги. Масалан, К = 2000/200=10.

Бу нарса рўйхатдан ҳар бир ўнинчи бирлик танлаб олинишини билдиради. Танлов ҳисоби рўйхат бошидан ёки охиридан бошланиши мумкин. Масалан, «Ижтимоий фикр» Маркази томонидан ўтказилган оддий тасодифий ва системали танловлар мамлакатимиз фуқароларининг истиқомат манзилларига мувофиқ статистик ахборотлар асосида ўтказилади.

Ўзбекистондаги қишлоқ ҳудудларида яшайдиган аҳоли учун, эҳтимолий тасодифий танловлар уй хўжаликларини ҳисобга олиш китоблари бўйича, шаҳарларда эса электротармоқдан фойдаланувчилар (абонентлар) рўйхати асосида бажарилади.

Сўров ўтказилиши керак бўлган уй хўжалигининг танловини тасодифий танлов йўли билан ёки танлов қадами орқали аниқлаймиз. Бунда уй хўжаликларининг умумий рўйхатидан бир хил оралиқларни ўтказиб, сўровга мос уй хўжаликлари танлаб олинади. Уй хўжалиги танлангандан сўнг Киш картаси ёки квота картаси орқали оиладан саволларга жавоб берувчи шахс ажратиб олинади.

Туманлар, қишлоқ кенгашлари ва маҳаллалар танлови — Ўзбекистон бўйича статистик маълумотларнинг умумий тўпламидан, математик усулларни қўллаган ҳолда, тасодифий сонлар жадвали асосида бажарилади.

Бош мажмуанинг рўйхатига нисбатан, объектлар рўйхатини қисман-қисман олиш енгилроқ бўлса статификацияланган танловдан фойдаланиш афзалроқ. Бу ҳолда танлов ҳажми страталар сонига нисбатан пропорционал бўлинади; ундан сўнг ҳар бир стратадан оддий тасодифий танлов ажратиб олинади.

Кластерли (уяли, инли) танлов. Бу усулда дастлаб кластерлар (гуруҳлар) танлаб олиниб, сўнг шу кластерлар ичида барча бирликларни ўрганишга асосланган. "Кластерлар" (инглиз тилида — уя, ин) — бу кузатув остидаги бирликларнинг табиий гуруҳланишлари. Масалан, ҳарбий хизматчилар бош мажмуаси ҳарбий қисм — бўлинмаларга бўлиниши мумкин, талабалар мажмуаси — университетлар, институтлар ва коллежлар бўйича бўлиниши мумкин ва ҳ.к.

Бош мажмуани локал гуруҳларга ажратиб олиш мумкинлиги бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда ахборот бирлигига кетадиган сарф- ҳаражатларни камайтиришга имконият беради.

Умуммиллий сўровлар ўтказилаётганда кластер усулини қўллаш намунаси сифатида қишлоқ туманлари, маҳаллалар, шаҳар туманлари, сайлов участкаларига бўлинишини мисол сифатида келтириш мумкин.

Кластер жараёнлари тўғри қўлланиши учун тўртта зарурий шартга амал қилиш керак:

1. Кластерлар аниқ белгиланиши лозим. Бош мажмуанинг ҳар бир аъзоси битта кластерга тегишли бўлиши мумкин.

2. Ҳар бир кластерга кирадиган бош мажмуа аъзоларининг сони аниқ бўлиши лозим.

3. Кластерлар жуда ҳам катта бўлмаслиги ва географик жипсланган бўлиши лозим.

4. Кластерли танловни шундай бажариш лозимки, у танлов хатосининг ўсишини камайтириши керак.

Кластер ёки стратификациялаш танловини бажаришдан олдин тадқиқотга кетадиган сарф-харажатларнинг самарадорлигини солиштириш фойдалидир. Ўзгарувчилар сифатида кластернинг ўртача катталиги ва кластерлар сони танланади. Шу икки ўзгарувчига боғлиқ бўлган сарф-харажатлар функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$Ct = A*C1 + H*C2.$$

Бу ерда: **Ct** — тадқиқотнинг умумий баҳоси;
A — "дастлабки танлов бирликлари" сони;
C1 — дастлабки тадқиқ қилишга кетадиган ўртача харажатлар;
H — режалашган танловнинг умумий катталиги;
C2 — битта интервью ўтказиш учун ўртача сарф-харажатлар.

Кўп поғонали танлов тасодифий танловнинг бир неча бўлимидан иборат бўлиб, мураккаб статистик масала кўринишида бўлади. Умуммиллий тадқиқотларда танлов 4 ёки 5 "зинадан" — вилоятдан бошлаб токи маҳаллагача тушиб боради. Биринчи қисмларида, худди кластер танловидек "танловнинг дастлабки бирликлари", масалан, вилоят, туман, маҳаллалар танлаб олинади. Охирги бўлимларида бош мажмуа бирлик аъзоларининг, респондентларнинг, оилаларнинг тасодифий танлови бажарилади. Шуни айтиб ўтиш керакки, қисмлар кўпайиши олинган баҳолар аниқлигининг камайишига олиб келади. Танлов таснифини яхшилаш учун анкета ўтказиш учун белгиланган аҳоли вакиллари билан махсус ишлаш саволлари моҳиятини очиб бериши зарур.

Социологик тадқиқотларда эҳтимолий танлов билан бир қаторда бирор мақсадга йўналтирилган квотали танлов ишлатилади. Жамоатчилик фикрини ўрганишда кенг қўлланиладиган ва энг аниқ бўлган бу танлов — **квотали танлов усули** деб аталади. Бу усул тадқиқотнинг мақсади аниқ бўлганда ишлатилади.

Танловнинг квота усули бош мажмуанинг қандайдир бир қисмини (фоиз нисбатида) бошқа тўлиқ кўрсаткичлар билан мувофиқлаштириш мумкинлигини эътиборда тутган ҳолда олишни мўлжаллайди. Кўпинча бундай кўрсаткичлар сифатида

респондент маълумоти, ёши, профессионал тайёргарлиги ва ҳ.к. бўлади Бу кўрсаткичлар бўйича бош мажмуа ҳақидаги маълумотлар, одатда, расмий статистикадан олинади. Бош мажмуа ҳақида қатор маълумотларнинг борлиги квотали танлов усулини маълум идоралар, муассасалар, корхоналарда қўллаш имконини беради. Корхоналарда ўтказиладиган тадқиқотлар учун квотали танлов усулининг муҳимлиги яна шундаки, бу ерда ижтимоий тажрибалар ўтказилиши мумкин. АҚШ ва Польша социологлари тажрибасининг кўрсатишича, бош мажмуадаги кузатув бирлигининг атиги 10 фоизини олиш билан ишончли квотали танлов мажмуасини ҳосил қилиш мумкин экан. Савол туғилади: мана шу кузатув бирлигининг 10%ни қандай қилиб танлаб олиш мумкин. Танловнинг энг кўзга кўринган маълум усуллари қуйидагилардир: *тасодифий қайта танлов, тасодифий қайтариқсиз танлов, механик, типик ва районлаштирилган (уяли) танлов.*

Тасодифий қайта танлов қўллаш жараёнида биз таҳлил бирликларини маълум талаблар асосида эмас, балки соф тасодифан ажратиб оламиз. Масалан, завод картотекасидан тадқиқот учун жалб қилинган ишчиларни танлаб оламиз. Дейлик, 10 минг кишилик жамоадан бир минг кишини танлаб олишимиз керак. Битта карточкани оламиз, карточкани қайтариб қўямиз, сўнг таваккалига бир неча бор бошқа карточкани оламиз, яъни биз риоя этаётган тасодифийлик баъзан қайтариб турилади.

Механик танлов. Маълум оралиққа риоя этган ҳолда кузатиш бирликларини саралаш йўли билан амалга оширилади. Агарда юқоридаги картотекадан ишчиларнинг карточкаларини оладиган бўлсак, ҳар ўнтадан биттасини оламиз, бордию танлов фоизи паст бўлса, масалан, ҳар йигирматадан биттасини оламиз. Бундаги муҳим ҳолат қайси карточкадан – 1,3 ёки 9-карточкадан олишни бошлашда бўлади. Буни яхшиси қуръа ташлаб ҳал этиш керак. Дастлабки ўнта карточкани олиб, уларни аралаштириб, биттасини тортиб олиш керак. Мана шу номерга қараб қутидан белгиланган вақт масофасига риоя қилиб, карточкаларни олишни бошлаш лозим. Олдимизда картотекали қути ёки алифбо тартибида тузилган рўйхат бўлган чоғда шундай қилиш тавсия этилади. Бу ерда биз кузатиш бирликларининг ўрганилаетган белгиларга нисбатан тартибсиз жойлашганлигини кўрдик. Бироқ бизнинг олдимизда кузатиш

бирликлари ўрганилаётган белгига нисбатан тартибли жойлашган бўлиши ҳам мумкин. Барча белгиланган аломатларимиз бўйича зарур миқдорда саралаб олгунимизча гуруҳларга ажратишни давом эттирамиз. Лекин бунга кўп берилиб кетиш керак эмас.

Илмий жиҳатдан энг самарадори *типик танлов усулидир*. Механик йўл билан танлаб олинган таҳлил бирликлар ҳар бир белгиланган аломатга кўра танлов мажмуасига тушишни таъминлайди, бунда ўзаро фарқ қилувчи барча кузатиш бирликлари танлов мажмуасига тушади. Бу кузатиш бирликларини танлов мажмуасига саралашнинг энг репрезентатив усулидир. Бу усулдан фойдаланилганда танловда хато қилиш энг кам миқдорда бўлади. Фақат камдан-кам ҳоллардагина, қачонки, олинган типлар ўртасида ўрганилаётган белги бўйича ҳеч қандай фарқ бўлмагандагина тасодифий ва механик танловда хато ўтиб кетиши мумкин. Бу вариантда типик танловни қўллаш керак эмас, механик танлов билан чекланиш мумкин. Типик танлов ўрганилаётган мажмуани кузатиш бирликлари орасида кескин фарқ бўлган ҳоллардагина фойдали ва ўта зарурдир. Натижада ўрганилаётган белги бўйича типлар (гуруҳлар) ўртасида қанча фарқ катта бўлса, танлов хатоси шунча кам бўлади. Энг катта мажмуани белгиланган аломатларга қараб ажратар эканмиз, улар орасидаги фарқ иложи борича кескин бўлишига интилишимиз лозим. Демак, танловнинг барча усулларини қўллаш чоғида тасодифий хатоларга сўзсиз йўл қўйилади, яъни танлов ва энг катта мажмуаларнинг кўрсаткичлари ўртасида фарқ бўлади. Бу хатолар объектив мазмунга эга, чунки тадқиқотчига боғлиқ бўлмаган ҳолда хатто илмий танлов шароитларида ҳам текширилаётган қисм тизими бош мажмуа тизимига мос тушмайди. Хатонинг катта-кичиклиги танлов ўтказилишининг усулларига боғлиқ бўлади. Танловнинг асосий принципи – тасодифийлик принципи бузилган чоғдаги доимий хато мазмунан бошқадир. Баъзан эркин танлов ўрнига кузатиш бирликларини онгли равишда, уларнинг энг яхши кўрсаткичларига қараб танлаб олинади. Масалан, 10 минг кишилик ишчилар жамоасидан мингта энг яхшиларини танлаб олиб, уларни ўрганишади. Бу ҳолатда танлов хатоси субъектив бўлади, зеро танлов ва энг катта сиғимлар натижаси мутахассисликнинг онгли фаолияти оқибатида олинган бўлади. Бундай танлов мажмуани ўрганиш чоғида олинган хулосалар

бош мажмуада акс этмайди. Илмий талаблар нуқтаи назаридан бундай қилиб бўлмайди.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг репрезентативлик даражаси танлов усулини қўллашга бевосита боғлиқдир. Хулосаларнинг ишончлилиги эса, ўз навбатида репрезентативлик даражасига боғлиқ бўлади. Демак, танлов социологик тадқиқотда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Танлов ўтказилаётган пайтда танлов ҳажмини аниқлашга катта аҳамият берилиши керак.

4-§. Аҳоли ўртасида ишлашни ташкил этиш ва ўтказиш

Социологик тадқиқот марказларида аҳоли ўртасида ишлашни бошлашдан аввал дастлабки (пилотаж) ахборотни тўплаш бўйича танланган усул, яъни сўров усули синовдан ўтказилади. Синов респондентларнинг сони катта бўлмаган 25-30 кишидан иборат гуруҳида ўтказилади. Бунинг учун бутунлай қарама-қарши тоифаларга мансуб (маълумоти, ёши, жинси, ҳаётий тажрибалари) бўлган вакиллар танлаб олинади.

Синовда, тадқиқот муаллифларидан ташқари, бўлажак интервьюерлар, матнларни кодлаштирувчилар, дастурчилар қатнашишлари зарур. Агар синовда бир нечта одам қатнашса, маълумотлар йиғиш инструментариясининг сифатини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Синовдан асосий мақсад режаланган саволлар қанчалик тўғри тузилган? Респондентларга улар тушунарлими? Кўзлаган ахборотни олиш мумкинми? — каби саволларга жавоб беришдир. "Пилотаж" тадқиқот босқичма-босқич бажарилади. Бир гуруҳ маълумотлар йиғилгандан сўнг ахборот таҳлили ўтказилиб, фикр алмашинади ва шу жараён пилотаж тугагунича такрорланаверади. Тадқиқотнинг муаллифлари интервьюерлар билан биргаликда услубиётнинг барча элементларини тадқиқотга кириш босқичидан бошлаб, ижтимоий-демографик босқичгача қадамма-қадам муҳокамадан ўтказишади. Тадқиқот натижалари дарҳол таҳлил қилиниб, ечимнинг янги варианти синовга қўйилади. "Пилотаж"нинг якуни услубиёт ва маълумотлар тўплами бўйича кўрсатма матнини, ташкилот ҳамма бўлимларининг, айниқса тадқиқотда иштирок этувчиларнинг тайёрлик даражасини кўрсатиб беради.

Сўров усули қўлланиши чоғида сўровномадан ташқари ҳам тадқиқотчи ва респондент ўртасидаги алоқа интервьюер воситаси ҳисобланади.

Интервьюер тадқиқотчи кўзда тутган саволларни бериб, алоҳида олинган ҳар бир одам билан суҳбат ташкил этади, бошқаради ва кўрсатмага (инструкция) мувофиқ олинган жавобларни қайд қилади. Ҳар бир сўровнома учун интервьюерга мўлжалланган ўзига хос кўрсатма ишлаб чиқилади.

Интервьюернинг иши жуда муҳим, яъни, интервьюернинг сўровнома ва респондент ўртасидаги воситачилиги саволларга жавоб берувчининг ички дунёсига максимал даражада яқинлашиш имконини беради. Респондент алоҳида сўзлар ёки саволлар мазмунини тушунмаган, воқеаларни эслаш қийин бўлган ва шу каби бошқа вазиятларда интервьюер ёрдамга келиши, қўшимча саволлар бериши, тушуниш қийин бўлган сўзлар ёки ифодаларни тушунтириб бериши, пировард натижада эса янада аниқроқ ва ишонарлироқ ахборотлар олишга эришиши мумкин.

Интервьюер учун кўрсатмалар (4-илова) алоҳида китобча кўринишида тузилади ва сўровнома матнига киритилади. Бундай кўрсатмалар мазмунининг зарурий элементлари қуйидагилардир:

1. Интервьюернинг сўров ташкилотчилари билан муносабатларини аниқлаб олиш ("Ижтимоий фикр" Марказида сўров вазифалари ва ҳужжатлари, яъни маршрут варағи (ёки респондент манзилгоҳи), Киш картаси (ёки квота), интервьюер гувоҳномаси ва ҳ.к.берилади).

2. Респондентни қидириб топиш ёки жойида бўлмаганларини заҳирадаги номзодлар билан алмаштириш қоидалари.

3. Респондент билан дастлабки суҳбат мазмуни ва у билан дастлабки алоқа ўрнатиш, унинг интервью беришга розилигини олиш бўйича кўрсатмалар.

4. Сўровномани тўлдириш техникасини тушунтириш.

Интервьюерга сўровномани тўлдириш техникаси бўйича кўрсатмалар сўровнома матнининг ўзида бўлиши керак. Булар қуйидагилар бўлиши мумкин: фильтрловчи саволлардан сўровга жалб этилувчиларнинг маълум бир қисмига тааллуқли саволлар гуруҳига ўтишини кўрсатувчи белгилар ҳақидаги тушунтиришлар; очиқ саволлар, интервьюер респондентга бериши керак бўлган жавоб вариантлари келтирилган

карточкалар ҳақидаги эслатмалар ва ҳ.к. Бу каби кўрсатмалар чизма ёрдамида ёки "Диққат, интервьюер!" сўзлари билан ажратилган бўлади.

Интервьюерлар гуруҳларини шакллантириш, ўқитиш ва уларга кўрсатмалар бериш. Дастлабки ахборот тўплаш учун интервью услуби қўлланиладиган социологик тадқиқот мобайнида ушбу тадқиқот хусусиятларига мос келувчи интервьюерларни ажратиб олиш ва тайёрлаш вазифаси туради.

Интервьюерлар аввал жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровларда иштирок этган ва сўровда қатнашиш таклифномасини олган одамлар орасидан танлаб олинади. Интервьюер бўлиш истагини билдирган шахс ариза беради ва ўзи ҳақидаги маълумотлар бўйича сўровнома тўлгазади. Агарда номзод сўровнома талабларига мос келса суҳбатга таклиф этилади. Суҳбат давомида унинг интервьюер ишига муносабати, унинг мазмунини англаши, кўрсатмаларни бажариш қобилияти, аниқ ёзувлар олиб бориш лаёқати, шунингдек турли маълумот ва ижтимоий даражалардаги респондентларга тўғри йўл топа билиш кўникмалари аниқланади. Суҳбатдан ўтган номзодлар дастлабки машғулотларга таклиф этиладилар.

Дастлабки ўқитиш курсларида 10-12 киши бўлиши мумкин. Бу курслар унча катта бўлмаган гуруҳлардаги бир қанча машғулотлардан (масалан, ҳар бири 2 соатлик 4 машғулот) иборат. Тингловчилар тадқиқотнинг барча босқичлари ва муаммолари, интервьюер роли ва унинг хатти-ҳаракатларига қўйиладиган талаблар, қўлланиладиган тушунчалар билан таништириладилар. Номзодлар ўқув интервьюларида ва интервьюер учун мўлжалланган кўрсатмадан олинган сўровномалар чизмаларининг муҳокамасида қатнашадилар. Машғулотлар натижаларига кўра ҳар бир номзодга баҳо қўйилади ва шу асосда у кейинги машғулотларга қолдирилади ёки унинг хизматидан воз кечилади.

Интервьюерлар билан ишлашнинг кейинги босқичи — тест асосида баҳолашдир. Ўқув интервьюси ўтказиладиган бундай машғулотда ҳар бир номзодга супервайзер бириктирилиб, у номзод билан ҳар бир интервьюни олиб боришни муҳокама қилади. Шундан сўнг номзод мунтазам равишда ишига кўника боради, супервайзер эса уни кузатади ва заиф томонларини аниқлайди. Супервайзер тест натижалари асосида ҳисобот

тайёрлайди ва номзоднинг интервьюер бўлиб ишлаш имконияти ҳақида қарор қабул қилади.

Интервьюерларни ўқитиш жараёни интервью ўтказиш техникасини ва суровнома тузиш қоидаларини ўрганишдан ташқари, тадқиқот мавзуси ва респондентлар муҳити билан танишишни ҳам ўз ичига олади. Ўқитишнинг ушбу томонларини кўриб ўтамиз.

Интервью мавзуини ўзлаштириш. Интервьюернинг мавзуни яхши билиши, гап нима ҳақида кетаётганлигини англаши — мувафаққиятнинг зарурий шартидир. Респондент ўз суҳбатдошининг муҳокама этилаётган саволни тушунишини сезиб туриши керак. Бунинг учун тадқиқот лойиҳасининг раҳбари ва супервайзер интервьюерларни саволнома мазмуни ва уни тўлдириш бўйича кўрсатма билан таништирадилар, уларни диққат билан ўрганадилар, муҳокама этадилар ва зарур бўлган тақдирда ўрганилаётган мавзу бўйича қўшимча материалларга мурожаат қиладилар.

Респондентлар яшаётган муҳитнинг хусусиятларини билиш. Интервьюернинг ўзи иш олиб борадиган муҳит хусусиятларини, яъни респондентларнинг маълумот даражасини, меҳнат ва турмуш хусусиятларини, кундалик тил муаммоси жиҳатларини билиш ва буларнинг барчасини интервьюга тайёрланиш чоғида ҳисобга олиши муҳимдир.

Респондент яшаётган муҳитни билиш интервьюерга респондент билан тезда суҳбатга киришиш, унинг суҳбатдаги иштирокини таъминлаш, суҳбат жараёнида саволнинг ҳақиқий мазмунини респондентга етказа олишида муҳим аҳамият касб этади.

Интервью олиш техникасини билиш. Интервью олиш техникаси деганда, интервьюернинг интервью жараёнига халал бермаган ҳолда респондентни ишончли жавобларга рағбатлантириш мақсадига йўналтирилган усуллар мажмуаси тушунилади. Бу усуллар кўп сонли ва турли хил бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин:

— респондентни интервьюда қатнашишига ундовчи хусусиятига кўра;

— суҳбатдошнинг ҳолатидаги кескинликни юмшатиш хусусиятига кўра;

— суҳбатни аниқ оқимга йўналтирувчи ва суҳбатдошнинг диққатини жамловчилик хусусиятига кўра;

— тушуниш қийин бўлган саволларни аниқлаштиришга кўра;

— «респондентнинг ҳимоя реакциясини» бартараф этишга бўлган қобилиятига кўра;

— респондентни очиқ жавоб беришга ундовчилик малакасига кўра;

— суҳбат бошида туғилган ноқулай гаассуротлар ҳамда кайфиятларни самарали изга сола олишига кўра;

— кутилмаганда узилиб қолган суҳбатни тиклай олишига кўра;

— жавобни мунтазам текшириш ва атайлаб нотўғри шаклда олинган жавобга муносабат билдира олиш хусусиятларига кўра.

Аҳоли ўртасида бевосита тадқиқотларни ўтказиш. Бундай тадқиқот бу бевосита объектларга чиқиб, ахборотлар тўпламини ялпи тарзда йиғиш демакдир. Бу босқичдаги ташкилотчиликнинг асосий талаблари: кўрсатмаларга аниқ риоя этиш, бирламчи ахборотни сақлашнинг мақбул тизимига риоя этишдир.

Интервьюер савол-жавобни бошлашдан олдин сўровномани диққат билан ўқиб чиқиб, мавжуд саволларни ва уларга тегишли жавобларни кўрсатма бўйича мукаммал ўрганиб чиқиши лозим. Агар шу ишни бажармаса, савол-жавоб пайтида ўзини йўқотиб, ташаббусни респондентга бериб қўйиши ва шу билан бутун сўров натижаларининг хато бўлишига олиб келиши мумкин.

Топшириқ олган интервьюер сўров ўтказиш жойига (қишлоқ, шаҳарча ва ҳ.к.) етиб келгач, даставвал қишлоқ кенгашига мурожаат этади, чунки бу ерда кўрсатмага мувофиқ танлаш амалга оширилади. Танлаш хўжаликлар ҳисоб- китоби асосида амалга оширилади. Барча ажратиб олинган манзилгоҳларни интервьюер Марказда берилган бланкага ёзиб қўяди. Рўйхат тузилгандан сўнг интервьюер аниқ манзилгоҳлар бўйлаб юради ва сўровни олиб боради. Интервьюер сўровни ҳеч қачон кўчада, қишлоқ кенгашида, чойхонада ва респондентнинг ишхонасида ўтказмаслиги, балки фақат респондент уйида ўтказиши лозим. Аниқ бир респондентни ажратиб олишнинг асоси оила ҳисобланади. Агарда танлашга тушган манзилгоҳда бир неча оила истиқомат қиладиган бўлса, интервьюер яна бир танлаш босқичини амалга оширади, яъни ушбу манзилгоҳда яшовчи барча оила бошлиқларини ёзиб олади. Шундан сўнг, интервьюер фамилияси алфавит бошидаги ҳарфга

яқин оилани танлаб олади. Суҳбат ўтказилиши керак бўлган шахсни аниқлаши учун интервьюер Киш картасидан фойдаланади. Маълум бир манзилгоҳ учун Киш картаси номери супервайзер томонидан белгиланади.

Киш картаси 8 вариантдан иборат. Ўй хўжалигининг аниқ манзили аниқлангач, Киш картасини тўлдиришга ўтилади Бунда Киш картанинг ичига аввал ёши энг катта эркакдан бошлаб, Киш картасида кўрсатилган энг кичик ёшигача барча эркаклар ёзиб чиқилади, давомига эса ёши энг катта бўлган аёлдан бошлаб, ёши кичигигача ёзиб чиқилади. Ундан сўнг оилада сўровга лойиқ бўлганлар сонига қараб қайси бири билан сўров ўтказиш керак эканлиги аниқланади.

Респондент танланганидан сўнг интервьюер у билан сўровнома бўйича суҳбат олиб боради. Интервьюер сўровнома билан кўрсатмага мувофиқ ишлайди. Ҳар бир сўровномага мувофиқ тарзда кўрсатма ишлаб чиқилади.

Интервьюер кўрсатмада келтирилган талаблардан четга чиқмаслиги лозим. Агарда у ўзбошимчалик қилиб ўзича кўрсатмада кўрсатилмаган тартибда сўровни олиб борса, бундай сўровнома "яроқсиз" деб ҳисобланади ва инобатга олинмайди, бу ҳол тадқиқотнинг тозалигига путур етказади. Агарда сўровномани тўлдириш жараёнида айрим саволлардан бошқа саволга сабабсиз сакраб ўтилса ва шу туфайли айрим саволларга жавоб берилмаса, бу ҳам сўров олиб борувчининг кўпол хатоси деб ҳисобланади.

Берилган саволларга танланган жавобларни ёрқин (кўк ёки бинафша) рангли ручка билан тўлдириш лозим. Сўровномада ҳар бир ёзув аниқ ҳарфлар билан ифодаланиши керак. Саволларга жавоблар мос бўлган рақамларни доира ичига олиш керак. Айрим интервьюерлар шошилиб доирани катта чизиб юборади, шу билан қўшни рақамни ҳам айлананинг ичига олиб қўяди. Албатта, бундай ҳол бўлмаслиги лозим, чунки ЭҲМда маълумотларни киритишда оператор адашиб, нотўғри маълумотларни киритиб қўйиши мумкин.

Аниқ манзилгоҳга келгач, интервьюер ўзини таништириши, гувоҳномасини кўрсатиши ва ўз ташрифи мақсадларини баён қилмоғи керак. Кириш суҳбати матн сўровномасининг биринчи саҳифасига ёзиб қўйилади.

Бу босқичда бир нечта муҳим вазифалар амалга оширилади. Улардан биринчиси — респондентни сўровга тайёрлаш

Респондентдан керакли маълумотни олиш учун унга сўровнинг сабаби ва мақсадини тушунтириб, саволларнинг мазмуни билан таништириш керак. Агар сўров анкета ёрдамида ўтказилаётган бўлса, уни қандай тўлғазишни ҳам тушунтириш лозим. Сўров мавзуи ҳақида маълумот бериш респондентни асосий саволларга жавоб бериш учун тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Бевосита саволларни бериш ва анкета тўлдиришга ўтишдан аввал респондентни шу мавзуга қизиқтириш зарур. Масалан, иқтисодий мавзудаги сўровларни ўтказишдан олдин респондентларга сўровнинг мақсадини билдириб, мавзунинг шу корхона, жамоа, минтақа ва мамлакат учун аҳамияти тушунтирилса, сўровга жиддий муносабат вужудга келади.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ҳар бир респондентнинг ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари, манфаатлари мавжуд бўлиб, сўровга қизиқиш ҳосил қилишда шуларни назарда тутиш керак.

Кўникиш даврида респондентга бевосита мурожаат қилинади. Бу мурожаат оғзаки ва ёзма тарзда амалга оширилиши мумкин. Мурожаатда тадқиқот мақсадлари ва аҳамияти таъкидланади. Мурожаатда респондентга чуқур ва самимий ҳурмат изҳор қилинмаса унинг бу тадқиқотга қизиқиши сусайиши ёки мутлақо йўқолиши мумкин. Шунинг учун мурожаатда респондентнинг руҳий ҳолати ҳисобга олинган бўлиши керак.

Ўтказилган сўровга респондентда қизиқиш уйғотиш, ҳеч бўлмаганда мойиллик пайдо қилиш натижаларнинг ҳаққонийлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бу қизиқиш ва мойилликни уйғотиш учун эса адаптация босқичи жуда эҳтиёткорлик ва моҳирлик билан ўтказилиши лозим. Бунинг учун мурожаатда қуйидагилар акс этиши шарт:

1. Респондентга чуқур ҳурмат. Тадқиқотчи респондентга чуқур ҳурмати мавжудлигини сездириши керак. Бунинг учун эса анкетага: "Биз Сизни жуда ҳурмат қиламиз" деб ёзиб қўйиш кифоя қилмайди. Ҳурмат мурожаатдаги ҳар бир сўздан ва матндаги мазмундан сезилиб туриши керак.

2. Респондентга ўрганилаётган мавзу бўйича мутахассис сифатида мурожаат қилиш лозим. ўзининг фикри тадқиқот учун зарур эканини респондент ҳар бир сўз ва жумладан сезиб туриши зарур. Мана шу икки ҳолат таъминланганда, сўровга қизиқиш пайдо бўлиши ёки бор қизиқиш кучайиши мумкин.

5-§. Социологик маълумотларни замонавий усулларда ҳисоблаш

Дала ишлари ўтказилиб, керакли маълумотлар сўровномада акс эттирилган ҳолда тўплангач, улар устида ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш босқичи бошланади. Сўровноманинг ҳажми кичик (10-15 савол) ва сони 150-300 тадан кўп бўлмаса, у ҳолда ҳисоб-китоб ишлари қўлда бажарилгани қулай. Лекин сўровноманинг ҳажми катта бўлиб, уларнинг сони 300 тадан ортиб кетса, хисоб-китоб ишларининг замонавий ЭҲМда бажарилиши яхши самара беради. "Ижтимоий фикр" Марказида ўтказилаётган тадқиқотларда саволлар сони 100-150 тагача, сўровномалар сони эса 1000 тадан 2500 тагача етадиган респондентлар орқали тўлдирилади. Масалан, биз намуна сифатида олган "Ўзбекистон – умумий уйимиз" социологик тадқиқотларда 1141та респондент сўровномани тўлдиришда қатнашди. Социолог учун асосий қийинчиликлар ҳисоб-китобларнинг натижалари олингандан сўнг бошланади, айрим натижаларда кўрсаткичлар ўзаро мос келмай қолади. Бундай хатоларга йўл қўйилишининг асосий сабабларидан бири, математиклар билан етарли даражада ҳамкорлик қилинмаганликдир. Социолог билан математикнинг ҳамкорлиги дала ишларидан кейин эмас, балки дастлабки поғонада – гипотезани шакллантиришда, режа ва дастур тузишда, сўровноманинг саволларни жойлаштириш вақтида бирламчи ва иккиламчи ахборотлар устида ҳисоб-китоб ишлари бажарилишидан олдин ўрнатилиши лозим.

Хўш, социолог ва математик орасида қандай ижодий ҳамкорлик бўлиши керак?

Математик тўпланган ахборотларни ўзида сақловчи сўровномалар тўпламини статистик ишловни амалга ошириши керак. Математик учун ЭҲМ бу ишни бажарувчи техник восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг ахборот моделини шакллантириш қуйидаги қисмлардан иборат:

— сўровнома саволлари ва жавоблар орасидаги боғланишларни ҳисобга олиб атрибутларни идентификациялаш;

— сўровнома маълумотлари базасининг тузилмаларини ишлаб чиқиш;

— натижавий жадваллар шаклини яратиш;

— жадваллар учун кесимларни белгилаш;

— маълумотлар базаси ахборот объектларининг қийматлари чегараларини, зиддиятсизлик, тўлалик ва мутаносиблик шартларини аниқлаш;

— жавобларни кодлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.

Социологик маълумотларни замонавий усулларда ҳисоблаш учун зарур бўлган асосий тушунчаларни киритайлик:

Математик ишлов объекти — сўровнома, яъни сўров натижасида олинган сонли маълумотлар тўплами.

Аломатлар — сўровномаларнинг саволлари.

Аломатлар қийматлари — респондент томонидан берилган жавоблар.

Мисол. Ўзбекистон бўйича ўтказилаётган социологик тадқиқот ахборот моделининг кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Вилоят.
2. Туман.
3. Қишлоқ кенгаши.
4. Маҳалла.
5. Уй хўжалиги ёки респондент идентификацияси.
6. Сўровнома саволлари.

Вилоятлар, туманлар, қишлоқ кенгаши, маҳалла бўйича уй хўжаликлари, эркаклар, аёллар сони ҳақида маълумотнома мавжуддир. Вилоят, туман, қишлоқ кенгаши, маҳаллалар рақамлари кодлаштирилган тарзда ишлатилади.

Ахборот объектларнинг қийматларини чегаралаш мисоли сифатида зиддият келтириб чиқармайдиган шартларни танлаб олиш мумкин.

Ахборотларни кодлаштириш деганимизда кодлаштирилаётган аломатнинг ҳар хил қийматларига кетма-кет сонли қийматлар, масалан, 1,2,3... қиймат бериш назарда тутилади. Бундай ҳолда компьютерга шу маълумотлар киритилишида сонли матрица ҳосил қилинади, яъни, сатр бўйича — сўровнома саволлари жойлашган бўлса, устун бўйича эса — аломатлар жойлашади.

Ҳозирги кунда социологик тадқиқот маълумотларини ЭҲМ орқали қайта ишлашда чет элда ишлаб чиқилган SPS, ACSESS каби дастурлардан фойдаланиб келиняпти. Шу билан бирга "Ижтимоий фикр" Марказида ўз мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилаётган махсус машина

дастурлари ҳам яхши самара бермоқда. Ана шу дастур асосида энг замонавий ПЭҲМ ларда (PENTIUM II, PENTIUM III) социологик маълумотлар устида ҳисоб-китоблар бажариляпти.

Мисол тариқасида "Ижтимоий фикр" Марказида олиб борилаётган социологик тадқиқот маълумотларига ЭҲМ орқали ишлов бериш жараёнининг амалий тажрибасини баён этамиз. Ушбу баён Марказнинг математиклар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган, сўровномалар маълумотларига ишлов беришга мўлжалланган "сўровнома ишлови" машина дастурлари мажмуасининг амалий қўлланилиши мисолида ифода этилади. Социологик тадқиқот маълумотларига ЭҲМ орқали ишлов бериш бир неча босқичларда амалга оширилади ва бу босқичлар унга мос мутахассислар гуруҳи томонидан олиб борилади.

Биринчи босқичда сўровномаларнинг тўлдирилишини текшириш, ишловга яроқсиз сўровномаларни ҳисобдан чиқариш ишлари бажарилади. Сўровнома ҳар хил сабабга кўра яроқсиз ҳисобланиши мумкин. Биринчидан респондент ҳақидаги маълумот тўла бўлмаса, яроқсиз ҳисобланади. "Ўзбекистон — умумий уйимиз" сўровномасида D блок саволлари шундай маълумотларни аниқлайди. Иккинчидан, сўровнома тўлдирилган жой, ҳудуд ҳақида маълумот бўлмаса ҳам яроқсиздир. Сўровноманинг биринчи бетида маълумотлар келтирилиши керак. Яна асосийси, сўровномада келтирилган барча саволлар жавобга эга бўлиши, қўйилган талабга мос тўлдирилиши керак. Баъзан битта жавоб белгиланиш ўрнига бир неча жавоб белгиланиши учрайди. Шунга ўхшаш, агар иккитагача жавобни белгилаш сўралса, ундан ортиқ жавоб белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, сўровнома A1 саволга фақат битта жавоб белгиланади, B5 саволга жавоблар иккитагача, C1 да эса учтагача белгилаш мумкин.

Яна баъзи ҳолларда саволни ташлаб ўтиш қоидаси бажарилмаган бўлади. Мисол сифатида, агар A1 саволга 3 ёки 4-жавоб белгиланган бўлса, A2 савол ташлаб ўтилиб, A3 саволга ўтилиши кераклигини кўрсатиш мумкин.

Ишлов беришга яроқсиз сўровномалар ҳисобдан чиқарилгач, иккинчи босқич — сўровномаларни гуруҳлаш ва рақамлаш ишлари олиб борилади. Сўровномаларни гуруҳлаш деганда, тадқиқот ўтказилган ҳудудлар — вилоятлар, туманлар бўйича сўровномаларни тартибга солиш, вилоят, туман ва шаҳарлар кодларини белгилаш тушунилади. Кейин эса ҳар бир гуруҳ

сўровномаларининг тартиб рақамлари белгиланади. Одатда, рақамлаш бажарилгандан кейин ҳам баъзи сўровномалар яроқсизлиги аниқланиб, улар ҳисобдан чиқарилади. Бундай ҳолларда қайта рақамлаш шарт эмас.

Учинчи босқич сўровномадаги очиқ саволлар жавобларини кодлаштириш жараёнидир. Ушбу жараён анча мураккаб ва машаққатли ишдир.

Сўровномалар тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил бўлгандан сўнг жавобларни кодлаштиришга ўтилади. Одатда, сўровномада ҳар бир саволга тартиб билан сон қўйилган жавоблар келтирилган бўлади. Ана шу сон жавобнинг "код" вазифасини бажаради. ЭҲМга жавоблар матни эмас, балки уларга мос бўлган сонлар киритилади ва улар устида арифметик амаллар бажарилади, чунки ЭҲМ фақат сонлар билан ишлайди. Демак, ҳар бир жавобнинг коди мавжуд бўлади десак, хато бўлмайди. Ҳисоб-китоблар бажарилгандан сўнг ҳар бир сонга мос бўлган жавобнинг матни унга қайтариб берилади.

Кодировка қилиш жараёнида очиқ саволларни кодлаштириш маълум қийинчиликларга олиб келади. Бундай саволларни кодлаштириш учун ёрдамчи тўпламни ажратиб оламиз. Бу ишлар қуйидагича бажарилади. Авваломбор, очиқ саволлар берилган ҳамма жавоблари махсус дафтарга кўчирилади. Ушбу жавоблар маъноси бўйича яқинлари сараланади. Улар асосида классификатор тузилиб ҳамма жавобларга мос кодлар берилади.

Юқорида бажарилган ишлардан сўнг маълумотларни компьютерга киритиш ишлари амалга оширилади.

Бирламчи кодлаштириш. Сўров ўтказилгандан сўнг, сўровномада акс эттириладиган очиқ саволларнинг кетма-кет кодлаштирилиши бажарилади.

Иккиламчи кодлаштириш. Очиқ саволлар бўйича якуний жадвалларни ҳосил қилиш жараёнида алоҳида қийматларни гуруҳларга ажратиш зарурияти туғилади. Шундай ҳолларда иккиламчи кодлаштириш бажарилади. Масалан, савол шундай қўйилган бўлса: "Сиз, сўмни харид қилиш салоҳиятининг даражаси нимага боғлиқ, деб ўйлайсиз?". Савол очиқ бўлганлиги туфайли респондентлар (чунки мумкин бўлган жавоблар вариантлари келтирилмаган) бу саволга кўп жавоблар келтирадилар. Ҳамма жавобларни бирламчи кодлаштиришда кодлаштириш варағига киритадилар ва кетма-кет тартиб рақамига эга бўладилар. Агар, ўзаро яқин вариантлар кўп бўлса,

уларни у ёки бу мезонлар бўйича гуруҳларга ажратиш зарурияти пайдо бўлади. Берилган ҳолатда ҳамма вариантларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Давлатнинг таъсири.
2. Хусусий тадбиркорликнинг таъсири.
3. Фуқаролар онглилиги таъсири.
4. Ташқи омиллар таъсири.

Шу уч босқич давомида сўровнома ЭҲМга киритиш учун тайёр ҳолатга келади. Тўртинчи босқичда ЭҲМда сўровнома маълумотларини сақлаш учун маълумотлар базасини тузиш ва маълумотларни киритиш ишлари бажарилади. "Сўровнома ишлови" машина дастурлари мажмуасида QABUL дастури маълумотларни киритиш вазифасини ўтайди. Дастурлар амалиётда кенг тарқалган FOXPRO тизими орқали ишлайди. Бу тизимда маълумотлар базаси ахборотларни сақловчи майдонлар тўпламини ўзида жамловчи ёзувлар кетма-кетлиги тарзида шакллантирилади. Майдонлар ўз идентификатори – номига эгадир. Сўровнома саволи фақат битта жавоб бериладиган тарзда бўлса база унга мос битта майдон ажратади, иккитагача жавоб бериладиган саволга иккита майдон, учтагача бўлса учта майдон белгиланади.

Масалан, А1 саволга СА01 номли майдон, В5 саволга СВ 051, СВ052 номли майдонлар, С1 саволга СС011, СС012, СС013 номли майдонлар олиниши мумкин. Баъзида саволлар учун VIL номли майдон вилоятлар кодини сақлаш учун, TUM номли майдонлар бўлиши мумкин.

QABUL дастури маълумот базасига сўровнома маълумотларини жуда тез ва қулай тарзда киритиш имконини беради. Сўровнома рақами, вилоят коди каби майдонлар қийматини автоматик тарзда қўйиш, маълумотларни киритишда ортиқча клавиша босилишига йўл қўймаслик лозим. Жавоблар аксарият бир хонали сонлардан ташкил топади ва шунинг учун бир хонали қийматларни кетма-кет, ҳеч қандай ажратишсиз, бир дона клавишани босиш орқали киритиш амалга оширилади.

Кўп хонали сон эса махсус усулда киритилади. Масалан, 25 ни киритиш 2+5 тарзида амалга оширилади. QABUL дастурининг яна бир ажойиб имконияти бир вақтда бир машинада икки киши мустақил равишда ахборотлар киритиш ишини бажаришлари мумкинлигидир. Бири учун экраннинг ўнг томони ва сонли клавишалар хизмат қилса, иккинчи кишига

экраннинг чап томони ва белгилар олинган ҳарфлар тўплами ёрдам беради.

Навбатдаги бешинчи босқич маълумотлар базасига киритилган ахборотларни текшириш ва хатоликларни тўғрилашдир. Бунда базанинг ҳар бир майдони қийматлари ўз чегарасига мос келиши текширилади ва аниқланган хатолик қатъий тўғриланади. Масалан, CA01 майдон қийматлари 1 дан 4 гача оралиқда бўлиши мумкин. CB051, CB052 майдонлар эса B5 саволи жавобларининг кодлаштирилиши натижасига боғлиқ бўлиб, 1 дан энг охирги код рақамигача бўлиши керак, иккинчи майдон CB052нинг қиймати бўш бўлиши мумкин, бунда саволга битта жавоб берилган бўлади.

Текширишнинг иккинчи қисмида суровномада кўзда тутилган баъзи саволларни ташлаб ўтиш қандай бажарилганлиги аниқланади. Агар ташлаб ўтилиши керак бўлган савол бўйича ҳам қиймат киритилган бўлса, бу қиймат ўчириб ташланади, яъни бундай хатоликни автоматик тарзда тўғрилаш мумкин. Бу ишларни TUZAT дастури амалга оширади.

TUZAT дастури кодлаштирилган жавобларни қайта кодлаш ишини ҳам бажаради. Бу эса кодланган жавобларни янги умумлашган гуруҳларга бирлаштириш масаласида ёрдам беради. Дастурни ишлатишда текшириладиган ва тузатиладиган майдонлар номи, қийматлар чегараси, қайта кодлаш схемаси махсус ёрдамчи файлда берилади.

Энг муҳим қисмлардан бўлган олтинчи босқичда натижавий жадваллар шакли ишлаб чиқилади. Бу иш кўпчилик томонидан яхши ўзлаштирилган WORD тизими ёрдамида бажарилади. Аввало тадқиқот мақсадига ва қўйилган масалаларга кўра натижавий жадваллар қандай кесимларда тайёрланиши лойиҳаланади. "Ўзбекистон — умумий уйимиз" суровномаси бўйича тайёрланган натижавий жадвалларни ифодаловчи иловада келтирилган 1-гуруҳ жадваллари тадқиқот ўтказилган вилоятлар бўйича кесимларни, 2-гуруҳ жадваллари респондентлар жинси ва ёш гуруҳлари бўйича кесимларни, 3-гуруҳ жадваллари респондентлар маълумоти бўйича кесимларни, 4-гуруҳ жадваллари респондентлар миллати бўйича кесимларни, 5-гуруҳ жадваллари респондент мутахассислиги гуруҳлари бўйича кесимларни ва 6-гуруҳ жадваллар респондентлар ишлаётган касб гуруҳлари бўйича кесимларни аниқлашга мўлжалланган.

Ҳар бир саволга алоҳида жадвал тузилган. Жавоблар жадвал сатрлари бўйича жойлаштирилган. Устунлар бўйича жавоблар натижаларининг турли респондентлар гуруҳлари бўйича кесимлари ва охирги устунда умумий тўплам бўйича натижалар кўрсатилган.

Тадқиқот ўтказилган вилоятлар, эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ, ёш гуруҳлари, миллатлар ва миллатлар гуруҳлари, маълумоти, мутахассислиги, иш соҳаси ва бошқа гуруҳлар, яъни респондентлар умумий тўпламидан турли демографик ва ижтимоий ҳолатига кўра исталган гуруҳ бўйича кесим учун натижавий маълумотларни аниқлаш мумкин. Натижалар икки миқдор: шу жавобни кўрсатган кишилар сони ва уларнинг умумий сонига нисбатан фоиз шаклида келтирилади.

Жадвал юқорисида саволнинг қўйилиши берилган, жавоблар тартиб рақамлари ва матннинг биринчи ва иккинчи устунларида келтирилган бўлиб, охирги сатрда эса жами кўрсатилади. Ҳар бир жадвал алоҳида рақамланган ва бу рақам саволнинг рақами ва жадваллар кетма-кетлигини ифодалайди. Қоғознинг ҳар бир бетида социологик тадқиқот номи, ўтказилган вақтини кўрсатувчи колонтитул ҳам қўйилган. Ҳисобни бажарувчи машина дастурининг муҳим жиҳати натижавий жадваллар барча учун анча қулай ва яқин бўлган WORD ҳужжати шаклида тўғридан-тўғри ҳосил бўлишидир. Бу эса WORD тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, натижалар чизма талқинини тезда тайёрлаш имконини ҳам беради.

Барча тайёргарлик ишлари тугатилгандан сўнг еттинчи босқичда ЭҲМ орқали ҳисобни бажариш ишн амалга оширилади. Бу иш дастурлар мажмуасидаги HISOB дастури ва JADVAL дастури ёрдамида бажарилади.

HISOB дастури бирор гуруҳ кесимлар бўйича натижаларни хисоблаб чиқади ва натижавий маълумотлар тўпламини хосил қилади. Дастур орқали маълумотлар базасига ишлов бериш жараённинг энг мураккаб қисмидир. Жадвал учун олинган кесим шартлари, хисоб бажариладиган савол ва унинг жавоблари ҳақида маълумотлар махсус ёрдамчи файлда берилади. Масалан, VIL=1 шарти бўйича базадаги вилоят коди 1 га тенг бўлган ёзувлар учун ҳисоб бажарилади; СД04=2 шарти бўйича эса, сўровноманинг “Демография” блокидаги Д4 саволга

2-рақамли жавобни берган, яъни миллати қозоқ бўлган респондентлар учун ҳисоб бажарилади.

Саволда битта жавоб белгиланадиган ҳолда ҳисоблаш бирмунча енгилроқ. Бундай савол базанинг битта майдонида жойлашган бўлади ва фақат шу майдон ишлов беришда қатнашади. Жавоб кодлари бўйича респондентлар сони аниқланади ва умумий сонга нисбатан фоиз қиймати ҳам топилади. Бу ерда жавоблар бўйича фоизлар йиғиндиси 100% ни ташкил этиши шарт.

Саволга бир нечтагача жавобни белгилаш кўзда тутилган бўлса, маълумотлар шунча майдонда жойлашади, базани ишлов беришда шу майдонларнинг ҳар бирини ҳисобга олиш керак, яна биринчи майдонда бошқа майдонлар бўш бўлиши ҳам мумкинлигига, яъни жавоблар сони камроқ бўлиши мумкинлигига эътибор бериш керак. Жавоб кодларига мос келган ёзувлар сони барча майдонлар бўйича топилади ва унинг фоиз қиймати ҳисобланади. Бу ҳолда оддий саволдан фарқли ўлароқ жавоблар бўйича фоизлар йиғиндиси 100% дан ошиб кетиши мумкин.

JADVAL дастурининг вазифаси HISOB дастури ёрдамида топилган маълумотлар натижаларини олдинги босқичда аввалдан тайёрланган ва жадваллар шакли жойлашган WORD ҳужжатларига кўчириб ёзишдир.

Дастур нафақат WORD ҳужжатларига, балки оддий матн шаклидаги, EXCEL ҳужжати ва бошқа кўринишдаги файлларга ҳам натижавий маълумотларни кўчириб ёзиши мумкин.

Натижавий жадваллар тайёрлангандан сўнг WORD тизими орқали уларни қоғозга чоп этиш ва бошқа қўшимча ишларни амалга ошириш мумкин. Намуна сифати "Ўзбекистон – умимий уйимиз" мавзуидаги социологик тадқиқотнинг А блокидаги баъзи бир натижавий жадваллари иловада келтирилган.

6-§. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш

Маълумотларнинг таҳлил босқичи ўрганилаётган объект ҳақида олинган ахборотни шу объект ҳақида олдиндан мавжуд бўлган ахборот билан солиштиришдан иборатдир. Социологик маълумотларни таҳлил этиш босқичининг маъноси ва мақсади натижаларнинг маъносини тушунтириб бериш, фикрларни

умумлаштириш ва ягона назарий тизимга келтиришдир. Шунинг учун таҳлил натижасида ҳосил бўладиган ҳисобот, биринчидан, ўрганилаётган ижтимоий объектнинг миқдорий параметрларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши, иккинчидан, унинг ривожланиш суръатларини ва йўналишларини (ўсиш ёки пасайиш) кўрсатиши, учинчидан, ижтимоий ҳодисалар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини ишончли кўрсаткичлар ёрдамида очиб бериши керак. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ишлов бериш ва математик таҳлил қилиш босқичидан кейин маълумотларнинг ўртача қийматлари ҳосил бўлади, улар умумий тасниф этилиб, тадқиқ этилаётган объектнинг хилма-хил элементларини яхлит тизимда ифодалайди. Тўпланган эмпирик ахборотларни тўғри изоҳлаш ва маълумотлар мантиғига мос хулоса ва тавсияларни шакллантириш тадқиқотчидан катта ақл ҳамда илмий-назарий абстракциялаштириш қобилиятини талаб этади.

Социологик тадқиқотнинг натижаларини тўғри изоҳлаб берувчи қатор илмий — услубий ечимлар тизими мавжуддир, аммо ҳар бир конкрет ҳолатда бу нарса бир бутун кишилар жамоаси (социологлар,ташкилотлар маъмурияти, маъмурий ва маърифий соҳаларда ишловчи шахслар, сўралувчиларнинг ўзлари) иштирокида амалга оширилади. Социологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнидаги айрим босқичларни ажратиб тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчиси — тадқиқот гипотезаларига мос ва мувофиқ ҳосил қилинган эмпирик маълумотларни тартибга солиш, гуруҳларга ажратиш, классификациялашдир. Бу босқичда тадқиқ этилувчи ҳодисаларнинг миқдорий таснифлари, тадқиқот томонидан қамраб олинган ҳодисалар, объектлар тез-тез такрорланиши эмпирик маълумотларни статистик гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Ижтимоий ахборотларнинг ҳар хил аломатларга эга бўлишини ҳамда социологик тадқиқотларнинг вазифалари ва мақсадлари хилма-хиллигини инобатга олиб, ҳар хил гуруҳларга ажратиш услубларини қўллаш мумкин. Гуруҳларга ажратишнинг энг содда кўринишларидан бири — типологик қурилмалар, яъни кузатилувчи бирликларни бирон-бир аломат бўйича махсус синчиклаб ўрганишдир (масалан, ёши, жинси ва ҳ.к.). ҳозирги пайтда ЭҲМдан фойдаланиш натижасида бу услубнинг имкониятлари анча кенгайди. Ўзгарувчиларнинг типологиясини

имкониятлари анча кенгайди. Ўзгарувчиларнинг гипологиясини амалга ошириш ва барқарор гуруҳларни ажратиб олиш учун факторли, дисперсион таҳлил услублари қўлланилаяпти.

Интерпретация ва таҳлилнинг иккинчи босқичи — сонли таснифларнинг ишончлилигини ва ўртача қиймат холислигини текшириш, маълумотларни умумлаштиришдир. Бу босқичда турли тасодифий таснифга эга бўлган ахборотлар бир-биридан ажратиб олинади.

Учинчи босқичда ҳосил қилинган сонли тавсиф орқали мавжуд бўлган тадқиқотнинг гипотезалари текширилади. Эслатиб ўтамизки, тахмин (гипотеза) деганимизда бирор-бир далил, ҳодиса ва жараённи тушунтириб (ёки рад этилади, ёки қабул қиладиган) берадиган илмий мулоҳазани тушунамиз.

Социологик тадқиқотни ташкил қилишга ва ўтказилишига катта сарф-харажатлар кетиши туфайли ўрганилаётган муаммони иложи борича тўлароқ қамраб оладиган бир нечта гипотеза илгари сурилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва гипотезаларнинг ҳаётийлиги энг самарадор восита сифатида кишиларнинг ижтимоий фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Шу сабабли гипотезани синаш жараёнида тадқиқотчи кўпроқ реал ҳодисаларга таяниши, хилма-хил маълумотларни бирлаштириши, эмпирик материаллардан ўрганилаётган объектнинг зарурий, муҳим жиҳат ва хоссаларини ажратиб беришга интилиши керак.

Гипотезаларни эмпирик синашнинг энг яхши услубларидан бири социологик экспериментдир. У гипотезаларни синаш усулларидан энг ишончлиси бўлса-да, ўрганилаетган объектлар орасидаги боғланишлар мураккаб ва кўп қиррали бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда кам ишлатилади.

Ҳозирги замон социологиясида энг кўп қўлланиладиган услублардан бири статистик услублардир. Гипотезаларнинг ишончлилигини аниқлашнинг типик усуллари сифатида миқдорларнинг ўртача қийматларини ҳисоблаш, ўзаро боғлиқ коэффициентларни аниқлаш ва ҳ.к.ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Илмий ҳисоботни тузиш. Социологик таҳлилнинг натижалари тизимлашган ва гуруҳларга ажратилган кўринишда илмий ҳисоботда намоён бўлади. Ҳисоботни тайёрлашда шуни эсда тутиш керакки, у кейинчалик назарий ишларни давом эттиришга асос бўлиши ва ижтимоий бошқарув амалиётида

социологик тадқиқотлар натижаларини акс эттирувчи моҳият ва шаклга эга бўлиши керак. Ҳисоботга изоҳловчи хат киритилиши илмий таомилга кирган бўлиб, унда қисқача асосий хулосалар ва натижалар келтирилади.

Ҳисоботнинг иловаси сифатида жадваллар, графиклар, сўровномалар, бланклар, тестлар ва бошқалар келтирилади.

Ҳисоботнинг бўлимлари. Ҳисоботнинг таркиби тадқиқотнинг турига, назарий ёки амалий эканлигига боғлиқдир.

Даставвал ҳисобот тузилаётганда муаммонинг қўйилиши, тадқиқ этилувчи масалаларнинг таърифи, асосий тушунчаларнинг назарий интерпретацияси, муаммонинг қай даражада ўрганилганлиги ва унинг ечимига эътибор берилади. Алоҳида эътиборни тадқиқотнинг услублар таснифига, танловнинг тузилиши, ахборотларни йиғиш тартибларига ажратиш керак. Охирида алоҳида бўлим орқали ўтказилган тадқиқот натижаларининг ҳар томонлама таҳлили ва қўйилган масалаларнинг ечим даражаси таснифланади. Бу бўлимнинг охирида тадқиқотнинг мавжуд бўлган амалий натижалари кўрсатилади ва аниқ хулосалар шаклланади, янги ахборотни олиш зарурлиги аниқланади ва уни ҳосил қилиш учун техникавий услубий тавсиялар берилади.

Амалий социологик тадқиқотнинг асосий мақсади амалиёт томонидан илгари сурилган масалаларнинг ечимидир. Шунинг учун бундай тадқиқот ҳисоботида гипотезалар, тадқиқот вазифалари, ўртача кўрсаткичлар тизими, ахборотлар, танлови ва бошланғич ахборотларни йиғиш бўйича тадқиқот услублари таркиби тавсифлаб берилади ҳамда уларнинг умумий натижаларидаги ўрни очиб берилади.

Ҳисоботга қуйидаги асосий талаблар қўйилади. Биринчидан, ҳисоботда тадқиқотнинг предметига мос мантиқан барча ўзаро боғланган муаммолар гуруҳлари иложи борича чуқур ва тўла акс эттирилган бўлиши керак. Бу эса, натижаларни умумлаштириш, таҳлил этиш, муҳим қисмининг номуҳимидан ажратиб олинишини талаб қилади. Ҳисоботда бажариладиган ишлар туркумининг мантиқий кетма-кетлиги таъминланган бўлиши керак, маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир иш туркумининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб ўтиш, эмпирик ахборотларни изоҳлаш ва назарий асослаш бўйича ҳамма амаллар тўлиқ бажарилиши лозим.

Иккинчидан, ҳисоботнинг ҳар бўлимида тадрижий бир-бирини тўлдирувчи икки қисмнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш зарур. Биринчи қисмда муаммолар ва натижаларни, иккинчи қисмда эса хулосаларни чуқур илмий асослаб бериш шарт. Бу эса, тадқиқотчини ҳозирги аҳволни шарҳлаш ва умумлаштиришдан ташқари, уни таҳлил ва башорат қилишга ундайди.

Учинчидан, ҳисобот сўровномадаги саволлар кетма-кетлигидан мустасно, респондентларнинг социал-руҳий портрети, интеллектуал имкониятлари воқеликка муносабати умумий манзарасининг ифодасидан иборат бўлиши керак. Ҳисоботда сўровноманинг барча саволлари ва уларга мос натижалари илмий мантиқ талабларига биноан таҳлил этиб берилади.

Тўртинчидан, ҳисоботнинг техник жиҳатдан юқори савияда расмийлаштирилиши ва тўғри тузилиши катта аҳамиятга эга. Кўпи билан ҳисобот (иловасиз) 50 — 60 бетдан иборат бўлганлиги маъқул. Ҳисоботга доир тушунтириш хати 10 бетгача бўлиши мумкин. Ҳисоботда тадқиқот ишларига жалб этилган барча ташкилотлар, ўтказилиш муддати ва жойлари, тадқиқот услубиёти бўйича кўрсатма берувчиларни тайёрлашнинг тартиби ва таркиби, маълумотлар йиғишнинг ташкиллаштирилиши, ахборотларни кодлаштириш учун ишлатилган тизим ва математик ишлов беришда қўлланилган услублар кўрсатилиши лозим. Жадваллар керагидан ортиқча рақамларга эга бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари, ҳисобот ёзиш жараёнида буюртмачига тадқиқотнинг энг муҳим натижалари бўйича тезкор ахборотларни экспресс — ревю кўринишида топшириш мақсадга мувофиқдир.

Асосий тушунчалар

АНКЕТА (фр. **enquete**) — ўз мазмун ва шаклига кўра тартибланган саволлар ва мулоҳазалар баён қилинган сўров варақаси.

АНКЕТА СЎРОВИ — социологик тадқиқотларда қўлланиладиган сўровларнинг асосий хилидан бири.

АХБОРОТНИ КОДЛАШТИРИШ — 1) эмпирик маълумотларни зарур талаблар асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилишга тайёрлаш бўйича чора тадбирлар йиғиндиси; 2) социологик маълумотларни қайта ишлаш босқичининг биринчи даври (фазаси).

БИРЛАМЧИ ГУРУҲ — асосан индивиднинг бирламчи ижтимоийлашув жараёнини ва унинг бошқа гурухларга тортилишини таъминловчи кичик гурухнинг (оила, ўсмирлар гуруҳи) кўринишидан бири.

ВЕРБАЛ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ — ҳужжат манбаларидан ахборот олиш услуби.

ВЕРИФИКАЦИЯ (лот. **verus** — ҳаққоний ва **facio** — қилмоқ) — илмий хулосаларнинг ҳаққонийлигини эмпирик текшириш орқали ўрнатиш жараёнини ифодаловчи методологик тушунча. Верификация фаннинг назарий хулосаларини кузатилаётган объект, тадқиқот билан таққослаш орқали текшириб кўриш, тажрибада тасдиқлаш билан ифодаланади.

ГИПОТЕЗА — илмий тахмин, башорат. Социологик тадқиқотлар ўтказишдан олдин бўлажак натижаларнинг қандай бўлишини эмпирик текшириш учун қилинувчи илмий тахмин.

ДАЛА ТАДҚИҚОТИ — 1) тор маънода — жойларда (уйда, корхоналарда ва ҳ.к.) ўтказиладиган тадқиқот; 2) кенг маънода — тадқиқот объектини табиий «дала» шароитларида, унинг кундалик ҳаётини ижтимоий миқёсда ўрганиш.

ДИАДА — икки кишидан иборат гуруҳ.

ИНДИКАТОР (лот. **indicator** — кўрсаткич) — объектнинг ўрганса ва ўлчаса бўладиган хусусияти.

ИНТЕРВЬЮ (инг. **interview**) — социологик тадқиқотда қўлланиладиган услуб — мақсадли суҳбат.

КАТТА ГУРУҲ — катта миқдордаги аъзоларга эга бўлган, турли алоқалар хилларига асосланган ижтимоий гуруҳ.

КОНТЕНТ-ТАҲЛИЛ — социологик ахборот мазмунини ҳужжатлар асосида миқдорий ва сифат жиҳатдан ўрганиш услуби.

КОРРЕЛЯЦИЯЛИ ТАҲЛИЛ — ўрганилаётган объектлар белгилари орасидаги статистик алоқаларни ўрганишда қўлланиладиган математик тартиб-қоидалар.

ЛАТЕНТЛИК (лот. **latens** — яширин) — кўзга ташланмайдиган, яширин жараён (масалан, суд статистикасида ва амалиётида қайд қилинмаган яширин жиноятчилик).

ЛЕГИТИМЛАШТИРИШ (лот. **legitimus** — қонуний) — бирор-бир қонун, ваколатнинг қонунийлигини тан олиш ёки тасдиқлаш. Легитимлаштириш бирор-бир ижтимоий муассасанинг қонуний кучга эга бўлишида ифодаланади.

МАТРИЦА (лот. **matrix** — бачадон) — социологияда жадвал (матрица) кўринишидаги моделлар ёрдамида ижтимоий тузилмаларни қайд этиш.

МОНИТОРИНГ (лот. **monitor** — назорат қилувчи, огоҳлантирувчи) — социологияда: махсус назорат асбоблари ёрдамида зарур даража ва шароитларда сақланиши зарур бўлган маълум бир ижтимоий параметрларни (масалан, жамоатчилик фикрини) доимий назорат қилиш.

РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК (фр. **representatif** — вакиллик) — танлаш сиғимининг ўрганилаётган (генерал) сиғим хусусиятини акс эттириш хоссаси.

ИЖТИМОИЙ АХБОРОТ — маълум бир тизим доирасида хабарлар белгилари мажмуаси сифатидаги ахборотнинг бир соҳаси. Ижтимоий ахборотнинг ўзига хослиги, бир томондан, ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий соҳаси билан, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаёт субъектларининг хусусиятлари билан белгиланади.

ИЖТИМОИЙ АҲВОЛ — ижтимоий субъектнинг жамиятда тутган у ёки бу ўрни, у ёки бу ижтимоий ўринда (жойда) эгаллаган мавқеда қўлга киритган мустаҳкам алоқаларининг мажмуи.

ИЖТИМОИЙ БАШОРАТ — ижтимоий ривожланиш хусусияти ва йўналишини жамият ижтимоий ривожининг устувор жиҳатлари, ўтмиш тажрибалари, унинг тадрижий ўзгариб бориши асосида олдиндан айтиб бериш.

ИЖТИМОИЙ ВАҚТ — вақтнинг жамият, ижтимоий бирликлар, индивидлар мавжуд бўлган ва ривожланадиган ўзига хос хусусиятлари.

ИЖТИМОИЙ ДАЛИЛ (ФАКТ) — ижтимоий тизим эволюцияси ва амал қилиш ҳолатининг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилувчи илмий аниқланган далил, ижтимоий борлиқнинг нақд кўриниши, ижтимоий аҳамиятга молик алоҳида воқеа.

СЎРОВ — француз тилидан олинган бўлиб, бирон-бир нарсани аниқлаш деган маънони англатади. Социологияда сўраш усуллари муайян аҳоли гуруҳларига саволлар воситасида

мурожаат қилиш орқали бирламчи маълумотларни тўплаш маъносини англатади. Сўраш усулларининг ёзма (анкета), оғзаки (интервью) ҳамда сиртдан (почта, телефон ва матбуот орқали) маълумотлар тўплаш шакллари мавжуд.

ТАНЛАШ — 1) социологик тадқиқотнинг бевосита ўрганилиши керак бўлган объекти элементларининг мажмуаси; 2) объект элементларини, оммавий социологик тадқиқотларда қўлланиладиган кузатув ва ўрганиш бирликларини саралаб олиш услублари, усуллари ва тартиб-қоидаларининг мажмуаси.

ТАНЛАШ (ЖАРАЁН СИФАТИДА) — тадқиқотнинг бутун бир объектини (мамлакатнинг бутун аҳолиси, барча оилалар, мактаблар) ташкил қилувчи кўпгина бирликлардан (одамлар, оилалар ва ҳ.к.) маълум бир бирликлар сонини танлаб олиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Социологик тадқиқотлар қандай режалаштирилади?
2. Социологик тадқиқот дастурининг таркиби қандай қисмлардан иборат бўлади?
3. Социологик тадқиқотларни ташкил этиш тартиби қандай?
4. Сўров усули нима?
5. Ҳужжатларни ўрганиш усули қандай амалга оширилади?
6. Интервью усулининг хиллари.
7. Кузатиш усулининг турлари.
8. Дастлабки синов (пилотаж) тадқиқотлар қандай амалга оширилади?
9. Таснифловчи тадқиқотларнинг хусусияти қандай?
10. Аналитик таҳлилнинг ўзига хослиги нима?
11. Бир марта ўтказиладиган тадқиқотлар қандай кўринишга эга бўлади?
12. Кўп марталик тадқиқотлар ва уларнинг кўринишлари.
13. Социологик ахборотлар таҳлили.
14. Тадқиқот натижаларини изоҳлаш тартиби.
15. Ҳисобот тайёрлаш услубияти.

ХУЛОСА

Ҳар қандай фан жамиятнинг муайян ривожланганлик даражасининг ифодаси сифатида юзага келади ва такомиллашиб боради. Шунингдек, илм-фан жамиятнинг тараққиётга бўлган англанган ақл-идроки, мақсадлари ҳамда таркиб топган реал ижтимоий эҳтиёжлари натижасида натижасида ривожланди. Президентимиз Ислом Каримов «илму-фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир»[1] деб истқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ қатъий таъкидлади ва илм аҳлига давлат ва жамият ғамхўрлиги борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Социология фани гарчи Европада расман ўтган аср ўрталаридан бошлаб махсус фан сифатида ўрганила бошланган бўлса-да, унинг тарихий томирлари жуда терандир. Социология ижтимоий жараёнлар ва жамиятдаги социал бирликлар моҳияти, таркиби, шаклланиши ва ўзгариш тенденцияларини махсус ўрганувчи фан сифатида узоқ тарихга эга. Жамият ҳодисалари ва ижтимоий ўзгаришлар таҳлили Зардушт, Форобий, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Алишер Навоий асарларида айниқса ёрқин ифода этилгандир. Шу боисдан ҳам социология фанини ўрганишда нафақат Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари илмий қарашлари ва методологиясига, балки буюк аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросига ҳам мустаҳкам таянган ҳолда иш тутишимиз керак.

Шунингдек, социология ижтимоий фан бўлганлиги сабабли мустаҳкам мафкуравий пойдеворга эга бўлиши ҳамда ана шу ғоявий-сиёсий платформани қатъий илмий-назарий ҳимоя қила билиши ҳам зарур. Социология Ўзбекистондаги турли миллатлар, турли ижтимоий табақаларни мустақиллигимиз мафкураси ва жамиятнинг умуммиллий ғояси атрофида бирлаштиришга, ўзгараётган ижтимоий

---

[1] *И.А.Каримов.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., 1994, 172-бет.

воқеликни онгли идрок этиш орқали озод ва обод эркин фуқаровий жамият қуриш йўлида уюшувга даъват этувчи фан сифатида хизмат қилишга масъулдир.

Сиз танишиб чиққан китобда ана шу мақсадларга нечоғли эришилганлигига гувоҳ бўлдингиз. Эслатиб ўтамизки, мазкур китоб социология фани асосларини яратиш борасида қилинган илк жамоавий меҳнат маҳсулидир. Шу боисдан китоб юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашишингиз ва ҳамкорлик қилишингизга умид боғлаб қоламиз.

ИЛОВАЛАР

1-илова

ЖАҲОН СОЦИОЛОГЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980 — 1037) — Марказий Осиёнинг бутун оламга машҳур мутафаккири. Ибн Синонинг асосий асари "Китоб уш — шифо" 18 жилдан иборат бўлиб, уни фалсафий билимлар энциклопедияси деса бўлади. Ибн Сино илмларни иккига ажратган: назарий ва амалий илмлар. Назарий илмларни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий илмлар деб таърифлайди. Амалий илмларнинг объекти эса инсон фаолиятидир. Амалий қисми учга бўлинади. Булар: а) шахс ҳақидаги илм; б) инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм; в) давлатни, мамлакатни бошқариш илми. Ибн Синонинг 10 аср олдинги бу фикрлари ҳозирги замон фан социологиясининг асосий муаммоларига ҳамоҳангдир. Ибн Сино фикрича, идеал жамоага реал жамиятда ҳам эришиш мумкин. Бунинг учун жамиятда инсонлар ўзаро ҳамкорлик, ёрдам асосида яшашлари керак. Мутафаккир жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши зарур деган ғояни илгари сурган.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ Муҳаммад ибн Аҳмад (973 — 1048) — Марказий Осиёлик буюк қомусий олим. Беруний 150 дан зиёд асар ёзган. Абу Райҳон Беруний ижтимоий назариялар соҳасида ҳам самарали ижод қилган. У социологияда жуғрофий йўналишнинг таъмал тошини қўйган олимлардан бири эди, дейиш мумкин. Масалан, унинг тарихий — этнографик характердаги "Ёдгорликлар" асарида юнонлар, римликлар, эронийлар, сўғдлар, хоразмликлар, насронийлар, яҳудийлар, исломгача бўлган арабларнинг йил ҳисоблари, турли байрам ва машҳур кунлари, умуман, маънавий ҳаёти муфассал тасвирлаб берилган. Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тушунтиришда Беруний кишиларнинг эҳтиёжлари омилининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб берган. Хусусан, у одамларнинг бир-бирини ҳимоя қилиш эҳтиёжи, муомала эҳтиёжи (ундан тил келиб

чиққан), моддий ва маънавий эҳтиёжларни (улардан фанлар келиб чиққан) ажратиб кўрсатган.

АДОРНО Теодор (1903-1969) — немис файласуфи ва социологи. Адорнонинг Хоркхаймер билан биргаликда ёзган "Маърифат диалектикаси" (1947) асари ғарб номарксистик фалсафасининг дастури баёни ва унинг ўзига хос тарих фалсафаси ҳисобланади. Адорно ижодидаги махсус муаммо "авторитар шахс" ғояси бўлиб, у ўз ходимлари билан бирга ушбу ғояни муайян-социологик тадқиқот асосида тасдиқлашга уринган.

АЛИШЕР НАВОИЙ (1441-1501) — ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз даҳоларидан бири. Алишер Навоий шеъриятнинг ғоявий мотивларини фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалар билан бойитди. А.Навоийнинг сиёсий қарашлари, давлатга ва уни бошқаришга бўлган муносабатлари асосан "Хамса" да баён этилган. Шу билан бирга "Хамса" да давлат, сиёсий тузум, сиёсий гуруҳлар муаммолари поэтик таҳлил этилган. Ижтимоий ҳаёт тўғрисида, турли ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" насрий асарида ҳам сўз юритган. Навоий фикрича, жамият барқарорлигида ижтимоий табақаларнинг ўз вазифаларини тўғри, ҳалол бажаришлари катта аҳамиятга эгадир. Одил, адолатли подшоҳлар фаолияти фаровон жамиятни, золим ва адолатсиз подшоҳлар ва амалдорлар фаолияти эса ижтимоий тузумнинг жафо ва разилликларини келтириб чиқаради. Шоҳларнинг жамият ижтимоий ва сиёсий тизимидаги ролига Навоий катта эътибор берган. Шоҳ одил бўлса, мамлакат обод, халқ фаровон бўлади ва аксинча шоҳ золим бўлса, халқ хонавайрон, мамлакат хароб бўлади. Ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар Навоийнинг "Вақфия" асарида таҳлил этилган. Унда ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларга эътибор берилган. Мутафаккир бунда адолат қоидасини давлат арбоби фаолиятининг ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида асослаган. Хусусан, у давлат арбоблари халқ хизматчилари бўлмоқлари керак деб билган, сиёсий институтларда амалпараст, гуруҳбоз, халқ ҳисобига бойлик орттирувчиларнинг ишлашини катта ижтимоий офат деб ҳисоблаган.

АРОН Реймон Клод Фердинанд (1905-1983) — француз файласуфи ва социологи. Ҳозирги замон индустриал жамиятлар ва уларнинг сиёсий тизимларини ўрганган. Арон объектив тарихий қонуниятлар, ижтимоий — иқтисодий формация тушунчасини инкор этган. Ижтимоий тадқиқотлар объектини фақатгина субъектив ҳолатларнинг маҳсули сифатидагина олиб қараган. Технологик детерминизм концепцияси Арон "индустриал жамият" назариясининг асосини ташкил қилади. Арон техника ва жамиятнинг ўзаро таъсири ҳақида фикр юритар экан, техниканинг ўзини инсоннинг оқилона фаолиятининг мужассамлашуви деб баҳолайди. Арон фикрича, XX аср фан ва техникаси, бир томондан, маълум бир орзу-умидларни туғдиради, иккинчи томондан, уларни амалга ошириш имконини йўққа чиқаради, бу эса ижтимоий онгда оммавий тушкунлик туйғуларига олиб келади. Цивилизациянинг фожиаси — яшаш воситалари ва демократик индустриал жамият идеаллари ўртасидаги зиддиятнинг мавжудлигидир.

БЕДИЛ МИРЗО Абдулқодир (1644-1721) — Шарқ халқларининг даҳо шоири, файласуфи, мутафаккири. Бедил 130 минг мисрадан иборат шеърий, 50 босма табоқ насрий асарлар ёзган. Асарларининг асосий қисми "Куллиёт" тўпламига кирган. Бу тўпламнинг 1882 йилда Бомбейда чоп этилган нусхаси 16 китобдан иборат. Бедилнинг "Ирфон" ("Билим", 1721) асари катта аҳамиятга эга. 10 минг сатрдан иборат бу қомусий асарда табиат, адабиёт, фалсафа масалалари билан бир қаторда, социология муаммолари тўғрисида ҳам фикр юритилади. "Билим" китобига кирган "Комде ва Мудан" достонида Бедил ижтимоий ҳаётнинг санъат, шахс эркинлиги, дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат ва билим каби масалалари қўйилади. Бедилнинг ижтимоий ҳаётга қараши бойдир. У тиланчи, таъмагир, текинхўрларни жамият танасига ёпишган каналарга ўхшатади, яъни ҳозирги замон фани атамаси билан айтганда ижтимоий боқимандалик ва танбалликни қоралайди. "Комде ва Мудан" достонида Бедил ёрқин поэтик бўёқларда, ҳақсизлик устидан адолат, жаҳолат устидан илм-маърифат, ўлим устидан ҳаётий муҳаббат тантана қилишини тасвирлайди. Бедил "Ирфонда" одамларни илм-маърифатга чорлайди, адолатга ундайди. Бедил байт ва ғазалларида ҳам жиддий ижтимоий масалаларни ёритади, уларни ечишга уринади.

БЕККЕР Говард Пол (1899 — 1960) — америкалик социолог, макросоциологик ижтимоий ҳаракат назариясининг вакили. Беккер фикрича, ижтимоий тузилмаларнинг кундалик амалий тадбиқ этилиши "ижтимоий жараённи" келтириб чиқаради, ана шу жараённи тизимли кузатиш социологиянинг асосий вазифаси. Шу муносабат билан у «социация» тушунчасини ажратиб кўрсатган. Социация — икки томонлама фаол ижтимоий ўзаро ҳаракат, у уч фаолият тизими — шахс, ижтимоий муносабатлар ва маданиятни бирлаштиради. Ўзаро ҳаракат шакллари низо, мусобақа, ҳамкорлик ҳисобланади. Беккер ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг рамзий томонига алоҳида эътибор берган. Шунинг учун социологиянинг диққат марказига Беккер ижтимоий ҳаракатнинг кишилик элементи сифатида меъёрий қадриятларни ўрганишни қўйган. Ижтимоий ҳаракат ижтимоий вазиятлар орқали амалга оширилади. Социологиянинг олий вазифаси — воқеаларни олдиндан башорат қилиш ва иложи бўлса уларни бошқариш.

БЕЛЛ Даниел (1919) — америкалик социолог, ижтимоий фикр, сиёсий оқимлар ва ижтимоий башорат соҳасида мутахассис. Белл постиндустриал жамият концепциясини ишлаб чиқади. Бу концепция Беллни ғарбдаги ижтимоий башоратнинг йирик вакилларидан бири этиб шуҳрат қозонтирди. "Постиндустриал жамият" концепциясига кўра, фан-техника инқилоби ижтимоий инқилобни ортиқча нарсага айлантириб қўяди. Жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ягона манбага асосланмайди. Жамиятнинг турли жабҳалари, масалан, ижтимоий тузилма, технология, сиёсат, маданият ва ҳ.к. мустақилдир ва ҳар бири бошқаларига боғлиқ бўлмаган ривожланиш мантиқига эгадир. Ижтимоий ҳодисаларни изоҳлашдаги "ўзак қоида", постиндустриал жамият концепциясини назарий — методологик жиҳатдан асослашга хизмат қилади. У бутун олам тарихини изоҳлашда технология ва билимни "ўзак" қилиб олган ва тоиндустриал, индустриал ва постиндустриал жамиятларни ажратиб кўрсатган.

БЖЕЗИНСКИЙ ЗБИГНЕВ — 1938 йилдан бошлаб АҚШда яшайди, Гарвард университетида ўқиб, асосан сиёсий фанларни ўрганган. Антикоммунизм бўйича асосий назариётчилардан бири. Инсон ҳуқуқларини ҳикоя қилиш назариясининг йирик намояндаларидан бири. У инсон ҳуқуқидагиларини фаол таркиб

этиш орқали тоталитар тузумларни таназзулга олиб келишини асослаб берган

ВЕБЕР Макс (1864-1920) — немис социологи, файласуфи ва тарихчиси. Тушунувчан социология ва ижтимоий ҳаракат назарияси асосчиси Социологик билиш назариясида Вебер сабаблилик қоидаси ва "тушуниш" назарияси бирлигига катта аҳамият берган. Унинг фикрича, социологиянинг вазифаси индивидуал ҳаракатнинг субъектив сабабларини "тушуниш", уларни изоҳлаб беришдан иборат.

Вебернинг иқтисодий оқилоналик (рационаллик)ва оқилона дин ғоясига капиталистик жамиятдаги оқилона ҳуқуқ ва бошқарув (оқилона бюрократия), оқилона пул муомаласи ва оқилона бюрократия концепциясида янада ривожлантирилган. Вебер социологияси XX аср ғарб социологиясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. 70-йиллар ўрталарида унинг ижодига қизиқиш "Вебер ренессансига" олиб келди ва бу ғарб социологиясининг кейинги ривожида чуқур из қолдирди.

ВЕБЛЕН Торстейн (1857-1929) — америкалик социолог ва иқтисодчи. Веблен — институтционал мактаб вакили. Ўз тадқиқотларида у ижтимоий ҳодисаларнинг замонавий ҳолатини уларнинг тадрижий-генетик тарихи билан боғлаб ўрганган. Инсоният цивилизацияси тарихини Веблен тарихнинг маълум даврларида устун бўлган турли ижтимоий институтларнинг алмашинуви деб тушунган. Шу асосда у инсоният тарихини даврлаштирган.

ГОБИНО Жозеф Артюр де (1816-1882) — француз файласуфи, ёзувчиси ва дипломати, ирқий назария ва социологияда ирқий-антропологик мактаб асосчиларидан бири. Биринчилардан бўлиб ғарб цивилизациясининг муқаррар ўлими тўғрисида «башорат» қилган. Бу ғоя унинг "Инсон ирқларининг тенгсизлиги тўғрисида" китобининг мазмунини ташкил этади.

ГУМПЛОВИЧ Людвиг (1838-1909) — поляк-австриялик социолог ва ҳуқуқшунос, социал дарвинизм вакили. Гумплович социологияни барча ижтимоий фанларнинг фалсафий асоси деб ҳисоблаган, ижтимоий ҳодисаларни натурализм нуқтаи назаридан туриб тушунтирган, яъни ижтимоий қонунларни табиат қонунларининг оддий бир тури деб билган. Шундан унинг концепцияларида тақдирга ишониш (фатализм) ва тарихий заруратни муқаррарлаштириш келиб чиқади. Гумпловичга кўра, социологиянинг предмети — ижтимоий

гуруҳларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишдир; шу билан у бутун инсониятни ўрганувчи тарих фалсафасидан фарқ қилади. "Ирқий кураш" (1883) асарида у "этноцентризм" тушунчасини киритган. Кейинчалик бу тушунча Самнер томонидан асосланган ва социология, ижтимоий психология ва этнографиянинг тушунчалар мосламасига киритилган эди.

ДАРЕНДОРФ Ральф (1929) — немис социологи ва сиёсий арбоби. Ижтимоий низо (конфликт) концепцияларининг асосий вакилларидан бири. У ижтимоий мувозанат концепцияларини кескин танқид қилган. Назарий социология бўйича асарлар муаллифи бўлса-да, Лазарсфельд таъсирида социологияни тажрибавий фан деб ҳисоблаган. Социология одамларнинг жамият ва алоҳида олинган шахснинг кесишган нуқтасидаги хатти-ҳаракатини ўрганади. Бу ўринда Дарендорф жамиятни Зиммел каби энг тор муносабатлардан энг кенг ижтимоий алоқагача бўлган алоқалар тури, шу жумладан, референт гуруҳ сифатида тушунган. Маълумки, Дарендорф синфлар ва синфий низо назариясини яратишга ҳаракат қилиб, уни ҳам марксизмга, ҳам синфий уйғунлик назарияларига қарши қўйган эди.

ДЮРКГЕЙМ Эмиль (1858-1917) — француз социологи ва файласуфи, француз социологик мактаби асосчиси. Социологиянинг мустақил фан бўлишидаги умумий шароитлар деганда Дюркгейм алоҳида предмет ва унга мос услубнинг мавжудлигини тушунган. Бундай предмет алоҳида мавжудлик бўлиб, у билан ҳозиргача мавжуд бўлган бирорта фан шуғулланмаган. Бундай борлиқнинг асосини борлиқнинг иқтисодий, психологик, жисмоний ва ҳ.к. фактларга боғланмаган ижтимоий фактлар ташкил этади ва улар бир қанча мустақил хусусиятларга эга. Уларнинг энг муҳим белгилари — объектив, яъни индивидга боғлиқ бўлмаган мавжудлик ва индивидга таъсир кўрсата олиш қобилияти, мажбурловчи куч. Индивиднинг жамиятдаги хатти-ҳаракати асосан индивидуал сабаблар ва омиллар билан эмас, балки уни у ёки бу хатти-ҳаракатга йўналтирувчи ижтимоий фактларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Ижтимоий фактлар жамиятнинг "моддий субстратини" ташкил этувчи (аҳоли зичлиги, аҳоли жойлашуви характери каби) морфологик фактлар ва маънавий, номоддий фактлар ("коллектив тасаввурлар", коллектив ёки умумий онг) га бўлинади. Дюркгейм асосан коллектив онг, унинг турли шаклларининг (дин, ахлоқ, ҳуқуқ) аҳамиятини ўрганган.

Дюркгейм қарашлари тизимининг назарий-методологик асосини социологизм (социологик реализмнинг кўринишларидан бири) ташкил этади.

ЗИММЕЛ Георг (1858-1913) — немис файласуфи ва социологи, формал социология асосчиси. Социология классиклари орасида Зиммел энг зиддиятли социологдир. Ёзининг социологик қарашлари жуда кенг бўлишига қарамай, Зиммел социологик фанлар предмети, услуби ва вазифалари тўғрисида такрорланмас фикрлар билдирган. Зиммел фикрича, социология бошқа фанлар "эгалламаган" алоҳида предметни ганлаш йўли билан эмас, балки услуб (метод) сифатида шаклланмоғи керак. Лекин бу ижтимоий билишнинг биринчи босқичи, холос. Турли фанларда қўлланиладиган социологик тадқиқотнинг мақсади — уларнинг биргаликдаги предметида социологиянинг хусусий предмети бўлиб қолувчи алоҳида фактлар хилини ажратиб олишдир. Бу — социологиянинг соф шаклларидир. Социологик метод ҳодисалардан социация ҳолатини ажратиб олишга хизмат қилади. Социациянинг соф шаклларини ажратиб олгандан сўнг улар тартибга келтирилади, асосланади ва тасвирланади. Турли ижтимоий фанларда қўлланадиган социологик тадқиқотни Зиммел умумий социология деб, социациянинг соф шаклларини тасвирлаш ва тизимлаштиришни эса — соф ёки формал социология деб атаган.

ЗНАНЕЦКИЙ Флориан (1882-1958) — поляк социологи ва файласуфи, XX аср социологиясида гуманистик йўналиш вакилларидан бири. Ижтимоий борлиқнинг асоси деб қадриятларни ҳисоблаган. Қадриятлар маданий дунёни ташкил қилади ва маданият тўғрисидаги фанлар, шу жумладан, социология томонидан ўрганилади. Знанецкий социологик қарашлари антипозитивистик анъана (Дильтей, неокантчилик, М.Вебер), шунингдек, америка прагматизми ва эмпиризми таъсирида шаклланди. Знанецкий — ижтимоий ҳаракат назарияси асосчиларидан бири.

ИБН ХОЛДУН Абдураҳмон Абу Зайд (1332-1406) — араб тарихчиси ва мутафаккири. Баъзи маълумотларга қараганда Ибн Холдун соҳибқирон Амир Темур билан илмий суҳбатлар қурган. Ибн Холдуннинг асосий асари — "Китоб ул-ибар"нинг (1370) «Мукаддима» қисмида унинг тарихий-социологик назарияси баён этилган. Асарда ахлоқ ва бошқа ижтимоий институтлар

кишилар турмуши билан боғлиқлиги таъкидланган. Ибн Холдун мўътадил иқлимли мамлакатларда яшовчи аҳолига қараганда жисмоний ва маънавий устунликка эга бўлган кўчманчилар тарихнинг фаол кучи ҳисобланади, деган назарияни баён қилган. Умуман, Ибн Холдун биринчи бўлиб тарихий-ижтимоий тараққиётнинг моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритиб социологияни ривожлантирди. Унинг қарашлари Макиавелли, Монтескье каби алломалар ижодига катта таъсир кўрсатган.

КЕТЛЕ Ламбер Адольф Жак (1796-1874) — белгиялик статист, социолог ва математик олим, халқаро статистика ассоциациясини тузиш ташаббускори, ижтимоий ахборотни қайта ишлашнинг математик услубларини яратган. Конт билан бир вақтда ўзининг ижтимоий физика — ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги фанини яратган. Конт ижтимоий физиканинг услублари бўлиб табиий фанларнинг услублари хизмат қилишлари керак деб ҳисоблаган бўлса, Кетле жамият тўғрисидаги фаннинг статистик услуби концепциясини ишлаб чиққан. У иложи борича катта ҳажмдаги маълумотларни статистик таҳлил қилиш керак деб ҳисоблаган. Ижтимоий эмпирик тадқиқотлар анъаналаридан келиб чиққан ҳолда жамият тўғрисидаги янги фанни яратиш керак деган ғояни асослашга уринган. Кетле ижтимоий статистикада биринчи бўлиб маълумотларни йиғиш ва сон жиҳатидан тасвирлаш ўрнига кўрсаткичларнинг доимий корелляцияларини, статистик қонуниятларни аниқлашни амалга оширган. Математик таҳлил орқали ўзи аниқлаган кўрсаткичларнинг доимий мутаносиблигини Кетле объектив ижтимоий қонунлар деб изоҳлаган.

КОНТ Огюст (1798-1857) — француз файласуфи, социологи, фан методологи ва тарғиботчиси, позитивизм мактаби асосчиси. Конт истеъмолга "социология" атамасини киритган. "Ижтимоий физика" ёки социология, Конт таъбирига кўра, ижтимоий ҳодисаларни табиий ҳодисаларга тенглаштиришни назарда тутмайди. Социалликнинг (ижтимоийликнинг) ўзига хослигини у мақсадга мувофиқлик, ўзаро тақазовийлик тамойилида тадқиқ этишга интилади. Кенг илм-фанни таснифлаб билимнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, умумийдан ўзига хосликка ривожланишининг тарихий жараёнини асослаб беради. Ижтимоий ҳаётга социологик ёндошувнинг ўзига хослиги, у

ижтимоий ҳодисалар қонунларини фалсафий мушоҳада ердамида эмас, исботлаб бериш мумкин бўлган усуллар ёрдамида намоён бўлади деб ҳисоблайди.

КУЛИ Чарльз Хортон (1864-1929) -- америкалик социолог, психолог, "Айнан кўзгудаги мен" назарияси муаллифи, кичик гуруҳлар назарияси асосчиларидан бири. Кули социологик назарияси асослари "Инсон табиати ва ижтимоий тартиб" (1902), "Ижтимоий ташкилот" (1909), "Ижтимоий жараён" (1918) трилогиясида, шунингдек, "Социологик назария ва ижтимоий тадқиқот" (1930) китобида баён қилинган. Унинг социологик назарияси асосида ижтимоий организм қоидаси ва ижтимоий жараёнлар шаклланишида онг асосий аҳамиятга эга деган тушунча ётади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар ва индивид ягона тирик организм деб қаралади. Лекин Кули биологик детерминизм ва жамиятни организмга юзаки ўхшатишдан ҳоли. Шу билан бирга онгли ижтимоий нарса деб қараб, жамият ва онгни мужассамлаштиради, яъни ижтимоий муносабатларни руҳийлаштиради. Кули тадқиқ этган асосий муаммолар — кичик гуруҳлар ва шахснинг шаклланиши. У бирламчи гуруҳлар (ушбу атаманинг ўзини ҳам фанга Кули киритган) ва иккиламчи ижтимоий институтларни ажратиб кўрсатган. Бирламчи гуруҳлар (оила, болалар гуруҳлари, қўни-қўшнилар, маҳаллий жамоалар) асосий ижтимоий ҳужайралар ҳисобланади ва интим, шахсий, ношаклий алоқалар, бевосита муомала, турғунлик ва кичик ҳажм билан характерланади. Бу ерда шахс ижтимоийлашади ва шаклланади, ўзаро ҳаракат жараёнида асосий ижтимоий қадриятлар ва нормаларни, фаолият усулларини ўзлаштиради. Шу ўринда Кули шахсни инсонни ўраб турган одамлар фикрига нисбатан кўрсатадиган руҳий жавоблари (реакцияси) йиғиндиси, мажмуи деб баҳолайди ("кўзгудаги Мен" назарияси). Иккиламчи ижтимоий институтлар (синфлар, миллатлар, партиялар) эса, Кули фикрича, ижтимоий тузилмани ташкил этади. Бу ерда ношахсий муносабатлар ўрнатилади, шаклланган шахс муайян вазифани бажарувчи сифатида бу муносабатларга қисмангина жалб этилади. Кулининг социологик таълимоти интеракцион концепциялар, ижтимоий-психологик назарияларга кучли таъсир кўрсатган.

ЛАЗАРСФЕЛЬД Пол Феликс (1901-1876) — америкалик социолог. Илмий билим ҳаққонийлигининг асосий мезони, Лазарсфельд фикрича, верификация қоидасидир. Лазарсфельд

сон билан ифодаланувчи услубларга ва уларнинг ижтимоий фанларда қўлланишига алоҳида эътибор берган, социологик тадқиқот услубиятига биринчи бўлиб бир қанча янги услублар, жумладан, панел услуби, латентли таҳлилни киритган эди.

ЛЕБОН Гюстав (1841-1931) — француз социологи, руҳшуноси ва публицисти. Лебон ижтимоий жараёнларда ҳал қилувчи ролни ақл-идрок эмас, ҳис-туйғулар ўйнайди деб ҳисоблаган. Оқсуяклик (аристократизм) вазиятидан туриб у цивилизациянинг барча ютуқлари элита фаолиятининг маҳсули эканлигини исботлаш учун ижтимоий тенглик ва демократиянинг барча шаклига қарши чиққан. Лебон дастлабки оммавий жамият концепцияларининг муаллифларидан бири оммани тўда билан тенглаштирган ҳолда у "омма эраси" ва унинг ортидан цивилизация инқирози келмоқда деб башорат қилмоқчи бўлган.

МАРКУЗЕ Герберт (1898-1979) — немис файласуфи ва социологи, франкфурт мактабининг асосчилари ва обрўли вакилларидан бири. "Эрос ва цивилизация" (1955) асарида руҳий таҳлилга асосланадиган маданият назариясини яратмоқчи бўлган. Индивидуаллик ва ижтимоийлик нисбатининг зиддиятлилиги муаммосини ҳал этишда у инсонни "янги ҳаётийлик" асосида биопсихологик қайта қуриш ғоясига мурожаат қилди. Маркузе ижтимоий инқирознинг инсон аҳволи, шахснинг ижтимоийлашуви, эркинлик ва гуманизмга боғлиқ бир қатор муҳим муаммоларни танқидий ёритган.

МЕРЛО-ПОНТИ Морис (1908-1961) — экзистенциал-феноменологик йўналишдаги француз файласуфи, социологияда феноменологик оқим асосчиларидан бири. Ҳозирги замон феноменологик социология вакилларининг диққатини Мерло-Понти ижтимоий фалсафасининг қуйидаги томонлари тортмоқда: а) дунёни " ижтимоий қуриш" ғояси, у инсонлараро ўзаро ҳаракат жараёнида амалга оширилади; б) инсонни "аҳамиятли бирликлар " ишлаб чиқариб, улар билан "ўзининг дунёсини" бойитадиган ва шу асосда "ички дунё" тарзида ҳаракат қилувчи мавжудот деб тушуниш; в) инсон мавжудлигининг ҳам "ташқи" (эмпирик қайд этиладиган), ҳам "ички" (феноменологик ҳужжатланадиган) жиҳатларини ҳисобга олишга йўналтирилганлик.

МЕРТОН Роберт Кинг (1910) — америкалик социолог. Академик социологиянинг бир қанча асосий соҳаларини —

структурали функционализм назарияси ва методологияси, фан социологияси, жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, бюрократия ва б. асослаш ва шакллантиришга сезиларли ҳисса қўшган. Мертон яратган функционал таҳлил "парадигмаси" структурали функционализм тушунчалари ва қоидалари тизимини ҳам ўзида мужассамлаштирган эди. Худди шу "парадигма" ўрта даражадаги назарияларни шакллантиришга методологик асос бўлиб хизмат қилиши керак эди. Бундай ёндошувга "Ижтимоий тузилма ва аномия" асари мисол бўла олади. Унда ижтимоий тузилманинг бузилишлари ва кескинликларига нисбатан ҳуқуқий акс таъсирнинг турли хиллари ("конформизм", "инновация", "ритуализм", "ретретизм", "исён") таҳлил қилинган.

МИХАЙЛОВСКИЙ Николай Константинович (1842-1904) — рус публицисти, социологи, адабиёт танқидчиси. Социологияда Лавров билан бирга "идеални" эркин танлаб олиш ғоясини ишлаб чиққан. Бу ғоя социологияда субъектив услуб деб аталган услубда ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Бу услуб алоҳида олинган шахсни тарихий тадқиқотнинг дастлабки нуқтаси ва ижтимоий тараққиётнинг олий меъёри деб эълон қилади.

МОНТЕСКЬЕ Шарль Луи де (1689-1755) — француз маърифатчи файласуфи, сиёсий мутафаккири, социологи ва тарихчиси. "Эрон мактублари" (1721), "Римликларнинг улуғворликлари ва инқирозининг сабаблари ҳақида ўй-фикрлар" (1734), "қонунларнинг руҳи тўғрисида" (1748) асарларида феодал муносабатлар кескин танқид қилинган бўлиб, буюк француз инқилоби даврида катта шуҳрат қозонган. Монтескье ишлаб чиққан ҳокимиятларни ўзаро тақсимлаш (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари) ва бошқарувнинг уч тури (демократия, аристократия, деспотия) қоидалари кейинчалик буржуа-демократик давлатлар сиёсий тузумига асос бўлган эди. "Қонунларнинг руҳи тўғрисида" асарида (14-китоб) Монтескье социологияда биринчи бўлиб жуғрофий йўналишнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқди.

ОРТЕГА-И-ГАССЕТ Хосе (1883-1955) — испан файласуфи, мутафаккири, жамоат арбоби. Ортега-И-Гассет ижодида неокантчилик, ҳаёт фалсафаси ва феноменология мотивлари зиддиятли равишда ўз аксини топган. Социологияда унинг "Омма қўзғолони" (1920-1930) асари машҳурдир. Муаллифнинг фикрича, ғарбий Европа ижтимоий бир хилдаштириш

("оммавийлаштириш") ва жонсиз ҳолатга тушиб қолди. Шунинг учун жамият тузилмасининг одатдаги синфий шакли ўрнини социомаданий тузилма эгаллаши керак. У жамиятнинг маданият асосидаги омма ва элитага бўлинишини кўзда тутади. Бу ўринда Ортега-И-Гассет маданиятни яратувчи маънавий "элитани" ва онгсиз равишда одатий тушунчалар ҳамда тасаввурлар билан қаноатланадиган одамлар "оммасини" қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, "элита" ва "омманинг" бундай ажралиб қолиши XX асрнинг асосий сиёсий ҳодисаси (феномени) ҳисобланади ва у умумий ижтимоий барқарорликка, «оммавий жамиятнинг» вужудга келишига олиб келади.

МАЛЬТУС ТОМАС РОБЕРТ (1766—1834) — қашшоқликнинг сабаби социал муносабатларда эмас, балки «абсолют аҳоли ортиқчалигидадир», деб исботлашга қаратилган концепцияни илгари сурган инглиз руҳонийси, иқтисодчиси ва файласуфи. «Абсолют аҳоли ортиқчалиги» тарихдан юқори турувчи «нуфуснинг табиий қонуни» таъсирининг натижаси, бу қонунга кўра аҳоли геометрик прогрессия бўйича, тирикчилик воситалари эса арифметик прогрессия бўйича кўпаяди деган ғояни асосламоқчи бўлган.

ПАРЕТО Вильфредо (1848-1923) — италиялик социолог ва иқтисодчи. "Умумий социология трактати" асарида ўзининг назарий социологик концепциясини баён қилиб берган. Парето методологияси ўз моҳиятига кўра позитивистик хусусиятга эга бўлган. У социологияни жамият тўғрисидаги эмпирик асосланган билим деб тушунган. Бундай билим далилларни изоҳлашга асосланади. Парето социологик назариясининг бошланғич нуқтаси номантиқий ҳаракат концепцияси эди. У XVIII аср маърифат фалсафасининг рационализмидан воз кечди. Шу аснода Парето инсон хатти-ҳаракатининг иррационал ва мантиқсиз хусусиятини алоҳида таъкидлайди. Парето жамиятни динамик (ўзгарувчан) мувозанат ҳолатидаги тизим деб қараган. Жамиятдаги элита ва элита бўлмаган қатламга бўлиниши индивидларнинг маълум бир биопсихологик сифатларидан келиб чиқади. Парето фикрига кўра, элита ва ноэлитага бўлиниш барча жамиятларнинг муҳим хоссасидир. Элиталарнинг "алмашинуви", яъни уларнинг стабиллашуви ва кейинги инқирози ижтимоий ривожланишни белгилайди.

ПАРСОНС Толкот (1902-1979) — америкалик назариётчи социолог. Социологияда ҳаракат назарияси ва тизимли-

функционал мактаб асосчиси Парсонс инсоний борлиқнинг уни бутун бир ҳолича қамраб олувчи таҳлилий-назарий тизимини атрофлича ишлаб чиқишга уринган. Бу мақсадда дастлаб у М.Вебер, Дюркгейм, Маршалл, А.Парето асарларига, шунингдек,ҳозирги замон кибернетик ва рамзий-семиотик тасаввурларга таянган. Умуман, Парсонс кўп жиҳатдан социологияда назарий тафаккурни қайта тиклади. Ўз назарияларини яратиш чоғида у социология классиклари меросига таянди ва гўёки Конт, Спенсер, Дюркгейм, Вебер, Паретто ва бошқаларни янгидан кашф этди.

СМИТ Адам (1723-1790) — шотланд иқтисодчиси ва файласуфи, мумтоз сиёсий иқтисоднинг йирик вакили. Смит социологиянинг ривожига катта таъсир кўрсатган. У биринчилардан бўлиб жамоада яшайдиган инсон психологиясини чуқур таҳлил қилган. Инсоннинг ўзини ва бошқаларни баҳолашга уринишини ижтимоий омиллар билан тушунтирган. Инсонга икки истак-хоҳиш хосдир: 1) атрофдаги одамларнинг хатти-ҳаракатини баҳолаш ва 2) уларнинг розилигини олиш истаги. Смитнинг улкан хизмати шуки, у капитализмни улкан иқтисодий тизим сифатида батафсил таҳлил қилди. Қарийб ўн йил давомида Смит асосий асари — "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот" устида ишлаган. Муаллифнинг ҳаётлик чоғидаёқ китоб беш марта қайта чоп этилган. Кўпгина ҳорижий тилларга таржима қилинган. Смитнинг иқтисодий таълимоти бошқа ижтимоий фанлар қаторида социологиянинг ривожига улкан туртки берди.

СОРОКИН Питирим Александрович (1889-1968) — келиб чиқиши рус бўлган америкалик социолог. Сорокин АҚШ социологиясида ҳукмрон бўлган эмпирик йўналишни танқид қилган ва "интеграл" социология тўғрисидаги таълимотни ривожлантирган. У кенг маънода тушунилган маданиятнинг барча социологик жиҳатларини қамраб олиши керак эди. Ижтимоий борлиқни Сорокин индивиддан юқори турувчи социомаданий мавжудликни эътироф этадиган ижтимоий реализм руҳида тушунган.

СПЕНСЕР Герберт (1820-1903) — инглиз файласуфи ва социологи, позитивизм асосчиларидан бири. Спенсер Конт изидан бориб социология асосига эволюция ғоясини қўйгач Эволюциянинг моҳиятини у алоқадорликнинг усиб боришида

деб билган. Унинг "Социология асослари" асарининг ўзагини биологик ва ижтимоий организмлар ўртасида ўхшашлик мавжуд деган қоида ташкил этади. Спенсер шахснинг ривожини эволюциянинг олий мақсади ва тараққиётнинг асосий мезони деб билган.

ТАРД Габриэль (1843-1904) — француз социологи, криминалист, ижтимоий психология асосчиларидан ҳамда социологияда психологик йўналишнинг асосий вакилларидан бири. Социологияни биологизм ва органицизмдан халос этишга уринсада, Тарднинг социологик концепцияси психологизм билан йўғрилган. У жамиятни мияга ўхшатади, унинг хужайраси бўлиб алоҳида олинган одамнинг онги ҳисобланади. Шунинг учун жамиятнинг бошланғич нуқтаси индивид руҳиётидир. Жамият индивидуал онгларнинг ўзаро ҳаракати маҳсули. Шунинг учун индивидуал онгларнинг ўзаро ҳаракатини ўрганувчи ижтимоий психология жамият тўғрисидаги фан бўлмиш социологиянинг пойдевори вазифасини бажариши керак. Ижтимоий ҳаётдаги ҳал қилувчи жараёнлар эса тақлид, жанжаллар ва мослашувдир. Тақлид индивидларга хосдир ва уларнинг мослашувига хизмат қилади. Жамият тараққиётининг бирдан-бир манбаи кашфиётлар ва ихтиролар бўлиб, улар алоҳида шахсларнинг ноёблиги ва ташаббуси ҳамда мавжуд ғояларнинг янгича нисбати натижасида вужудга келади. Индивид таклид жараёнида ҳам азалдан мавжуд меъёрлар ва қадриятларни, ҳам янги нарсаларни ўзлаштиради. Тарднинг бу ғоялари кейинчалик шахс ижтимоийлашуви назарияларида ривожлантирилган эди. Тарднинг ижтимоий психология бўйича тадқиқотлари индивидуал психологиядан фарқланади. Унинг фикрича, алоҳида мустақил бўлган инсон омма ва айниқса оломон орасида анчагина ҳиссиётли, тез таъсирланувчан ва ақлан заифроқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Тард давлат ҳокимиятининг оммавий ташкилотларига қарши эди. Шу билан бирга у жамоатчилик фикри муаммоларини, социологик эмпирик тадқиқот услубларини тадқиқ этган. Унинг ғоялари Америка социологиясига ҳам таъсир кўрсатган.

ТЁННИС Фердинанд (1855-1936) — немис социологи. Тённис ижтимоий ҳодисалар, ижтимоий ўзгаришлар йўналишлари таҳлилини амалга оширадиган социологиянинг шаклан "соф" категориялар тизимини яратишда биринчилардан бўлиб тажриба тўплади. У социологияни "умумий" ва "махсус"

қисмларга ажратди. Теннис биринчи навбатда "Жамоа ва жамият" асарининг муаллифи сифатида социология тарихида қолди, зеро, бу асар нафақат немис, балки бутун ғарб социологиясига сезиларли таъсир кўрсатган.

ТОЙНБИ Арнольд (1889-1975) — инглиз тарихчиси, файласуфи, жамоат арбоби ва социологи. Унинг 12 жилдлик "Тарих тадқиқи" (1934-1961) асари жуда катта ҳажмдаги маълумотларни гуруҳларга ажратиш ёрдамида тарихий жараённинг мазмунини аниқлашга қаратилган. Бунда дунё тарихи ўз қобиғига ўралган дискрет бирликлар ("цивилизациялар") йиғиндисидан иборат деб тушунилган. Шу билан бирга у дунё тарихининг яхлитлиги ғоясини, жаҳон цивилизацияси тарихий жараённинг натижаси эканлигини тан олган.

ФОРОБИЙ Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон (873-950) — Марказий Осиёлик улуғ файласуф, қомусий олим, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган мутафаккир. Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратган. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари — давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, эътиқод, уруш ва тинчлик ва бошқалар қамраб олинган.

ФРЕЙД Зигмунд (1856-1939) — австриялик психолог. Ижтимоий тузилмани у патриоцентрик маънода тушунган, яъни фақат битта стратификацияли чизилма ("доҳий-элита-омма") тўғрисида сўз юритган. Фрейд етакчиликнинг фақат авторитар шаклини назарда тутиб, омма ҳамиша доҳийни излайди ёки унга сажда қилади, мустақиллик ва жавобгарликдан воз кечишга жон-жаҳди билан тиришади деб ҳисоблаган. Доҳийни илоҳийлаштириш ва унга ўзини мужассамлаштириш, Фрейд фикрига кўра, гуруҳ ичидаги бирдамлик ва ижтимоий ҳукмронликнинг асосий мурувватларидан бири. Ижтимоий ташкил этувчи омиллар орасида мажбурловчи омиллар биринчи даражали аҳамиятга эга. Ўзаро, хусусан, меҳнат манфаатлари ҳам сезиларли аҳамиятга эга. "Ижтимоий туйғулар" — альтруистик (беғараз) севги, дўстлик — янада аҳамиятлироқдир, лекин улар, Фрейд фикрича, шаҳвоний импульсларнинг тескари, акс шаклларидир. Ижтимоий ҳукмронлик ва зўрлик механизмлари тўғрисида фикр юритиб, Фрейд улар орасидан ижтимоий тизим, миллий ва маданий анъаналардан маҳлиё

бўлишни ноихтиёрий сингдиришни ажратиб кўрсатади. Инсон ва жамият ўртасидаги зиддият — Фрейд ҳал этмоқчи бўлган бош муаммодир.

ФРОММ Эрих (1900-1980) — америкалик файласуф, социолог ва психолог. Фроммнинг ижтимоий назарияси фрейдизмнинг анъанавий қоидаларини тафтиш қилиш ва уларни фалсафий антропология қоидалари билан уйғунлаштиришга асосланади. Фромм фикрича, тарих — бу инсоний моҳиятнинг унга душман бўлган ижтимоий тузилма шароитидаги ривожидир. Ҳозирги замон жамияти — илмий-техника инқилоби шароитида инсоний моҳиятни инсонни "машиналаштириш", "компьютерлаштириш" ва "роботлаштириш" йўли билан бегоналаштириш даражасидир. Бу Фроммнинг техницизмга қарши фикрларининг ёрқин намоён бўлишидир. Фромм капиталистик жамият шахсларнинг ўз-ўзидан бегоналашувини охирги даражасига етказувчи жамият деб қоралаган. Шунинг учун у "соғлом" жамият ижтимоий тизимининг идеал турини излаб, утопик "инсонпарвар коммунитар социализм" назариясини асосламоқчи бўлган.

ХОМАНС Жорж Каспар (1910) — америкалик социолог, психолог, ижтимоий айирбошлаш (алмашув) концепцияси муаллифларидан бири. 60-йиллардан бошлаб у структурали функционализмга қарши ижтимоий айрибошлаш концепциясини яратди. Хоманс шундай хулосага келдики, функционаллик концепцияси инсонни унутди, ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг энг оддий жараёнларини тан олмади, макросоциал тузилмалар ва институтлар ролини бўрттириб юборди. Аслида айнан субинституционал даражани ўрганиш, Хоманс фикрича, жамият меъёрий-қадрий тузилмасининг шаклланиши механизмларини очиб беради.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ -- (тахминан 1019/1021 — вафот этган йили номаълум) — туркий халқларнинг буюк адиби, олим ва мутафаккир, "Қутадғу билиг" фалсафий-дидактик достонининг муаллифи. Бу достон учун у қорахонийлар ҳукмдорларидан бўлган Тамғочхондан Хос ҳожиб (эшик оғаси) мартабасини олган. Юсуф Хос Ҳожибни бутун оламга танитган асар — "Қутадғу билиг"дир. "Қутадғу билиг" ("Саодатга йўлловчи билим") — туркий тилда битилган бадиий асардир. У қорахонийлар салтанатига кирувчи ҳудудда яшаган қабилалар, элатлар учун тушунарли тилда яратилган бўлиб, ҳозирги туркий

халқлар учун муштарак ёдгорликдир. "Қутадғу билиг" — давлатни идора қилиш усули, қонун-қоидалари, сиёсати ва мафкураси, турли ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг мавқеи ва муносабатлари, ахлоқ ва одобларини ифода этувчи ўзига хос низомномадир. Достоннинг сюжети 4 рамзий қаҳрамон (Кун туғди, Ой тўлди, Ўгдулмиш ва Ўзўурмиш) ўртасидаги баҳс ва мунозара асосига қурилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг социологик тасаввурлари достонда ўз ифодасини топган. Унда турли синфлар ва табақалар, уларнинг турмуш тарзи, манфаатлари баён этилади. Мутафаккир ҳаётий масалаларда диний эътиқодларга асир бўлиб қолмасликка чақиради. Эзгу орзуларга фақат тоат-ибодат билан етишиб бўлмаслиги, бунинг учун кўп эзгу ишлар қилиш, фойдали фаолият кўрсатиш керак, деган фикрни илгари суради.

2-илова

«ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ»
социологик тадқиқот
д а с т у р и

Муаммонинг қўйилиши. Истиқлол йўлига чиқиб олган Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган ислоҳотлар миллатлараро муносабатлар соҳасида бевосита акс этмоқда. Барқарор ва миллатлараро тотувлик – янги Ўзбекистон давлатчилигининг хусусиятидир. Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида таъкидлаганидек, "Сўнгги йилларнинг энг катта неъмати — бу умумий уйимиздаги тинчлик ва тотувликдир".

Ўтиш даврида давлатнинг зийрак сиёсати чуқур сифатий ўзгаришларни тақозо этувчи миллатлараро муносабатларнинг мутлақо янги тизимини яратишга йўналтирилгандир. Бу мураккаб жараённинг миллатлараро тангликсиз қарор топишида, шубҳасиз, мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Аҳиллик ва бошқа миллат вакилларига ўзаро ҳурматда бўлиш каби ўзбекларда тарихан шаклланган сифатлар "уларнинг умумий маданияти ҳамда менталитетнинг ажралмас таркибий қисмига айланган" (И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:

хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шароитлари ва кафолатлари. Тошкент, 1997, 77-бет).

Лекин шу билан бирга эришилган ютуқлар бизни хотиржамликка берилишимизга замин яратмаслиги керак, зеро, миллатлараро муносабатлар қандайдир ўзгармайдиган нарса эмас, ваҳоланки тарих, сиёсат, маданият ва албатта инсон руҳияти билан чамбарчас боғланган ҳаётий жараёндир. Маълумки, миллий ҳис-туйғулар энг нозик ва олдиндан аниқ башорат қилиб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади. Одамларнинг маълум миллатга мансублигини англаши кўпмиллатли жамиятимизда, биринчидан, бошқа миллатларнинг ўз миллатига бўлган муносабатларини тушуниши ва иккинчидан, умумий уйга тааллуқлигини англаш ҳис-туйғулари билан тўлдирилади. Умумий уйимиз тақдирига бўлган масъулиятни англаш туйғусининг миллий шарт-шароитлар ва анъаналар, шунингдек, умумий манфаатлар билан уйғунлашган ҳолда ҳис этилиши лозимдир. Шу сабабли этник хусусиятларнинг ҳал этилмаган масалаларини белгилаш миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради ва бу борада тадқиқотлар амалга оширишни кун тартибига чиқазади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар аҳволини тадқиқ қилиш зарурлиги қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, мустақиллик йиллари давомидаги нафақат республикамизда, балки бошқа давлатларда орттирилган тажрибани ҳисобга олиш. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, турли миллат вакиллари орасида фақат ўзаро ҳурмат, ишонч, уларнинг ўзаро маданий таъсири, келишув маданиятини ривожлантириш шароитидагина умумий уйимиз, келажагимизни қуриш мумкин;

иккинчидан, Марказий Осиёда тарихан мавжуд бўлган универсализм ғояларидан айниқса чуқур суғорилган Ўзбекистондаги ижтимоий муроса ва келишувчилик маданияти. Бу маданиятнинг асосини минтақадаги асосий миллатларнинг бошқаларга сабр, қаноат ва чидамлилик билан қараш хусусияти ташкил этади;

учинчидан, яқин келажакда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги кескин ўзгаришлар кутилмаётганлиги ва бу соҳада бирон-бир келишмовчилик йўқлиги ҳақида назарий тахминнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, ягона фуқаролик тотувлиги ўрнатилиши жараёнига ёрдам берувчи, лекин аввалги ўн йилликлар сиёсатининг акс садоси сифатида келишмовчилик вазиятларининг бўлиши мумкинлигини инкор этмайдиган ўзига хос тарихий- этнографик бирлик шаклланганлигини ҳисобга олиш;

бешинчидан, миллий давлатчиликка ва жамият хавфсизлигига таҳдид қилувчи этник ва миллатлараро можароларнинг олдини олиш мақсадларида;

олтинчидан, миллатлараро муносабатлар аҳволи эмпирик социология воситалари орқали етарли даражада ўрганилмаганлиги, масаланинг эмпирик пойдевори йўқлиги тадқиқотни ҳам назарий, ҳам услубий жиҳатдан долзарблигини оширади.

Шубҳасиз, миллатлараро тотувликни таъминлаш кўпмиллатли мамлакат шароитида жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар олиб боришнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда ижтимоий жараёнларнинг кейинги даврдаги ривожининг сифати ва мазмуни бу ерда амалда миллатлараро муносабатларнинг уйғунлашувига эришиш масаласида тўғри йўл танланганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу социологик тадқиқотнинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларнинг бугунги кундаги аҳволи Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклардан иборат асосий миллат ва туб ерли бўлмаган миллат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари даражаси, жанжал ва келишмовчиликлар келиб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш турли миллат вакилларининг ижтимоий қулайлик даражасини аниқлашдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг асосий вазифалари қўйидагилар:

— ижтимоий онгнинг асосий қадрият йўналишларини аниқлаш;

— Ўзбекистонга умумий уйимиз сифатида муносабатда бўлиш жамият барқарорлиги ва миллатлараро тотувликни ўрнатишнинг асосий омили деб билиш даражасини аниқлаш;

— жамиятдаги миллатлараро муносабатларга жамиятдаги турли хил ижтимоий гуруҳлар томонидан берилган баҳонинг сифати ва мазмунини ўрганиш;

— турли этник гуруҳларнинг ижтимоий саломатлиги турларини, уларнинг ўз ижтимоий мавқеи ҳақидаги тасаввурларни аниқлаш;

— миллатлараро муносабатлар ривожланиши йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий шакллар ҳолатини аниқлаш.

Тадқиқот предмети сифатида умумий уй шароитидаги Ўзбекистонликларнинг этномиллий ва ижтимоий-маданий ҳолатлар жараёнлари олинди. Таҳлилнинг асосий йўналиши қуйидаги муаммоларни аниқлаш орқали очиб берилмоқда:

а) Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат;

б) миллатлараро муносабатлар аҳволига баҳо бериш;

в) ижтимоий-иқтисодий вазиятга муносабати;

г) давлат тилининг бошқа миллат вакиллари томонидан ўрганиш даражаси.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг баъзи минтақаларидаги турли миллат вакиллари олинди.

Тадқиқот гипотезаси (тахмини). Тадқиқот асосномасида мамлакатимиз Президенти И.Каримов илгари сурган қуйидаги фикрлар методологик асослар вазифасини ўтайди: "Миллатлараро муносабатларда можаро вазиятлари юзага келиши учун негиз бор. Бу негиз Марказий Осиё республикаларининг ҳудудий-маъмурий чегараларини белгилаш бўйича Россия империяси олиб борган ва кейинчалик совет ҳокимияти давом эттирган сиёсатга асосланган (И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, 72-73-бетлар).

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакатдир. Бу ерда 950 минг рус, 1200 минг тожик, бир миллиондан ортиқ қозоқ, 250 минга яқин қирғиз ва бошқа кўплаб миллат вакиллари яшамоқдалар. Улар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун "Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз" шиори остида бирлаштириш муҳим аҳамият касб этади ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига қулай кириб боришимизга ёрдам беради.

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги гипотезаларга таянамиз:

1. Инсон ҳуқуқларининг камситилиш масалалари билан боғлиқ бўлган гуруҳий ва хусусий ёндашувлар, талаблар, шикоятларнинг эҳтимолий мавжуд бўлиши "ёлғон" стереотиплар, маълум маънода нотўғри шаклланган миллий

фикр-қарашлар, "майда миллат синдроми" нинг юзага чиқиши ва бошқа асоссиз бўлган муаммолар.

2. Давлатнинг мунтазам равишда олиб бораётган демократик ва одилона миллий сиёсати жамиятнинг ўз-ўзини миллий англаши жараёни орқали жипслашишга , шунга мос ва ўз вақтида барча миллатларнинг маданий-тил муаммоларининг ҳал этилишига, фуқаро тотувлигига ёрдам беради.

Сўров услуби. Тасодифий — эҳтимолий танланма йўли билан аҳолининг ижтимоий- демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган интервью (сўров) бирламчи маълумот тўплаш усулидир.

1999 йилда сўров Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ўтказилди. Режалаштирилган танланма сўров ҳажми —1600-1700 кишидан иборатдир.

Тадқиқот кўрсаткичлари. Қўйилган масалаларга мувофиқ тадқиқотда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Миллатлар бўйича ижтимоий статистика ва аҳоли рўйхати маълумотлари.
2. Мамлакатдаги миллатлараро ва фуқаровий тотувлик ҳақидаги умуммиллий қадриятларга таяниш даражаси.
3. Она Ватан респондент учун ниманинг ифодаси эканлигини аниқлаш.
4. Маданият ва тил муаммоларига муносабат.
5. Миллатлараро муносабатларнинг аҳволи, ундаги ижобий ва салбий ҳолатларни белгилаш.
6. Турли миллат вакиллари орасидаги келишмовчиликлар сабаби.
7. Мамлакатда яшашнинг ижтимоий қулайлиги даражаси.
8. Ҳозирги пайтдаги умумий ижтимоий-сиёсий вазиятнинг социологик баҳоси.
9. Умумий уйимиз қурилишидаги айрим салбий ҳолатларни бартараф этиш жараёнлари.
10. Республикадан кўчиб кетиш сабабларининг социологик таҳлили.
11. Шахсий фаоллик ва жамоат ишларида қатнашишнинг умумий манзараси.

Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари:

а) бирламчи ва иккиламчи қайта ишлаш;

б) компьютерга киритиш;
в) маълумотни ЭҲМда қайта ишлаш;
г) қайта ишланган якуний жадвалларни яратиш;
д) иккиламчи-учламчи маълумотлар тақсимотининг бирламчи таҳлили;
е) якуний таҳлил;
ж) хулоса ва тавсиялар.

Тадқиқот якунлари.

Маълумот таҳлил ҳисоботи, таҳлил маърузаси, маъруза матни.

Кутилаётган натижалар.

Тадқиқот миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни аниқлаб беради, салбий ҳолатларни йўқотиш йўлларини кўрсатади, умумий уйимизга бўлган фахр-ифтихор ҳиссиёти манбалари ва шаклланиш йўлларини белгилаб беради.

3-илова

"ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ"
сўровномаси

1. Регион_____
2. Район_____
3. Қишлоқ кенгаши_____
4. Шаҳар_____
5. Маҳалла_____
6. Аниқ манзил_____

Ассалому алайкум! Менинг исмим_____

Мен "Ижтимоий фикр" вакилиман. Биз одамларнинг мамлакатимиздаги миллатлараро, шахслараро муносабатлари ҳақида фикрини билмоқчимиз.

Бизнинг сўровномамиз махфий бўлиб, исм ва фамилиянгизни белгилаш шарт эмас. Сизнинг жавобларингиз фақат умумлаштирилган ҳолда фойдаланилиб, бизнинг умумий уйимизда миллатлараро ва фуқаровий ҳамжиҳатликни яхшилашга ёрдам беради.

Сана: Кун_____Ой_____Йил

Интервью бошланган вақти: _____Соат _____Дақиқа

А. Кўпмиллатли Ўзбекистон

А1. Мустақил Ўзбекистоннинг энг қимматли қадрияти, яъни умумий уйимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги деган фикрга қўшиласизми?

1. Ҳа, тўлиқ қўшиламан.
2. Қўшиламан.
3. Йўқ қўшилмайман. А3 САВОЛГА ЎТИШ
4. Жавоб беришга қийналаман. А3 САВОЛГА ЎТИШ

А2. Бизнинг жамиятимизда миллатлараро ва фуқаровий ҳамжиҳатликнинг асоси нимада деб ўйлайсиз? Интервьюер! Карточка №1. Узатинг 2-тагача жавобни белгилаш мумкин.

1. Президентимизнинг миллий сиёсати.
2. Давлатимизнинг оддий фуқарога нисбатан ғамхўрлиги.
3. Ижтимоий-сиёсий соҳада, иқтисодиётда барқарорлик.

4. Ўзбек халқининг юқори маънавий хислатлари, унинг бағри кенглиги.

5. Ўзбекларнинг бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан яхши муносабати.

6. Ўзбекистон мусулмонларининг бошқа дин вакилларига самимий муносабатлари.

7. Мамлакатимиздаги ўзбек миллатига мансуб бўлмаган миллат вакилларининг фуқаровий нуқтаи назардан ўзини тўғри тута билиши.

8. Бошқа нима? (Ёзинг) _____

А3. Ўзбекистон Сиз учун нимани ифодаси ҳисобланади?

И! Карточка №2. Узатинг. 2-тагача жавобни белгилаш мумкин!

1. Менинг жонажон Ватаним.
2. Аждод-авлодларимнинг Ватани.
3. Мен туғилиб ўсган мамлакат.
4. Менинг севимли уйим.
5. Яшаш жойи.
6. Бошқа нима? (Ёзинг)_____

А4. Ўзбекистон қомуси томонидан белгилаб берилган, диний ва миллий мансублигидан қатъий назар барча фуқароларнинг эркинлиги ва ҳуқуқларига, бизнинг мамлакатимизда амал қилиняптими?

6. Ҳа, тўлиқ амал қилиняпти.
7. Ҳа, етарли даражада амал қилиняпти.
8. Етарли даражада амал қилинмаяпти.
4. Амал қилинмаяпти А5 САВОЛГА ЎТИНГ

А5. Агар амал қилинмаётган бўлса, бу нимада ўз аксини топяпти?

(Ёзинг) _____

А6. Сиз учун нима муҳимрок – Сизнинг миллатингизми ёки фуқаролигингиз?

31. Миллатим.
32. Фуқаролигим.
33. Иккаласи ҳам муҳим.

34. Иккаласига нисбатан ҳам бефарқман.
35. Айтишим қийин.

А7. Сиз ўзбек (давлат) тилини биласизми?
1 Ҳа, аъло биламан А9 САВОЛГА ЎТИНГ
2. Ҳа, яхши биламан А9 САВОЛГА ЎТИНГ
36. Озроқ биламан
37. Йўқ, билмайман.

А8. Агар давлат тилини билмасангиз, уни ўрганишни хоҳлайсизми?
IV. Ҳа, хоҳлайман.
V. Ҳозир ўрганяпман.
VI. Йўқ, хоҳламайман.
VII. Айтишим қийин.

А9. Ўзбек тилини ўрганиш учун мавжуд имкониятларни қандай баҳолайсиз? **И! фақат битта жавобни белгилаш мумкин**
42 Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд.
43. Ўзбек тилини ўргатадиган жой йўқ.
44. Имкониятлар бор, лекин тилни ўрганиш қимматга тушади.
45. Бундай ўқишларга жойлашиш қийин
46. Ўқитиш даражаси паст
47. Яна нима? (ёзинг)_____

А10. Сиз ишлайдиган (ўқийдиган) муассаса раҳбарлари давлат тилини ўрганмоқчи бўлганлар учун ёрдам беряптиларми?
1.Ҳа 2.Йўқ 3.Айтишим қийин

А11. Ўзбекистон фуқароси эканлигингиздан Сиз ўзингизни қандай ҳис этасиз?
III. Ғурурлик.
IV Қониқарлик.
V. Бефарқ.
VI. Айтишим қийин.

В. Миллатлараро муносабатлар

В1. Бизнинг мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатларни Сиз қандай баҳолайсиз?

1. Жуда яхши. В3 САВОЛГА ЎТИНГ
2. Яхши. В3 САВОЛГА ЎТИНГ
3. Қониқарли. В3 САВОЛГА ЎТИНГ
52. Ёмон
5. Айтишим қийин В3 САВОЛГА ЎТИНГ

В2. Ёмон деб ҳисобласангиз, Сизнинг фикрингизча бу нималарда намоён бўлади? **И! Карточка №3 узатинг. Фақат битта жавобни белгилаш мумкин**

53. Миллий асосда келиб чиқадиган айрим жанжалларда
54. Миллатлараро тўқнашувларда
55. Очиқдан-очиқ миллатлараро тўқнашувларда
56. Славян миллати вакилларининг ҳуқуқларининг камситилишида (рус, украин)
57. Бошқа туб жой халқлари ҳуқуқларининг камситилишида (тожик, қирғиз, қозоқ, туркман).
58. Яна нимада? (ёзинг)_____

В3. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро муносабатлар қандай ўзгарди?

59. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ўсди.
60. Ҳеч нарса ўзгармади.
61. Зиддиятлар пайдо бўлди.
62. Айтишга қийналаман.

В4. Биласизки, миллатлараро муносабатлар яхши бўлганда ҳам маиший миллатчилик ҳоллари учрайди. Сиз шундай ҳоллар билан ўзингиз тўқнашганмисиз?

63. Ҳа, мен бундай ҳоллар билан кўп тўқнашганман
64. Баъзан бўлган
65. Йўқ, мен бундай ҳоллар билан тўқнашмаганман
66. Айтишга қийналаман.

В5. Сизнингча, ҳар хил миллат вакиллари билан бўладиган жанжалларга нима асосий сабаб бўлади?**И!карточка№ 4 узатинг. 2-тагача жавобни белгилаш мумкин**

67. Кундалик ҳаётдаги маиший соҳаларда учрайдиган миллатчилик
68. Диний экстремизм
69. Ўзбек халқининг ишга жойлашишида ва мансабга эга бўлишидаги имтиёзи
70. Тарбиядаги камчиликлар
71. Ўзбек халқига мансуб бўлмаган бошқа миллат вакилларининг телевизор, радио, республика матбуотларида мунтазам чиқишларининг йўқлиги
72. Яна нима?(Ёзинг)_____

В6. Бизда Ўзбекистонда кайси миллат вакиллари билан келишмовчиликлар келиб чиқади? **И! 3-тагача жавобни белгилаш мумкин**

73. Бундай келишмовчиликлар бўлмайди
74. Ўзбеклар ва руслар орасида (украинлар ва ҳ.к.)
75. Ўзбеклар ва тожиклар орасида
76. Ўзбеклар ва қирғизлар орасида
77. Ўзбеклар ва туркманлар орасида
78. Ўзбеклар ва қозоқлар орасида
79. Ўзбеклар ва корейслар орасида
80. Ўзбеклар ва қорақалпоқлар орасида
81. Яна кимлар орасида? (Ёзинг)_____

В7. Ўзингизда миллатингиз билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар ёки ноқулайликлар сезасизми?

82. Ҳа.
2. Йўқ. В9 САВОЛГА ЎТИНГ
3. Айтишим қийин. В9 САВОЛГА ЎТИНГ

В8.Ҳа десангиз, асосан бу нимада сезилади?
(Ёзинг)_____

В9. Сизнингча, республикамизда ўзбекларнинг ўзлари орасида маҳаллийчилик ҳоллари борми?

83. Ҳа, бор.
84. Баъзан бўлади.

3. Йўқ, бундай ҳоллар бўлмайди. С1 САВОЛГА ЎТИНГ
4 Айтишим қийин. С1 САВОЛГА ЎТИНГ

В10. Сизнингча, ўзбеклар орасидаги маҳаллийчилик ҳоллари асосан нималарда кўринади? (ёзинг)_____

С. Ижтимоий – сиёсий ҳолат

С1.Сизга мамлакат фуқароси сифатида Ўзбекистонда нима кўпроқ ёқади?

И! Карточка №5 узатинг. 3-тагача жавобни белгилаш мумкин

85 Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, жамиятда фуқаролар ҳамжиҳатлиги, тинчлиги.
86. Иқтисодий барқарорлик.
87. Президентнинг ички ва ташқи сиёсати.
88. Мамлакатнинг бой тарихи.
89 Чиройли манзараларга бойлиги.
90. Ўзбек халқининг маданияти ва миллий урф-одатлари.
91. Яна нима? (ёзинг)_____

С2. Сизнинг фикрингизча, қуйида келтирилган мулоҳазалардан қайси бири, 1999 йил феврал воқеаларидан кейин, Ўзбекистоннинг ички сиёсий ҳолатини тўлиқ акс эттиради? **И! Карточка № 6.Узатинг. Фақат битта жавобни белгилаш мумкин**

92. Ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланяпти, жамиятдаги миллатлараро, фуқаровий ҳамжиҳатлик ва тинчлик сақланмоқда.
93. Халқ ўзини осойишта ва тинч ҳис этмоқда.
94. Қандайдир нохушликлар бор.
95 Айтишим қийин.

С3. Сизнинг фикрингизча, келтирилган салбий ҳолатлардан қайси бири Ўзбекистонга энг катта хавф туғдиради ва бизнинг умумий уйимизда осойишта ҳаёт кечиришга халақит берали?

И!Карточка№7 узатинг. 2-тагача жавобни белгилаш мумкин

96. Диний экстремизм.
97. Коррупция ва порахўрлик.

98. Жамиятнинг бой ва камбағалларга табақаланиши.
99. Бюрократизм.
100. Жиноятчилик ва гиёҳвандлик.
101. Маҳаллачилик ва қариндошчилик.
102. Ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши, маҳаллий ҳокимият ташкилотлари томонидан қонунсизликларга йўл қўйилиши.
103. Ижтимоий муаммолар (ишсизлик, нархлар, турмуш даражаси, бандли)
104. Қўшни давлатларнинг нотинчлиги.
105. Бошқа нима?(ёзинг)_____

С4. Бизнинг умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикнинг асосий кафолати ким ёки нима? **И! Карточка №8 узатинг. 3-тагача жавобни белгилаш мумкин**
106. Президент.
107. Маҳаллий ҳокимият ташкилотлари.
108. Миллий Армия.
109. Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги изчиллик
110. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилиши.
111. Нодавлат ташкилотларнинг фаоллиги, бизнинг умумий уйимиз қурилишида ҳамма фуқароларнинг иштироки
112. Яна нима? (Ёзинг)_____

С5. Сиз Ўзбекистондан кўчиб кетишни хоҳлайсизми?
И! Фақат битта жавобни белгилаш мумкин
113. Йўқ, хоҳламайман. С8 САВОЛГА ЎТИШ
114. Йўқ, ҳеч қандай шароитда ҳам кўчиб кетмайман. С8 САВОЛГА ЎТИШ
114. Хоҳишим бор, лекин ҳали имкониятим йўқ.
115. Кўчиб кетишни хоҳлайман, лекин кўчиш учун аниқ бир чора-тадбир кўрмадим.
116. Аниқ бир ўта хавфли шароитда кўчиб кетаман.
117. Яқин орада кўчиб кетаман, кўчиш билан боғлиқ бўлган асосий масалалар ҳал бўлган.

С6. Агар хохишингиз бўлса, сизнинг Ўзбекистондан кўчиб кетишингизни асосий сабаби нимада? (ёзинг)_____

С.7. Агар кўчиб кетишни истасангиз, қайси давлатга? Ёзинг_____

С8. Сизнинг фикрингизча, бизнинг умумий уйимиз – Ўзбекистонни айни пайтда ободонлаштиришда нима муҳим аҳамиятга эга?

И! Карточка №9 узатинг. 4-тагача жавобни белгилаш мумкин

118. Тинчлик, барқарорликни, миллатлараро ва фуқаровий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда.

119. Турмуш даражасини ва сифатини оширишда.

120. Жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишида.

121. Бозор ислоҳотларининг изчил ўтказилишида.

122. Ўзбек халқининг урф-одатларини сақлаш ва тарихий меросини тиклашда.

123. Демократик қадриятларни, ижтимоий адолат тамойилларини ўзлаштиришда.

124. Барчага (қайси миллатга мансублиги, диний эътиқоди ва жамиятдаги ҳолатидан мустасно) ривожланиши ва ўз қобилиятларини намоён этиш учун тенг имкониятлар яратишда.

125. Эркин танловларда.

126. Шахсий мулкдорликни ривожлантиришда.

127. Фуқароларнинг бошқарув жараёнларида иштирокини кенгайтиришда.

11. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришда.

128. Оммавий ахборот воситалари ишларини яхшилашда.

129. Суд тизими ислоҳотларида.

130. Яна нима? (Ёзинг)_____

С9. Сиз ўз маҳаллангиз тадбирларида иштирок этасизми?

1. Ҳа, иштирок этаман. 3. Йўқ, иштирок этмайман.
2. Кам иштирок этаман. 4. Айтишим қийин.

C10. Ўзингизнинг бирон-бир муаммоларингизни ҳал этиш учун маҳаллага мурожаат қиласизми?

131.Ҳа, тез-тез.
132.Баъзан.
133.Йўқ, мурожаат қилмайман.
134.Айтишим қийин.

C11.Маҳалла сизга ёрдам берадими?

1. Ҳа, тез-тез ёрдам беради.
2. Ҳа, баъзан ёрдам беради.
3.Йўқ, ёрдам бермайди.
4.Айтишим қийин.

C12.Сизнинг маҳалла қўмитангиз фаолми?

135.Жуда фаол.
136.Етарлича фаол.
137.Унча фаол эмас.
138.Ҳеч қандай фаоллик йўқ.
139.Айтишим қийин.

D. Демография

D1.Жинсингиз?

1. Эркак
2.Аёл

D2.Тўлик ёшингиз? _____

D3.Нечанчи йилдан сиз Ўзбекистонда яшайсиз?

140.Туғилганимдан
141.Нечанчи? (Ёзинг)_____

D4.Маълумотингиз?

142.Бошланғич.
143 Тўлиқсиз ўрта.
144.Умумий ўрта.
145.Ўрта махсус.
146.Тўлиқсиз олий.
147.Олий.

D5. Сизнинг мутахассислигингиз ва касбингиз?

D6. Миллатингиз?

1. Ўзбек.
2. Қозоқ.
3. Тожик.
4. Қирғиз.
5. Туркман.
6. Славян (рус, украин, беларус).
7. Татар.
8. Кореес.
9. Уйғур.
10. Бошқа (Ёзинг)_____

D7. Ким бўлиб ишлайсиз? (ишлайдиганлар учун)

ШУ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. САМИМИЙ ЖАВОБЛАРИНГИЗ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМИЗ

Интервью тугаган вақти_____соат _____дақиқа
Интервьюер_____Имзо_____
Қабул қилиш/текшириш_____Имзо_____
Кодлаштирувчи_____Имзо_____
Оператор_____Имзо_____

4-илова

ТАСОДИФИЙ СОНЛАРНИНГ ЖАДВАЛИ

Тасодифий танлашлар учун, агар танлов мажмуасининг ҳажми 1000 дан ортиқ бўлмаса, тасодифий сонлар жадвалидан фойдаланиб, ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун бош мажмуанинг барча бирликларини тартиб бўйича рақамланади. Сўнг, ундан, тартиб рақами бўйича жадвалдан ёзиб олинган сонлар билан бир хил бўлган танлов мажмуасининг сонига мос келадиганлар ажратиб олинади.

Агар бош мажмуанинг элементлари уч хонали сонлар билан рақамланган бўлса, уларни жадвалдаги биринчи ёки охирги учта сонларнинг рақамлари билан боғлаш лозим. Боғланишни ёки устун ёки сатр бўйича ўтказиш мумкин. Агар рақамларнинг бирикмаси қандайдир кейин келувчи сонларда такрорланса, у ҳолда бу сонни ўтказиб, кейингисига ўтиш лозим.

10 09 73 25 33 76 52 01 35 86 34 67 35 48 76 80 95 90 91 17
37 54 20 48 05 64 89 47 42 96 24 80 52 40 37 20 63 61 04 02
08 42 26 89 53 19 64 50 93 03 23 20 90 25 60 15 95 33 47 64
99 01 90 25 29 99 01 90 25 29 09 37 67 07 15 38 31 13 11 65
12 80 79 99 70 80 15 73 61 47 64 03 23 66 53 98 95 11 68 77

39 29 27 49 45 66 06 57 47 17 34 07 27 68 50 36 69 73 61 70
00 82 29 16 65 31 06 01 08 05 45 57 18 24 06 35 30 34 26 14
35 08 03 36 06 85 26 97 76 02 02 05 16 56 92 68 66 57 48 18
04 43 62 76 59 63 57 33 21 35 05 32 54 70 48 90 55 35 75 48
12 17 17 68 33 73 79 64 57 53 03 52 96 47 78 35 80 83 42 82

65 81 33 98 85 11 19 92 91 70 98 52 01 77 67 14 90 56 86 07
86 79 90 74 39 23 40 30 97 32 11 80 50 54 31 39 80 82 77 32
73 05 38 52 47 18 62 38 85 79 83 45 29 96 34 06 28 89 80 83
28 46 82 87 09 83 49 12 56 24 88 68 54 02 00 86 50 75 84 01
60 93 52 03 44 35 27 38 84 35 99 59 46 73 48 87 51 76 49 69

22 10 94 05 58 60 97 09 34 33 50 50 07 39 98 65 48 11 76 74
50 72 56 82 48 29 40 52 42 01 52 77 56 78 51 80 12 43 56 35
13 74 67 00 78 18 47 54 06 10 68 71 17 78 17 74 35 09 98 17
36 76 66 79 51 90 36 47 64 93 29 60 91 10 62 69 91 62 68 0391 82 60
89 28 93 78 56 13 68 23 47 83 41 13 09 89 32 05 05ва ҳ.к

АДАБИЁТЛАР

Ўзбек тилидаги адабиётлар

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т.: «Ўзбекистон», 1996.

1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.

1.3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: «Ўзбекистон», 1994 й. 160-бет.

1.4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000.

1.5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

1.6. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1999 й. 8-бет.

1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998 й. 295-б.

1.8. Каримов И.А. «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: «Ўзбекистон», 1993.

1.9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995. 74 бет.

1.10. Каримов И.А. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тўплам. Т.: «Шарқ», 1997.

1.11. Алиқориев Н.С. ва бошқ. Умумий социология. - Т.: Университет, 1999.

1.12. Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т.Парсонса. М.: 1972.

1.13. Бегматов А. Социологияга кириш. -Андижон, 1995.

1.14. Бекмуродов М.Б. Социология асослари. - Т.: «Фан», 1994.

1.15. Бекмуродов М.Б. Мовароуннаҳрда жамоатчилик фикри тарихи. - Т.: «Фан», 1994.

1.16. Бекмуродов М.Б. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. - Т.: «Фан», 1998.

1.17. Беруний, Абу Райхон. Танланган асарлар. Масъул муҳаррир ва кириш сўзи И.Абдуллаевники. Т.: «Фан», 1968 йил. Т.I.. 486 бет.

1.18. Беруний, Абу Райҳон. Танланган асарлар. Т.: «Фан», 1965 йил. Т.II. 537 бет.

1.19. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1964.

1.20. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. — Т.: Маънавият, 1999.

1.21. Жўраев С. Ёшлар сиёсатига оид. — Т.: Ўзбекистон, 1994.

1.22. Кабиров К. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи. — Т.: Фан, 1995.

1.23. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

1.24. Отамуродов С. ва бошқ. Политология. Т., 1999.

1.25. Социология. Маърузалар матни. Олий ва ўрта таълим вазирлиги нашриёти. Т., 2000. 246 б.

1.26. Б.Р.Убайдуллаева, О.Отамирзаев, М.Бекмуродов, Ў.Қаюмов. Социологик тадқиқотлар амалиёти. «Ижтимоий фикр» Маркази. Т.,2001 йил, 6,0 б.т.

1.27. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Фозил шаҳар одамлари. Т.: Мерос. 1990. — 224 б.

1.28. Холбеков А., Идиров У. Социология. Луғат. — Т.: Ибн Сино, 1999.

1.29. Энциклопекдик луғат. 1-том. — Т.: Ўзбек. Бош Энцик. 1988.

1.30. Юнусов К. Социология. Методик ўқув қўлланмаси. — Андижон, 1997.

1.31. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.

1.32. Қуръони Карим. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур/ — Т.: Чўлпон, 1992. — 672 бет.

Хорижий тиллардаги адабиётлар

2.1. Арон Р. Этапы развития социологической мысли. М., 1992.

2.2. Бергсон А. Философская ситуация // Новые идеи в философии, СП б, 1912.

2.3. Бзежинский З. Великая шахматная доска. М., 1998.

2.4. Брайс Д. Американская республика в трех частях, ч.Ш, М., 1980.

2.5. Белл Р.Т. Социолингвистика /Пер. с англ. — М., 1980.

2.6. Бурганова Л.А. Институционализация социологии в США. //Социс-1998. – №11.

2.7. Бурдье П. Социология политики /Пер. с франц. М., 1993.

2.8. Вебер М. Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990.

2.9. Вишневский Ю.Р., Шапко В.Т. Социология молодёжи. Екатеринбург. 1995.

2.10. Волков Г.Н. Социология науки. М., 1968.

2.11. Гараджа В.И. Социология религии: Учебн. пособие. М., 1995.

2.12. Гидденс Э. Социология. М., 1999.

2.13. Гидденс Э. Стратификация и классовая структура // Социол. исслед. — 1992. — №11.

2.14. Голод С.И. Стабилность семьи: социологический и демографический аспект. М., 1984.

2.15. Гуссерль Э. Философия как строгая наука. М.: Логос, 1911.

2.16. Даштамиров С.А. Социальные нормы: гносеологический и социологический анализ. – Баку, 1984.

2.17. Дильтей

2.18. Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. СПб. 1994.

2.19. Дюркгейм Э. О разделение общественного труда; Метод социологии. М., 1991.

2.20. Здравомыслов А.Г. Потребности. Интересы. Ценности. М., 1986.

2.21. Ионин Л.Г. Социология культуры /Учебн. пособие. М., 1996.

2.22. Ибн Сино (Авиценна). Избранные философские произведения. — М. 1980.
2.23. История социологии. Учебн. пособие. Мн.: Выш. шк. 1998.
2.24. История социологических учений, Древний Восток. М: Изд-во Ан, 1950.
2.25. Карбанье Ж. Юридическая социология /Пер. с франц. М., 1986.
2.26. Каххаров А.Г. Социология: Окружающая среда и общество. М., 1993.
2.27. Комаров М.С. Введение в социологию. — М.: Наука, 1994.
2.28. Кон И.С. В поисках себя. М., 1984.
2.29. Конт О.
2.30. Лебедев П.Н. Социология управления. Л., 1982.
2.31. Мертон Р.К. Социальная структура и аномия. //Социс. 1992, №2-3-4.
2.32. Ницше Ф. По ту сторону добро и зло // Социс. 1992, №2-3-4.
2.33. Осипов С.С. Основы социологии. М, 1997.
2.34. Пригожин А.И. Социология организаций. М., 1980.
2.35. Радаев В. Экономическая социология. — М., 1998.
2.36. Рассель
2.37. Саймон Б. Общество и образование /Пер. с англ. М., 1989.
2.38. Сартр Дж. Вертикальная демократия // Полис — 1993. — №2.
2.39. Смелзер Н. Социология. — М., 1994.
2.40. Соканова Г. Экономическая социология. — Мн. Высш. школа, 1998.
2.41. Соловьев В.С. Философские начала цельного знания. Соч-е в 2-х т. М.: 1988.
2.42. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992.
2.43. Сорокин П. Общедоступный учебник социологии. Статьи разных лет. М., 1994.
2.44. Социология. М.: Изд. Объединение ЮНИТИ, 1998.
2.45. Социология преступности. — Под ред. Б.С. Никифорова. Пер. с англ. М: Прогресс, 1966.

2.46. Тард Ж. Законы подражания. Перев. с франц. СПб.: Институт социальной психологии. 1992.

2.47. Убайдуллаева Р.Т. Социология как наука: Курс лекций. – Т., 1999.

2.48. Удальцова М.В. Социология управления. — Учебное пособие. — Новосибирск, 1998.

2.49. Ульрих Р. Ал-Матуриди и суннитская теолигя в Самарканде. — Алматы, Фонд XXI век, 1999.

2.50. Фрейд З. Психология бессознательного. (Перевод) М.: Просвещение, 1990. — 447 стр.

2.51. Фролов С.С. Социология. — М., 1994.

2.52. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. М.: АСТ — ЛТД. 1998. — 670 стр.

2.53. Фромм Э. Душа человека. Пер. — М.: Республика. 1992. -430 стр.

2.54. Хайдеггер М. Личностное знание. На пути к посткритический философии. М.: 1985.

2.55. Хан С., Хан В. Социология (Курс лекций). – Т. Адолат, 1999.

2.56. Харчева В. Основы социологии. М., 1999.

2.57. Шопенгауэр А. О четвероякoм карне. Мир как воля и представление. М.: 1993.

2.58. Шпильберг Р. Социология труда / Пер. с нем. М., 1982.

2.59. Ядов В.А. Социологические исследование: Методология, программа, методы. М., 1987.

2.60. Яковлев А.М. Право и социология. М.: Юрид. лит-ра. 1975. — 122 стр.

2.61. Cooley C.H. Primary Groups and Ideals // A Workbook and Reader in Sosiology. — Berkeley, California, — 1968.

2.62. Cooper P. Sociology. An introduction course. — L., 1988.

2.63. Gn A. Sociology. — N.Y., 1968.

2.64. Hess B., Marcson E., Stein P. Sociology. — N.Y., 1991.

2.65. James W. Vander Zanden. Sociology. The Core. Ohio State University., 1990.

2.66. Lundberg G., Scrag C., Largen O., Catton W. Sociology. — N.Y., 1991.

2.67. Robertson I. Sociology. — N.Y., 1977.

2.68. Ясперс К. Философская вера. Смысл и назначение истории. М.: 1991.

2.69. Мерсье Андре. Философия и наука. Proceedings of the XV-th World Congress of philosophy. Sofia, 1973.
2.70. Бердяев Н.А. Самопознание, М.: 1990.
2.71. Богданов А.А. Системная организация материи. М.: 1925.
2.72. Бунгем. Причиность. Место принципа причинности в современной науке. М.:1962.
2.73. Беркли Дж. Трактат и принципах человеческого познания. М.: 1978.
2.74. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М.: 1986.
2.75. Бекон Ф. Новый арганон. //Сочинение в 2-х т. М.: 1978.
2.76. Виндельбанд В. Избранное. Дух и история. М.: 1995.
2.77. Винер Н. Кибернетика и общество. М.: 1958.
2.78. Гегель. Философия права. М.: 1987.
2.79. Грот Н.Я. Философия, как ветв исскуства. М: 1993.
2.80. Гадамер Хонс-Георг. Истина и метод. Основы философской герменевтики. М.: 1988.
2.81. Гольбах П.А. Система природы или о законах мира физического и мира духовного. М.: 1940.
2.82. Зиммель Г. Сущность философии. Сб. «Вопросы теории и психологии творчества». Т.VII. Харьков 1916.
2.83. Кант И. Логика. Тракты и письма. М.: 1985.
2.84. Камю А. Миф о сезифе. Эссе об абсурде. М.: 1989.
2.85. Локк Дж. Опыт о человеческом разуме. // изб. филос. произв-е в г-х т. М.: 1960.
2.86. Лосский Н.О. Человеческое «я» как предмет мистической интуации. М.:1995 г.
2.87. Лосев А.Ф.Философия. Мифология. Культура. М.: 1991.
2.88. Лейбниц Г.В. Критика чистого разума. Сомнения в 6 томах. М.:1984.
2.89. Манее А.К. Движение, противоречие, развитие. М.: 1972.
2.90. Полани М. Личностное знание. На пути к пасткритической философии. М.: 1985.
2.91. Поппер К. Открытое общество и его враги. Соч-е в 2-х т. М.: 1992.

2.92. Поварнин С.И. Спор. О теории и практике спора. Минск 1992.

2.93. Пригожин И. Порядок из хаоса. Новый диалог «Человек и природой». М.:1986.

2.94. Струве Г. отличительные черты философии и их значение в сравнении с другими науками. Варшава 1872.

2.95. Сатрт Ж.П. Проблемы метода. М.: 1994.

2.96. Селье Г. От мечты к открытию. М.: 1987.

2.97. Спиноза б. Этика. Избр0ые произв. В 2-х т. М.: 1957.

2.98. Сагатовский В.Н. Русская идея: продолжим ли прерванный путь? СП.б. 1994.

2.99. Трубецкой Е.Н. Смысл жизни. М.: 1994.

2.100. Чайтхед А.Н. избр-ные работы по философии. М.: 1990.

2.101. Фрейд З. Введение в психоанализ. Лекции. М.: 1989.

2.102. Флоренский П.А. Столп и утверждение истины. М.: 1990.

2.103. Франк С.Л. Непостижимое. Сочинение. М.: 1990.

2.104. Фейерабенд П.К. Избранные труды по методологии и науки. М.: 1986.

2.105. Федоров Н.Ф. Философия общего дела. Соч-ие. М.: 1982.

2.106. Шпет Г.Г. Философские этюды. М.: 1994.

2.107. Шлик М. Поворот в философии. Аналит. Филос-ия. М.:1993.

2.108. Юиг К.Г. Проблемы души нашего времени. М.: 1994.

2.109. Юшкевич П.С. О сущности философии. Одесса, 1921.

ИСМ КЎРСАТКИЧЛАРИ

КАРИМОВ И. А.
— 4,5,77,114,133,138,140,165,171,194,195,201,216,319
АБУ ҲАНИФА — 40,41,68
АБУ АЛИ ИБН СИНО — 15,44,46,47,77,91,151,152,211,308
АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ — 38,39,40,41,42,122
АВЛОНИЙ — 97
АДОРНО Т. — 308
АЛИ БАҲОВУДДИН БАЛОГАРДОН – 108,109,215
АЛИШЕР НАВОИЙ – 15,46,49,50,77,91,250,319,308
АМИР ТЕМУР – 15,45,77,319
АНАКСАГОР – 27,28
АНАКСИМАНДР — 25
АНАКСИМЕН — 25,26
АРИСТОТЕЛ — 18,28,30,31,32,69,105,122,125,149,150
АРОН Р. — 308
АРЧИ БАМ — 115
АСМУС Г.Ф. — 27
АТ-ТЕРМИЗИЙ — 15
АХУНЖОНОВА С. — 115
БАҲОВУДДИН НАҚШБАНДИЙ – 15,108,109,215
БАКУНИН А. — 206
БАУР В. — 205
БЕҲБУДИЙ — 95,96,97
БЕДИЛ М. — 309
БЕККАРИА Ч. — 118
БЕККЕР — 309
БЕКМУРОДОВ М. — 115,206,212,214
БЕЛЛ А. — 105,310
БЕРУНИЙ АБУ РАЙҲОН — 32,41,43,44,77,92,122,
211,212,213,214,319,308
БЕХТЕРЕВ В.И. — 209,210
БЖЕЗИНСКИЙ З. — 310
БОЛЛИНЖЕ Д. — 190,191,192
БРАЙС Д. — 205
БРУНО Ж. — 122
БУДДА — 34
БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ — 68

ВЕБЕР М. — 10,11,57,60,66,67,68,92,93,126,127,161,186,310
ВЕБЛЕН Т. — 310
ВЕРГИЛИЙ — 32
ГЕГЕЛЬ — 126,151,153,207,208
ГЕЛЬВЕЦИЙ К. — 118
ГЕРАКЛИТ — 27,125
ГЕРЦЕН А. — 206
ГЕСИОД — 27
ГОББС — 156
ГОБИНО Ж. — 310
ГОЛДНЕР А. — 186
ГОЛЬБАХ П. — 118
ГОЛЬСЕНДОРФ Ф. — 205
ГОМЕР — 25,34
ГОРАЦИЙ — 32
ГОРГИЙ — 27
ГУМПЛОВИЧ Л. — 56,310
ДАРЕНДОРФ Р. — 64,65,66,311
ДЕКАРТ Р. — 124,225
ДЕМОКРИТ — 28
ДИДРО Д. — 118
ДИЛЬТЕЙ Ь. — 59,68
ДЮРЕНТ Г. — 206,207
ДЮРКГЕЙМ Э. — 10,57,60,61,70,71,118,119,311
ЖАББОРОВ И. — 112
ЖАК МАРМОНТЕЛЬ — 208
ЖИЛЛИН Ж. — 80
JAMES W. — 185
ЗАҲИРИДДИН БОБУР — 15,77,91,319
ЗАРДУШТ — 34,69,122,319
ЗВОРЫЙКИН А.А. — 80
ЗЕНОН — 27
ЗИММЕЛЬ Г. — 59,60,61,65,68,311
ЗНАНЕЦКИЙ — 68,311
ИБН РУШД — 32,46,47
ИБН ХАЛДУН — 45,46,47,48,49,311
ИДИРОВ — 4
ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ — 68
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ — 15,122

КАРАКЕТОВ Й. — 115
КЕТЛЕ Л. — 311
КОМАРОВ Н.С. — 53,58
КОМИЛОВ Н. — 115
КОНТ О. — 52,54,61,68,70,88,91,311
КОНФУЦИЙ — 34,37,122,149
КСЕНОФАН — 25
КУЛИ Ч. — 205,311
ЛАЗАРСФЕЛЬД — 64,311
ЛАО ЦЗИН — 122
ЛЕБОН Г. — 205,311
ЛЕВКИПП — 28
ЛИПМАН У. — 205,206,207
ЛОКК — 156,207
ЛУКРЕЦИЙ КАР — 32
ЛЬЮИС Р. — 190
МАВЛУДИЙ А.А. — 124
МАКИАВЕЛЛИ — 156
МАЛЬТУС Т. — 315
МАНСУР ҲАЛЛОЖ — 122
МАРКУЗЕ — 311
МЕРЛО-ПОНТИ М. — 314
МЕРТОН Р. — 119,314
МИЛЛС Ж. — 105
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ —
6,7,14,21,22,32,50,68,77,78,87,106,114,132,138,160,164,171,193,201,216
МИРЗО УЛУҒБЕК — 15,46,77,91,319
МИХАЙЛОВСКИЙ Н.К. — 314
МИХЕЛЬС — 68,105
МОНТЕСКЬЕ Ш. — 118, 314
МОРЕЛЛИ — 118
МОСКА Г. — 68,105
МОТУРИДИЙ — 35,36,37
МУСО - 34
МУСУРМОНОВА О. — 115
НАЗАРОВ Қ. — 115
НИЦШЕ — 68,105
ОВИДИЙ — 32
ОТА-МИРЗАЕВ О. — 3

ОУГЛ М. — 205
ПАРЕТО В. - 57,58,68,105,315
ПАРМИНИД — 27
ПАРСОНС Т. — 11,12,186,315
ПИФАГОР — 25,26,27
ПЛАТОН — 28,29,30,68,69,105,122,125
ПЛЕХАНОВ В.Г. — 114
ПРИГОЖИН А. — 180,184,190
ПРОТАГОР — 27
РИСМЕН — 105
РУССО Ж. — 118,156
РЫХОВСКИЙ — 211
САТЕРЛЕНД Э. — 119
СЕНЬ-ЦЗИ — 149
СМЕЛЗЕР Н — 167
СМИТ А. — 315
СОҒИНОВ Н. — 115
СОКРАТ — 28,29
СОЛИС П.
СОЛОН - 123
СОНИ А. — 206
СОРОКИН П.А. — 10,57,62,63,64,65,198,316
СПЕНСЕР Г. — 54,55,56,70,316
ТАРД Т. — 316
ТЕЙЛОР Ф. — 161,167,170
ТЁННИС Ф. — 57,59,60,316
ТКАЧЕВ П. — 206
ТОЙНБИ А. — 68,105,316
ТОКАРЕВ С.А. — 111
ТОМАС — 68
УБАЙДУЛЛАЕВА Р.А. — 3
УЛЬРИХ РУДОЛЬФ — 35
УМАР ҲАЙЁМ — 122
УМАРОВ Б. — 115
УСМОНАЛИЕВ М. — 115
УСМОНОВА Э. — 115
ФАЙОЛА А. — 161
ФАЛЕС — 25,26
ФАРОБИЙ АБУ НАСР — 15,18,32,42,43,46,47,77,114,

122,149,150,151,319,317
ФЕРГЮССОН — 104
ФРЕЙД З. — 56,57,317
ФРИМЕН Л. — 209
ФРОММ ЭРИХ – 74,317
ФУРЬЕ Ш. — 118
ХАЙРУЛЛАЕВ М.Х. — 18,19
ХАРИБЕРГ Ф. — 193
ХОЛБЕКОВ А. — 105
ХОЛМАТОВА М. — 115
ХОМАНС Ж. — 317
ХОСЕ ОРТЕГА ГАССЕТ — 68,105,314
ХОФШТЕДЕ Г. — 190,191,192
ЦИЦЕРОН — 31,122
ЧЕСНОКОВ Я.В. — 111
ЧЕТВЕРНИН В.А. — 157
ШАЙХОВА Х. — 115
ШАРИПОВА Д. — 115
ШОУМАРОВ F. — 115
ЭМПЕДОКЛ — 27,28
ЭГЦИОНИ А. — 184
ЮНГ К. — 209
ЮСУФ ҲОС ҲОЖИБ — 45,91,319,318
ҚИРҒИЗБОЕВ М. — 155,156
ҚОДИРОВА З. — 115
ҚУЛАХМЕДОВ А. — 115
ҚУРЪОНИ КАРИМ — 41

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....4
1-БОБ. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ
1-§. Социология фанининг предмети ва объекти.....7
2-§. Социология фанининг соҳавий тизими ва ижтимоий фанлар таркибидаги ўрни.....14
Асосий тушунчалар.....21
Такрорлаш учун саволлар.....23
2-БОБ. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ
1-§. Антик дунё социологияси.....24
2-§. Шарқ мутафаккирларининг социологик қарашлари.....31
3-§. Ғарбий Европа социология мактаби.....45
Асосий тушунчалар.....58
Такрорлаш учун саволлар.....59
3-БОБ. МАЪНАВИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ
1-§. Ижтимоий муносабатлар социологияси.....61
2-§. Фан социологияси.....68
3-§. Дин социологияси.....75
4-§. Маданият социологияси.....83
5-§. Ахлоқ социологияси.....89
Асосий тушунчалар.....98
Такрорлаш учун саволлар.....99
4-БОБ. ИЖТИМОИЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ
1-§. Ижтимоий стратификация социологияси.....101
2-§. Ёшлар социологияси.....111
3-§. Девиант хулқ-атвор социологияси.....115
Асосий тушунчалар.....121
Такрорлаш учун саволлар.....124
5-БОБ. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ
1-§. Шахс, жамият ва давлат социологияси.....125
2-§. Ижтимоий бошқарув социологияси.....134
3-§. Иқтисод социологияси.....137
4-§. Меҳнат социологияси.....142
5-§. Ташкилотлар социологияси.....148
6-§. Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳалла тизими.....160
7-§. Жамоатчилик фикри социологияси.....166

Асосий тушунчалар..... 180
Такрорлаш учун саволлар.....183
6 БОБ. СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ
1-§. Социологик тадқиқотлар дастури.....184
2-§. Социологик тадқиқот усуллари.....196
3-§. Респондентларни танлаш усуллари.....214
4-§. Аҳоли ўртасида ишлашни ташкил этиш ва ўтказиш.....221
5-§. Социологик маълумотларни замонавий
усулларда ҳисоблаш.....228
6-§. Социологик маълумотларни таҳлил қилиш ва
умумлаштириш.....235
Асосий тушунчалар.....239
Такрорлаш учун саволлар.....242
ХУЛОСА.....243

ИЛОВАЛАР 245
1-илова. Жаҳон социологлари тўғрисида маълумотлар.....245
2-илова. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» социологик тадқиқот
дастури.....261
3-илова. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» сўровномаси.....267
4-илова Тасодифий сонларнинг жадвали.....277
Адабиётлар 278
Исм кўрсаткичлари.....285

Р.А.Убайдуллаева, М.Б.Бекмуродов, О.Б.Ота-Мирзаев

СОЦИОЛОГИЯ

Тошкент – 2002

Нашр учун масъул Н. Ҳалилов
Таҳририят мудири М. Миркомилов
Муҳаррир Д. Исмоилова
Бадиий муҳаррир М. Ҳайдарова
Мусаҳҳиҳа А. Меденова

Босишга рухсат этилди 5.03. 2002 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи 19,0. Нашр табоғи 18,7. Адади 5000. Буюртма 208

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,
Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30 уй.

«ЎАЖБНТ» Маркази, 700078,
Тошкент, Мустақиллик майдони, 5.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «ЎАЖБНТ» Марказида компьютер бўлимида тайёрланди.

«NISIM» босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ш.Рашидов кўчаси, 71 уй